

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУ/БЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Мирзакаримова М., Қаюмов А.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ
ўқув қўлланмаси

Тошкент-2003

«Миллий иқтисодиёт» предмети бўйича мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари, шу соҳа мутахассислари ҳамда иқтисодиёт масалаларига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Унда миллий иқтисодиётнинг иқтисодий фаолият, миллий иқтисодий фаолият иштирокчилари, ижтимоий меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқариш концентрацияси, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари, иқтисодий хавфсизлик каби асосий тушунча ва муаммолари ўрганилди.

Мазкур ўқув қўлланмада «Жаҳон иқтисодиёти», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш» курслари ва бошқа фанлар бўйича материаллардан фойдаланилган.

Тақризчилар:

А.А.Абдуғаниев, иқтисод фанлари доктори, профессор

П.З.Хошимов, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Масъул муҳаррир:

А.В.Ваҳобов, иқтисод фанлари доктори, профессор

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий Кенгашининг 2003 йил 29 январь мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган (5-сон Баённома).

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, бозор муносабатлари асосида янги мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш жараёнларини тезлаштирмақда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда туб ислохотларни амалга оширишнинг ўзига хос йўли танланди. Бу йўл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта асосий тамойилда ўз аксини топган бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтишни сиёсий ва ижтимоий ларзаларсиз, босқичма-босқич тараққиётини таъминлаб боришни назарда тутди. Бу йўл МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтиш даврининг ўзидаёқ иқтисодий барқарорликни таъминлабгина қолмай, балки мамлакатни иқтисодий ўсиш сари олиб чиқди, келгусида халқ хўжалигининг янада жадалроқ ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди. Натижада жаҳон иқтисодий адабиётида ҳақли равишда тараққиётнинг «Ўзбек модели», «Ўзбекистон йўли», «Ўзбек феномени», деган тушунчалар пайдо бўлди.

Республикада миллий иқтисодиёт шакллантириб борилаётган шароитда ушбу қўпланмани нашрга тайёрлаш билан китобхонларни, биринчи навбатда талабалар, мутахассислар, умуман иқтисодиёт билан қизиқувчиларни миллий иқтисодиётнинг умумий назарий ва услубий жиҳатлари, унинг ривожланиш омиллари ва механизмлари билан батафсил таништириш мақсадида миз.

Ҳар қандай мамлакат доирасидаги иқтисодий фаолиятнинг ўзига хослиги кўплаб омиллар: табиий ресурслар ва маълум иқлим шароитининг мавжудлиги; жамғарилган капитал миқдори ва жамиятнинг демографик салоҳияти; миллий урф-одат ва анъаналар ҳамда диний эътиқод; ниҳоят, мамлакатнинг сиёсий, давлат ва ижтимоий тузуми билан белгиланади.

Шу билан бир қаторда, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти, яъни унинг миллий иқтисодиёти бутун жаҳон иқтисодий тизими учун умумий бўлган кўплаб белгиларга эга бўлиб, асосан умумиқтисодий қонунлар асосида ривожланмоқдаки, уларни ҳукмрон доираларнинг ҳеч қандай «сиёсий идораси» бекор қила олмайди. Бу қонунларнинг у ёки бу қисқа муддатли даврда иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига тўсиқ бўлишига қар-

ши ҳар хил уринишлар беҳуда бўлиши мумкин. Бироқ тарихий тараққиёт кўрсатишича асрлар давомида, узоқ муддатли иштиқболда иқтисодий қонунлар томонидан йўналтирилган иқтисодий фаолият ана шу қонунлардан келиб чиқадиган қоидалар ва чегаралар бўйича давом этади.

Ушбу ўқув қўлланманинг асосий мақсади иқтисодий фаолият жараёнида вужудга келадиган муҳим муносабатларни ифодаладиган умумий иқтисодий тушунчаларни баён қилиш ҳисобланади. Унда миллий иқтисодиёт амал қилишининг тарихий ва услубий жиҳатлари; мамлакат доирасидаги ягона халқ хўжалиги мажмуаси сифатида миллий иқтисодиёт асосида ётган тамойиллар; у ёки бу мамлакатда тарихан пайдо бўлган турли иқтисодий тартиблар шароитида миллий иқтисодиётни бошқариш шакллари ўрганилади.

Ушбу ўқув қўлланмада мамлакат иқтисодий ривожланишининг тарихий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Турли тарихий даврлар ҳақидаги маълумотларнинг статистик таҳлили асосида миллий иқтисодиётнинг халқаро мавқеи, унинг тармоқ ва ҳудудий таркиби, иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш даражаси тадқиқ этилган. Бундай таҳлилдан шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакат иқтисодиёти мураккаб зиддиятли тавсифга эга. У саноат, қишлоқ хўжалигининг ўсиши ва пасайиши, гуллаб яшнаши ва иқтисодий инқирозининг юз бериш сабабларини кўрсатиб беради. Чор Россияси ва собиқ иттифоқ даврида республика иқтисодиётининг асрлар давомида бир томонлама, хом ашёга йўналтирилганликда тутиб келинганлиги унинг Европа, Америка ва дунёнинг бошқа саноати ривожланган мамлакатларидан орқада қолиши, жаҳон цивилизациясидан узилиши натижасида мавжуд иқтисодий салоҳиятдан мустақил равишда тўла ва самарали фойдалана олмасликка олиб келди. Айнан шунинг учун ҳам турли мамлакатлар миллий иқтисодиётидаги ўтиш жараёнларининг хусусиятларини таҳлил қилиш муҳимдир.

Ўқув қўлланмада амалга оширилган иқтисодий таҳлил янги иқтисодий тизим – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бугунги юз бераётган ўзгаришларнинг аҳамиятини тушуниш имконини беради.

Иқтисодий тизимлар алмашинуви икки муҳим муаммолар миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграция-

ланиши ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг таъминланиши билан узвий алоқадордир.

Бу муаммоларни ечиш йўллари бўйича ўқув қўлланмада ҳам айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ўқув қўлланмада миллий иқтисодиётнинг шаклланиш ва амал қилиш концепцияси ўқувчиларни иқтисодий таълимотлар тарихи, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, тизимлар ва тизимлар таҳлили назарияси ва бошқа негиз фанлар билан олдидан таништиришни кўзда тутди. Бу фанлар иқтисодий фаолият қонунлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантиради.

Мазкур ўқув қўлланма мамлакат миқёсидаги иқтисодий фаолият муаммоларига қизиқувчи барча тоифадаги ўқувчилар ҳамда иқтисодиёт мутахассислигига алоқадор талабалар, магистрлар, аспирантлар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган.

I БОБ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА РЕСУРСЛАР ЧЕКЛАНГАНЛИГИ МУАММОСИ

1.1. Ресурслар чекланганлиги муаммоси ва эҳтиёжлар

Ҳар қандай мамлакат миқёсида иқтисодий фаолиятнинг ўзига хослиги кўплаб омиллар: табиий ресурслар ва маълум иқлим шароитининг мавжудлиги, жамғарилган капитал миқдори ва жамиятнинг демографик салоҳияти, миллий урф-одатлар ва диний эътиқоднинг ўзига хослиги, мамлакатнинг сиёсий, давлат, ижтимоий тузуми билан белгиланади.

Шу билан бир қаторда, ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти, яъни миллий иқтисодиёт бутун жаҳон иқтисодий тизимлари учун умумий бўлган кўплаб хусусиятларга ҳам эга ва асосан ҳукмрон доираларнинг аллақандай «сиёсий ҳоҳиш - иродаси» билан инкор этилмайдиган умумиқтисодий қонунлар таъсирида ривожланади. Бу қонунларга қарши туришга уриниш у ёки бу қисқа муддатли давр ичида иқтисодий жараёнларнинг ривожланишини бузиб юбориши мумкин. Бироқ кўп асрли тарихий тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий қонунлар узоқ истиқболда ўзлари ҳақида билишни тақозо этади ва уларга асосланган иқтисодий фаолият бу қонунлар доирасида ва улардан келиб чиққан қоидалар асосида амалга оширилади.

Мазкур ўқув қўлланмасининг асосий мақсади иқтисодий фаолият жараёнида юзага келаётган муносабатларни акс эттирадиган умумиқтисодий категорияларни ўрганишдир. Бу ерда миллий иқтисодиёт амал қилишининг тарихий ва услубий жиҳатлари ва турлича иқтисодий тартиб - қоидалар шароитида уни бошқариш шакллари кўриб чиқилади.

Ресурслар чекланганлиги муаммоси тўғрисида гап кетганда, даставвал моддий неъматлар тушунчасини кўриб чиқиш лозим. У ёки бу буюмга неъмат мазмунини берадиган 4 шарт билан танишиб, сўнгра «ресурслар чекланганлиги» тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон фаолияти моддий неъматлар чекланганлиги билан кураш олиб борилгандагина иқтисодий мазмун касб этади.

Инглиз иқтисодчиси Альфред Маршалл (1842-1924) моддий неъматлар деганда «фойдали моддий буюмлар, моддий буюмларга эгалик қилиш ва фойдаланиш, улардан фойда чиқариб олиш ёки улардан келажакда фойда олишга бўлган барча ҳуқуқлар йиғиндиси» ни тушунган.

Демак, моддий неъматларга «табиатнинг табиий инъомларини», саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, қимматли қоғозлар, патент ҳуқуқи, саёҳат қилиш имконияти ва ҳ.к. ларни киритиш мумкин.

Инсон бойлиги (А. Маршаллнинг таърифлашича) – у эгалик қилаётган моддий неъматлар ва моддий неъматларни қўлга киритиш учун қўлланадиган ташқи характердаги (яъни масалан, иш юзасидан касбий алоқалар) номоддий неъматлардан иборатдир.

Карл Менгер (1840-1921) - Австрия сиёсий иқтисод мактабининг асосчиси – 4 та шартни келтиради, уларнинг мос келиши унинг назариясида у ёки бу буюмнинг неъмат характерига эга бўлишига олиб келади:

1. Инсон эҳтиёжи.
2. Буюмнинг уни яроқли қиладиган, эҳтиёжларни қондириш билан боғланишда бўладиган хусусияти.
3. Инсон томонидан бу сабаб боғланишининг англаниши.
4. Буюмдан эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиш учун унга эгалик қилиш имконияти.

Бу 4 шарт мос келгандагина, буюм неъмат бўла олади, агар улардан биронтаси бажарилмаса, у ҳолда буюм ҳеч қачон неъмат бўла олмайди.

Бунда турмуш даражасини ва фаровонликни тутиб туриш учун эҳтиёжларни қондиришда маълум уйғунлик мутлоқ зарурлиги муҳим. Ҳатто биргина эҳтиёжнинг тўлиқ қондирилиши ҳам инсон турмуши ва фаровонлигини таъминлай олмайди.

Шу ўринда қуйидагиларни ҳисобга олишга тўғри келади:

- а) кўпчилик неъматлар тўловсиз бўлмайди,
- б) уларга эга бўлиш учун қандайдир бошқа неъматлардан воз кечиш керак,
- в) ҳар қандай неъматнинг субститутлари (ўринбосарлари) мавжуд бўлади,
- г) субститутларни оқилона танлаш қўшимча харажатлар ва қўшимча фойдани таққослашни талаб қилади.

Демак, кўп сонли ва турли-туман инсон эҳтиёжларини маълум миқдордаги неъматлар ёрдамида қондириш зарур. Уларни яратиш учун талаб қилинадиган турли-туман ресурслар ҳам ўз навбатида, неъматлар ҳисобланади.

Барча иқтисодий ресурслар ёки ишлаб чиқариш омиллари битта умумий негиз хоссасига эга: улар тақчил ёки чекланган миқдорда мавжуд.

Иккита негиз бўлувчи далил иқтисодиётнинг бутун муаммосини ташкил қилади ва қамраб олади: биринчиси – жамиятнинг моддий эҳтиёжлари, уни намоён этувчи индивидлар ва муассасалар чексиз ёки битмас-туганмасдир. Иккинчи далил: иқтисодий ресурслар, яъни товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш воситалари эса чекланган ёки тақчилдир. «Моддий эҳтиёжлар» да биз айнан нимани тушунамиз? Энг аввало, бу истеъмолчиларнинг ўзларига наф келтирадиган товар ва хизматларга эга бўлиш ва фойдаланиши хоҳишидир. Уларнинг рўйхати маҳсулотларнинг кенг кўламини ўз ичига олади: уй-жой, автомобиль, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар. Сонсаноксиз маҳсулотлар кундалик эҳтиёж буюмларига ва зеб – зийнат буюмларига бўлинади. Ў учун зеб – зийнат ҳисобланган нарса Р учун кундалик зарур буюм бўлса, бир неча йил олдин зеб – зийнат ҳисобланган нарса энди кундалик эҳтиёж буюми бўлишини исботлашнинг ҳожати йўқ. Бироқ хизматлар (автотаъмирлаш, сартарошлик, кир ювиш ва ҳ.к.) ҳам моддий маҳсу-

лотлар сингари бизнинг эҳтиёжларимизни қондиради. Кўплаб буюмларни ҳақиқатдан ҳам улар кўрсатадиган хизматлари учун сотиб оламиз. Товар ва хизматлар ўртасидаги фарқ бир қарашда ўйлаганимиздагидан кўра камроқ.

Моддий эҳтиёжлар хусусий корхоналар ва ҳукумат маҳкамаларининг ҳам эҳтиёжларини ўзида мужассамлаштиради. Хусусий корхоналар ишлаб чиқариш мақсадларига эришиш имконини берадиган фабрика бинолари, машиналар, юк автомашиналари ва бошқаларни ўз тасарруфида сақлашни истайди. Ҳукумат фуқароларнинг жамоа эҳтиёжларини ёки ўз мақсадларини акс эттириб, автошаҳобчалар, мактаб ва касалхоналар қуришга ҳаракат қилади. Моддий эҳтиёжлар жами амалий жиҳатдан битмас – туганмас ёки чексиздир, бу эса, Т ва Х ларга бўлган моддий эҳтиёжларни тўлиқ қондириш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Умуман айтиш мумкинки, ҳар бир дақиқада жамиятни ташкил этувчи индивидлар ва муассасалар кўплаб моддий эҳтиёжларнинг қондирилмай қолишини бошдан кечирадилар. Бу эҳтиёжлардан баъзилари (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой) инсоннинг биологик эҳтиёжлари билан умумийликка эга бўлади. Бошқалари жамиятда мавжуд урф-одат ва кўникмалар таъсирида юзага келади. Озиқ-овқат, кийим–кечак, уй-жойнинг махсус турлари кўпинча умумий ижтимоий ва маданий муҳит билан белгиланади. Вақт ўтиши билан эҳтиёжлар ўзгаради ва янги буюмларнинг пайдо бўлиши реклама ва савдони кучли рағбатлантириш таъсирида кўпаяди.

Бутун иқтисодий фаолиятнинг пировард мақсади ёки вазифаси бу кўплаб эҳтиёжларни қондиришга интилишдан иборат.

Ресурслар чекланганлиги. Иқтисодий ресурслар – чекланганми ёки тақчилми?

«Иқтисодий ресурслар» тушунчасида Т ва Х ни ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган барча табиий, инсон ва инсон томонидан ишлаб чиқарилган ресурсларни тушунамиз. Бу ресурсларни содда ҳолда туркумлаш эҳтиёжи пайдо бўлиши табиий:

1. Моддий ресурслар – ер ёки хом ашё буюмлари;
2. Капитал;
3. Инсон ресурслари – меҳнат;

4. Тадбиркорлик қобилияти.

Ресурсларнинг тоифалари:

- Ер, унда мавжуд барча табиий ресурсларга – ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган «табиат инъом этган» барча ресурслар тегишлидир. Бу тоифага ер, сув, минерал ресурслар, иқлимий ресурслар ва биологик ресурслар киради.
- Капитал «Капитал» ёки «Инвестиция ресурслари» тушунчаси унумли ишлаб чиқариш воситаларини, яъни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда ва уларни пировард истеъмолчига етказиб беришда қўлланиладиган ускуналар, машиналарнинг жами, фабрика, завод ускуналари ва омбор, транспорт воситалари ҳамда сотиш тармоғини ўзи ичига олади. Ишлаб чиқариш ва бу ишлаб чиқариш воситаларини жамғариш жараёнини инвестициялаш, деб аталади.

Бу ерда 2 ҳолатни қайд этиш муҳим:

1. Инвестиция товарлари истеъмол товарларидан шуниси билан фарқ қиладики, истеъмол товарлари эҳтиёжларни бевоқифа қондиради, инвестиция товарлари эса билвосита, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни таъминлаш орқали қондиради.
2. «Капитал» тушунчасида пул назарда тутилмайди. Пул ўз ҳолига ҳеч нарса ишлаб чиқармайди, демак, уни иқтисодий ресурс, деб бўлмайди.

Реал капитал – ускуналар, машиналар ва бошқалардир. Истеъмол ускунаси – бу иқтисодий ресурс, пул ёки молиявий капитал бундай ресурс ҳисобланмайди.

- Меҳнат – бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кишиларнинг барча жисмоний ва ақлий қобилиятларини (тадбиркорлик қобилияти бунга кирмайди) белгилаш учун ишлатиладиган кенг тушунчадир.
 - Тадбиркорлик қобилияти – бу тушунча мазмунининг ўзига ҳослиги тадбиркорнинг 4 та ўзаро боғлиқ вазифалари билан белгиланади:
1. Тадбиркор ер, капитал ва меҳнат ресурсларини товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштириш ташаббусини ўз зиммасига олади. Шу билан бир вақтда тадбиркор катализатор (мувофиқлаштирувчи) ва двигатель ролини бажариб ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи

ва жараёнини амалга ошириш учун бошқа ресурслар билан бир қаторда қўлланиладиган воситачи ҳам ҳисобланади.

2. Тадбиркор бизнесни юритиш жараёнида корхона фаолиятини белгилайдиган қарорлар қабул қилиш каби асосий вазифани ўз зиммасига олади.
3. Тадбиркор – бу янгиликка интилувчи, тижорат асосида янги маҳсулотларни тайёрлашга, янги ишлаб чиқариш технологиялари ва бизнесни ташкил қилиш соҳасига янги шаклларни киритишга доимо интилувчи шахс.
4. Бу таваккал қилувчи инсон. Тадбиркорга фойда олиш кафолатланмаган. Тадбиркор ўзининг вақти, меҳнати, ишдаги обрўсинигина эмас, балки ўзининг хусусий маблағларини, шериклари, яъни бошқа акционерлар билан биргаликда қўйилган маблағларни ҳам хатарга қўяди.

Ресурслар учун тўлов. Кўрсатилган ресурслар хусусий корхоналарга, пул даромадига айирбошлаш эвазига берилади. Моддий ресурсларни (хом ашё ва капитал-ускуналар) беришдан олинган даромад рента даромади, ёки % кўринишидаги даромад, деб аталади. Ўз ишчи кучини тақдим этаётганлар томонидан олинган даромад иш ҳақи деб аталади ҳамда мукофот, бонус, комисион, гонорарлар ва ҳ.к. ларни ўз ичига олади. Тадбиркорлик даромади фойда деб аталади, у тескари мазмун, яъни зарар шаклини ҳам олиши мумкин.

Ресурсларнинг нисбатан чекланганлиги. Барча иқтисодий ресурслар ёки ишлаб чиқариш омиллари умумий хусусиятга эга: улар тақчил ёки чекланган миқдорда мавжуд. Ер ресурсларнинг чекланган миқдоринигина ўзида мужассамлаштиради, улардан товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Ҳайдалган ерлар, фойдали қазилмалар, капитал, ускуна, ишчи кучи (иш вақти) – уларнинг мавжудлиги маълум доирада чекланган.

Ишлаб чиқариш ресурсларининг ва улар доирасининг чекланганлиги охир-оқибат ишлаб чиқариш фаолияти олдига ишлаб чиқариш ҳажмининг зарурат туфайли чекланганлигини, жамият исталган миқдордаги товар ва хизматларнинг бутун ҳажмини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга қодир эмаслиги муаммосини қўяди.

Демак, қондириладиган эҳтиёжлар ҳажми ҳам чекланган бўлади. Жамият исталган миқдордаги товар ва хизматларнинг

бутун ҳажмини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга қодир эмас.

1.2. Иқтисодий фаолият ва унинг мазмуни

Иқтисодий фаолият – бу иқтисодий неъматларни яратиш ва истеъмол қилиш, билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлардир. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги туфайли, иқтисодий фаолият биринчидан, у ёки бу эҳтиёжларни қондиришнинг устувор аҳамиятга эгаллигини, иккинчидан, мақсадининг долзарблигини ва учинчидан, бошқа муқобил мақсадларга қараганда унга эришиш учун тўланадиган ҳақнинг нархи (яъни «воз кечиш» миқдори) ни танлаш билан боғлиқ муаммони ҳал этади. Бу уч ҳолат иқтисодий фаолиятнинг мазмунини ифодалайди. У ёки бу неъматларнинг чекланганлиги таъсирини камайтириш муаммосини ҳал этишнинг қийинлиги икки ҳолат билан чуқурлашади:

1. Бу неъматларга келажакдаги эҳтиёжни олдиндан кўриш зарурати,
2. Инсон эҳтиёжларининг тинимсиз ўсиб бориши билан.

Келажакдаги эҳтиёжларни қондириш учун неъматларнинг қанча миқдори зарур ва бу мақсадга эришиш учун қанча миқдордаги неъматларга эгамиз, ана шуларни билиш зарур.

Айниқса, инсон эҳтиёжларининг ривожланиши йўналишларини олдиндан кўриш қийин.

Немис иқтисодчиси Г.Г.Госсен 1854 йилда «Эҳтиёжлар қонунини» қуйидаги:

- «Давомийлик қонуни» (қандайдир эҳтиёж тўхтовсиз қондирилса, уни қондириш интенсивлиги дастлаб юқори бўлади, сўнгра пасайиб, охирида нолга тушиб қолади);
- «Такрорланиш қонуни» (у ёки бу эҳтиёжни қондириш натижасида пайдо бўладиган қандайдир ёқимли туйғу такрорланади, бунда ҳосил бўлаётган қониқиш ва унинг давом этиш интенсивлиги такрорлаш юз беришига қараганда тезроқ камаяди) да ифода этиш орқали кашф этишга уришиб кўрди.

Госсен фойдалиликнинг камайиб бориш тамойилини кашф этди. Госсен эҳтиёжларнинг ривожланишида қандайдир чеклашлар объектив мавжудлигини таъкидлайди. Бироқ бу чеклашларни олдиндан тахмин қилиш ва билиш жуда қийин.

Икки турдаги неъматлар мавжуд бўлиб, уларнинг чекланганлиги билан иқтисодий фаолият «кураш» олиб боради:

- биринчи тартибдаги неъматлар (истеъмол буюмлари);
- биринчи тартибдаги неъматларни яратиш учун белгиланган олий тартибдаги неъматлар (ресурслар, яъни ишлаб чиқариш воситалари).

1.3. Миллий иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Иқтисодий фаолият – у ёки бу мамлакат, бутун инсоният алоҳида индивидлари, гуруҳлари, ижтимоий қатламларнинг фаолиятidir. Шу сабабли, бу фаолиятни фаннинг қандайдир бир тармоғи доирасида ўрганиш кишиларга у ёки бу иқтисодий қарорни қабул қилишда бошқарадиган мақсадлар, мамлакат ва жаҳоннинг турли ҳудудларидаги ва турли тарихий даврлардаги иқтисодий фаолиятнинг хусусиятлари ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди.

Иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини уларнинг инсон эҳтиёжларини қондириш имкониятини берадиган техник воситалар ишланмалари, ишлаб чиқарилиши ва фойдаланилиши билан бевосита алоқадор бўлган соҳада юзага келадиган жараёнлар билан боғламасдан тушуниб бўлмайди.

Иқтисодий фаолиятни ўрганишда социология, тарих, география ва техника соҳасидаги илмий изланишларнинг натижаларидан фойдаланиш зарур.

Социология иқтисодий фаолият қандай муҳитда амалга оширилаётганлиги ҳақида зарур маълумотларни бериши керак. Иқтисодий фаолият ҳақида у ёки бу қарорни қабул қилишда шундай саволга жавоб бериш зарур: у ёки бу ижтимоий қатлам ҳар қандай шароитда ўзини қандай тутади ва унинг хатти-ҳаракати қандай оқибатларга олиб келади.

Тарих. Тарихий кетма-кетлик иқтисодий фаолият қандай ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва психологик, диний шароитда бораётганлигини тушуниш имконини беради, бу иқтисодий жараёнлар динамикасини тушунишни енгиллаштиради.

География иқтисодчига иқтисодий фаолият қандай табиий-географик шароитларда юз бераётганлигини билишга имкон беради. У энергия, хом ашё, аҳоли концентрациялашган макон-

лар ҳақида маълумот беради. География мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашувига таъсир кўрсатади.

Техника. Иқтисодчи- муҳандис томонидан бажарилган техник лойиҳани жамият иқтисодий фаолият ягона тармоғига киритади, у энг яхши машина ёки хом ашё турини танлашга эмас, балки маълум хом ашё ёки машина энг кўп самара билан ишлатилиши мумкин бўлган вақтни ҳамда уларни тез ва энг арзон олиш мумкин бўлган жойни танлашга ҳаракат қилади.

1.4. Миллий иқтисодиёт иқтисодий таҳлилининг мақсади ва асосий йўналишлари

Миллий иқтисодиёт предмети алоҳида мамлакат миқёсидаги иқтисодий фаолиятни ўрганишни назарда тутаяди. Миллий иқтисодиётга бағишланган таҳлилнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- у ёки бу мамлакат миллий иқтисодиётининг муваффақиятли амал қилиши учун халқаро иқтисодий ривожланишда тарихан юзага келган шароитларни очиб бериш;
- миллий иқтисодиёт ички таркибини ўрганиш ва мамлакат доирасида биринчи ва олий тоифадаги неъматлар чекланганлиги билан самарали курашиш имконини берувчи омилларни ёритиш;
- тарихий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик шароитларни таҳлил қилиш ва у ёки бу мамлакат учун қулайроқ бўлган миллий иқтисодиёт ривожланишининг юқори даражасини таъминлайдиган иқтисодий тартиб шаклини танлаш;
- алоҳида иштирокчилар ва бутун миллий иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи микро ва макроқарорлар сифатини таҳлил қилиш ҳамда мамлакатнинг халқаро иқтисодий фаолиятида устувор мавқеини таъминловчи стратегик ва тактик қарорларни ишлаб чиқиш.

Иқтисодий таҳлилнинг мақсадлари икки йўналиш бўйича ажратилиши керак:

1. Субстанционал (мазмун-моҳияти). У иқтисодий фаолият мазмунини, турли иқтисодий ҳодиса ва механизмларнинг вужудга келиш ва ўзаро чирмашиб кетиш сабаблари ва манбаларини акс эттиради.

2. Институционал (ташкилий). У хўжалик субъектлари, турли даражадаги иқтисодий субъектларнинг иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида ташкилотларни шакллантириши ва ўзаро ҳаракатланиши тамойилларини акс эттиради.

Таҳлилнинг биринчи йўналиши доирасида қуйидагилар ба-жарилиши керак:

а) у ёки бу неъматлар чекланганлигининг вужудга келиши ва ҳатто кучайишига сабаб бўлувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, фан-техника ва бошқа шарт-шароитлар ва омиллар ёритилиши;

б) мунтазам ўсиб бораётган эҳтиёжларни неъматларнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда янада кўпроқ қондиришга уринаётган инсонларнинг объектив юзага келаётган хатти-ҳаракатлари сабаблари аниқланиши;

в) иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг миллий иқтисодиёт миқёсидаги юқори самарадорлигини таъминловчи тамойиллари ишлаб чиқилиши.

Бошқача айтганда, иқтисодий таҳлил биринчи йўналишининг мақсади тарихий ва табиий омилларга ҳамда аниқ бир мамлакатда яшайдиган инсонларнинг хусусиятларига кўпроқ жавоб берадиган иқтисодий тартибни танлаш ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлил иккинчи йўналиши доирасида қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

- иқтисодий фаолият турли аниқ шакллари, оддий ва мажмуавий иқтисодий бирликлар таркиби ва нисбати, самарадорлигини, уларнинг ўзаро ҳаракатланиш тамойилларини аниқлаш;
- миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувининг янада самаралироқ йўллари топиш;
- миллий иқтисодиёт ҳамда унинг алоҳида соҳа ва бўлимларини мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тартибга солиш борасида унумли рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мамлакат учун қабул қилинган иқтисодий тартиб доирасида жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашган мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи иқтисодий фаолият учун кўпроқ самарали бўлган «ўйин қондаси» ни

танлаш иқтисодий таҳлил иккинчи йўналишининг мақсади ҳисобланади.

Таянч иборалар:

1. **Моддий неъматлар** – бу инсонларнинг турли-туман ва кўп сонли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган товарлар ва хизматлардир.
2. **Неъматларнинг чекланганлиги** – барча иқтисодий ресурслар ёки ишлаб чиқариш омиллари бир умумий негиз хоссасига эга. Улар чекланган миқдорда мавжуд. Ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланганлиги охир-оқибат жамият иқтисодий фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришини ва товар ҳамда хизматларни исталган миқдорда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга қодир эканлиги муаммосини келтириб чиқаради.
3. **Иқтисодий фаолият** – бу иқтисодий неъматларни яратиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлардир.
4. **Иқтисодий таҳлилнинг субстанционал йўналиши** – иқтисодий фаолият мазмунини, турли иқтисодий ҳодиса ва механизмларнинг вужудга келиши ва ўзаро чирмашиб кетиши сабаблари ҳамда манбаларини акс эттиради.
5. **Иқтисодий таҳлилнинг институционал йўналиши** – хўжалик субъектлари, турли даражадаги иқтисодий шериклар томонидан иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида ташкилотларнинг шаклланиши ва ўзаро ҳаракатланиши таъминловларини акс эттиради.

Назорат саволлари:

1. У ёки бу буюмни неъмат, деб ҳисоблаш имконини берадиган шартни келтиринг (К. Менгер бўйича).
2. Моддий неъматларнинг чекланганлиги шароитида у ёки бу эҳтиёжни қондиришнинг устуворлиги муаммосини ҳал этишда иқтисодий фаолият нимани ҳисобга олиши керак?
3. Г. Госсеннинг давомийлик ва такрорланувчанлик қонунларининг асосий мазмунини баён қилинг. Госсеннинг иккинчи қонунининг чекланган фойдалилик «тушунча»си билан умумийлиги нимада?
4. Биринчи ва олий тоифадаги неъматлар, деганда нима тушунилади?

5. Миллий иқтисодиёт таҳлилининг асосий мақсадлари нималардан ташкил топган?
6. Иқтисодий таҳлилнинг мақсади нимани назарда тутди? Бу таҳлилнинг субстанционал ва институционал йўналишлари нимани ифодалайди?
7. Иқтисодий фаолиятнинг социология, тарих, география ва техника билан ўзаро алоқадорлиги нимада?

II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРИХИ

2.1. Жаҳон иқтисодий тараққиётининг асосий босқичлари. Жак Пирен назарияси

Ер шарининг турли ҳудудларига кўп ёки кам даражада таъсир кўрсатувчи иқтисодий фаоллик ўчоқлари бутун тарих давомида бир-бири билан ўрин алмашилиб келган.

Агар қадимги давлатларнинг тарихан босиб ўтган йўлини кузатадиган бўлсак, ўша вақтлардаёқ турли мамлакатлар иқтисодий фаолиятининг турли кўринишларига ихтисослашиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ерда геосиёсий жойлашув, табиий шароитлар, давлатнинг сиёсий тузуми, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва улар ўртасидаги муносабатлар албатта, муҳим роль ўйнаган. Масалан, Тигр ва Фрот дарёлари оралиғида қулай жойлашган Месопотамия, Бобил давлатларини олсак, улар унумли ва яхши ўзлаштирилган тупроққа эга бўлишган, бу эса Осиё мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этган. Ушбу қулдорлик давлатлари фойдали савдо-сотиқ билан шуғулланишган, чунки ўша даврда муҳим ҳисобланган дарё ва карвон савдо йўллари бу ерда деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган; қадимги Бобил қонунлари, подшо ва амалдорларнинг маъмурий рўйхатга олишлари билан қўллаб-қувватланган иқтисодий фаолиятнинг яхши ривожланган ҳуқуқий асоси мавжуд бўлган. Буларнинг ҳаммаси ўз даврида Бобилга иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган районлардан бири бўлиш имконини берди.

Шу ўринда турли цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида денгизнинг ролига асосланган шиддатли иқтисодий фаолият манбаларини тушунтирувчи концепциялардан бири Жак Пирен таълимотига тўхталиб ўтиш ўринлидир (Ғарб концепцияси). Эрамиздан аввалги III минг йилликда Ўрта денгиз иқтисодий муносабатларда ҳукмронлик қила бошлади. Унинг қирғоғида яшовчи халқлар бундан фойда чиқариб олдилар ва бошқа халқлар билан ўрнатган алоқалари, савдо-сотиқ, савдо мақсадидаги саёҳатлар, босқинчилик туфайли бойиб бордилар. Пешқадамлик даставвал мисрликлар ва финияликларга насиб этди, улар эрмиздан аввалги 814 йилда Карфа-

генга асос солдилар, шу орқали савдо учун Ғарбий Ўрта денгизни очдилар.

Греция Ўрта денгиз Шарқини бирлаштирди, Рим эса уни кенг савдо вилоятига ва қадимги дунё иқтисодий ҳаётининг марказига айланди.

Ғарбий Ўрта денгиздан ажралиб қолган Византия ислом тарафдорларининг Карфагенни босиб олишидан кейин Лондон ва Брюгге савдо марказлари билан алоқасини узди. Бу савдо марказларини скандинавияликлар Россия ва Осиёдан келтирган товарлари билан таъминлашар эди. Лондон катта савдо йўлининг охириги нуқтаси бўлиб қолди. Бу йўл Хитой ва Ҳиндистондан бошланиб, Боғдод, Киев ва Новгород орқали Любекка борарди ва у ердан Ғарбий Европага ўтиб кетарди (Буюк Ипак йўли).

X асрда Венеция ўзининг денгиздаги ҳукмронлигидан фойдаланиб, денгиз орқали Византиядан Болтиқ денгизи ҳавзасига транзит йўли очди. Чунки туркларнинг Россия жанубига ҳужуми туфайли эски йўлдан фойдаланиш хавфли бўлиб қолган эди. Шу вақтдан бошлаб, Ғарбий Ўрта денгиз италиялик денгизчилар учун фаолият майдони бўлиб қолди. XV асрнинг бошларида португалияликлар Венециядан ипак ва газлама савдосидаги монопол ҳукмронликни тортди олдилар. Венеция бу товарларга Сурия ва Искандария портларига чиқиш мутлоқ ҳуқуқи туфайли эга бўлган эди. 1509 йилда португалияликлар Қизил денгиз орқали ўтадиган алоқа йўлини кесиб қўйдилар, 1534 йилда Бомбейни (ҳозир Момбай) эгалладилар ва «газлама йўли»ни Лиссабонга кўчирдилар. Газламаларни Венецияга қараганда 5 марта арзон сотиш орқали Лиссабон Венеция Республикасини хонавайрон қилди.

Шу вақтдан бошлаб Ўрта денгиз етакчилик ролини йўқотди ва жаҳон иқтисодиётининг маркази Атлантиканинг Европа қирғоқларига кўчди. Ғарбий Европанинг устунлик даври бошланди. Американи кашф қилган (1492 й), Мексика ва Перуни ишғол қилган европаликлар Атлантика дарвозаларини Европа учун очдилар. 1521 й. да кумуш ортилган кемалар Кадисга етиб келди.

XVI асрнинг бошларида Ғарбий Европа иқтисодий экспансияси бошланди. Иқтисодиёт жадал ривожланди. Бу иқтисодий фаолият чегараларининг кенгайишида, ташкилий шаклларнинг

ўзгариши ҳамда ишлаб чиқариш ва савдо интенсивлигининг кучайишида, иқтисодий фаолиятга туртки сифатида жамоа манфаатини тан олишда намоён бўлди. XI-XII асрларда шаҳарларнинг гуллаб-яшнаши иқтисодий фаолият доирасини кенгайтirdи.

Шаҳар савдо айирбошлашининг доимий маркази бўлиб қолди. Давлат бошқаришда марказий ва ягона ўрин тута бориши билан иқтисодий фаолият умуммиллий даражага чиқди. Шаҳарларда кўп турдаги фаолиятлар билан шуғулланувчи шахслар цех ҳамкорларини туздилар. XIV асрда цех қасамёдини қабул қилган, маълум қулайликларга ҳамда ўз низомини таъсис этиш ва уларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган мустақил корпорациялар пайдо бўлди. Доимий савдонинг ривожланиши ярмаркалар ўрнига биржаларни вужудга келтирди (Антверпен ва Лиссабон). Шахсий манфаатдорлик иқтисодий фаолиятни амалга оширувчилар гуруҳларининг жамоавий манфаатларидан ҳеч қачон устун бўлмади. Савдо қондаси шахсий эҳтиёжларни қондиришга бўлган уринишларга қўшимча чекловлар киритди.

XVI асрдан бошлаб, Ғарбий Европа савдоси ва молия тизими мислсиз ўсди, бу эса XVIII асрдаги саноат юксалишига замин ҳозирлади.

Бу минтақа мамлакатларида ишлаб чиқариш олдидан фойда олишга асосланган иқтисодий тизим ўрнатилди. Бундай ривожланиш натижасида Европа ва Буюк Британиянинг дунё миқёсидаги иқтисодий ҳукмронлиги иқтисодий шукмронлиги янада кучайди.

Иқтисодий фаолият интенсификацияси дастлаб савдо ва молия соҳасида намоён бўлди. Буюк географик кашфиётлар ва юришлар жаҳон иқтисодий маконини кенгайтirdи. Халқаро товарлар ва пуллар савдоси капитал жамғарилишига олиб келди. Италия банклари, пул алмаштириш идоралари, черковлар катта молиявий қувватга эга бўлди. Шу вақтда, Мексика ва Перу хазиналарининг топилиши ва ўзлаштирилиши ҳамда Америка қумуш ва олтин қазилма конларининг интенсив тарзда қайта ишланиши оқибатида «пул инқилоби» юз берди.

Йирик давлатларнинг ташкил топиши халқлар томонидан ўз бирдамлиги ва манфаатларининг англанишига олиб келди. Кучли ягона давлат ташкил қилиш орқали мутлоқ монархиялар савдо ва молия доиралари учун фаолият майдонини кен-

гайтирдилар. Барча рухий ва диний таълимотлар таъсирида онгнинг тузилиши ўзгарди. Ренесанс инсон ақлини моддий, ердаги қизиқишларга буриб юборди. Индивидуалистик дунёқараш ривожлана бошлади. У меҳнатни художўй ишларни амалга ошириш воситаси сифатида улуғлаган кальвинизм таъсирида янада мустаҳкамланди. Ижтимоий ҳаётнинг индивидуалистик анъаналари ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Айнан улар миллий иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жамиятдаги патернализм ва эголитаризм ғоясига қарши турадилар ва тадбиркорлик фаолияти натижасида шахсий жавобгарликнинг ўсишига ёрдам берадилар.

Шундай қилиб, XIII-XVIII асрларда савдо капиталининг жадал ривожланиши учун қулай муҳит яратилди. Ҳукмрон давлатлар тинимсиз иқтисодий етакчиликни талашдилар: дастлаб Португалия, сўнгра Голландия, XVII асрда голланд савдогарларини хонавайрон қилган денгизда сузиш тўғрисидаги Ҳужжатни қабул қилган Буюк Британия етакчилик қилган. Бу вақтда савдо капитали ваколатли муассасалари кўпайди, Голландия «Вест-Индия» компанияси (1602 й), Амстердам банки пайдо бўлди. XVII аср охирида Англия ва Шотландияда 140 та акционерлик жамиятлари ҳисобланиб, уларнинг умумий капитали 4 млн. фунт стерлингни ташкил этди. 1735 йил дан 1783 йилгача бўлган давр саноатнинг шиддатли ўсиши учун шароит яратди. Бу вақтда асосий тармоқлар (кўмир ва темир ишлаб чиқарувчи саноат) ривожланди, машиналар кашф қилинди, мануфактуралар концентрацияси бошланди ва ташқи савдо ҳажми ўсди.

Саноатнинг ўсиши асосан, савдонинг ривожланиши билан белгиланди. Экспортёрлар «саноатнинг ўйғотувчилари» бўлдилар. Хусусан, саноат инқилоби унинг шиддатли, портловчи характери билан 1785 йилдан 1825 йилгача давом этди. Буюк Британия биринчи бўлиб ўз саноатини тез ривожлантиришга эришди. Франция ва Германия орқада қолди. Инглиз саноати ривожланиш суръатларининг жадаллашиши 1815 йилда бошланди ва тошкўмир саноатининг ҳамда киритилаётган пахта хом ашёси ва юнг миқдорининг катта миқдорда ўсишида ифодаланади.

Европанинг иқтисодий ўсиши XIX асрда тезлашди. Катта кашфиётлар қилинди. 1840 йилдан бошлаб, транспортнинг халқаро ва бошқа турлари ривожланди. Калифорния ва Ав-

стралияда олтин конларининг очилиши билан нархларнинг умумий ўсиши ишдаги фаолликнинг кучайишига олиб келди.

Ғарбий Европа аста-секин ўз ривожланиш чўққисига эришди ва Англия дунёнинг етакчи давлатига айланди. 1870 йилда Англия дунё саноат капиталининг 31,9% ига эга бўлган бўлса, бу вақтда АҚШ – 23,5% ига, Германия – 13,2 % ига, Франция – 10,3% ига эга бўлди холос. Англия савдо флоти дунёда биринчи ўринга чиқди, унинг тоннажи оғирлиги 10 млн. т. га етди, Германияда эса 2 млн. т. ни, Францияда 1 млн.т. ни ташкил этди. Лондон шаҳри бутун дунёни капитал билан таъминлади. 1915 йилда Британиянинг чет элдаги капитал қўйилмалари 19,5 млрд. долл. га етди. Бу жаҳон капитал қўйилмаларининг ярмини ташкил этди. Бироқ 1875 йилда Буюк Британиянинг бошқа мамлакатларга қараганда бирмунча орқада қолиши кузатилди. Тўла ҳажмда техника ва кимёни қўллашга асосланган илғор технологиядан фойдаланган Германия юқори суръатларда илгари силжиди.

Натижада Германия ташқи савдоси 1890 йилдан 1914 йилгача 225% га, Англияники эса- 100% га ўсди. Британия кучқудратига АҚШ ва Япония хавф сола бошлади.

XX аср давомида АҚШ аҳолиси 4 млн. кишидан 76 млн. кишигача етди. Айниқса, АҚШ нинг ҳукмрон иқтисодий мавқега эришиш учун фаоллашган интилиши 1920 йилдан бошланди. 1929 йилдан 1960 йилгача бўлган даврда АҚШ ЯММ и 2,4 марта, импорти 2,2 марта, шахсий истеъмол харажатлари 2,3 марта, ялпи ички капитал қўйилмалари 1,7 марта, миллий даромади 4,75 марта ўсди.

Шу билан биргаликда АҚШ иқтисодиётининг қайтариб турувчи инқирозлар ва юксалишлар билан ривожланишининг даврийлик характерини қайд этиб ўтиш керак. АҚШ иқтисодий тарихида 20-30-йиллардаги депрессиялар алоҳида ўрин тутди. Натижада иқтисодий фаолликдаги узоқ муддатли тенденциялардан оғиш 1920 й.да 30% ни ва 1932 й.да 50% ни ташкил этди.

1932 й.да АҚШ саноат ишлаб чиқариши 46% га қисқарди, алоҳида маҳсулот турлари бўйича эса қисқариш яна ҳам катта бўлди: чўян ишлаб чиқариш 79% га, пўлат 76% га, автомобиль ишлаб чиқариш 80% га қисқарди. Инқироз оммавий синишни келтириб чиқарди. 1929 – 1933 йй.да 135 минг савдо, саноат ва

молиявий фирмалар боши берк кўчага кириб қолдилар, 5760 та банк хонавайрон бўлди, мамлакат 1911 й. даражасига тушиб қолди.

АҚШ Президенти Ф.З.Рузвельтнинг ҳокимият тепасига келиши билан мамлакатни инқироздан олиб чиқиш имконини берадиган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Иқтисодий фаолиятда давлат аралашуви фаоллашди. Давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги тартибга солувчилик ролини кучайтирувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ж.М.Кейнс (1883-1946 йй.) назарияси бу ислохотларнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

АҚШ иқтисодиётининг кейинги ривожланиши пасайиш ва юксалиш даврларининг навбатма-навбат алмашилиб туриши билан тавсифланади. Бу АҚШ нинг жаҳонда етакчи бўлиб қолишига халақит бермади. XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШ иқтисодий ривожланишда дунёнинг бошқа мамлакатларидан анча илгарилаб кетди. Жаҳон бўйича кўмир қазиб олишда унинг салмоғи 20% га, нефть қазиб олишда – 36%, электр энергияси ишлаб чиқаришда – 39% га, автомобиль ишлаб чиқаришда – 40% ини ташкил этди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодий фаоллик шиддат билан ўса бошлади. Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Тайвань каби мамлакатлар, 90-йилларда эса Хитой етакчи ўринга чиқдилар. Агар қадимги дунёда иқтисодий фаоллик марказлари Ўрта денгиз атрофида шаклланган, Ўрта асрлардан бошлаб эса улар Атлантика қирғоқларига кўчган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий фаоллик Тинч океани қирғоқларида кучайди.

Япония, иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учрагандан кейин инқироз ҳолатига тушиб қолди. 1945 й.да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1935 – 37 йй. даражасининг 28,5% ини ташкил этди. 1952 й.га келиб инфляция урушдан кейинги даражанинг 1500% ига етди.

Япония иқтисодиётини ислоҳ қилиш 1946 й. дан бошланди. У Детройт банки бошарувчиси Д.Додж томонидан таклиф этилган «тескари курс» Дастури бўйича амалга оширилди. Иқтисодиётни демонополизациялаш (майдалаштириш) амалга оширилди. Ерни ижарачи деҳқонларга қайта сотиш мақсадида ер ислоҳоти ўтказилди, унга кўра 1950 й.га келиб бюджет

тақчиллигини, ҳарбий заводларни қўллаб-қувватлашни тугатишни кўзда тутадиган радикал бюджет ислоҳоти ўтказилди.

Эгилувчан солиқ тизими ва кредит имтиёзлари ҳисобига иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш кучайди. Урушдан кейинги 30 йил давомидаги ислоҳотлар натижасида Япония буюк иқтисодий қудратга эга давлатга айланди. У ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, илмий-техник салоҳият, жамғарилган моддий бойлик ва аҳоли турмуш даражаси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. 1988 й. да Япониянинг аҳоли жон бошига ЯММ и Америка кўрсаткичидан ошиб кетди, 1990 й. да у ўсими 5-6% га ўсган бўлса, АҚШ да бу кўрсаткич 0,9%га тенг бўлди холос.

Бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган ислоҳотлар Хитойнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантирди. XX 80-йилларнинг иккинчи ярмида Хитой ипак газламалар ва цемент ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи, телевизор ишлаб чиқариш ва кўмир қазиб олиш бўйича дунёда иккинчи, сульфат кислота ва кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринга чиқди. Саноатнинг янги тармоқлари яратилди. Унинг ЯММ даги салмоғи 1949 й. даги 25,2% дан 1985 й.да 53,7% гача ўсди.

Жаҳон иқтисодий тизимида саноати ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар билан бир қаторда иқтисодий кўрсаткичлари бўйича улардан жиддий тарзда орқада қолаётган давлатлар ҳам мавжуд. Бу қолоқлик аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ индекси ёрдамида аниқланиши мумкин. Агар уни белгилаш АҚШ учун 1 деб қабул қилинса, у ҳолда бу кўрсаткич Лотин Америкасида – 0,113, Африкада – 0,037, Ғарбий Осиёда – 0,095, бошқа ҳудудлар мамлакатларида – 0,151 ни ташкил этди. Умуман ривожланаётган мамлакатлар кўрсаткичи ривожланган мамлакатларникига нисбатан – 0,09 га тенг бўлди. Бу маълумотлар ер шари аҳолисининг 60% дан ортиқ қисми иқтисодий қолақ мамлакатларда яшайди, деган хулосага келиш имконини беради. Бу қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- тўйиб овқат емаслик, яъни кундалик рационнинг етарли эмаслиги (2700 калориядан пастлиги);
- ўлим, айниқса, болалар ўлими даражасининг юқорилиги;
- саводсиз аҳоли салмоғининг жуда катталиги;

- иқтисодий фаолият замонавий турларининг: электр энергияси ишлаб чиқариш, нефть ва пўлат истеъмоли, автомобиль ва темир йўл тармоғи ҳаракати ва ҳоказоларнинг жуда паст даражага эғалиги.

Ҳозирги пайтда дунёдаги иқтисодий мувозанат саноати ривожланган йирик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга ҳамда улар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ.

Жаҳон иқтисодий ривожланишининг боришини таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, кўплаб мамлакатларда у нотекис ва даврий хусусиятга эга бўлди. Юксалиш давлари иқтисодий фаолиятни бирин-кетин ислоҳ қилишни кўзда тутадиган инқирозлар билан ўрин алмашди.

XX асрда кўпчилик ислохотлар давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашув даражасини пасайтиришга ва бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилди. Инқироз давларида давлатнинг тартибга солиш ролининг кучайтирилиши юксалиш давларида «эркинлаштириш» билан алмаштирилди. Бироқ, бозор муносабатлари тамойилларини уларда субъектлардан бири сифатида иштирок этадиган давлат билан бирга амалга ошириш бош тамойил сифатида деярли ўзгармай қолди.

2.2. Миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар

Иқтисодий фаолият эволюциясини ўрганиш иқтисодий ривожланиш учун зарур бўлган асосий омиллар ва шароитларни ёритишга имкон берди. У ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг эришган муваффақиятларини ёритади ва паст даражада ривожланган мамлакатларнинг қолоқлиги сабабларини тушунишга ёрдам беради. Мамлакатнинг географик ўрни, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, тарихий тажриба каби омиллар ичидан қуйидаги асосийларини ажратиб келтириш мумкин:

- демографик салоҳият;
- инновация янгиликлари;
- ҳукмрон мавқеининг ўзгариши;
- ижтимоий гуруҳлардаги ўзгаришлар.

Демографик салоҳият. Демографик омил ҳар қандай жамиятда меҳнат ва ишлаб чиқариш билан узвий алоқадордир.

Демографик салоҳиятнинг таъсири 4 хил кўринишда намоён бўлади:

- ишлаб чиқаришни ўстиришга ундовчи талаб миқдорининг ўсиши ва истеъмолчилар тасаввурига мос келадиган сифатли маҳсулотнигина ишлаб чиқаришга ундайдиган талаб кўрсаткичларининг мавжудлиги;
- йирик меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг юқори концентрацияси орқали ишлаб чиқаришни самаралироқ ташкил этиш;
- иқтисодий ўсиш эвазига турли аҳоли қатламларига хизмат қиладиган иқтисодий соҳалар ўртасида номутаносибликнинг камайиши.

Бу турдаги ўзгаришларнинг барчаси у ёки бу мамлакатда туғилиш ва ўлим суръатлари нисбатида намоён бўлади. Ўлим суръатларининг туғилиш суръатларидан, аҳоли ўсиш суръатларининг жон бошига тўғри келадиган ЯММ ўсиш суръатларидан ошиб кетиши ҳолатлари иқтисодий ривожланишнинг салбий жиҳатлари ҳақида гувоҳлик беради.

Инновация янгиликлари. Инновациянинг иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатадиган муҳим 5 тури ажратиб кўрсатилади:

- тадбиркор диққат марказида турган мижозлар учун янги маҳсулот ишлаб чиқариш;
- иқтисодий фаолиятга янги ишлаб чиқариш усулларини киритиш;
- янги бозорларни ўз маҳсулотлари билан забт этиш ва ўзлаштириш;
- хом ашё янги манбаларини ўзлаштириш;
- ишлаб чиқаришни янгитдан ташкил этиш.

Инновация ўзининг ишлаб чиқариш вазифаларини ўзгартириши мумкин. Кашфиёт савдо соҳасига маҳсулот ёки янги янада мукамаллаштирилган жараён шаклида кирса, инновация бўлиб қолиши мумкин. Инновация ўзгаришларининг таъсири 2 гуруҳ шароитларга боғлиқ:

- а) инновация киритишга бўлган мойиллик;
- б) уни қабул қилишга тайёр туришлик.

Бу бир томондан, кашфиётчилик руҳини рағбатлантириши, муваффақиятли илмий фаолият олиб бориш учун шароит яратиши, иккинчи томондан, бу кашфиётларни амалга оширишга,

уларни тез ва самарали ўзлаштиришга муҳит қулай бўлиши кераклигини билдиради.

Ҳукмрон мавқедаги ўзгаришлар. Ҳукмронликнинг ўзгариши у ёки бу мамлакатнинг халқаро иқтисодий ривожланишдаги ҳукмрон мавқеининг ўзгаришида намоён бўлади. Ҳукмрон иқтисодий бирлик – бу бошқа шундай кўрсаткичларга бир томонлама эътиборсиз ёки қисман эътиборсиз таъсир кўрсатадиган бирлиқдир:

- бу унга умумиқтисодий фаолиятда катта салмоқда иштирок этиш имконини беради;
- шартномалар иштирокчиси сифатидаги қудратига кўра у бозор ёрдамида ёки бозорга боғлиқ бўлмаган бошқа усуллар билан ўз шерикларининг иродасига путур етказиши мумкин;
- ўз фаолиятининг характериға кўра, у иқтисодиётнинг таянч тармоқларини назорат қилиш имконини беради.

Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш нуқтаи назаридан ҳукмрон иқтисодий бирлик ҳаракатчанликни оширувчи ва гуруҳлаштирувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Биринчи ҳолда у техник ва иқтисодий янгиликларни қўллаш имконини беради. Иккинчи ҳолда эса – ҳукмрон бирлик ҳукмронлик қилинаётган бирликларни стагнация ҳолатида ушлаб туради.

Ижтимоий гуруҳлардаги ўзгаришлар. Ижтимоий гуруҳлар ўз фаолиятлари туфайли жамиятда иқтисодий ўсиш ва тараққиёт манбаи сифатида чиқадилар. Ўртача синфлар иқтисодий ривожланишга ёрдам кўрсатувчи энг муҳим ижтимоий янгиликларни яратадилар. Намояндалари ташаббускорлик ва удабуронлик қобилиятларига эга бўлган бундай синфларнинг мавжуд бўлмаслиги эса айрим ҳолларда уларнинг ўрнини кўпинча давлат босиши кераклигини кўрсатади. Оралиқ синфларга жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида роли тўхтовсиз ўсиб бораётган малакали ишчиларни, амалдорлар, бошқарувчилар, муҳандислар, илмий ҳодимларни киритиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган иқтисодий ўзгариш омиллари иқтисодий тараққиёт манбаи бўлиб хизмат қилувчи куч ҳисобланади. Улар таъсир кўрсатадиган шароитлар тарихий жиҳатдан турли мамлакатларда турлича ўзгаради. Шунга қарамасдан, ҳар қандай миллий иқтисодиёт айнан ана шу шароитларга асосланади, таянади.

2.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва иқтисодий ривожланишига хос хусусиятлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, ҳудуди шимоли-ғарбда Орол денгизи ҳамда Устюрт платосидан, жанубда Афғонистон билан табиий чегара вазифасини бажарган Амударёгача, шарқий ва жануби-шарқий томонларда Тяншан ҳам Ҳисор-Олой тоғларигача чўзилган.

Ҳудуднинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, бу ерда қорли чўққилар ва баланд тоғ музликлари, улкан водийлар ва кенг воҳалар билан бирга бепоён чўллар ва платолар бор.

Ўзбекистоннинг майдони 447,4 минг кв.км, шунинг тўртдан уч қисмини текисликлар ва платолар, қолган тўртдан бир қисмини тоғолди ҳудудлари ва тоғлар ташкил этади. Ҳудуднинг катта қисмида мўътадил иқлим ҳукмрон. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ ва кам қорли. Ёғинлар, асосан, баҳор ҳамда қишга тўғри келади. Иқлим шароити бу ерда иссиқсевар ўсимликлар пахта, каноп, кунжут, зиғир ҳамда ширин-шакар мевалар, сабзавот ва полиз экинларини етиштириш учун ниҳоятда қулайдир. Республика ҳудудидан Амударё ва Сирдарё ҳамда уларнинг жуда кўп ирмоқлари оқиб ўтади.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда Ўрта Осиё мамлакатлари ичида иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлатдир. Унда суғорма деҳқончилик ва у билан боғлиқ пахтачилик, ипакчилик ва қоракўлчилик юқори даражада тараққий этган. Шу сабабли Республика пахта, пилла етиштириш ҳамда қоракўл тери тайёрлаш бўйича жаҳон мамлакатлари ичида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистонда табиий манбаларни хилма-хил ва улкан захирага эга бўлган ёқилғи-энергетика мажмуи мавжуд. Ҳозирги вақтда дунё бўйича кўмирнинг умумий захираси 14,8 трлн.т., нефтни 150 млрд.т., табиий газники 135,0 трлн. куб метр деб ҳисобланмоқда. Маълумки, ёқилғи ресурсларининг асосий қисми жаҳондаги бир неча мамлакатларга – Россия, Хитой, АҚШ, Канада, Форс кўрфази давлатларига тўғри келади. Ўзбекистонда кўмир 2 млрд.т., нефть 30 йилга, табиий газ 35 йилга етади деб ҳисобланмоқда. Демак, Ўзбекистон яқин йиллар ичида ёқилғи ресурсларига бўлган ички эҳтиёжларини таъминлабгина

қолмасдан, шуларнинг маълум қисмини экспорт қилиш имкониятига ҳам эгадир. Республика ёқилғи балансида нефтнинг салмоғи салкам 10% ни, табиий газ салмоғи 85% дан ортиқ, кўмининг салмоғи салкам 5% ни ташкил этади. Республика саноати маҳсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи энергетика комплексининг салмоғи 2001 йилда салкам 15% га тенг бўлди. Мамлакатда 2001 йилда 7,3 млн. тонна нефть (газ конденсати билан), 57,6 млрд. куб м. табиий газ ва 2,9 млн.т. кўмир (асосан, қўнғир кўмир) қазиб чиқарилди.

Республика ҳудудида нефть ва табиий газ 5 та асосий Устюрт, Бухоро, Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларида қазиб олинади. Шулардан Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Фарғона минтақалари йирик Кўкдумалоқ, Мингбулоқ нефть ва Шўртан табиий газ конлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистон хилма-хил рудали ва норуда қазилмаларга бой. Бу ўринда, Республика, айниқса рангли, нодир ва қимматбаҳо металллар захиралари катта эканлигини таъкидлаб ўтиш асослидир. Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичида олтин захираси бўйича Чили, АҚШ, Канада, Замбия, ҚДР (Заир), Перу, Австралия, Мексика, ЖАР лардан кейин Папуа- Янги Гвинея билан биргаликда 10-11 ўринларда турибди. Уран захираси бўйича Австралия, ЖАР, Нигерия, Бразилия, Канада, АҚШ дан кейин Намибия давлати билан 7-8 ўринларда турибди. Ўзбекистон кумуш, кўрғошин, рух захиралари бўйича жаҳоннинг дастлабки 6-7 давлати қаторига киради. Мис рудасининг йирик Қалмоққир, Сариқчеку ва Дальнее конлари Ангрен-Олмалиқ районида жойлашган. Кўрғошин-рух рудаларининг жуда катта захиралари Сурхондарёдаги Хондиза ва Жиззах вилоятидаги Учқулоч конларида мавжуд. Олтиннинг дунё миқёсидаги улкан конлари қаторига Мурунгов, Ажибугут, Булуткон, Балпантов, Аристонтов, Тўрбой, Кўчбулоқ, Зармитон, кумуш бўйича эса Космоначи, Вўсоковольтное, Ўқжетпес (Қизилқум) ва Оқтепа конлари киради. Мамлакатда уран, вольфрам, молибден ва бошқалар маъданларнинг ҳам йирик конлари очилган. Кимёвий хомашё ресурслари фосфоритлар (Марказий Қизилқум), ош ва калий тузлари (Республиканинг жанубий, марказий ва шимоли-ғарбий ҳудудлари) захиралари эса деярли битмас-туганмасдир. Худди шунд-

ай фикрни гранит, мрамор ва бошқа безак тошлари ҳамда курилиш материаллари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Ўзбекистон ер реурслари билан яхши таъминланган. Умуман, дунёда ҳозирги вақтда мавжуд 130 млн.кв.км. ер ресурсининг 11% дан ортиқ қисми (14,74 млн.кв.км.) экин ерларидан иборат. Экин ерларини гектарга айлантирсак, у 1474 млн. га тенг бўлади. Бунинг 190 млн. гектари АҚШ га, 160 млн. гектари Ҳиндистон, катта қисмлари Россия, Хитой, Канада, Қозоғистон, Украина ҳамда Ўзбекистонга тўғри келади. Суғориладиган ерлар Хитойда 44 млн., Ҳиндистонда 42 млн., Индонезия ва Мексикада 5 млн. гектарга тенг бўлса, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 4,3 млн. гектарни ташкил этади. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Ўзбекистон 0,17 гектар кўрсаткич бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Умумий ер захирасининг салкам 10% ни ҳайдаладиган ва суғориладиган ерлар ташкил этади. Шуларнинг асосий қисми деҳқончилик учун қулай бўлган, аҳоли зич жойлашган водий ва воҳаларга тўғри келади. Суғориладиган ерларда пахта, буғдой, шоли, жўхори, каноп, сабзавот, картошка ва полиз экинлари, лалми ерларда эса буғдой ва арпа етиштирилади.

Ҳайдаладиган ерларнинг энг катта майдонлари Қашқадарё (16,9%), Жиззах (11,1%), Самарқанд (10,9%) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (10,5%) жойлашган. Нисбатан озроқ кўрсаткичлар Наманган (4,8%), Бухоро (4,9%), Андижон (5,0%), Хоразм (5,2%) ҳамда Навоий (2,9%) вилоятларига хосдир. Ҳайдаладиган ерларнинг энг маҳсулдор ва самарали қисми суғориладиган ерлардир.

Ўзбекистон - қадимдан суғорма деҳқончилик марказларидан биридир. Суғориладиган умумий майдони салкам 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, унинг асосий қисми тупроқ-сув шароити нисбатан қулай бўлган водий ва воҳаларда жойлашган. Фарғона, Зарафшон водийлари, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳалари шулар жумласидандир. Суғориладиган ерлар майдони XX асрнинг 60-йилларидан сўнг икки мартадан зиёд кўпайди. Ўсиш, асосан, Мирзачўл, Қарши чўли, Эллиққалъа массиви ҳисобига таъминланди.

Ҳозирги кунда суғорма деҳқончилик Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида юқори даражада ривожланган. Қадимги суғорма деҳқончилик марказлари Тошкент, Са-

марқанд, Фарғона, Сурхондарё, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятлари ўзларининг мавқеларини сақлаб қолдилар. Мирзачўл ва Жиззах чўллари ўрнида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ташкил қилинди. Ушбу икки вилоятда бугунги кунда мамлакатдаги жами суғориладиган ерларнинг 15,4% мавжуд.

Ўзбекистонда боғлар ва токзорлар эгаллаган майдон салкам 0,4 млн. гектарга тенг. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчилик қилади ҳамда жаҳоннинг йирик 15 мамлакати қаторига киради. Боғ ва токзорларнинг катта улуши Фарғона водийси вилоятларига (салкам учдан бир қисми) ҳамда Самарқанд (14,9%) ва Тошкент (12,8%) вилоятларига тўғри келади. Боғ ва токзорларнинг асосий қисми тоғолди минтақаси яхши ривожланган вилоятларда жойлашган.

Ўзбекистонда сўнги йилларда томорқа хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатда томорқа ва дала-боғ ерларнинг умумий майдони 0,6 млн. гектарни ташкил этади. Унинг нисбатан катта майдонлари Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Худуди чўл ва тоғолди минтақаларида жойлашган вилоятларда яйловларнинг салмоғи анча юқори. Шундайлар қаторига Навоий, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси киради. Умуман, Ўзбекистон яйловларининг майдони ҳажми жиҳатидан Австралия, Бразилия, Аргентина, Жазоир, Хитой, Россия ва бошқа давлатлар қаторидан ўрин олган.

Ўзбекистон улкан инсоний салоҳиятга эга бўлган мамлакатдир. «Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, дейди Президентимиз, - у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради». Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Инсон салоҳиятининг шаклланиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ичида ижтимоий-демографик вазият алоҳида ўрин эгаллайди.

Республика аҳолиси 2002 йилнинг биринчи ярмига қадар 25,2 млн. кишини ташкил этди. Бундан 9,3 млн. киши (37,1%)

шаҳар ва шаҳарчаларда, 15,9 млн. киши (62,9%) қишлоқларда яшайди. Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. 1990-2002 йилларнинг ўзида мамлакат аҳолисининг сони салкам 24,1% га кўпайди. Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати ана шу йилларда 1,8% ни ташкил этди ёки йилига 408 минг кишига ўсди.

Ўзбекистон аҳолисининг сони, динамикаси, тақсимланиши, ўсиш суръатлари ҳақидаги маълумотлар 1 жадвалда келтирилган.

Аҳоли сони фақат табиий ўсиш ҳисобига кўпаймоқда. Унинг кўрсаткичлари 1998 йилда 413,2 минг, 2001 йилда эса 382,7 минг кишини ташкил этди. Давлатлараро миграция аҳоли мутлоқ сонини бирмунча қисқаришига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонга дунё аҳолисининг 0,4%и тўғри келгани ҳолда, у жаҳон аҳолиси табиий ўсишининг 0,5% ни таъминлайди.

2.3.1-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг сони, ўсиш суръатлари ва жойла- шиши (йил бошига)

Йиллар	Жами аҳоли сони, МИНГ КИШИ	Шу жумладан				Аҳоли сонининг ўртача йиллик ўси- ши суръатлари%			Аҳоли зичлиги
		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси		Жами	Шаҳар	Қишлоқ	
		Сони, МИНГ КИ- ШИ	Улуши, %	Сони, МИНГ КИ- ШИ	Улуши, %				
1979	15391	6347	41,2	9044	58,8	-	-	-	34,3
1980	15757	6452	40,9	9305	59,1	2,4	1,6	2,9	35,1
1985	17972	7530	41,9	10442	58,1	2,6	3,0	2,4	40,0
1989	19905	8111	40,7	11794	59,3	3,6	1,9	2,9	44,3
1990	20322	8282	40,8	12040	59,2	2,1	2,1	2,1	45,3
1991	20708	8344	40,3	12364	59,7	1,9	3,7	2,7	46,1
1992	21207	8483	40,0	12724	60,0	2,4	1,7	2,9	47,2
1993	21608	8512	39,4	13096	60,6	2,3	0,9	3,3	48,3
1994	22098	8607	38,9	13491	61,1	2,2	1,1	3,0	49,4
1995	22467	8663	38,6	13804	61,4	1,6	0,6	2,3	50,3
1996	22912	8761	38,2	14151	61,8	2,0	1,1	2,5	51,3
1997	23349	8874	38,0	14475	62,0	1,9	1,3	2,3	52,4
1998	23772	8989	37,8	14783	62,2	1,8	1,3	2,1	53,4
1999	24136	9087	37,6	15049	62,4	1,5	1,1	1,8	54,0
2000	24488	9166	37,4	15322	62,6	1,5	0,9	1,8	54,8
2001	24848	9269	37,33	15579	62,7	1,4	1,1	1,8	55,6
2002	25224	9358	37,1	15866	62,9	1,3	0,9	1,7	56,4

Ўзбекистонда кейинги 10-15 йилда табиий ўсиш суръатла-ри сезиларли равишда қисқарди (2.3.1-жадвалга қаранг). Бу ҳо-лат туғилиш даражасининг пасайиши билан боғлиқ. Туғилиш даражасининг қисқариши демографик (аёлларнинг туғиш ёши чегарасининг қисқариши), миллий-этник (оиладаги болалар со-нининг режалаштирила бошлаганлиги, кўп авлодлар асосида таркиб топган мураккаб оилалар сони ва салмоғининг камайи-ши), ижтимоий (аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳаракатининг кучайиши, табиий- демографик тадбир-лар самарадорлигининг ошиши) ва бошқа омилларининг бево-сита ва билвосита таъсири натижасида давом этмоқда.

Туғилишнинг умумий коэффиценти 1990 йилда 33,7 промилледан 2001 йилда 20,5 промиллегача пасайди. Табиий ўсиш коэффиценти 1990 йилда 27,6 дан 2001 йилда 15,2 промиллегача қисқарди. Аҳолининг мутлоқ сони 1990-2002 йиллар оралиғида 20322,0 минг кишидан 25224 минг кишига етди. Умумий ўсиш 4902 минг кишини, табиий ўсиш 5972 минг кишини, давлатлараро миграция алоқаларининг қолдиғи минус 1070 минг кишини ташкил этди.

2.3.2-жадвал Ўзбекистон аҳолиси табиий ўсишининг мутлақ кўрсаткичлари ва коэффицентлари¹

Йиллар	Минг киши ҳисобида			Аҳолининг ҳар 1000 га нисбатан (промилла ҳисобида)		
	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Табиий ўсиш	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Табиий ўсиш
1980	540,0	118,9	421,1	33,9	7,5	26,4
1981	572,2	117,8	454,4	34,9	7,2	27,7
1982	589,3	124,1	465,2	35,0	7,4	27,6
1983	609,4	128,8	480,6	35,3	7,5	27,8
1984	641,4	132,0	509,4	36,2	7,4	28,8
1985	679,1	137,7	547,4	37,4	7,3	30,1
1986	708,7	132,2	576,5	37,9	7,4	30,8
1987	714,4	133,8	580,6	37,3	7,1	30,3
1988	694,1	134,7	559,4	35,3	6,8	28,5
1989	668,8	126,9	541,9	33,3	6,3	27,0
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
1991	723,4	130,3	593,1	34,5	6,2	28,3
1992	710,5	140,1	570,4	33,1	6,5	26,6
1993	689,2	148,0	544,3	31,4	6,6	24,8
1994	680,0	148,0	532,0	30,1	6,9	23,2
1995	669,8	150,4	519,8	29,4	6,6	22,8
1996	692,1	148,6	543,5	29,8	6,4	23,4
1997	649,0	146,7	499,3	27,3	6,2	21,1
1998	553,7	140,5	413,2	23,0	5,8	17,2
1999	544,8	130,5	414,3	22,3	5,3	17,0
2000	527,6	135,6	392,0	21,3	5,5	15,8
2001	514,6	131,9	382,7	20,5	5,9	15,2

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика департаменти маълумотлари асосида тузилди.

Инсон салоҳияти Республика ҳудуди бўйича нотекис жойлашган. Унинг 27,4% и Фарғона водийсига, салкам 20% и За- рафшон водийсига, 19,3% и Тошкент воҳасига, деярли 15,5% и Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига, 11,2% и Қуйи Амударё районига ва қолган 6,6% и Мирзачўлга тўғри келади.

Республикада аҳолиси зич жойлашган вилоятлар қаторига Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари киради. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида жуда паст эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси урбанизация даражаси нисбатан паст бўлган жаҳон мамлакатлари сафига киради.

Республикада кейинги йилларда шаҳар аҳолисининг сал- моғи пасаймоқда. Мазкур кўрсаткич 1990 йилдаги 40,8% дан 1995 йил 38,6% га, 2002 йилда эса 37,1% га тушди.

2.3.3-жадвал

Ўзбекистонда никоҳ ва ажралишлар сони²

Йиллар	Никоҳдан ўтганлар сони		Ажрашганлар сони	
	Минг киши	Ҳар минг аҳолига	Минг киши	Ҳар минг аҳолига
1991	270,3	12,9	33,4	1,6
1992	235,9	11,0	32,8	1,5
1993	225,5	10,3	27,0	1,2
1994	176,3	7,9	24,3	1,1
1995	170,8	7,5	21,2	0,9
1996	171,7	7,4	20,2	0,9
1997	173,4	7,3	16,7	0,8
1998	170,5	7,1	14,6	0,6
1999	175,9	7,2	10,3	0,4
2000	170,0	6,9	12,1	0,5
2001	168,5	6,7	16,2	0,6

Мамлакатимиздаги ижтимоий демографик аҳволнинг яна бир хусусияти- жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш даражаси юқори ва энг муҳими оиланинг бузилиши дунё бўйича энг паст даражада. Ижтимоий- иқтисодий маънода буларнинг ҳаммаси республиканинг меҳнат захиралари барқарор, интенсив равишда тўлдирилиб туришини,

² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика департаменти маълумотлари асосида тузилди.

демакки, кўп меҳнат талаб қиладиган корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш учун катта имкониятлари мавжудлигини аниқлади.

Ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Инсон салоҳиятининг негизини ташкил этувчи меҳнат ресурслари 2001 йилда жами аҳолининг 51,1% ига тенг бўлиб, ҳар йили 200-220 минг кишига кўпайиб бормоқда.

Табиий-географик шароитларининг қулайлиги, табиий ва инсон ресурслари билан яхши таъминланганлиги Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тараққий этиши, жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига кириши учун жуда яхши имкониятлар яратади.

Асака шаҳрида қисқа вақт ичида, қуриб ишга туширилган автомобил заводи маҳсулоти Ўзбекистонни бутун дунёга яна бир бор танитди. Мамлакатимиз аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, электроэнергия (1900 кВт/с), минерал ўғитлар (37 кг.), цемент (140 кг.), ишлаб чиқариш бўйича ҳам жаҳон мамлакатлари ичида муносиб ўринларни эгаллайди ҳамда кўпчилик Осиё ва Африка давлатларидан олдинда туради.

Республика саноати асосан маҳаллий ҳом ашёга таянган ҳолда ривожланмоқда. Шундай корхоналар қаторига рангли, қимматбаҳо ва нодир металллар ишлаб чиқарувчи Олмалик, Зарафшон, Чирчиқ, Навоий ва бошқа шаҳарлардаги кон металлургия комбинатлари жаҳон миқёсида ажралиб туради.

Қоровулбозор, Фарғона, Олтиариқ шаҳарларида нефтни қайта ишловчи ва нефть кимёси корхоналари маҳаллий ҳом ашё асосида фаолият кўрсатмоқда. Шўртан ва Муборак каби газни қайта ишловчи заводлар ҳам йирик корхоналар қаторига киради.

Ўзбекистон ривожланган электроэнергетика тизимига эга. Республикада умумий қуввати 11200 мВт.га тенг 37 электростанция ишлайди. Шундан 9800 мВт. иссиқлик станцияларига тўғри келади. Барча электростанциялар қуввати бир йилда 56-57 млрд. кВт.с.га тенг электроэнергия ишлаб чиқариш имкониятига эга. Иссиқлик электростанциялари ичида Сирдарё, Янги-Ангрен, Тошкент ва Навоий ГРЭСлари ҳар бирининг қуввати 1000 мВт.дан ошади. Ўрта Осиёдаги энг йирик Таллимаржон ГРЭСининг қурилиши давом этмоқда.

Ўзбекистон машинасозликнинг айрим тармоқлари бўйича дунёда муносиб ўрин эгаллайди. Республикада «Ўзмашсаноат» машинасозлик уюшмаси ҳар хил мулкчилик шаклларига эга 36 корхона ва ташкилотларни ўзида бирлаштирган. Шуларнинг ичида «Ўзбеккимёмаш» акциядорлик бирлашмаси, «Ўзбекпахтамаш» корпорацияси, «Подъёмник», «Компрессор», «Сино» ва бошқа бирлашмалар ажралиб туради. Машинасозлик корхоналари кимёвий ускуналар, компрессорлар, пахта тозалаш ускуналари, юк кўтарувчи кранлар, металл қирқувчи асбоблар, тўқимачилик машиналари ва бошқаларни ишлаб чиқармоқда.

Республика ривожланган кимё саноатига эга. Тармоқда «Фарғона Азот», «Навоий Азот», «Электрокимёсаноат» (Чирчиқ), «Аммофос» (Олмалиқ), Самарқанд кимё заводи, Қизилқум фосфорит комбинати ва қурилиши давом этаётган Қўнғирот сода заводи жуда йирик корхоналар ҳисобланади.

Ўзбекистон жаҳон миқёсида пахта толаси, шойи, қоракўл етказиб берувчи йирик давлатлар қаторидан ўрин олган. Республикада 200 дан ортиқ йирик енгил саноат корхоналари ишлайди. Тошкент, Бухоро, Андижон тўқимачилик, Наманган, Марғилон шойи комбинатлари, Тошкент, Форғона, Янгийўл, Чирчиқ пойафзал фабрикалари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда кўп тармоқларга ҳамда кенг географияга эга озиқ-овқат саноати мавжуд. Ундаги корхоналар республиканинг вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, барча йирик, ўрта ва кичик шаҳарларда, шаҳарчаларда ҳатто қишлоқларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ўтиш даврига хос муаммоларнинг кўпчилиги ижобий ҳал қилинди. Мамлакатимизда, собиқ Иттифоқ республикаларининг кўпчилигидан фарқли ўлароқ, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг кесикн қисқаришига йўл қўйилмади. 90-йилларнинг иккинчи ярмида эса ушбу тармоқларда ўсишга эришилди.

Ўзбекистон Давлат мустақиллигига эришгандан кейин ички ва ташқи сиёсатини республика халқига хос анъаналар ва урф-одатларни, мамлакат географик ва геостратегик ўрнини, иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда мустақил амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистонда суверен давлат инфратузилмасини барпо қилишдан тортиб, то

чуқур бозор ислоҳотларини амалга оширишгача бўлган маъсулиятни вазифаларни ўз ичига олган масалаларни тизимли тарзда ҳал қилиш зарурияти кун тартибидан ўрин олди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини эркинлаштириш жараёни энг аввало рақобатбардош муҳитни, товарлар, хом ашё ва капитал бозорларини шакллантириш муаммоси билан узвий алоқадордир. Фақат ҳаққоний рақобат муҳити мавжуд бўлган тақдирдагина бозор механизмлари самарали ишлаб кетиши мумкинлигини кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаси тасдиқламоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади даставвал республика иқтисодиётига хос бўлган бир томонликни, чуқур ихтисослашувни бартараф қилишга қаратилди.

Ушбу мақсадга эришишни таъминловчи бозор муносабатларини барпо қилинишида қуйидаги хусусиятлар ва жиҳатлар ҳисобга олинмоқда:

- мамлакатининг геосиёсий ва геостратегик ўрни;
- табиий-иқлимий шароитлари ва минерал хом ашё ресурсларининг мавжудлиги;
- демографик вазият ва аҳоли бандлиги;
- иқтисодий тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш;
- давлатнинг фаол, белгиловчи роли;
- кучли социал сиёсат;

Бозор муносабатларини барпо этилишида қуйидаги қатор вазифаларни амалга оширилиши жуда муҳим талаблардандир;

- макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
- бозор инфратузилмасини шакллантириш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш миқёсларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш;
- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга эришиш;

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг дастлабки даврида ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) кескин қисқаришига йўл қўйилмади. Ислоҳотларнинг кейинги босқичларида ЯИМнинг ўсиши таъминланди.

ЯИМнинг ўсиш суръати 1992 йилда минус 0,1 фоизга, 1995 йилда минус 0,9 фоизга тенг бўлди.

Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий юксалишга эришилди. ЯИМнинг ўсиш суръатлари 1997 йилда 5,2 фоизни, 2000 йилда 4,0 фоизни, 2002 йилда 4,5 фоизни ташкил этди.

Мамлакатда 2001 йилда мустақиллик даврида биринчи бор ЯИМни 1991 йилги кўрсаткичига нисбатан 103 фоизга ўсиши таъминланди. Шунингдек, ана шу давр ичида ЯИМнинг республика аҳолиси жон бошига ҳисобланган кўрсаткичлари ҳам 103,1 фоизга кўпайди.

Республикада 2001 йилда ислохотларни чуқурлаштириш йўналиши доирасида макроиқтисодий барқарорликка эришишдан ташқари иқтисодиёт ва унинг энг муҳим соҳалари ва тармоқларида ўсиш таъминланди.

Республика ташқи савдо баланси мусбат кўрсаткичга эга бўлди, экспорт 128 млн АҚШ доллари миқдорида импортидан юқори келди.

Республикада амалга оширилаётган молиявий ва пул-кредит сиёсати туфайли кўп жиҳатдан макроиқтисодий барқарорликка эришилди, иқтисодиётнинг молиявий баланслаштирилиши яна ҳам яхшиланди.

Молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан сармоялаштириш ҳажми (1194,2 млрд сўм) 2000 йил кўрсаткичига нисбатан 3,7 фоизга ошди, натижада сармоялаштириш ҳажми ЯИМ га нисбатан 24,5 фоизни ташкил этди.

Капитал маблағларни молиялаштиришни ҳал қилувчи манбаи бўлиб хорижий сармоялар ва кредитлар хизмат қилди. Уларнинг салмоғи 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 7,6 фоизга ўсди ва асосий капитал жами сармояларининг 29,3 фоизини ташкил этди.

Республикада 2001 йил 1 январ кунига хорижий сармоялари мавжуд 3301 корхона ҳисобга олинган. Қўшма корхоналарнинг аксарият қисми АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси, Хитой, Туркия, Россия ва Украина инвесторлари иштирокида барпо қилинган.

Мамлакат иқтисодиёти кичик ва ўрта сектори томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, амалга оширилган ишлар ва хизматлар юқори суръатларда ўсишда давом этди. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно) ЯИМнинг 24,4 фо-

изи ишлаб чиқарилди. Бу 2000 йилги кўрсаткичдан 2,8 фоизга кўп демакдир.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик сектори аҳоли бандлигини таъминлашнинг жуда муҳим омили бўлиб қолди. Ушбу секторда 2001 йилда 4842,5 минг киши ёки республика иқтисодиётида жами банд аҳолининг 53 фоизи меҳнат қилди.

Иқтисодиётининг барча тармоқларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Республикада 2001 йил мобайнида 1449 корхона ва объектлар хусусийлаштирилди. Уларнинг асосида 775 та хусусий корхона, 240 та очиқ турдаги акционерлик жамияти, 674 та бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга эга нодавлат корхоналари барпо қилинди.

Мамлакатда ўтказилган таркибий ўзгаришлар натижасида нодавлат секторда 2002 йилнинг 1 январ кунига нисбатан барча корхона ва ташкилотларнинг 87,1 фоизи фаолият кўрсатди.

Республикада 2001 йилда нодавлат секторда ЯИМ нинг 74,1 фоизи, саноат маҳсулотининг 70,8 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 99,0 фоизи ишлаб чиқарилди, жами қурилиш ишларининг 83,9 фоизи бажарилди.

Нодавлат секторда улгуржи савдо айланмасининг 97,1 фоизи, аҳоли пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг 59,4 фоизи шакллантирилди. Нодавлат секторда банд бўлганлар жами банд аҳолининг 76 фоизини ташкил этди.

Таркибий ўзгаришларда ишлаб чиқаришга ФТТ ютуқларининг тадбиқ этилишини, хом ашё ва ресурслар ҳажмини минимал миқдорда ошишига имкони беришини, мамлакатни жаҳон иқтисодий алоқаларида тенг ҳуқуқли асосда иштирок этишини таъминловчи тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланишига эътибор берилмоқда.

Саноатда ана шундай тармоқлар қаторига аввало электроника, радиотехника, асбобсозлик, станоксозлик, автомобилсозлик киритилади. Инфратузилма тармоқлари жумласига транспорт ва омборхона хўжалигини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Иқтисодиёт таркибий тузилишининг шаклланиши ва такомиллаштирилишининг энг муҳим шарти инвестицияларни илмий асосланган ҳолда тақсимланиши билан боғланган. Бунда таркибий қайта қуришни молиялаштириш маблағлари солиқ ту-

шумлари, тижорат банкларининг мажбурий резервлари ва давлат буюртмаси (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш саноати) каби манбаларга асосланади.

Мамлакатда 2010 йилгача бўлган даврга қабул қилинган таркибий ўзгаришлар дастурида иқтисодиёт таркибини кескин ўзгартириш назарда тутилган.

Узоқ муддатга мўлжалланган таркибий ўзгаришларнинг асосий мақсади – экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни шакллантириш назарда тулади.

Таркибий ўзгаришлар дастурида қуйидагиларга устувор аҳамият қаратилган:

- иқтисодиёт таркибини мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали ва унумли фойдаланиш мақсадини кўзлаган ҳолда ўзгартириш;
- иқтисодиётнинг саноат секторини қайта ишловчи тармоқларни устувор ривожлантиришни назарда тутган ҳолда ривожланишини тезлаштириш;
- чет эл сармояларини юқори самарали ишлаб чиқариш лойиҳаларига кенг жалб қилиш;
- рақобатбардош ишлаб чиқариш салмоғини кўпайтириш;
- кичик, ўрта ва микробизнеснинг товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш;
- ишлаб чиқариш ва транспорт ишфратузилмалари, телекоммуникация ва информацион технологиялар соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш;
- ўзида барқарор банк тизими ва ривожланган нобанк молия секторини мужассамлаштирган бир-бутун, ўзаро алоқадор, функционал фаол бозор инфратузилмасини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий механизмлари жумладан қуйидагиларга асосланиши назарда тутилган.

Мамлакатда 2010 йилгача саноатни ЯИМ даги улуши деярли икки марта кўпайтирилади.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ўсиши натижасида унинг ҳиссаси ЯИМ да 50 фоизга, экспортда 30 фоизгача етиши мўлжалланган.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача ўсиш суръатлари 2003-2010 йилларда 6-8 фоиз, саноатда 10-11 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6 фоиз, хизмат соҳасида 8 фоиз этиб қабул қилинди.

2.3.4-жадвал

Республика ялпи ички маҳсулотининг таркиби (фоизда)³

Таркиби	Фоиз
Ялпи ички маҳсулот, жами шу жумладан:	100
Товарлар ишлаб чиқариш шундан,	50,5
саноат	14,2
қурилиш	5,9
қишлоқ хўжалиги	30,2
бошқа тармоқлар	0,2
хизмат кўрсатиш шундан,	37,1
транспорт ва алоқа	7,8
савдо ва умумий овқатланиш	10,1
бошқа хизматлар	19,2
маҳсулотлар ва экспорт-импорт операцияларига қўйилган соф солиқлар	12,4

Таркибий ўзгаришларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий натижалари янги иш жойларининг кўпайтирилишида, меҳнат ресурсларини аграр сектордан саноат ва хизмат соҳаси секторларига оқиб ўтишида, кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг илдам ривожлантирилишида, аҳоли реал даромадларининг ўсишида ўз ифодасини топади.

Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта бизнесга республика жами банд аҳолисининг учдан бир қисми тўғри келади. Ушбу соҳанинг ЯИМ даги ҳиссаси ҳам узликсиз тарзда ошиб бормоқда. Республикада 1991 йилда кичик ва ўрта бизнесга ЯИМ нинг 1,5 фоизи тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2001 йилда 32 фоизни, корхоналар сони эса салкам 63 мингтани ташкил этди. Ушбу соҳада 200 мингта янги иш жойлари барпо қилинди.

³ Давлат статистика департаменти маълумотлари

Ўзбекистонда 2001 йилда 4868,4 млрд сўмга тенг ялпи ички маҳсулот барпо қилинди. Унинг таркиби қуйидагича.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек ЯИМ нинг ярмидан ортиқ қисми товарлар ишлаб чиқаришга, 37,1 фоизи хизматлар кўрсатиш соҳасига ва қолган 12,4 фоизи маҳсулотлар ва экспорт-импорт операцияларига қўйилган соф солиқларга тўғри келади.

Тармоқлар ичида ЯИМ нинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги томонидан таъминланади. Ушбу тармоқнинг ЯИМ даги ҳиссаси 30,2 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, бу ҳаққоний ҳодисадир. Чунки Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини айнан қишлоқ хўжалиги, аниқроқ қилиб айтганда суғорма деҳқончилигининг асосий тармоғи пахтачилик ташкил этади. Агар мазкур кўрсаткични қишлоқ хўжалигида банд аҳоли улуши билан таққосласак, улар ўртасидаги фарқ 10 пунктдан ҳам зиёд эканлигини кўришимиз мумкин. Қишлоқ хўжалигига мамлакатда 2001 йилда мавжуд жами банд аҳолининг учдан икки қисмидан ортиқ қисми тўғри келади. Бундай ҳолат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳанузгача паст даражада сақланиб келаётганидан далолат беради. Шу билан бирга мазкур тармоқда, айниқса унинг тармоқлар тизимида 1996 йилдан кейинги даврда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало Ўзбекистонни дон мустақиллигига эришганлиги жуда катта иқтисодий ва сиёсий воқеа бўлди. Тармоқда бўлиб ўтган ўзгаришлар республикадаги вазиятни, аввало тупроқ-сув билан таъминланиш даражаси ва сифатини, яъни ерларнинг шўрланиш даражаси, сувнинг тақчиллиги ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми 2086,8 млрд. сўмни ташкил этди ва олдинги йилга нисбатан 4,5 фоизга кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулоти 1097,3 млрд. сўмни (52,6 фоиз) ва чорвачилик маҳсулоти 989,2 млрд. сўмни (47,4 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги деярли ёппасига хусусийлаштирилган тармоқлардан ҳисобланади. Ушбу тармоқда нодавлат секторининг улуши 99 фоизга тенг бўлди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 66,3 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналаридан 26,8 фоизи деҳқон хўжаликларидан ва 6,9 фоизи фермер хўжаликларидан иборат.

Барча категориялардаги қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдони 2001 йилда олдинги йилга нисбатан 339,9 минг гектарга камайди ва 3438,4 гектарни ташкил этди. Экин баҳорикор ерлардага ғалла майдони ҳисобига қисқартирилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 379 сон қарори, 2 октябр 2000 йил).

2.3.5-жадвал

Асосий қишлоқ хўжалик экинларининг экин майдони⁴

	2000 й.	2001 й.	2001 йил 2000 йил- га нисба- тан фоиз- да	Жами экин майдонига нисба- тан, фоиз ҳисобида	
	минг гектар			2000 й.	2001 й.
Жами экин майдони шу жумладан:	3778,3	3438,4	91,0	100	100
дон экинлари шундан:	1614,0	1391,6	86,2	42,7	40,5
буғдой	1355,8	1219,4	89,9	35,9	35,5
шоли	131,8	38,9	29,5	3,5	1,1
пахта (ғўза)	1444,5	1452,0	100,5	38,2	42,2
картошка	52,2	50,8	97,3	1,4	1,5
сабзавот	129,9	130,6	100,5	3,4	3,8
полиз экинлари	36,9	34,9	94,6	1,0	1,0
ем-хашак экинлари	429,0	330,4	77,0	11,4	9,6

2001 йилда 4072 минг тонна дон, шу жумладан 3690 минг тонна буғдой йиғиб олинди. Ҳосилдорлик гектарига 30,0 центнерни ташкил этди. Қолган барча турдаги деҳқончилик экинларининг ялпи ҳосили ҳам 2000 йилги кўрсаткичдан юқори бўлди. Шу билан бирга, пахта ялпи ҳосили кутгандан кам бўлди. 2001 йилда жами 3275 минг тонна ёки тайёрлов ҳажмининг 86,3 фоизи миқдорида пахта давлатга топширилди.

/алла ва пахтанинг асосий қисми қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан тайёрланди (тегишли равишда 62,9 ва 78,4 фоиз).

⁴ Давлат статистика департаменти маълумотлари.

Ўзбекистонинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда 2002 йилнинг 1 январ кунига нисбатан 55,4 минг фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётганлиги қайд этилди. Бу 2000 йилги кўрсаткичдан 11,7 минг хўжаликка ёки 26,7 фоизга кўп демакдир. Фермер хўжаликларига меҳнат қилаётганларнинг сони 40,0 минг кишини ташкил этди. Фермер хўжаликларига республика жами банд аҳолисининг (9136 минг киши) 4,2 фоизи тўғри келди. Фермер хўжаликлари 2001 йилда тайёрланган жами ғалланнинг 18,3 фоизини ва пахтанинг 21,6 етказиб берди.

Республикада 2001 йилда саноат корхонлари томонидан 2884,5 млрд. сўмга тенг маҳсулот тайёрланди. Бу 2000 йилги кўрсаткичдан 8,1 фоизга кўп бўлди. Саноат тармоғида жами 1592 га ўрта ва йирик корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолият кўрсатди.

Нодавлат сектори корхоналари саноат маҳсулотининг 70,8 фоизини етказиб берди.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг тармоқ таркиби қуйидагича (2.3.6-жадвал).

2.3.6-жадвал
Саноат маҳсулотининг тармоқ таркиби⁵

Тармоқлар	2000 й. %	2001 й. %
Маҳсулотнинг умумий ҳажми шу жумладан	100	100
электр энергетика	9,1	8,0
ёқилғи саноати	15,0	12,9
қора металлургия	1,2	1,4
рангли металлургия	10,1	10,7
кимё ва нефт кимёси саноати	5,5	5,3
машинасозлик ва металсозлик	9,2	10,5
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	1,4	1,4
қурилиш материаллари саноати	5,3	5,3
енгил саноат	19,5	20,5
озиқ-овқат саноати	14,1	13,4
бошқа саноат тармоқлари	9,6	10,1

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар фан-техника тараққиётини таъминловчи, рақобатбардош, экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қатор тармоқлар

⁵ Давлат статистика департаменти маълумотлари асосида тузилди.

нисбатан илдам суръатлар билан ривожлана бошлади. Бунинг оқибатида металлургия, машинасозлик ва енгил саноат тармоқларининг жами саноат маҳсулотида улушлари сезиларли тарзда кўпайди.

Республикада айрим саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Мамлакатда 2001 йилда меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони 12,7 млн. кишини ташкил этди. Бу жами аҳолининг 50,9 фоизидан иборатдир.

Иқтисодий фаол аҳоли сони 9173,5 минг кишидан иборат бўлди. Бу 2000 йилги кўрсаткичдан 1,7 фоиз кўп демакдир.

Ўзбекистонда банд аҳоли сони 9136 минг кишидан иборат бўлди. Расмий ишсизлар сони эса 37,5 минг кишини ташкил этди, бу жами иқтисодий фаол аҳоли сонининг 0,4 фоизига тенг.

2.3.7-жадвал

Айрим саноат маҳсулотларини 2001 йилда ишлаб чиқариш⁶

	2001 й.	2001 йил 2000 йилга нисбатан, фоизда
Нефт, газ конденсати билан бирга, млн.т.	7,3	96,3
Газ, млрд. куб м.	57,4	101,8
Электр энергия, млрд. кВт/соат	47,9	102,3
Кўмир, минг т.	2711	108,4
Пўлат, минг т.	445,7	107,2
Прокат, минг т.	403,4	103,3
Автомобиллар, дона	41400	132,3
Автобуслар, дона	307	63,6
Минерал ўғитлар, минг т.	711,0	85,3
Пластмассалар ва синтетик толалар, т.	14045,0	93,3
Цемент, минг т.	3722,3	113,3
Газлама, млн. кв. м.	438,9	112,9
шу жумладан:		
Ип-газлама	397,1	112,5
Пойафзал, минг жуфт	6388	147,8

Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши ноишлаб чиқариш соҳаси ҳисобига 2,6 фоизга; моддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобига 1,3 фоизга таъминланди.

⁶ Давлат статистика департаменти маълумотлари асосида тузилди.

Жами банд аҳолининг 69,3 фоизи моддий ишлаб чиқариш тармоқларига, қолган қисми ноишлаб чиқариш тармоқларига тўғри келади. Иш билан банд бўлганларнинг сони қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техник таъминот ва тайёрлашда кўпайди.

Нодавлат секторида банд бўлганларнинг улуши 76,0 фоизни ташкил этди.

Республикада 2001 йилда «Бандлик» дастурини бажариш доирасида 465,3 минг иш жойлари барпо қилинди. Бу 2000 йилги кўрсаткичдан 4,8 фоизга ортиқдир. Диққатга сазовор жойи шундан иборатки, ишчи жойларининг асосий қисми меҳнат ресурслари сони кўп ва тез суръатлар билан ўсаётган вилоятларга (Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд) тўғри келади. Иш жойларининг 340,4 мингтаси қишлоқ жойларда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда Давлат мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб бандлик таркибини такомиллаштириш, унда саноат ва хизмат соҳаларининг ҳиссаларини кўтариш ва аксинча аграр сектор ҳиссасини қисқартириш борасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кейинги ўн йилликда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли улуши 5,7 фоизга қисқарди ва 36,2 фоизни ташкил этди. Шу давр ичида саноатда банд бўлган аҳоли сони 1213 минг кишидан 1124 минг кишигача қисқарди, улуши 14,7 фоиздан 12,7 фоизга тушиб қолди. Лекин, бу минтақа мустақил давлатлари ичида энг кам миқдордаги пасайиш бўлди. Чунки саноатда банд аҳоли Қозоғистонда 1,5 млн. дан 0,9 млн. га, Қирғизистон ва Тожикистонда икки мартага қисқарди.

Ўзбекистонда (минтақанинг бошқа давлатларида ҳам) саноат ва хизмат соҳасининг ривожланиши чет эл сармоялари билан алоқадордир. Бу тўғрисида Президентимиз жуда кўп таъкидлаб ўтган, бунини яқин-яқинларгача ривожланаётган мамлакатлар қаторидан ривожланган давлатлар гуруҳига қўшилган Сингапур, Корея Республикаси, Чехия, Венгрия ва бошқаларнинг тажрибалари тасдиқлайди.

Мамлакат ҳудудий ривожланишининг асосий принциплари қаторида ҳудудлар ички имкониятлари ҳисобида бўлган табиий-иқтисодий ресурсларидан самарали фойдаланиш миқёсларини ҳар томонлама ҳисобга олиш принципи муҳим ўрин эгаллайди.

Минтақавий иқтисодиёт назариясида мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланган ҳолда минтақа иқтисодиётини мажмуали ривожлантириш қонуниятига жуда катта эътибор қаратилади. Бунда ишлаб чиқаришни маҳаллий хом ашёга боғлиқ ҳолда жойлаштириш (локализация қилиш) масаласи муҳим ҳисобланади.

Дарҳақиқат Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳам ашёси кўплаб минтақалар ишлаб чиқаришни локализация қилиш сиёсатининг мақсади ва моҳиятини белгилаб бермоқда.

Саноати ва қишлоқ хўжалигига асосланган минтақаларда ишлаб чиқариш ҳудуд бўйича ўзига хос жойлашган. Жумладан, минерал хом ашёни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш саноати асосан конлар ёнида жошлаштирилган. Булар қаторига кўмир саноати, рангли металлургия ва бошқа тармоқлар корхоналари киради. Диққатга сазовор жойи шундан иборатки, қатор тармоқлар корхоналарини жойлаштириш улар фаолиятига хос технологик жараёнлар билан боғланади. Бу ҳолат хом ашёдан нисбатан кам тайёр маҳсулот олинадиган ишлаб чиқариш корхоналарини бевосита конга яқин ҳудудда локализация қилиш, шунингдек тез бузиладиган, трансрентабел бўлмаган қишлоқ хўжалиги хом ашёсини унга яқин жойдаги корхонада қайта ишлашни талаб қилади. Худди шунга ўхшаб электр энергияни кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришни (рангли металлургия, целлюлоза-қоғоз саноати) электр манбаларига яқин жойлаштириш, пахта тозалаш саноатини пахтачилик мавжуд ҳудудларга жойлаштириб, технологик занжирнинг юқори босқичларини бошқа ҳудудларда локализация қилиш сиёсатига ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда минтақавий сиёсатни амалга оширишда асосий эътибор инвестиция сиёсатига қаратилмоқда. Инвестиция сиёсатининг асосида:

- ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш;
- ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини республика жами ҳудудида ва энг аввало унинг қишлоқ жойларида ривожланишини таъминлаш;
- иқтисодиёти бўш ривожланган ва кўп миқдорда расмий ва норасмий ишсизлар мавжуд минтақаларда янги иш жойларини барпо қилиш;

- агросаноат мажмуини тез суръатларда ривожлантириш ва бошқа принциплар ётади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш вазифаси дастурли-мақсадли методларга асосланган ҳолда давлат ва тармоқлар дастурлари бўйича амалга оширилмоқда. Улар минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражаси ўртасидаги фарқларни камайтиришга, қолоқ минтақаларни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратишга йўл очиб бермоқда. Мазкур дастурлар қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш ва газлаштириш бўйича Дастур;
2. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш Дастури;
3. Кичик гидроэнергетикани ривожлантириш Дастури;
4. Автомагистралларда хизмат кўрсатишнинг мажмуали инфратузилмасини ривожлантириш Дастури;
5. Автотранспорт ва автомобил йўлларини, темир йўлларини, авиатранспортни ва бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожлантириш бўйича тармоқлар Дастурлари ва бошқалар.

Хорижий инвестициялар воситасида 2001 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизматлар)нинг 41,2% Тошкент шаҳрига, 25,2% Андижон, 9,7% Тошкент, 8,9% Навоий, қолган қисми Самарқанд ва Наманган вилоятларига тўғри келади. Иқтисодий минтақалар бўйича ушбу кўрсаткичлар қуйидагича: Тошкент минтақасига – 50,9%, Фарғона минтақасига – 29,0% Зарафшон минтақасига 18,4% ва бошқа минтақаларга 1,7% тўғри келади. Хорижий инвестициялар воситасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ва кўрсатган хизматлар 611,7 млрд. сўм деб баҳоланмоқда. Хорижий инвестициялар воситасида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар қаторини қуйидагилар ташкил этади: ЎзДЭУавтоКо, Кабул-Ўзбек (тўқимачилик саноати), Зарафшон-Ньюмонт, ЎзБАТ (тамаки саноати), DAEWOO TEXTIL, РОЗ ТРЕЙДИНГ ЛТД, Косонсой-Текмен (енгил саноат), Силк-Род, Самкочавто (автомобилсозлик), Сингапур-Самарқанд (озик-овқат саноати).

Маълумки, давлат моливий тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб минтақавий молия ҳисобланади. Минтақавий молия минтақа бюджетлари, маъмурий-ҳудудий

бўлақлар бюджетлари ва хўжалик юритувчи субъектлар молияларидан ташкил топган.

Минтақа молиялари аҳолига ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кенг тадбирларни молиялаштириш вазифасини бажаради.

Минтақа молиялари ёрдамида давлат тарихий, географик ва бошқа сабабларга кўра ривожланишда орқада қолган минтақалар ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражасини бошқа пешқадам минтақалар даражасига яқинлаштириш бўйича ишларни амалга оширади. Бунинг учун минтақавий дастурлар ишлаб чиқарилади. Ушбуларни амалга ошириш учун зарур маблағлар маъмурий-худудий бўлақлар бюджетларининг даромад манбаларидан ҳамда юқори босқичлардаги бюджетлар солиқларидан шакллантирилади. Минтақалар бюджетларига давлат солиқларидан чегимлар, асосан субвенциялар, яъни маълум мақсадларни кўзлаган ҳолда (соғлиқни сақлаш, йўл қурилиши, коммунал объектлар барпо этиш қилиш ва ҳоказо) юқори босқичлардаги бюджетлардан олинадиган молиявий ресурслар ажратилади.

Минтақавий ҳокимият ташкилотларининг молиявий асоси бўлиб уларнинг бюджетлари ҳисобланади. Минтақалар бюджетлари асосида ишлаб чиқариш тармоқлари, даставвал маҳаллий ва озиқ-овқат саноати, коммунал хўжалиги ривожланиши молиялаштирилади. Минтақалар бюджетлари асосан ҳокимият органлари фаолиятини молиявий таъминлаб турувчи пул фондлари шаклланади. Ушбу фондлар халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида тақсимланади ва улардан фойдаланилади; ушбу худуддаги корхона, ташкилот ва муасасаларнинг молия-хўжалик фаолияти назорат қилинади.

Таянч иборалар:

- 1. Шиддатли иқтисодий фаолият манбаи** - Ж.Пирен таълимотига кўра, турли цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида денгиз муҳим роль ўйнайди. Унинг соҳилларида иқтисодий фаолият ривожланади.
- 2. Инновация янгиликлари** - иқтисодий ривожланишга муҳим таъсир кўрсатиб, тадбиркорнинг мижозлар учун янги маҳсулот ишлаб чиқариши, иқтисодий фаолиятга янги ишлаб чиқариш усулларини киритиши, янги сотиш бозорларини ўз

маҳсулотлари билан эгаллаши, хом ашё янги манбаларини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни янгитдан ташкил этиши кабилардан иборат.

3. **Ҳукмрон мавқедаги ўзгаришлар** - у ёки бу мамлакатнинг халқаро иқтисодий ривожланишдаги ҳукмронлик ролининг ўзгаришидир.
4. **Ҳукмрон иқтисодий бирлик** – бу бошқа иқтисодий бирликларга бир томонлама эътиборсиз ёки фақат эътиборсиз таъсир кўрсатадиган бирликдир.
5. **Ижтимоий гуруҳлардаги ўзгаришлар** - ижтимоий гуруҳлар ўз фаолиятлари туфайли жамиятда иқтисодий ўсиш ва тараққиёт манбаи сифатида чиқадилар.
6. **Тармоқ таркибий ўзгаришлари** - иқтисодиёт етакчи тармоқларининг умумиқтисодий ўсиш учун муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, давлат томонидан мақсадли, устувор қўллаб-қувватланиши, бошқа тармоқлар (озик-овқат, нефтни қайта ишлаш) юқори экспорт салоҳиятига эга бўлсада, асосан, импорт ўрнини босиш учун ривожлантирилмоқда.
7. **Муассасавий ислоҳотлар** – ўтиш давридаги энг қийин вазифа бўлиб, бозор иқтисодиётига хизмат қиладиган уюшмалар, банклар, биржалар, савдо уйлари, тегишли вазирлик ва маҳкамаларни ташкил этиш ҳамда фаолиятларини такомиллаштиришдан иборат. Ислоҳотлар ҳуқуқий негизини яратиш уни ўтказишда муҳим қадам ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Жаҳон иқтисодий тараққиётининг асосий босқичлари қайсилар?
2. Дастлабки цивилизация қаерда вужудга келган, уни қандай шарт-шароитлар белгилайди?
3. Жак Пирен таълимотининг мазмуни нимадан иборат?
4. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Демографик ўзгаришлар иқтисодий ривожланишга қандай кўринишда таъсир кўрсатади?
6. Инновация ўзгаришлари деганда нимани тушунасиш?
7. Ҳукмрон иқтисодий бирликнинг мазмуни нимадан иборат?

8. Ўзбекистон ўз миллий иқтисодиётини шакллантиришда қандай муаммоларга дуч келди?
9. Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қайсилар?

III БОБ. МАМЛАКАТ МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1. Миллий иқтисодиёт мазмуни

Ҳар бир мамлакатда иқтисодий ривожланишнинг тарихий анъаналари авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирилади. Унда у ёки бу мамлакатнинг миллий, сиёсий, диний хусусиятлари ўз аксини топади.

Миллий ҳамкорлик, яъни бир мамлакат чегарасидаги кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳамкорлиги узоқ тарихдан то ҳозирги кунга қадар иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг энг яхши интеграциялашган шакли сифатида намоён бўлади.

«Миллий иқтисодиёт» тушунчасини англаш учун биринчидан, «миллий», «миллат» деган тушунчанинг ўзини изоҳлаш керак.

Миллат тушунчаси латинча *natio* сўзидан олинган бўлиб, халқ деган маънони англатади. Бунда миллатнинг 2 хил мазмуни мавжуд:

1. Инсонлар жамоасининг тарихан вужудга келган шакли.
2. Мамлакат, давлат.

Иқтисодчиларнинг «миллат» тушунчасига бўлган ёндашувлари доимо ўзгариб турган.

Бинобарин, Д.Рикардо таълимотига кўра, миллат иқтисодий фаолиятнинг характерини белгиловчи табиий омиллар, ҳосилдорлиги ҳар хил бўлган тупроқ мавжуд географик макон сифатида таърифланса (Португалия вино ишлаб чиқаради, Буюк Британия газлама), Стюарт Милль таълимотида эса миллат - ҳудуд ҳисобланиб, унинг ичкарасида ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатчан бўлади, бироқ уларнинг ҳаракатчанлиги давлат чегараси билан чекланади. Ф.Перунинг таърифига биноан миллат - мажбур этиш монопол ҳуқуқига эга бўлган давлатга бўйсунувчи индивид ва гуруҳлар йиғиндисини ўзида мужассамлаштиради.

Р.Барр миллат тушунчасига иқтисодий жиҳатдан, мураккаб таъриф берган, яъни миллатнинг қуйидаги иқтисодий концепциясини илгари сурган.

- Миллат энг аввало, бу ўз табиатига кўра (қишлоқ хўжалиги, саноат ва ҳ.к.), келиб чиқишига кўра (якка, давлат, жамоа ва ҳ.к. корхоналар), ўз характерига кўра (капиталистик, нокапиталистик ва ҳ.к.), фаолият шароитларига кўра (рақобат, монополия ва б.) фарқ қиладиган иқтисодий фаолият марказидир.
- Миллат – бу кучлар маркази бўлиб, унинг аҳамияти ва таъсири географик ва сиёсий макон доирасидан ташқарига чиқади.
- Миллат – бу иқтисодий, сиёсий ва руҳий сабабларга кўра устувор ҳисобланган ҳамжиҳатлик марказидир.

Шундай қилиб, миллат иқтисодий, геосиёсий ва руҳий йўналишдаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, уни бошқа миллатлардан фарқлаб турадиган ва улар билан ўзаро таъсирга зарурат туғдирадиган дунёнинг таркибий қисмдир.

Иккинчидан, «миллат» тушунчаси билан бир қаторда иқтисодиёт тушунчасини ҳам кўрсатиш зарур.

Иқтисодиёт грекча *oikonomike* сўзидан олинган бўлиб, уй хўжалигини бошқариш санъати, деган маънони англатади. Иқтисодиёт тушунчасининг уч хил изоҳи мавжуд:

1. Ишлаб чиқариш муносабатлари йиғиндиси;
2. Минтақа, мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ва бутун жаҳон хўжалиги (ёки унинг тармоқ қисми ва ишлаб чиқариш турлари);
3. Иқтисодий муносабатларнинг функционал ёки тармоқ жиҳатларини ўрганадиган фан соҳаси.

Миллий иқтисодиёт – бу мамлакат хўжалиги, унинг таркибий тузилиши, алоҳида унсурларининг ўзаро алоқасидир.

Миллий иқтисодиёт бу мажмуа бўлиб, уни ташкил этувчилар ўзига хос умумийликка эга. Унинг турли фаолият соҳалари ўртасида қўшимча турлари ҳам мавжуд.

Мамлакат миллий ҳамкорлик сифатида олий ҳокимиятга эга, унга (у ёки бу даражада) иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари бўйсунди. Мамлакат «руҳий тамойил» дир: унинг аҳолиси ўртасида хатти-ҳаракатлар доирасида мутаносиблик ва таъсирлар нисбатининг бир хиллиги мавжуд. Бу миллий

иқтисодий ҳамкорликка яқдиллик хусусиятини беради. Миллий пул бирлиги (тизим) эса бу яқдилликни мустаҳкамлайди.

Давлатнинг фаолияти иқтисодий фаолиятни муваффақиятли ривожлантиришга қаратилади. Мавжуд барча иқтисодий тизимлар аслида «аралаш» тизимлардир. Ҳукумат ва бозор тизими фундаментал вазифаларини ўзаро бўлишиб оладилар. Шунга қарамай, дунёнинг турли иқтисодий тизимлари ҳукумат ва бозорнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роллари нисбати бўйича бир-бирларидан кескин фарқ қилади.

Агар собиқ СССР иқтисодиётида марказдан режалаштиришга устувор аҳамият берилган бўлса, АҚШ иқтисодиётида бозор тизими кўпроқ устунликка эга.

Давлатнинг иқтисодий аҳамиятини миқдор жиҳатдан ифодалаш анча мураккаб вазифадир. Ҳукумат ишлаб чиқаришни молиялаштиришдан ташқари, ижтимоий таъминот дастурини ҳам амалга оширади. Бундан ташқари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ишчилар соғлиғи ва меҳнатини муҳоваза қилиш, истеъмолчиларни хавфли маҳсулотлардан ҳимоялаш, вакант ишчи ўринларига тенг кира олишни таъминлаш ва маълум тармоқларда нарх белгилаш амалиётини назорат қилишга қаратилган тартибга солиш тадбирлари ҳукуматни амалда барча иқтисодий фаолият соҳаларига жалб қилади.

Ҳукуматнинг иқтисодий роли шубҳасиз катта ва кенг қамровлидир, шунга яраша унинг иқтисодий вазифалари ҳам кўп ва кенг қирралидир. Ҳақиқатда ҳукуматнинг иқтисодий роли шундай кенг кўламга эгаки, амалда унинг иқтисодий вазифаларининг тугалланган рўйхатини тузиб бўлмайди.

Ҳукумат ўз фаолиятида бозор тизимини қўллаб-қувватлаш ва амал қилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Бу соҳада давлатнинг 2 та муҳим фаолияти йўналишини келтириш мумкин. Биринчи йўналишда:

1. Бозор тизими самарали ишлашига ёрдам берадиган ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни яратиб берилади.
2. Рақобатдан ҳимоялаш вазифалари бажарилади.

2-гуруҳ вазифаларни ечиш йўли билан давлат бозор тизимининг амал қилишини кучайтиради ва янгилайди. Давлатнинг қуйидаги 3 вазифаси муҳим аҳамиятга эга:

1. Даромадлар ва бойликни қайта тақсимлаш.

2. Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурсларни тақсимлашни мувофиқлаштириш.
3. Иқтисодий барқарорлаштириш, яъни иқтисодий конъюнктура тебранишлари билан юзага келадиган инфляция ва ишчи кучи бандлиги даражасини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Давлатнинг бу 5 вазифаси унинг иқтисодий ролини таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир мамлакатда бутун иқтисодий фаолият ёки унинг алоҳида соҳалари муваффақиятли ривожланиши учун у ёки бу шароитлар яратилади. Бу унинг жаҳон иқтисодийётида маълум ўрин эгаллаши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатда мавжуд шароитлар миллий иқтисодийётнинг қандайдир тармоғи учун энг яхши стратегияни олиб боришга ёрдам беради, миллий иқтисодийёт тармоқлари ва фирмаларининг муваффақиятли ривожланишини осонлаштиради ёки қийинлаштиради.

3.2. Миллий иқтисодийётнинг амал қилиши ва ривожланишини таъминловчи омиллар

Иқтисодий фаолиятни мамлакат миқёсида чеклаш уни ҳар қандай шароитда ҳам жаҳон ҳамжамиятидан ажратиб қўймайди. Миллий иқтисодийётга, жаҳон иқтисодий тизими каби юқори тартибдаги тизимнинг бир қисми сифатида қаралади. Бу тизимлар ўзаро алоқадорлигидан келиб чиқади. Демак, миллий иқтисодийёт хусусиятлари фақат ички омиллар билангина эмас («детерминантлар»), балки ташқи тартибдаги омиллар билан ҳам белгиланади. Шу сабабли, миллий иқтисодийёт амал қилишини таъминловчи барча омиллар икки тоифага ажратилади: ташқи ва ички. Бунда ҳар икки тоифа омиллари ўзаро боғлиқлигини кўзда тутишга тўғри келади. Ташқи омиллар қуйидаги йирик гуруҳларга ажратилиши мумкин:

1. Иқтисодий
2. Сиёсий
3. Демографик
4. Маданий

Жаҳон ҳамкорлигининг иқтисодий омиллари. Уларга биринчи навбатда, у ёки бу мамлакат миллий иқтисодининг маълум

йўналишда «иқтисослашганлиги»ни шакллантирувчи халқаро меҳнат тақсимотини (ХМТ) киритиш мумкин.

У ёки бу мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ҳукмронлиги иккинчи иқтисодий омил бўлиб ҳисобланади. Бу бошқа мамлакатларнинг жавоб таъсирини келтириб чиқариши мумкин. Масалан, «импортга қарши» ёки «импорт ўрнини босувчи» товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Бу ҳар доим ҳам самарадорликнинг зарурий даражасини таъминлайвермайди, бироқ миллий иқтисодиёт у ёки бу соҳасини жонлаштиришни таъминлаш зарурати шундай тадбирлар кўришга мажбур қилади.

Дунёнинг турли ҳудудларида «савдо низолари», деб номланган урушларнинг ривожланиши учинчи омил бўлиши мумкин, уларнинг натижасида ҳам миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юз бериши мумкин.

Сиёсий омиллар жуда турли-туман, олдиндан айтиб бўлмайдиган шаклларда намоён бўлади. Товарлар ва хизматларни етказиб беришда эмбарго эълон қилиш, кўпроқ қулайликлар яратиб берадиган тартибни тақлиф этиш (ёки этмаслик), мамлакатнинг у ёки бу сиёсий иттифоққа қабул қилиниши (ёки қилинмаслиги), дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши ёки бузилиши, у ёки бу сиёсий ташкилотларга қўшилиш, ниҳоят, у ёки бу давлатлар билан уруш ҳолатида бўлиши ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Жаҳон ҳамжамиятида демографик омиллар асосан, у ёки бу мамлакатда ишсизлик хавфини туғдирувчи ёки мамлакат «тўлов баланси таркибини» соф ўтказмалар бандининг мусбат миқдори ҳисобига яхшиловчи ишчи кучи миграцион оқимлари йўналишининг ўзгаришида намоён бўлади.

Маданий омиллар мамлакатга оммавий маданият, деб аталган экспансия ҳолатида миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатиши мумкин. Бу экспансия, бир томондан, мамлакатдаги мос келувчи тармоқлар иқтисодий аҳволига, бошқа томондан, аудио ва видео маҳсулотлар ва бошқалар билан боғлиқ валюта ресурсларининг чет элга оқиб чиқиб кетишига таъсир қилади.

Ички омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Миллий иқтисодий фаолият иштирокчилар ини;
2. Бу фаолиятни ташкил этиш шакллари;


3. Мамлакат миқёсидаги иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш имконини берувчи усулларни.

3.3. Иқтисодий механизмлар ва уларнинг ўзаро таъсири

Миллий иқтисодиёт фаолияти турли қарама-қарши, баъзида эса антогонистик мақсадларни кўзловчи кишилар катта оммаси томонидан бир вақтда амалга оширилади. Уларнинг фаолияти бир томондан, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг турлитуманлиги билан, бошқа томондан, бу қизиқиш ва эҳтиёжларни қондирадиган восита ва усулларнинг кўплиги билан ҳамда зарур восита ва усулларни қўллаш имкониятидаги фарқлар билан белгиланади.

3.3.1-чизма

Иқтисодий механизмларнинг чирмашиб кетиши



Миллий иқтисодиёт фаолияти тартибсиз, аниқмас, иқтисодий ҳодисалар эса ўзаро боғланмаган ҳолатга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бироқ кўп асрли тажриба шуни кўрсатадики, «иқтисодий механизмлар», деб аталган ўзаро алоқалар иқтисодий ҳодисалар кўп сонли «занжири» мавжуд. Бу механизмлар иқтисодий фаолият у ёки бу белгиларининг намоён бўлиши билан бир-бирига

боғлиқ бўлмаган, қандайдир автоном бўлиб қолмайди. Бутун иқтисодий механизмлар йиғиндиси, бир вақтда ҳаракатда бўлиб, бир-бирини белгилаб ва тўлдириб унга хос бўлган барча тамойиллар (бир бутунлик, иерархиклик, ўзаро алоқадорлик ва ҳ.к.) катта тизимини ўзида мужассамлаштиради.

Мамлакат миқёсида амал қиладиган иқтисодий механизмларнинг бундай чирмашиб кетиши (интердепенденция) ва жаҳон иқтисодий тизими билан ўзаро алоқадорлиги миллий иқтисодиёт мазмунининг (субстанционал) асосини ташкил этади.

Иқтисодий механизмлар турли синфлари ўзаро таъсирининг агрегат чизмасини кўриб чиқамиз. Ҳар бир синфга тааллуқли бўлган аниқ иқтисодий механизмларнинг ўзаро чирмашиб кетиши реал ҳаётда жуда мураккаб. Бунда юзага келувчи ўзаро алоқалар бир мунча кўпдир.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мувозанат механизмлари синфи исталган мамлакат миллий иқтисодиётининг глобал стратегик мақсадларига эришишни, аҳоли турмушининг юқори даражасини ва уни қўллаб-қувватлашни, шу жумладан, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди.

Қолган барча механизм синфлари маҳаллий (бироқ миллий иқтисодиёт учун кам аҳамиятга эга бўлмаган) стратегик мақсадларни ҳал қилади. Масалан, миллий иқтисодиёт ва ташқи дунё мувозанат механизмлари мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига самарали интеграцияланиши учун «ишлайди». Капиталнинг даромадга ва даромаднинг капиталга айланиш механизмлари оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган даражада ресурсларни таъминлаш бўйича стратегик мақсадга, мультипликацион механизмлар доимий суратда иқтисодий фаолият самарадорлигини ўстириб бориш, иқтисодий даврлар механизмлари миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишини тутиб туриш стратегик мақсадга эришиш учун «ишлайди».

Иқтисодий механизмларнинг ҳар бир синфи бошқа икки томонлама алоқалар билан боғланган, у ёки бу механизмларнинг бошқа механизмларга нафақат тўғри, балки тескари боғлиқлигининг мавжудлигини ифодалайди.

Бу ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликни мажмуавий таҳлил қилиш миллий иқтисодиёт фаолиятини у ёки бу мамла-

кат томонидан қабул қилинган иқтисодий тартиб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Масалан, капиталнинг турли унсурларига (ускуналар, бино, иншоот ва бошқалар) амортизация ажратмалари меъёрининг миқдорини белгилаш орқали иқтисодий механизмлар барча синфларининг бир вақтда амал қилиши таъсирини таҳлил қилиш зарур.

Бу меъёрлар қуйидагиларга боғлиқ равишда юқори ёки паст, барқарор ёки ўзгарувчан бўлиши мумкин:

- миллий иқтисодиёт амал қилаётган иқтисодий давр фазалари билан;
- мультипликацион механизмлар ҳаракати орқали белгиланадиган жамғармалар интенсивлиги билан;
- ташқи иқтисодий фаолият самарадорлиги ҳамда миллий иқтисодиёт ва ташқи дунё мувозанати механизмларининг ҳаракати орқали белгиланадиган валюта бозорларида юзга келаётган вазият билан;
- мамлакат ичкарисидаги ишлаб чиқариш ва истеъмол мувозанати механизмнинг ҳаракати орқали белгиланадиган ички бозордаги инвестиция товарларига талаб ва таклиф нисбати ва ҳоказолар билан.

Бошқа томондан, давлат томонидан белгилаб қуйилган амортизация ажратмалари меъёри ички ва ташқи бозорлардаги товарлар ва хизматларнинг нархига муҳим таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида талаб ва таклиф нисбатида, аҳолининг истеъмол ва жамғаришга мойиллигида ўз ифодасини топади, бу мультипликаторлар миқдоридан ишлаб чиқаришнинг ўсиш (пасайиш) суръатларида ва бошқаларда ифодаланади.

Демак, иқтисодий фаолиятни иқтисодий механизмлар тизимининг амал қилиши нуқтаи назаридан ўрганиб, иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳар қандай стратегик ва тактик қарордан олдин ҳар бир иқтисодий механизмнинг ҳаракати оқибатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш керак. Бу шунга ўхшаш ҳодисаларни иқтисодий механизмни ёки механизмлар гуруҳини бир вақтда «ўз ичига оладиган», «ҳаракатга келтирадиган» дастлабки иқтисодий ҳодисалар сифатида ўрганиш кераклигини билдиради. Бу механизмларда оралиқ иқтисодий ҳодисалар «занжири» (тармоғи)нинг қурилиши ва ҳар бир иқтисодий механизмда иқтисодий ҳодисаларни амалга оширувчиларнинг тавсифлари

белгиланган ҳамда бу ҳодисаларни амалга оширувчиларнинг бир-бирига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирлари тадқиқ этилган бўлиши керак.

Шунга ўхшаш таҳлилларнинг мураккаблиги миллий иқтисодиёт глобал стратегик мақсадларига самарали эришиш вазифасини енгиллаштирадиган эксперт тизимларни яратишга уришдан воз кечишни асослашга хизмат қилиши мумкин.

Таянч иборалар:

1. **Миллий иқтисодиёт** – бу мамлакат хўжалиги, унинг таркиби, тузилиши, алоҳида унсурларининг ўзаро алоқасидир.
2. **Жаҳон ҳамкорлигининг иқтисодий омиллари** - у ёки бу мамлакат миллий иқтисодининг маълум «ихтисослиги» ни шакллантирувчи халқаро меҳнат тақсимооти, унинг жаҳон бозоридаги ҳукмронлиги, дунёнинг турли ҳудудларида «савдо урушлари»нинг ривожланиши кабилардан иборат.
3. **Иқтисодий ривожланишнинг сиёсий омиллари** - у ёки бу товарлар ва хизматларни етказиб беришда эмбарго эълон қилиш, кўпроқ қулайликлар яратиб берадиган тартибни таклиф этиш (ёки этмаслик), мамлакатнинг у ёки бу сиёсий иттифоққа қабул қилиниши (ёки қилинмаслиги), дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши ёки бузилиши, у ёки бу сиёсий ташкилотларга қўшилиш, ниҳоят, у ёки бу давлатлар билан уруш ҳолати ва ҳоказолардир.
4. **Иқтисодиёт ривожланишининг маданий омиллари** - мамлакатга оммавий маданият, деб аталган экспансия ҳолатида миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатиши мумкин бўлиб, бу экспансия, мамлакатдаги мос келувчи тармоқлар иқтисодий аҳволига ҳамда аудио ва видео маҳсулотлар ва бошқалар билан боғлиқ валюта ресурсларининг чет элга оқиб чиқиб кетишига таъсир қилади.
5. **Иқтисодий механизмлар** - бирин-кетин пайдо бўлувчи ўзаро боғлиқ иқтисодий ҳодисалар кўп сонли «занжири»дан иборат бўлиб, улар ўзаро таъсирда бўлади.
6. **Иқтисодий механизмларнинг ўзаро чирмашиб кетиши** - иқтисодий механизмларнинг бир вақтда, бир-бирини белгилаб ва тўлдириб ҳаракатланиши бўлиб, бутун иқтисодий механизмлар йиғиндиси унга хос бўлган барча тамойиллар (бир

бутунлик, иерархиклик, ўзаро алоқадорлик ва ҳ.к.) катта тизимини ўзида мужассамлаштиради.

Назорат саволлари:

1. «Миллий иқтисодиёт» деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодий фаолиятни ўрганишда миллий доирани танлаш нима билан белгиланади?
3. Миллий иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи жаҳон иқтисодий ҳамкорлигининг уч омилини келтиринг.
4. Сиёсий, демографик ва маданий омиллар миллий иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади.
5. Иқтисодий механизмларнинг ўзаро чирмашуви деганда нимани тушунасиз? У қандай жараёнларни акс эттиради?

IV БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ

4.1. Иқтисодий субъект ва миллий иқтисодий фаолият иштирокчиси тушунчаси

Иқтисодий жараён маълум иштирокчилар: иқтисодий (хўжалик) субъектлар, неъматлар, маҳсулотлар ва буюмларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар томонидан амалга оширилади.

Иқтисодий субъект ҳар доим ҳам жисмоний шахс бўлавермайди: неъматларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ва эга бўла олмайдиган жисмоний шахслар ҳам бор; бошқа томондан, шундай ҳуқуққа эга бўлган ва уни жисмоний шахслар орқали амалга оширадиган ҳуқуқий шахслар ҳам бор.

Иқтисодий субъект ҳар доим ҳам ҳуқуқий шахс бўлавермайди. Масалан, касаба уюшмаларининг мавжудлиги қонун томонидан эътироф этилмаган бўлишига қарамай мулкни реал тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Иқтисодий субъектлар фаолдирлар: улар олдиндан мақсад қилиб қўйган ҳолда ҳаракат қиладилар; улар ўзлари томонидан ишлаб чиқилган режаларнинг амалга ошишини таъминлайдиган қарорлар қабул қиладилар.

Шундай қилиб, иқтисодий фаолият жараёни иқтисодий субъектларнинг турли тоифаларини ўзида ифодаловчи режалар ва қарорлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

Барча иқтисодий субъектлар оддий ва комплекс бирликларга бўлинади:

а) оддий иқтисодий бирликлар ёки микросубъектлар (истеъмол ва ишлаб чиқариш жараёнидаги унсурий бирлик ва фирмалар);

б) комплекс иқтисодий бирликлар ёки макросубъектлар. Бу субъектлар ишлаб чиқарилган буюмларга эгаллик қилувчи бир нечта марказларга ва қарорлар қабул қиладиган ташкилотларга гуруҳланади: масалан, саноат тармоғи корхоналар гуруҳига; касба уюшмаси ишчилар гуруҳига; концерн умумий капитал билан бирлашган фирмалар гуруҳига ва ҳ.к.

Шундай қилиб, иқтисодий муҳит кўпинча ҳар хил иқтисодий субъектлардан ташкил топган турли-туман муҳитдир. Бу турли-туманлик 5 асосий сабабга кўра шаклланади:

1. Ишга оқилона ёндашиш даражасидаги фарқ: ультрарационал индивидлар, улар ўзларининг иқтисодий қонунларни билишига, келажакка нисбатан инсоний тажрибаси ва билимларига мос ҳаракат қиладилар;
2. Етарли даражада рационал бўлмаган индивидлар, уларнинг хатти-ҳаракатлари муҳит билан белгиланади ва улар ҳукмрон менталитет, реклама ва тарғиботнинг «қули» ҳисобланадилар;
3. Шахсий манфаатлари ва кучларни тежаш тамойили билан бошқариладиган гомо «Экономикус» тоифасидаги кишилар;
4. Олдиндан кўра билиш қобилиятида, фарқлай олишда фикрлаш кўламида фарқларга эга кишилар;
5. Кучлар тенгмаслигидан келиб чиқадиган фарқлар таъсирида: ҳукмронлик қилувчи ёки ҳукмронлик остидаги гуруҳларга бўлинадилар. Улар ё ҳокимият маркази бўлади ёки бошқалар ҳокимиятига бўйсундилар.

Миллий иқтисодий фаолият иштирокчилари тушунчасининг турли мактаблар томонидан таърифланиши.

XVIII ва XIX асрларда индивид асосий иқтисодий субъект ҳисобланган. Унга бойлик қуроли ва давлат куч-қудрати сифатида қаралган, у эса ўз навбатида, марказий иқтисодий субъект

сифатида чиққан (меркантилистларнинг нуқтаи назарлари). Меркантилизмнинг мақсади давлат куч қудратини ўстириш ҳисобланган, бу куч-қудрат якка фаолликлар йиғиндисидан юзага келади.

Немис классикларининг иқтисодий таҳлиллари шахсий манфаатлар билан олиб бориладиган якка фаолиятида жамланди.

Меркантилизм (итальянча *merkante* сўзидан олинган бўлиб, савдогар, харидор маъносини англатади) сиёсий иқтисоднинг биринчи мактабидир. Илк капитализм давридаги иқтисодий сиёсат давлатнинг иқтисодий ҳаётга фаол аралашувида ифодланди ва харидорлар манфаатлари йўлида олиб борилди. Илк меркантилизм учун (XV-XVI асрлар ўрталари, намояндалари Англиялик У.Стаффорд, Италиялик Г.Скарудофу) бойликни қонуний йўл билан кўпайтиришга қаратилган сиёсатни асословчи пул баланси назарияси хосдир. XVII асрда бўлган сўнгги меркантилизмнинг асосий унсурлари актив савдо баланси тизими ҳисобланади. Асосий намояндалари: Т.Мен (Англия), А.Сьерра (Италия), А.Монкретьен (Франция). Улар томонидан арзонига сотиб олиш, қимматига сотиш тамойили илгари сурилди.

Француз иқтисодчиси, физиократлар мактабининг асосчиси Франсуа Кэне (1694-1774й.) «Табиий тартиб», деб аталган тартиб ҳақида ёзади: «Хўжалик фаолиятининг такомиллашуви харажатларни қисқартириб қисқартириб, кўпроқ фойда олишдан иборат». Ҳар бир инсон ана шундай қилгандагина, бу тартиб энг яхши ўзлаштирилган бўлади. «Тартибнинг мазмуни шундай: бир кишининг хусусий манфаати ҳеч қачон ҳамманинг умумий манфаатидан ажратилиши мумкин эмас, бу эса озодлик ҳукмрон бўлган, дунё ўз йўлидан ривожлангандагина мумкин бўлади. Роҳатланиш истаги иложи борича яхшироқ ҳолатга интилиш доимий тенденция бўлиб қоладиган ҳаракат эканлиги ҳақида жамиятга билдиради». Бу мактаб XVIII арснинг 2-ярмида Францияда вужудга келган. Классик сиёсий мактабнинг асосий намояндалари Ф.Кэне, А.Р.Тюрго ва бошқалар ҳисобланадилар. **Физиократлар сиёсий иқтисод тадқиқот предметини муомала соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига кўчирдилар ва илмий таҳлилга ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш ва**

тақсимлаш масаласини киритдилар. Бу мактаб меркантилизм (эркин савдо тарафдорлари) ғояларига қарши чиқди.

Маржинализм (французча *marginal* сўзидан олинган бўлиб, чекланган деган маънони англатади, бу оқим XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлган) **иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилишда чекланган миқдорлардан фойдаланишга асосланади.** Мазкур мактабнинг асосий намояндалари: А.Курно, И.Тюжен, Г.Госсен. Маржиналистлар (чекланган фойдалилик ғоялари тарафдорлари) **ўзларининг иқтисодий фаолият назарияларини якка афзал кўриш мактаби асосида ишлаб чиқдилар.** Ҳатто халқаро соҳада ҳам мамлакат эмас, балки миллат айирбошлаш жараёнида ҳукмронлик қилувчи ҳамкорлик гуруҳи сифатида қабул қилинган. **Австрия иқтисодчиси, чекланган фойдалилик назариясининг асосчиларидан бири Ф.Визер** (1851-1926) Америка, Англия, Германиянинг талаб ва таклифи йўқ, балки америкаликлар, инглизлар ва немисларнинг талаб ва таклифи бор, деб таъкидлайди. Яқкалаштириш билан бирга якка иқтисодий фаолиятга қаратилган либерализм ҳам ривожланди. *Laisser Faire* асосий шиор бўлиб, ҳаракат эркинлигини таъминлашга қаратилган. Бундай тизимда ҳар бир иштирокчининг хатти-ҳаракати унинг шахсий, эгоистик манфаатлари билан асосланади: ҳар бир иқтисодий бирлик якка қарорлар қабул қилиш асосида ўз даромадини энг кўп даражада ўстиришга интилади. **Бу ерда иқтисодий жараёнларни давлат томонидан режалаштиришга, назорат ва аралаштиришга зарурат кам бўлади ёки умуман бўлмайди.** *Laisser Faire* тушунчасини сўзма-сўз таржима қилсак, «майли, қандай борса, шундай бора қолсин», деган маънони беради (Let it be), яъни давлат иқтисодиётга аралашмайди.

XIX аср охири ва XX асрларда ижтимоий гуруҳларнинг ривожланиши ва давлатнинг иқтисодий ўсиб бораётган аралашуви шунга олиб келдики, кишилар гуруҳи ва давлат фаол ва кучли иштирокчилар сифатида саҳнага чиқа бошладилар.

4.2. Гуруҳ ва давлат миллий иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида

Ҳозирги замон иқтисоди гуруҳий иқтисодиёт ҳамдир. Муштақам ва кучли гуруҳларни яратиш тенденцияси иқтисодий, техник, руҳий омилларда ўзининг бошланишига эга. Гуруҳ

(уюшма) бозорнинг амал қилиши билан боғлиқ қарорларга қаршилик кўрсатиш усулига айланади.

Уюшма – бу ишчи машина ва ёрдамчи (хизмат кўрсатувчи) жараёнлар мажмуасидан фойдаланишга асосланган, мураккаб технологияларни ўзлаштириш ҳамда алоҳида инсонни умумий ишга унинг ҳам алоқадорлиги ҳиссини берадиган гуруҳга жалб қилиш усулидир. Бу гуруҳлар иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида шаклланди:

- ишчилар касаба уюшмаларига бирлашдилар;
- тадбиркорлар миллий иқтисодиёт ва халқаро миқёсда корхоналар очдилар;
- оралиқ синфлар турли хил иттифоқларга бирлашмоқдалар.

Масалан, сўнги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар уюшмалари, кичик ва ўрта бизнес намоёндаларининг ассоциациялари ташкил этилди.

Кўп ҳолларда гуруҳлар «сиёсий-иқтисодий куч-қудрат блоклари» бўлиб қоладилар. Бу блоклар жамиятнинг институционал таркиби доирасидаги иқтисодий муносабатларга таъсир кўрсатибгина қолмасдан, балки бу таркибни ўзгартиришга ҳам ҳаракат қилади. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият доирасида бу блоклар манфаатларини ифодаловчи махсус гуруҳлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, мамлакатда қабул қилинадиган иқтисодий қарорлар миллионлаб индивидларнинг иши эмас, балки кам сонли гуруҳлар муассасаларида тузилади, бу гуруҳлар давлатга ўз таъсирларини кўрсатади.

Давлат миллий иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида.

Гуруҳларнинг ривожланиши билан мос равишда давлат иқтисодий ҳаётда олдинга силжийди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви унинг қуйидаги фаолиятида намоён бўлади:

- 1) давлат турли соҳалардаги иқтисодий фаолият бошқа иштирокчиларнинг хатти-ҳаркатларини тартибга солинадиган қонуний ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш орқали иқтисодий ўсиш «қоидалари»ни ўрнатади;
- 2) давлат билвосита солиққа тортиш ва давлат харajatлари, пул эмиссияси устидан назорат қилиш ва

- кредитларни тақсимлаш орқали иқтисодий фаоллик даражасига таъсир кўрсатади;
- 3) давлат капитал қўйилмаларни юқори даражада мувофиқлаштиради ва молиялаштиради;
 - 4) давлат ишлаб чиқаришнинг давлат сектори (давлат корхоналари)ни яратади;
 - 5) давлат валюта алмашув курслари ва нархларни бевосита ёки билвосита назорат қилади («валюта йўлагги»ни ташкил этиш орқали);
 - 6) давлат миллий даромаднинг қайта тақсимланишини таъминлайди (бюджет сиёсати орқали).

Шундай қилиб, давлат якка иқтисодий субъектларга ва гуруҳларга ўзаро таъсирда фаол иштирок этувчи иқтисодий субъект бўлиб, иқтисодий фаолиятда муҳим ўрин тутди.

4.3. Иқтисодий субъектларнинг режа ва қарорлари. Микро ва макросубъектлар, микро ва макроқарорлар


Инсон ўзининг иқтисодий фаолиятига ўзи тузган режалар асосида раҳбарлик қилади. Масалан, истеъмолчи ўз даромадидан фойдаланиш режасини, фирма раҳбари фирма фаолияти режасини тузади, давлат молия режасига эга (бюджет).

Иқтисодий субъектларнинг режалари уларнинг қарорлари билан бошқарилади. Замонавий иқтисодий таҳлилда иқтисодий қарорларнинг икки тури ажратиб кўрсатилади:

- **микробирлик қарорлари** (микроқарорлар) – бу истеъмол ёки ишлаб чиқариш микробирликлари томонидан иқтисодий миқдорларга нисбатан қабул қилинадиган қарорлар бўлиб, уларга бевосита тегишлидир;
- **макробирлик қарорлари** (макроқарорлар) – бу қарорлар мажмуали бирликлар (гуруҳлар) фаолиятининг натижаси ҳисобланган умумий, йиғма миқдорлар ва ҳажмлар сифатида ўз субъектига эга бўлади.

Микроқарорлар. Микробирлик қарорлари капитал ва даромадга тегишлидир, яъни маълум вақт ичида даромад олиш имконини берувчи, хизмати учун капитални ташкил этувчи **ресурслардан фойдаланишга нисбатан қабул қилинадиган қарордир.** Бошқача айтганда, **капитал айна вақтда мавжуд товар заҳираларидир, даромад – бу қандайдир вақт давомида мазкур**

заҳиралар билан яратиладиган товарлар ва хизматлар оқимидир. Капитал ва даромад ўртасидаги муносабат қуйидаги чизмада тасвирланган:



Капитал неъматдан товар ва хизматлар йиғиндиси сифатидаги даромадга; бу товар ва хизматлардан уларнинг қийматиغا; бу қийматлардан капитал қийматиغا ўтилади.

Макроқарорлар. Мажмуали birlikларда етишмаётган неъматларни тўлдиришга қаратилган.

Макроқарорлар қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- мажмуали birlikда улар кимнинг режаси ҳукмронлик қилади ва маълум вақт давомида таъсир кўрсатади деган инстанция билан қабул қилинади;
- улар мажбур **зўрлаш** (давлат)дан фойдаланишни кўзда тутадилар;
- улар мажмуага кирувчи birlikларнинг ҳаракати ва жавоб таъсирига асосланадилар.

Макроқарорларнинг асосий турлари:

- 1) Иқтисодий фаолиятда кадрлар тўғрисидаги макроқарорлар (иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги муносабат қоидалари; жамоа шартномаси тузиш, меҳнат келишмовчиликларини ҳал этиш қонунчилиги);
- 2) Миқдорлар ҳақидаги макроқарорлар (масалан, ОПЕК халқаро тармоқ картели иштирокчилари томонидан нефть сотиш ҳажмини тартибга солиди);
- 3) Нархлар тўғрисидаги макроқарорлар (масалан, давлат қисқа муддатли кредитлашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳисоб ставкасини ёки транспорт юк ташуви учун тариф ўрнатади, экспорт ёки импортга божхона божлари белгилайди).

У ёки бу қарорларни қабул қилишда қуйидаги муаммолар юзага келади:

- қарорлар узоқ муддатли бўлиши мумкин, бу эса иқтисодий субъект ҳисобига вақт омилини киритишга хизмат қилади;
- қарорлар келажакнинг ноаниқлигини ҳисобга олиши керак;
- қарорларда бошқа иқтисодий субъектларнинг хоҳиши ва қарорларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Қарорлар ва вақт. Қарорларга таъсир кўрсатувчи вақт омили турли даврларда олинган номинал бўйича бир хил бўлган харажат ёки фойданинг тенг эмаслигида намоён бўлади. Масалан, тезлик билан 100.000 шартли бирлик ҳажмда фойда олиш умумий фойда миқдори бир хил бўлса ҳам, 10 йил давомида йилига 10.000 бирлик фойда олиш билан бир хил эмас. Тезроқ фойда олиш бу ерда афзал кўрилади. Вақтнинг нархини ҳисобга олиш керак, у пул сақлаганлик учун фоиз ставкасида ифодаланади. Агар i фоиз ставкаси бўлса, у ҳолда бугунги шартли бирлик бир йилдан кейин $(1+i)$ ни ташкил этади; икки йилдан кейин $(1+i)^2$ ни ташкил этади; n та йилдан кейин эса $(1+i)^n$ га тенг бўлади. Ва аксинча 1 шартли бирлик n та йилдан кейин бугунги суммадан келиб чиқиб, олиниши мумкин, яъни:

$$\frac{1}{(1+i)^n}$$

Жорий нархларни қайта ҳисоблаш қиймати келажакдаги товар нархининг ҳозирдагига қараганда пасайишини ифодалайди. Фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса ва жамғариш муддати қанчалик узоқ бўлса, бу пасайиш шунчалик катта бўлади. Узоқ муддатли қарор қабул қилиш учун долзарблаштириш бўйича операцияларни амалга оширишга тўғри келади. Долзарблаштирилган даромад (P_a)ни қуйидаги ифодадан ҳисоблаш мумкин:

$$P_a = (R_0 - D_0) + \frac{R_1 - D_1}{(1+i)} + \frac{R_2 - D_2}{(1+i)^2} + \dots + \frac{R_n - D_n}{(1+i)^n};$$

бу ерда:

R_t -тушум;

D_t -харажатлар.

Мавжуд қарорлардан шундайи қабул қилинадик, у учун D_0 максимал бўлади.

Қарор ва ноаниқлик

Қарорни амалда ҳар доим келажакни аниқ-пухта аниқламаган ҳолда қабул қиладилар. Бундай ҳолда ноаниқлик даражасини аниқлаш учун бир неча мезонлардан фойдаланиш мумкин:

- Лаплас мезони. У ҳар бир ҳаракат учун мумкин бўлган ютуқлардан ўртача миқдорни ҳисоблаш ва энг юқори ўртача миқдор тўғри келадиган ҳаракатни танлаш учун ишлаб чиқилган;
- Уолд мезони. У энг кам ютуқни энг кўп қилиш, яъни энг кам зарар келтирадиган шундай бир ҳаракатни танлаш учун киритилган.

Қарорлар ва бошқа иштирокчилар. Бошқа иштирокчилар ҳаракатларини ҳисобга олиш стратегик ўйинлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин, бунда барча ҳаракатлар ўзаро боғлиқ ва одатда, ҳар бир иштирокчи ўзини бошқаларнинг ҳаракатлари олдиндан берилгандай тута олмасалар бу ўйинлар бир неча иштирокчилар ҳаракатлари предметига эга бўлади. Ўйинлар таҳлилининг вазифаси ҳар бир ўйин учун ҳаракат тури ёки унинг ютуғини энг кўп даражага кўтариб, зарарни энг кам қиладиган юришларни танлаш характерини аниқлашдир. Ўйин назариясининг муҳимлиги шундаки, у баъзи иқтисодий мақсадларни ютуқлар ва моддий шартномаларнигина эмас, балки бошқа инсонларнинг истакларига боғлиқ бўлган ҳаракатлар чизмаси ўртасидаги алоқани тасаввур этиш имконини ҳам беради.

Шундай қилиб, турли даражадаги иқтисодий иштирокчилар таркиби ва ўзаро муносабатларини ўрганиш иқтисодий таҳлил институционал йўналиши унсурларидан бири ҳисобланади.

Бундай таҳлилнинг бошқа унсури иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг мазмуни ва у билан белгиланадиган, у ёки бу мамлакатда қўлланиладиган иқтисодий тартиб муаммоларини ўрганиш ҳисобланади.

Таянч иборалар:

1. **Миллий иқтисодий фаолият иштирокчиси** - иқтисодий жараённи амалга оширувчи неъматлар, маҳсулотлар ва буюмларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган иқтисодий субъектдир.
2. **Оддий иқтисодий бирликлар** - бу микросубъектлар бўлиб, истеъмол ва ишлаб чиқариш жараёнидаги унсурий бирликлар ва фирмалардир.

3. **Комплекс иқтисодий бирликлар** – бу макросубъектлар бўлиб, улар ишлаб чиқарилган буюмларга эгалик қилувчи бир нечта марказларга ва қарорлар қабул қиладиган ташкилотларга гуруҳланади.
4. **Гуруҳлар иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида** – бу ишчи, машина ва ёрдамчи жараёнлар мажмуасидан фойдаланишга асосланган мураккаб технологияларни ўзлаштириш ҳамда алоҳида инсонни умумий ишга унинг ҳам алоқадорлиги ҳиссини берадиган жамоага жалб қилиш усулидир.
5. **Давлат миллий иқтисодий фаолият иштирокчиси сифатида** - яқка иқтисодий субъектлар ва гуруҳлар билан ўзаро таъсирда фаол иштирок қилувчи иқтисодий субъект бўлиб, иқтисодий фаолиятда муҳим ўрин тутди.
6. **Ультрарационал индивидлар** – улар ўзларини иқтисодий қонунларни билишига, келажакка нисбатан инсоний тажрибаси ва билимларига мос ҳаракат қиладиган гуруҳлардир.
7. **Етарли даражада рационал бўлмаган индивидлар** - уларнинг хатти-ҳаракатлари муҳит билан белгиланади ҳамда улар ҳукмрон менталитет, реклама ва тарғиботнинг «қули» ҳисобланадилар.
8. **«Гомо экономикус»** - шахсий манфаатлари ва кучларни тежаш тамойили билан бошқариладиган кишилар тоифаси.
9. **Микроқарорлар** - бу микробирлик қарорлари бўлиб, истеъмол ёки ишлаб чиқариш микробирликлари томонидан иқтисодий миқдорларга нисбатан қабул қилинади ва уларга бевосита тегишли бўлади.
10. **Макроқарорлар** - макробирлик қарорлари бўлиб, улар комплекс бирликлар (гуруҳлар) фаолиятининг натижаси ҳисобланган умумий, йиғма миқдорлар ва ҳажмлар сифатида ўз субъектига эга бўлади.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий шерикнинг асосий белгилари нималардан иборат?
2. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нималарда намоён бўлади?

3. Оддий ва мажмуали birlikларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нимада?
4. Микроқарорлар объекти нима?
5. Микроқарорларнинг ўзига хос белгилари ва бундай қарорларнинг турларини келтиринг.
6. Вақт омили макроқарорларнинг қабул қилинишига қандай таъсир кўрсатади?
7. Макроқарорлар ноаниқлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида нималарни биласиз?
8. Макроқарорларни қабул қилишда бошқа иқтисодий иштирокчиларнинг таъсири қандай ҳисобга олинади?

V БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

5.1. Иқтисодий фаолиятнинг тузилиши ва шакллари

Иқтисодий фаолият тузилишини ишлаб чиқиш XIX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий фаолият умумий қонунларини очишга ҳаракат қилган назариячилар ва иқтисодий воқелик аниқ хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланган тарихчилар ўртасидаги услубий қарама-қаршилик ва ўзаро кураш асосида юзага келди. Инглиз ва немис иқтисодий ва тарихий мактаблари ўзаро рақобатлашдилар. Аста-секин «иқтисодий тараққиёт босқичидан» (якка иқтисодиётдан ёпиқ уй хўжалигига, кейин эса у орқали миллий иқтисодиётга ўтиш) иқтисодий тизим абстракт турлари (В.Ойкен XX аср) сингари иқтисодий тартиб назарияларига ташкил этиш тизими ва турлари тушунчалари пайдо бўлди ва шаклланди.

Немис иқтисодчиси В.Зомбартнинг таъкидлашича, иқтисодий тизим 3 гуруҳ унсурлар билан тавсифланади:

- руҳ, яъни иқтисодий фаолиятнинг асосий ундовчилари билан;
- шакл, яъни иқтисодий фаолият доирасини ва иқтисодий иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни (мулкчилик тартиби, меҳнат мақоми, давлатнинг роли) белгиловчи ижтимоий, ҳуқуқий, муассасавий унсурлар йиғиндиси билан;
- субстанция, яъни неъматларни олиш ва ҳаракатга келтириш техникаси, моддий усуллари йиғиндиси билан.

Кўрсатилган белгилар бўйича у 5 та асосий иқтисодий тизимларни ажратган:

А) Ёпиқ хўжалик тизими (руҳ - ўз-ўзини таъминлашга интилиш, шакл – бирлашган ва ягона ҳокимият, субстанция-техника кам тараққий этган);

Б) Ҳунармандчилик хўжалиги тизими (руҳ – шаҳар аҳолиси эҳтиёжларини қондириш, шакл-усталари ва шогирдлардан иборат ҳунармандчилик цехлари, субстанция- техника кам тараққий этган);

В) Капиталистик иқтисодиёт тизими (руҳ – юқори фойда олишга интилиш, шакл – ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик, ишчининг ўз ишчи кучига эркин эгалиги, ишлаб чиқариш

омилларини бириктирувчи тадбиркорнинг марказий роли, давлат иқтисодий фаолиятда бевосита иштирок этмайди, субстанция – техника ҳаддан ташқари тараққий этган);

Г) Жамоага асосланган иқтисодиёт тизими (руҳ – аҳоли эҳтиёжларини қондириш билан борадиган иқтисодий барқарорлик, шакл – ишлаб чиқариш воситаларига жамоа мулкчилиги, давлат талаб ва таклиф, жамғармалар ва инвестициялар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш орқали ишлаб чиқаришни бошқаради ва маҳсулотларни тақсимлайди, субстанция – техника капиталистик тизим даражасида);

Д) Корпоратив иқтисодиёт тизими (руҳ- давлат томонидан таркибий корпорацияларнинг бошқарилиши асосида анархиядан қочишга интилиши, шакл – саноат тармоқлари ва бошқа фаолият шакллари бўйича турли касб намояндаларининг гуруҳлари, давлат барча фаолият турлари бўйича ҳакам, субстанция – техника капиталистик тизим даражасида).

Бунда иқтисодий тизим тушунчаси ижобий ва салбий томонларга эга бўлади:

- тизим тушунчаси тарихан тасвирлаш ва иқтисодий ўзаро алоқадорлик ўртасида фойдали боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади;
- тизим тушунчаси такомиллашган, ҳеч қандай мантиқий тушунчани кўзда тутмайди, шу сабабли реал иқтисодий жараёнларни бузиб кўрсатади.

Иқтисодий фаолият тушунчасини В.Ойкен томонидан киритилган «иқтисодий тартиб» тушунчаси билан ифодалаш тўғрироқ бўлади.

Мамлакатнинг иқтисодий тартиби ҳар қандай ҳолатда амалга оширилган шакллар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларда корхоналар ва уй хўжаликлари ўз-ўзи билан боғланган ва унда иқтисодий жараён воқеликка айланади.

Иқтисодий тартибнинг вазифаси шундаки, барча ишловчи кишилар ҳар бир иш соатини моддий ишлаб чиқариш воситалари сони билан шундай ўзаро боғлашлари керакки, бунда иқтисодий чекланганлик иложи борича тўлиқ бартараф этилсин.

Меҳнат тақсимооти кўламлари шунчалик катта ва у қанчалик интенсив борса, иқтисодий тартибга қўйиладиган талаблар ҳам шунчалик катта бўлади. Алоҳида режа ва ҳаракатлар ўз-ўзича қандай бирикади, қандай эҳтиёжлар қодирилади ва уму-

ман, тартибга солиш қандай амалга оширилади, иқтисодий тартиб ана шу талабларга боғлиқ бўлади. Аниқ иқтисодий тартибнинг ўрнатилиши иқтисодий жараёни етарли даражада тартибга солиб бўладими- йўқми, шунга боғлиқ бўлади.

5.1.1-жадвал

В.Ойкеннинг Морфологик жадвали⁷

Таклиф шакллари	Талаб шакллари				
	Рақобат	Қисман олигополия	Олигополия	Қисман монополия	Монополия (якка ёки картель кўринишида)
Рақобат	Тўла рақобат	Бозор шакллари			Таклиф монополияси
		Таклиф қисман олигополияси	Таклиф олигополияси	Таклиф қисман монополияси	
Қисман олигополия	Қисман талаб олигополияси	Икки томонлама қисман олигополия	Қисман олигополистик, чекланган таклиф олигополияси	Қисман олигополистик, чекланган таклиф қисман монополияси	Қисман олигополистик, таклиф чекланган монополияси
Олигополия	Талаб олигополия	Қисман олигополистик, талаб чекланган олигополияси	Икки томонлама олигополия	Олигополистик, таклиф чекланган қисман монополия	Олигополистик, таклиф чекланган монополияси
Қисман монополия	Талаб қисман монополияси	Қисман олигополистик, талаб чекланган қисман монополияси	Олигополистик талаб чекланган қисман монополияси	Икки томонлама қисман монополия	қисман монополистик, таклиф чекланган монополияси
Монопо-	Талаб	Қисман	Олигопо-	Қисман	Икки томонлама

⁷ Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций –СПб: «Специальная литература», 1997, 100-б.

лия (якка ёки картель кўришида)	монополияси	олигополистик, талаб чекланган монополияси	листик, талаб чекланган монополияси	монополистик, талаб чекланган монополияси	монополия
---------------------------------	-------------	--	-------------------------------------	---	-----------

Ҳар бир алоҳида олинган иқтисодий тартиб ўз моҳиятига кўра ягона ҳисобланади. Бироқ бу ўзига хослик соф фирмалар танланган нусхаларининг чекланган миқдордаги турли-туман “сузиши”дан келиб чиқади.

5.2. Хўжалик юритиш асосий шакллари. Давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги роли

Инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти давомида хўжалик юритишнинг 2 та асосий шакли вужудга келди:

- марказдан бошқариладиган хўжалик, у режа асосида тартибга солинади;
- бозор хўжалиги, жуда кўп сонли якка хўжаликлар, корхона ва уй хўжаликлари мустақил равишда режа ишлаб чиқади-лар, ўзаро иқтисодий муносабатларга киришадилар, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирувчи бозор автоматизми мавжуд бўлади. Бозор шаклидан келиб чиқиб якка хўжаликлар бир-биридан фарқ қиладиган режаларни ишлаб чиқади-лар ва уларни турлича мувофиқлаштирадилар. Бозор шаклларидаги фарқлар В.Ойкен жадвалида кўрсатилган.

В.Ойкен жадвалида хўжалик юритишнинг 2 та соф шакллари билан бир қаторда, 3-шакли - иқтисодиётни ҳукмрон гуруҳлар томонидан (олигополиялар, монополиялар) тартибга солиш шакли киритилган. Бу 3-турдаги тартиб ўзининг хусусий иқтисодий қонуниятларига эга бўлиб, улар бозорда амалга оширилган ҳукмронлик қудрати ва унинг тақсимланиши билан белгиланади.

Тўла рақобатли ва ҳокимият концентрацияси ўрнига эга бўлган бозорларда гап тартибга солишнинг 2 тури ҳақида боради. Биринчи ҳолда бозорнинг барча иштирокчилари ўз режаларида қатъий ўзгармас миқдор сифатидаги нархга эга бўладилар, алоҳида олинган корхона гарчи нарх шаклланишига бир оз

таъсир қилмаса ҳам нархни, бозор стратегиясини белгилай олмайди.

Аксинча, ҳокимият концентрацияси мавжуд бўлган бозорларда бозор муносабатларининг бир нечта ёки кўплаб иштирокчилари мавжуд бўлади, улар кўп ёки кам даражада нархга ўзгарувчан миқдор сифатида мурожаат қиладилар.

Шу тариқа улар нарх сиёсати олиб бориш орқали бозор муносабатларининг бошқа иштирокчилари режаларига аралашадилар ва уларнинг манфаатларини кўзлайдилар (масалан, юқори фойда олиш, бозорларни ёпиш, ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик орқали). Агар ҳокимият концентрацияси ўринли бўлган бозор шароитида нарх сиёсати маълум доирада олиб борилса, марказдан бошқариладиган иқтисодиётда у ҳеч нарса билан чекланмайди.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида иқтисодиётни ҳукумат иқтисодий гуруҳлари томонидан тартибга солиш тизими кўпроқ учрайди.

Марказдан бошқариладиган тизимнинг иқтисодий сиёсати иқтисодиётни самарали тартибга сола олмайди. У миллионлаб кишиларнинг талаб ва таклифини ўзаро боғлаш ва ресурслар чекланганлигини ҳисобга олишга қодир эмас.

Шу сабабли бу тизим индивиднинг иқтисодий танловини амалга оширишни ва маъсулиятни ўз зиммасига олишни кўзда тутмайди, у эртами-кечми камбағалликни вужудга келтиради. Марказдан бошқариладиган иқтисодиёт бир вақтнинг ўзида мамлакат конституциясига ҳам таъсир кўрсатади.

У диктатура ўрнатишга мажбур қилади ҳамда ҳуқуқий давлат ва демократия билан келиша олмайди.

5.2.1-чизмада бошқарувнинг турли шакллари 2 кўринишда берилган. Иккита экстремал нуқталар назарий жиҳатдан, демократия ва тоталитаризмни ифодалайди. Бу 2 четки нуқталардан кишиларнинг мамлакатни бошқаришдаги иштироки турли даражаларга эга бўлган тизимлар ўтади.

Бу ерда иқтисодий нуқтаи назардан 2 экстремал четки нуқталарни кўзда тутиш мумкин. Бу соф капитализм ва маъмурий иқтисодиётдир.

Соф капитализм ёки эркин рақобат даври капитализми (*laissez faire*) ресурсларга хусусий мулкчилик ва иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда уни бошқариш учун нархлар

тизимидан фойдаланиши билан тавсифланади. Бундай хатти-ҳаракат тизимида унинг ҳар бир иштирокчиси якка қарорлар қабул қилиш асосида ўзининг шахсий, эгоистик манфаатларини ҳамда даромадларини максималлаштиришга интиладилар. Бозор тизими механизм сифатида амал қилади, унинг воситасида якка қарор ва майл-хоҳишлар бирлашади ва мувофиқлашади. Товарлар ва хизматлар рақобат шароитида ишлаб чиқарилади, ресурслар эса таклиф қилинади, бу ҳар бир маҳсулот ва ресурсларнинг кўп сонли мустақил амал қилувчи сотувчи ва харидорлари мавжуд бўлишини билдиради. Натижада иқтисодий ҳокимият кенг тарқалади. Соф капитализм тарафдорларининг таъкидлашларича, бундай иқтисодий тизим ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва бандликнинг барқарорлиги, жадал иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам бу ерда давлат томонидан режалаштириш ва назоратга ўрин қолмайди. Давлатнинг бундай аралашуви бозорнинг самарали амал қилишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун давлатнинг роли хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва эркин бозор амал қилишини енгиллаштирувчи ҳуқуқий тартибларни ўрнатиш билан чекланади.

Маъмурий иқтисодиёт ёки коммунизм соф капитализмнинг муқобили ҳисобланади. Бу тизим барча моддий ресурсларга ижтимоий мулкчилик ва марказлашган иқтисодий режалаштириш орқали жамоа бўлиб иқтисодий қарорлар қабул қилиниши билан тавсифланади. Қўлланилаётган ресурслар ҳажми, маҳсулот таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида барча йирик қарорлар марказий режалаштириш муассасаси томонидан қабул қилинади. Корхона давлат мулки ҳисобланади ва ишлаб чиқаришни давлат кўрсатмалари асосида амалга оширади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш режалари режалаштириш идораси томонидан ҳар бир корхона учун белгиланади, режа ҳар бир корхонага ўзининг ишлаб чиқариш мажбуриятларини бажариш учун ажратилиши зарур бўлган ресурслар миқдорини аниқлаштиради. Ишчилар касбларга бириктириб қўйилган бўлиб, режага кўра географик минтақалар бўйича тақсимланади.

Миллий маҳсулотда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг нисбати марказдан туриб белгиланади. Истеъмол этилаётган товарларнинг аҳоли ўртасида тақсимла-

ниши ҳам шу тариқа амалга оширилади. Ишлаб чиқариш воситалари марказий режалаштириш идораси томонидан белгиланадиган узоқ муддатли устуворликлар асосида тармоқлараро тақсимланади.


Аралаш тизимлар. Воқелиқда иқтисодий тизимлар соф капитализм ва маъмурий иқтисодиёт чегаралари ўртасида жойлашади. АҚШ иқтисодиёти соф капитализмга яқин, бироқ ундан маълум фарқлари мавжуд. Давлат иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсишига ёрдам бериш, баъзи товар ва хизматлар билан таъминлаш орқали иқтисодиётда фаол роль ўйнайди. Соф капитализмга хос бўлган майда бирликлар ўртасида иқтисодий ҳокимиятнинг кенг тарқалганлигидан фарқ қилиб, Америка капитализми йирик корпорациялар ва кучли касаба уюшмалари шаклидаги қудратли иқтисодий ташкилотларни вужудга келтиради. Бу кучли блокларнинг бозор тизимига аралашуви ва унинг меъёрида амал қилишидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш лаёқати давлатнинг иқтисодиётга аралашуви учун қўшимча асос яратади. Ўз навбатида, собиқ СССРнинг маъмурий тизимга яқин бўлишига қарамай, маълум даражада бозор томонидан белгиланадиган нархларга суянган ва хусусий мулкчиликнинг баъзи қолдиқларини сақлаб қолган. Бироқ бу иқтисодий тартиб соф ҳолда камдан-кам учрайди.


Шуни таъкидлаш керакки, хусусий мулкчилик ва бозор тизимининг ривожланиши ҳамда ижтимоий мулкчилик ва марказдан туриб режалаштириш ҳар доим ҳам бир-бири билан бир вақтда мутаносиб ҳолда амал қила олмайдди. Масалан, Германияда 1933 йилдан 1945 йилгача мавжуд бўлган тоталитар сиёсий тартиб асосан, хусусий мулкчиликка асосланган.

Бунинг тескариси бозор социализмига асосланган Сербия ва Черногория иқтисодиётида ресурсларга ижтимоий мулкчилик ҳамда иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадини кўзлайдиган эркин бозорларга кўпроқ устуворлик берилади. Швеция иқтисодиёти ҳам ўзида гибрид тизимни акс эттиради.

5.2.1-чизма

Бошқариш шаклларининг сиёсий соҳаси





- | | | | |
|--|--|---|---|
| <p>I. Авторитаризм:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Мьянма; • Миср; • Жазоир; • Хитой; • СССР. | <p>II. Тоталитаризм, коммунизм:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Албания. | <p>III. Тоталитаризм, фашизм:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Фашистик Италия; • Нацистлар Германияси. | <p>IV. Авторитаризм:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ЖАР; • Чили; • Осиё, Африкадаги харбий диктатуралар. |
|--|--|---|---|

Хўжалик фаолиятининг 90% дан ортиғи хусусий фирмаларда тўпланганлигига қарамай, давлат иқтисодий барқарорликни таъминлашда ва даромадларни қайта тақсимлашда фаол қатнашмоқда. Ўз навбатида, япон иқтисодиёти ривожланган режалаштириш ҳамда давлат ва хусусий сектор томонидан иқтисодий фаолиятни «мувофиқлаштирилиши» билан фарқланади. Франция, Австрия, Исроил иқтисодиётида демократик бошқарув тизими шароитида давлат мулки салмоғи катта. Кўплаб мамлакатларда иқтисодий тартибнинг аралаш шакллари мавжудлигини таъкидлаш мумкин.

Бироқ кўплаб иқтисодиёти кам тараққий этган мамлакатларда анъанавий ёки урф-одатларга асосланган иқтисодий тизим амал қилади. Ишлаб чиқариш, айирбошлаш, даромадларни тақсимлаш техникаси вақт билан белгиланадиган

одатларга асосланади. Техника тараққиёти ва инновацияни қўллаш кескин чекланган, чунки улар урф-одатларга қарши чиқади ва тузум барқарорлигига хавф солади. Иқтисодий тартиб турини аниқлаш мезони сифатида ресурслар устидан назорат ва ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик турини қўшиш орқали қуйидаги матрицани тузиш мумкин:

Назорат		Мулкчилик	
	Хусусий	Аралаш	Ижтимоий
Бозор	А	Б	В
Аралаш	Г	Д	Е
Маъмурий	Ж	З	И

- А – бозор хусусий
- Б – бозор аралаш
- В – бозор ижтимоий
- Г – аралаш хусусий
- Д – аралаш аралаш
- Е – аралаш ижтимоий
- Ж – маъмурий хусусий
- З – маъмурий аралаш
- И – маъмурий ижтимоий.

Сиёсий (давлат), иқтисодий ва ижтимоий тартиблар ўрта-сида ўзаро боғлиқлик мавжуд (тартиблар ўзаро боғлиқлиги). Тартиблар ўзаро боғлиқлигининг асосий муаммоси сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятнинг чекланганлиги ҳисобланади.

Аралаш иқтисодиёт бозор ва маъмурий иқтисодий тартибларнинг турли даражадаги бирикувини ҳамда ресурсларга ижтимоий ва хусусий мулкчиликни тавсифлайди. Бу АҚШдагига қараганда давлатнинг кўпроқ иқтисодиётга аралашуви ва СССРдагига қараганда бозор кучларига устунлик беришнинг юқори даражада бўлишидир.

Давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги ролининг 2 кўрсаткичи мавжуд: марказлашган давлат харажатлари ва ЯММ ҳажмига нисбатан фоиз кўринишидаги даромадлар. Бу кўрсаткичнинг мамлакатлар бўйича миқдори қуйидагича:

5.2.1-жадвал

Давлатнинг иқтисодиётга сарфлаган харажатлари ва даромадлари

Мамлакат	Хара-	Даро-	Мамлакат	Хара-	Даромад-
----------	-------	-------	----------	-------	----------

	жатлар	мадлар		жатлар	лар
Бразилия	25,1	34,4	Мексика	27,9	18,0
Канада	23,4	20,5	Нидерландия	55,7	51,0
Франция	43,1	41,4	Швеция	40,8	42,9
Германия	29,9	28,5	Буюк Британия	37,6	36,4
Япония	17,0	13,6	АҚШ	27,9	19,7
Италия	51,3	36,9	Сингапур	35,0	29,6

Бироқ давлатнинг паст даромади ва харажати, масалан, Японияда давлатнинг мамлакат иқтисодий фаолиятидаги ролини тўлиқ акс эттирмайди. Япон сиёсатчилари мақсадларини режалаштириш ва инвестиция оқимларини тартибга солиш учун солиқ рағбатларини бажаришга катта эътибор қаратдилар.

Инвестиция ва ишлаб чиқариш учун стратегик режалаштириш ва белгилаш ҳуқуқи халқаро савдо ва саноат вазирлигида мужассамлашган.

Юқорида келтирилган матрица «Д» блокида иқтисодий фаолият устидан аралаш назорат давлатнинг бевосита иқтисодиётга аралашувини ҳамда бозор томонидан назоратни кўзда тутади.

Бундай қўшишнинг хавфлилиги шундан иборатки, маълум шароитларда кучли иқтисодий гуруҳларда иқтисодий ҳокимиятнинг тўпланиши ва уларнинг «мафия» таркибларида тўғридан-тўғри ўсиши тўла ҳақиқат бўлиб қолиши мумкин. Бу гуруҳлар вакилларининг ҳокимият таркибларида (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи) бўлиши ва гуруҳлар манфаатларини ифодалаш охир-оқибатда бутун иқтисодий фаолиятнинг ташкил этилмаслигига, мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги сиёсатининг бузилишига олиб келади. Агар сиёсий ҳокимиятнинг чекланишига қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига ажратиш орқали эришилса, иқтисодий ҳокимиятнинг чекланишига эса рақобатли тартибни киритиш йўли билан эришилади. Рақобатли тартиб ёки тўла рақобат тартиби бозор муносабатлари барча иштирокчиларининг бозордаги ўйин қонидасини ўзгартириш имкониятини йўқотишини кўзда тутаяди. Шу сабабли давлат мос келувчи ҳуқуқий доиралардан фойдаланиб, бозор шаклини, яъни хўжалик юритиладиган ўйин қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Натижалар рақобати (тўла рақобат) давлат ва жамият бошқа барча рақобат турларига тўсқинлик қилганда, ўзига йўл очиб бориши мумкин. Агар жиноий ҳуқуқ ва инсоний муносабатлар маданияти жисмоний устунлик тамойили бўйича рақобат ҳуқуқини кўзда тутмаса, у ҳолда рақобатли тартиб ҳукуматга унча катта бўлмаган таъсир кўрсатиш орқали иқтисодий ҳокимият учун рақобат кураши тўсиқларини қўшимча равишда қўяди.

Рақобатли тартиб «эркин бозор», деб аталадиган тартибдан фарқ қилади. *Laisser Faire* иқтисодий сиёсати оқилона иқтисодий тартиб бўлиб, агар эркинлик ва ҳуқуқ тамойили сақланса, жамиятнинг стихияли кучларидан мустақил ҳолда пастдан юқорига йўналиши бўйича ривожлана бошлайди.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан иқтисодий либерализм ҳуқуқий давлатни амалга ошириш имконини беради. Ҳуқуқий давлат ва бу иқтисодий сиёсат доирасида ривожланадиган иқтисодий тартиблар биргаликда бўлади. Бу даврда алоҳида олинган инсон давлат идоралари томонидан зўрлаш ва мажбурлашдан анча ҳимояланган бўлади. Бироқ монополиялар ва улар ўртасидаги либерал иқтисодий сиёсат туфайли пайдо бўлган кураш ҳуқуқий давлат қуриш режасини вужудга келтирди.

Иқтисодий воқелик шуни кўрсатадики, ҳуқуқий давлат унинг ҳуқуқий тартиби билан бир қаторда «ўхшаш» иқтисодий тартибнинг ҳам тўлиқ ҳажмда мавжуд бўлишини тақозо этиб, иқтисодий нуқтаи назардан *Laisser faire* нинг асосий ғоялари истеъмолчиларнинг ҳар кунлик иқтисодий жараёнлар устидан ҳукмронлик ўрнатишлари кераклигидан иборат, бу эса нархлар автоматизми орқали эркин режалаштиришни амалга оширадиган якка хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан тартибга солинади. *Laisser faire* иқтисодий сиёсати уни ўтказиш жараёнида рақобат пайдо бўлади, деган ишончга асосланади, рақобат доирасида эса ишчи кучи ва товарлар оқими тадбиркорлар ва уй хўжаликлари ўртасида оқилона тақсимланади, эҳтиёжлар эса самарали қондирилади.

Бироқ шу билан бир вақтда бозорнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд бўлади, мазкур иқтисодий сиёсат бирлашиш ва рақобатни бартараф этиш учун эркинликни ҳам кўзда тутди. Кўплаб маҳаллий меҳнат бозорларида иш берувчиларнинг монополияси пайдо бўлди, кўп сонли маҳаллий товарлар бозори-

да ва картелларда тенг доирадаги ҳукмронлик асосида монополия ва олигополия вужудга келди.

Бу сиёсат ҳукмронлигининг 100 йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, сотувчилар ва харидорлар рақобат мавжуд бўлмаган ва монополияни ўз қўлида тутиб туриши имкони бўлган жойга интиладилар.

Рақобатни бартараф этиш, монополия ўрнатишга уриниш барча вақтларда биргаликда мавжуд бўлган.

Монополия тузишга мойиллик бу ҳақиқат, у билан ҳар қандай иқтисодий сиёсат ҳисоблашиши керак. Либерал иқтисодий сиёсат даврида ҳам бу масала шундай ўткир бўлиб турган эди.

Бундай аҳволнинг асосий сабаби шундаки, либерал сиёсат ўйин қоидасини, хўжалик юритиш таркиби ва шаклларини тузишнигина эмас, балки миқдор ва нарх учун ҳар кунлик курашни, яъни иқтисодий жараённинг ўзини ҳам индивидларга қолдиради. У иқтисодий курашни ҳам кўзда тутаяди, агар бу маълум ҳуқуқий тамойилларга мувофиқ келса, бундай ҳуқуқ қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- 1) Ҳар хил бозор шакллари ва пул тизимлари мавжуд бўлади. Монополия ва олигополиялар ҳамда пул тизимлари тартиби ҳам вужудга келадики, бу тартиб доирасида пул таъминоти кўп ёки кам даражада кредитлаш билан боғлиқ бўлади;
- 2) Индустириал сиёсатда мувозанатнинг бузилиши доимо пайдо бўлади ҳамда муқаррар бўлиб қолади. Улар техника янгиликлари, аҳолининг кўчиб юриши, ҳосилнинг беқарорлиги ва бошқа параметрларнинг ўзгариши билан вужудга келади. Бу бузилишларни тартибга солиш тизими ёрдамида бартараф қилиш зарур;
- 3) Номувозанатлилик ҳолати давлатнинг марказлашган бошқарув воситасида иқтисодий жараёнга аралашуви тенденциясини вужудга келтиради;
- 4) Фақат бозорнинг алоҳида шаклларигина ўзини оқлаши мумкин. Бутун нархлар бозор механизми иқтисодий фаолиятни тартибга солиш вазифасини бажаришга ёрдам беради;
- 5) Бу оқибатларни ҳисобга олиш иқтисодий тартиб бошқа турларининг шаклланишига зарур шароит бўлиб қолади.

Таянч иборалар:

1. **Иқтисодий фаолият тузилиши** - XIX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий фаолият умумий қонунларини очишга ҳаракат қилган назариячилар ва иқтисодий воқелик аниқ хусусиятларини ўрганган тарихчилар ўртасидаги услубий қарама-қаршилиқ ва ўзаро кураш асосида ишлаб чиқилди. Аста-секин «иқтисодий тараққиёт босқичидан» (якка иқтисодиётдан ёпиқ уй хўжалигига, кейин эса у орқали миллий иқтисодиётга ўтиш) иқтисодий тизим абстракт турлари (В.Ойкен XX аср) сингари иқтисодий тартиб назарияларигача ташкил этиш тизими ва турлари тушунчалари пайдо бўлди ва шаклланди.
2. **Иқтисодий тартиб** - ҳар қандай ҳолатда амалга оширилган шакллар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларда корхоналар ва уй хўжаликлари ўз-ўзи билан боғланган ва унда иқтисодий жараён воқеликка айланади.
3. **Марказдан бошқариладиган хўжалик** - бу режа асосида тартибга солинадиган хўжалиқдир.
4. **Бозор хўжалиги** - жуда кўп сонли якка хўжаликлар, корхона ва уй хўжаликлари мустақил равишда режа ишлаб чиқади-лар, ўзаро иқтисодий муносабатларга киришадилар, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирувчи бозор автоматизми мавжуд бўлади.
5. **Бошқарув шаклининг сиёсий соҳаси** – демократик ёки нодемократик бошқарув тизимларини ўзида му-жассамлаштириб, иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатади ҳамда уни тартибга солади.
6. **Тартибларнинг чирмашиб кетиши** - сиёсий (давлат), иқтисодий ва ижтимоий тартиблар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, унинг асосий муаммоси сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятнинг чекланганлигидир.
7. **Натижалар рақобати (тўлиқ рақобат)**- уни киритиш орқали иқтисодий ҳокимиятнинг чекланишига эришилади, бу тартиб бозор муносабатлари барча иштирокчиларининг бозордаги қоидасини ўзгартириш имкониятини йўқотишни кўзда тутди.
8. **“Laissez Faire” сиёсати** - оқилона иқтисодий тартиб бўлиб, агар эркинлик ва ҳуқуқ тамойили сақланса, жамиятнинг стихиявий кучларидан мустақил ҳолда пастдан юқорига йўналиши бўйича ривожлана бошлайди. Бу сиёсатнинг асо-

сий ғоялари истеъмолчиларнинг ҳар кунлик иқтисодий жараёнлар устидан ҳукмронлик ўрнатишлари кераклигидан иборат, у нархлар автоматизми орқали эркин режалаштиришни амалга оширадиган якка хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан тартибга солинади.

Назорат саволлари:

1. В.Зомбарт «иқтисодий тизим» тушунчасига қандай таъриф берган?
2. В.Зомбарт томонидан келтирилган бешта асосий иқтисодий тизимларни айтиб беринг.
3. В.Ойкен томонидан таклиф этилган иқтисодий тартибни таърифланг.
4. Иқтисодий тартибларнинг қандай турлари бор? Улар бири-биридан нимаси билан фарқланади?
5. В.Ойкен бўйича бозор шаклларини туркумланг.
6. Сиёсий ва иқтисодий тартибларнинг ўзаро алоқадорлигини ёритиб беринг.
7. Иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ва ишлаб чиқариш омилларига мулкчилик ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик матрицасини таърифланг.
8. Рақобатли тартибнинг «эркин бозор» тартибидан нима фарқи бор?
9. Либерал иқтисодий сиёсатнинг асосий қоидалари нималардан иборат? Бундай сиёсатнинг оқибатларини баён қилинг.
10. Иқтисодий ҳокимиятнинг алоҳида ҳокимият таркиблари до-расида концентрациялашувини бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш керак?

VI БОБ. МАМЛАКАТ МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

6.1. Миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини баҳолаш мезонлари

Рақобатбардошлилик – бу ҳозирги пайтда ҳар қандай мамлакат ҳукумати ва саноат доиралари биринчи навбатда та-

швишланаётган ҳодисадир. Рақобатбардошлилик ўзаро рақобатда бир мамлакатнинг ғалабаси ва бошқасининг енгилишини кўзда тутди. Шу сабабли, мамлакат миқёсидаги иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш жараёнида у ёки бу мамлакат иқтисодиёти цивилизациялашган дунёда қабул қилинган умумий андозаларга жавоб берадиган, муносиб турмуш тарзини таъминлашга қаршими-йўқми, деган саволга жавоб бериш зарур.

Энг аввало, миллий иқтисодиётни баҳолаш мезони сифатида рақобатдаги устунлик тушунчасини таърифлаймиз.

Бу тушунчанинг вужудга келиш тарихи. 1776 йилда Адам Смит меркантилистларни ва уларнинг мамлакат бойлиги у эга бўлган хазинага боғлиқ, деган қоидасини танқид қилди. Унинг таъкидлашича, мамлакат реал бойлиги унинг фуқароларига тегишли бўлган товарлар ва хизматлардан иборат. Смит мутлоқ устунлик назариясини ишлаб чиқди, унга кўра, бир мамлакат бошқасига қараганда товарларни кўпроқ самарали ишлаб чиқариши мумкин.

Бу назариянинг асосига у шундай саволни қўяди: «Нима учун мамлакат фуқаролари ўз миллий товарларини сотиб олишлари керак, агар улар худди шундай товарларни паст нархда чет элдан сотиб олишлари мумкин бўлса?»

Мамлакат иқлим шароити ёки баъзи табиий ресурсларга эгаллиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий устунликка эга бўлиши мумкин. Масалан, чой, каучук ва какос ёғини Шри Ланкада ишлаб чиқариш самарадорлиги асосан қулай иқлим шароити билан белгиланади.

Шу билан бир қаторда, жаҳон товар айланишининг катта қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва фойдали қазилмаларга қараганда кўпроқ тайёр товарлар ва хизматлардан иборат. Бу товарларни ишлаб чиқаришни жойлаштириш одатда ишлаб чиқариш технологияси билан, яъни турли-туман, мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш лаёқати билан белгиланадиган эришилган устунлик билан боғлиқдир.

Бироқ мутлақ устунлик назарияси мамлакатларнинг эгаллаган ҳудуди бўйича фарқларини ҳисобга олмайди. Йирик мамлакатлар кичик мамлакатлардан қатор фарқларга эга:

- йирик мамлакат турли-туман иқлим шароити ва табиий ресурслари туфайли одатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг

кам салмоғини сотади ва истеъмол қилинган товарларнинг кам салмоғига эга бўлади (1992 йилда ЯММ ҳажмида экспорт салмоғи мос равишда АҚШ да 11%, Францияда 23%, Германияда 24% ни ташкил этди);

- йирик мамлакатлар хилма-хил ресурсларга эга (10 млн. кв.км.атрофидаги ҳудудни эгаллаган Хитой 450 млрд.т. дан ортиқ тошкўмир захираликларига, 3 млрд.т. дан ортиқ нефть захирасига, 12,3 млрд. т. темир рудасига эга. Франциянинг ҳудуди 550 минг кв.км. бўлиб, 10-20 млрд. т. тошкўмир захирасига, 12.3 млрд.т. темир рудасига эга, минерал хом ашёнинг муҳим турлари мавжуд эмас);
- йирик мамлакатлар ташқи савдода юқори транспорт харажатларига эга (АҚШ ишлаб чиқариш қувватларининг катта қисми Канада ёки Мексика чегаралирида 100 миллдан ортиқ масофада жойлашган. Нидерландияда эса деярли барча ишлаб чиқариш қувватлари 10 миллик чегарасида жойлашган);
- йирик мамлакатлар кўп миқдордаги ишлаб чиқаришни юритишлари ҳам мумкин (бу ерда мамлакат эгаллаган ҳудудгина эмас, балки унинг иқтисодиётининг ҳажми ҳам кўзда тутилади).

Д. Рикардо 1812 йилда мутлоқ устунлик назариясини янада ривожлантирди. У нисбий устунлик назариясини ишлаб чиқди, унинг мазмуни савдодан ютуқ бўлиши муқаррар, чунки у ёки бу мамлакат кўп миқдорда турли - туман товарларни ишлаб чиқаришга лаёқатлидир, бироқ у фақат маълум товарларни ишлаб чиқаришдагина нисбий устунликка эга бўлади, деган қоидада ўз ифодасини топган. Бу мамлакат мутлоқ устунликни ҳисобга олмаган ҳолда бошқа маҳсулотларга қараганда самаралироқ бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувни кераклигини билдиради. Ҳар бир мамлакат шундай маҳсулотни экспорт қиладики, бу маҳсулот экспортдан у юқори фойда кўради ва шундай маҳсулотни импорт қиладики, уни ишлаб чиқариш бошқа мамлакат учун самарали, бу мамлакат учун эса катта харажатлар талаб қилади.

Мутлоқ ва нисбий устунлик назариясининг янгича талқини швед иқтисодчилари Эли Хекшер ва Бертил Олинларнинг (1919-1935 йй.) ишларида ўз аксини топди. Уларнинг назариялари ишлаб чиқариш омилларининг нисбати назарияси номини

олди. Бу назарияга кўра, меҳнат салмоғининг ер ва капитал салмоғига нисбатан фарқи мамлакат бўйича ишлаб чиқариш омиллари қийматидаги фарқларни изоҳлаши мумкин. Агар меҳнат ресурслари ер ва капиталга нисбатан ортиқча бўлса, у ҳолда меҳнат харажатлари паст, капитал харажатлари ва ер қиймати юқори бўлади, деган ғояни илгари сурдилар. Агар меҳнат ресурслари чекланган бўлса, уларнинг қиймати ер ва капитал нархига қараганда юқори бўлади. Мазкур омиллар қиймати мамлакатни ортиқча ва шу сабабли арзон ишлаб чиқариш омиллари қўлланиладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ундайди. Хекшер-Олин теоремасига кўра, мамлакат ортиқча омиллардан фойдаланиб ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилади ва тақчил ишлаб чиқариш омиллари қўлланилган товарларни импорт қилади. Бу теоремани математик тасвирлаш П.Самуэльсон ва П.Столперлар томонидан амалга оширилди. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси В.Леонтьев томонидан танқид қилинди. Унинг хулосалари «Леонтьев парадокси», номини олган бўлиб, Хекшер-Олин хулосаларига бевосита зиддир.

Леонтьевнинг кўрсатишича, 40-йилларда АҚШ экспортида капиталнинг ортиқчалигига қарамай, меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар устунлик қилган. Жаҳон савдосининг ривожланишидаги янги тенденциялар кейинги пайтда қатор эски қарашларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. 90-йилларда рақобатдаги устунлик назариясини ишлаб чиқишга қаратилган М.Портернинг тадқиқотлари кенг тарқалди. М.Портер алоҳида товарлар ва мамлакат миллий иқтисодиёти рақобатбардошлиги сабабларини ўрганишга бўлган турли ёндошувларни батафсил таҳлил қилади. У рақобатдаги устунлик ресурслардан фойдаланишнинг унумдорлигини акс эттиради, деган хулосага келади. Бу тамойил фирма даражасида ҳам, бутун миллий иқтисодиёт даражасида ҳам амал қилади, деб кўрсатади.

Агар фирма учун рақобатдаги устунликни миқдорий баҳолаш ишлаб чиқариш самарадорлиги билан, яъни фойда миқдорининг (у ёки бу давр учун) шу даврдаги барча турдаги ресурслар жами харажатлари миқдорига нисбати билан ифодаланса, у ҳолда миллий иқтисодиёт учун бундай баҳолаш йиллик дармад миқдорини йил давомида барча фойдаланилган ресур-

слар қийматига нисбати асосида амалга оширилиши мумкин. Умумжаҳон банки услуги бўйича мамлакат бойлиги қуйидаги кўрсаткичлар мажмуаси билан баҳоланади:

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ;
- табиий ресурслар қиймати;
- меҳнати ресурслари қиймати;
- миллий иқтисодиёт тармоқлари ва турли кўринишдаги барча корхоналар қиймати.

Мамлакат ихтиёридаги мавжуд ресурслар қиймати шу усул асосида баҳоланиши мумкин.

Рақобатдаги устунлик даржасини билвосита баҳолаш тескари кўрсаткичда: ЯММ бир бирлигига сарфланаётган ресурслар миқдорининг нисбати билан берилиши мумкин.

Ҳар қандай мамлакат учун, яъни миллий иқтисодиёт ривожланишининг юқори даражасига эришиш, рақобатдаги устунликни шакллантириш ва кутиб туриш учун қандай шарт-шароитлар яратилиши керак?

М.Портернинг таъкидлашича, исталган мамлакат учун рақобатдаги устунликнинг бундай шарт-шароитлари (детерминантлари) бутун бир тизимни ташкил қилади, унинг туркибига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш омиллари параметрлари;
- товарлар ва хизматларга талаб параметрлари;
- мазкур мамлакат фирмалари стратегияси, уларнинг таркиби ва рақобат кураши;
- мамлакатда мавжуд қариндош ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг тавсифи. Бу тизимга яна «тасодифий ҳодисалар» ва «ҳукумат хатти-ҳаракатлари» ҳам киради, булар мамлакатнинг рақобатдаги устунлигини ё кучайтиради, ёки пасайтиради.

Омиллар параметри. Ишлаб чиқариш омиллари – бу алоҳида фирмалар ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида рақобатдаги устунликни шакллантириш учун бу фирмалар жойлашган мамлакатдаги зарур бўлган моддий ва номоддий шарт-шароитлардир.

Омилларнинг (параметрларнинг) аниқ мазмунига боғлиқ равишда миллий иқтисодиёт у ёки бу тармоғида амал қилувчи муайян фирма рақобатдаги устунликни яратиш ва қўллаб-қувватлаш учун ё қулай, ёки ноқулай ишлаб чиқариш шароитига

эга бўлиши мумкин. Бу омиллар умумий ва махсус омилларга бўлинади, яъни ё барча фирмаларга бевосита тегишли бўлган, ёки қандайдир алоҳида фирмаларга тегишли бўлган омиллар фарқланади.

Фирма стратегияси, унинг таркиби ва рақобат. Ҳар бир фирма рақобатдаги устунликдан яхши мавқе ва фойдага эришиш учун ўзининг рақобат стратегиясини ишлаб чиқишига тўғри келади. Бу рақобатчи фирмаларнинг акция ва контракциялари фирма амал қилишининг янги шартларини яратишга олиб келишини билдиради. Агар мамлакатда рақобат муҳити бўлмаса ёки фирмалар ўртасида рақобат кураши бормаса, ҳамда фирма стратегияси рақобатчилик шароитидаги фаолиятга мўлжалланган бўлмаса ички ва айниқса, ташқи бозорларда рақобатдаги устунликнинг вужудга келиши билан ҳисоблашишга тўғри келмайди.

Талаб параметрлари. Уларга харидорларнинг товарлар ва хизматлар сифатига талабчанлиги, талабнинг нарх, даромад даражаси бўйича эгилувчанлиги кесишган эластиклик; турли ижтимоий гуруҳлар томонидан у ёки бу эҳтиёжлар долзарблигининг англаниши; миллий урф-одатлар ва анъаналар; талаб ҳаётий даврининг фазалари ва талабни, талаб миқдорини ва унинг динамикасини тавсифловчи бошқа параметрлар киради.

Турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар. Миллий иқтисодиётда ривожланган турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги, яъни у ёки бу фирмаларни зарур материаллар, яримфабрикатлар, бутловчи жиҳозлар ва бошқа моддий буюмлар ҳамда мамлакатдаги алоҳида фирмалар ҳар бирининг рақобатдаги устунлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш тўхтовсиз шароити ҳисобланган зарурий ахборот объектлари билан таъминловчи тармоқларнинг мавжудлиги.

Турдош тармоқларнинг ўзлари товарлар субститутларини бозорга чиқариш орқали рақобатчилар ролида чиқишлари мумкин. Шу сабабли уларни ўзлари хизмат қилаётган тармоқ ва фирмалардаги фан-техника тараққиётини рағбатлантирувчиси, деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

Миллий иқтисодиёт корхоналарини хусусийлаштириш даражаси. Марказдан бошқариладиган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, рақобат муҳитини шакллантириш учун шароит яратиш

муҳим ҳисобланади. Хусусийлаштириш бундай давлат тасарруфидан чиқаришнинг воситаси ҳисобланади.

Тасодифларнинг роли. Мамлакат иқтисодиёти ривожланиш шароити билан кам умумийликка эга бўлган ва унга кўпинча фирма ҳам, ҳукумат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар тасодифий ҳисобланади. Форс-мажор ҳолатлари: табиий катаклизмлар, урушлар, эпидемиялар ва ҳ.к. лар кўпроқ таъсир кўрсатади. Тасодифий ҳодисалар рақобатлашаётган фирмаларнинг мавқеини ўзгартириб юбориши ҳам мумкин.

Ҳукумат роли. Миллий устунликнинг шаклланишида ҳукуматнинг таъсирчан роли барча детерминантларга таъсир кўрсатишдан иборат. Ҳукумат барча детерминантларга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатиши ва уларнинг таъсирига учраши мумкин. Омиллар параметрларига ҳукуматнинг пул-кредит сиёсати, солиқ, божхона сиёсати таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳукуматнинг ўзи армия, транспорт, алоқа, таълим, соғлиқни сақлаш учун товарлар ва хизматларни сотиб олади. Шундай қилиб, миллий ромб детерминантларининг ўзаро таъсири алоҳида фирмаларда ҳам, бутун миллий иқтисодиётда ҳам рақобатдаги устунликнинг ўсишига таъсир кўрсатади ва у ёки бу шароитларни яратади.

Агар алоҳида фирманинг рақобатдаги устунлиги ички ёки ташқи бозорда намоён бўлса, у ҳолда бутун миллий иқтисодиётнинг рақобатдаги устунлиги фақат бошқа мамлакатларга нисбатан, яъни жаҳон иқтисодиёти доирасида намоён бўлиши мумкин.

6.2. Миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган макроиқтисодий кўрсаткичлар. Инфляция.

Аҳолининг бандлик даражаси. Бюджет тақчиллиги

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), шахсий даромад (ШД), ихтиёридаги даромад (ИД) каби асосий иқтисо-

дий кўрсаткичлар макроиқтисодиётдан маълум. Бу кўрсаткичларнинг ўзаро алоқаси: ЯММ - ҚҚ (қўшилган қиймат, яъни сотиш суммасидан хом ашё ва материаллар чиқариб ташланади) минус амортизация:

СММ – минус тадбиркорларга билвосита солиқлар;

МД - минус ижтимоий суғуртага бадаллар;

минус корпорация фойдасига солиқлар;

минус корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси;

плюс трансферт тўловлари;

ШД – минус шахсий даромадга солиқлар;

ИД – минус ихтиёрдаги даромадга солиқлар.

Бу кўрсаткичлардан ташқари, В.Нордхауд ва Ж.Гобинлар томонидан киритилган «соф иқтисодий фаровонлик» (СИФ) кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш мумкин.

СИФ – ЯММ фаровонликка салбий таъсир кўрсатувчи омиллар Қ нобозор фаолияти (пул кўринишида) Қ бўш вақтни пул кўринишида баҳолаш.

Миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида баҳолашнинг асосий усули уларнинг маълум бир давр учун динамикасини ўрганиш ҳисобланади.

МДХ мамлакатлари миллий иқтисодиёти ривожланишининг 1991-1997 йиллар даври учун баъзи иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси 6.2.1-жадвалда кўрсатилган.

6.2.1-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкинки, ўрганилаётган даврда:

- айрим тармоқларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этди;
- асосий фондга инвестициялар камайди;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пасайиши давом этди;
- нархларнинг ўсиш суръатлари аҳоли даромадлари ўсиш суръатларидан илгарилаб кетди.

6.2.1-жадвал

МДҲ мамлакатлари асосий иқтисодий кўрсаткичлари (% ларда, таққослама нархларда)

Мамлакатлар	ЯИМ	1997 йилда 1991 йилга нисбатан					2001 й.да 2000 й.га нисбатан				
		Саноат маҳсулотлари умумий ҳажми	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Аҳоли пул даромадлари, марта	Истеъмол нархлари индекси	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	Капитал қўйилмалар	Аҳоли жон бошига туғри кел. пул дар.	Истеъмол нархлари индекси
Озарбайжон	110,0	102,2	104,0	145,0	11,52	99,2	105,1	111	117	110	102
Армения	107,2	97,5	113,0		114	108,7	103,8	112	114	-	103
Белорусь	108,0	111,0	99,6	115,0	108,8	173,0	105,4	102	94	204	161
Грузия	102,9	97,3	90	2мар.	-	111,0	98,9	106	114	-	105
Қозоғистон	97,5	97,9	81,0	113,0	-	107,1	113,5	117	121	119	108
Қирғизистон	101,3	108,9	104,0	47,0	118,7	112,1	105,4	107	84	111	107
Молдова	91,4	89,0	89,0	99,8	94,6	108,0	114,2	104	98	-	110
Россия	95,4	94,8	94,8	93	103,5	184,4	104,9	107	109	125	119
Тожикистон	105,3	108,1	106,5		-	143,0	114,8	111	-	136	137
Туркманстон	-	-	-		-	-	-	-	-	-	-
Ўзбекистон	104,4	105,8	104,0	115,0	144,5	-	108,1	104,5	103,7	-	
Украина	98,3	98,5	92,0	105,0	106,6	120,0	114,2	110	117	127	112
МДҲ бўйича ўртача	96,5	97,5	91,0	97,0	-	126,1	108,0	108,3	107,2	124,8	116,4

Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари МДҲ бўйича ўртача кўрсаткичлардан юқорироқ даражада бўлди. Аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши бўйича (нархлар ўсиш суръатларининг даромадлар ўсиш суръатларига нисбати кўрсаткичи) биринчи ўринда Россия, кейин Беларусь, тўртинчи ва бешинчи ўринларда мос равишда Қирғизистон ва Ўзбекистон, охириги ўринда Армения ва Украина турган.

Агар МДҲ мамлакатларининг 1991 йилга нисбатан 1999 йил даври учун асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинса, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Ўзбекистонда ЯИМ нинг ўсиш суръатларига эришилди;
- саноат ишлаб чиқаришининг пасайиш суръатлари анча қисқарди.

Аҳоли турмуш даржаси Россияда 1,06, Беларусда 1,16 даражада барқарорлашди, Қозоғистонда бу кўрсаткич 0,95 даражадан юқори бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотларига кўра, ЯИМ 1997 йилда Ўзбекистонда 4,4% га, 2001 йилга нисбатан 2002 йилда эса 4,2% га ўсди.

2001 йилда нодавлат сектори Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ҳукмрон соҳасига айланди. Ўзбекистон Республикаси барча корхоналарининг 76,0% идан кўпроғи нодавлат мулкига тегишлидир, уларда бутун банд аҳолининг 74,2% идан ортиқ қисми тўғри келади. Иқтисодиётнинг бу тармоғида яратилаётган МД салмоғи ўсди. Ўзбекистоннинг экспорти 1997 йилда 49,2% бўлган бўлса, 2001 йилда 51,0% гача ўсди, импорт 1997 йилда 50,8% ни ташкил қилди, 2001 йилда 49,0% гача қисқарди.

Инфляция суръатлари миллий иқтисодиёт ҳолатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Фаол антиинфляция сиёсати ўтказиш, нақд пуллар эмиссиясининг кескин қисқартириш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тартибга солиш қатъий механизмини киритиш натижасида 1997-2001 йиллар даврида инфляция даражаси анча пасайди. Муомаладаги нақд пуллар ҳажмининг ўсиш суръатлари ҳам секинлашди.

Бошқа муҳим макроиқтисодий кўрсаткич аҳоли бандлиги даражаси ҳисобланади. Кўплаб меҳнат ресурсларининг мавжудлиги иқтисодиёт барқарорлашувининг муҳим омили ҳисобланади ва шу билан бир қаторда улар ўсиб бораётган меҳнатга лаёқатли аҳоли самарали бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўтариб чиқади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш таъсирида бандлик таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди. 1997 йилнинг бошларида нодавлат секторида ишловчилар сони 71,3% ни ташкил қилди, 1991 йилда давлат ташкилотлари бутун банд аҳолининг 60% ини жалб қилган эди. 2001 йил охирига келиб расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони 37,5 минг кишини ташкил этди ва иқтисодиётда бандларнинг ўртача йиллик сони бир йил давомида 1,7% га ўсди ва 9,1 млн. кишини ташкил этди. Бошқача айтганда, республикадаги ишсизлик даражаси 2001 йил охирига 0,4% ни

ташқил қилди⁸. Қишлоқ жойлардаги потенциал ишчи кучи 2000 йилда тахминан 2145 минг кишига етди.

Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар сонининг ўсиши аҳоли меҳнатни таклиф қилиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда анча кенгайтириш ҳамда аҳоли даромадларини ўстириш имконини беради.

Инфляция суръатларининг секинлашуви ва ҳатто иқтисодий пасайиш шароитида ҳам ишчи ўринлари сонининг барқарорлашуви аҳоли турмуш даражасини тиклаш тенденциясини сақлаб қолишга ёрдам беради. Барча МДҲ мамлакатларидан фарқ қилиб, Ўзбекистон 1992-1998 йиллар учун ЯММ ишлаб чиқаришининг 16,7% ли энг кам пасайишига эга бўлди. Бу аҳоли реал даромадларининг кескин пасайишига йўл қўймади, бироқ шунга қарамай, бошланиб кетган нархларнинг эркинлаштирилиши ва инфляциянинг кучайиши жараёни кишилар турмуш шароитида ўз аксини топмай қолмади. Аҳолининг энг бой ва энг кам таъминланган қатлами ўртасидаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг узилиши тўғрисида тасвурга келиш ва таҳлил қилиш учун Джинни коэффицентидан фойдаланилади. Бу даромадлар концентрацияси индекси бўлиб аҳоли даромадлари бутун суммасининг алоҳида гуруҳлар ўртасида тақсимланиши хусусиятини кўрсатади. Жамиятда даромадлар текис тақсимланганда Джинни коэффиценти нолга тенг бўлади, даромадлар даражаси бўйича табақалашув даражаси қанчалик юқори бўлса, коэффицент шунчалик бирга яқинлашади.

Миллий иқтисодиётнинг ҳолати давлат бюджети тақчиллиги, яъни харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши кўрсаткичи билан ҳам белгиланади. Ўзбекистонда бюджет тақчиллиги ЯИМ га нисбатан 2,1%ни ташқил этди.

МДҲ мамлакатларининг кўпчилиги 1999 йилда бюджет тақчиллигини бошдан кечирди, бу бюджет даромадларини унинг харажатларига мос равишда кенгайтириб бормасликнинг оқибатидир. Давлат бюджети тақчиллиги инфляция жараёнларини кўчайтирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда бюджетини қоплаш учун пул-кредит эмиссиясидан фойдаланилади.

⁸ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида шисобланди. Социально-экономическое положение Узбекистана за 2001 г., 81-83 б.

1998 йилда барча МДХ мамлакатларидан фақат Армения, Қозоғистон, Ўзбекистонгина даромадларнинг харажатлардан устунлигига эришилди.

Мамлакатнинг ташқи бозор рақобатидаги устунлигининг умумлаштирувчи баҳосини экспорт ва импорт нисбатида билвосита ифодалаш мумкин.

МДХ мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳолати ўзаро тўловларнинг номутаносиблиги, корхоналар шартнома интизомининг ёмонлашуви ҳамда энергия берувчилар нархининг ўсиши билан белгиланади. МДХ кўпгина мамлакатларининг иқтисодиёти Россиядан ёқилғи энергетика ресурслари келтирилишига боғлиқ бўлиб, уларнинг нархи жаҳон нархларига яқинлашмоқда. Россия томонидан МДХ га экспорт қилинаётган кўмининг бир тоннасига ўртача экспорт нархи 1994 йилга нисбатан 41% га ўсди, дунёнинг қолган мамлакатларида эса 0,7% га пасайди, нефтники эса мос равишда 39% фоиз ва 18% га ўсган.

Ўзбекистонда МДХ мамлакатлари билан экспорт 2001 йилда 34,2%, хорижий мамлакатлар билан 65,8% ни ташкил этди. МДХ мамлакатлари билан импорт салмоғи 37,2% ни, хорижий мамлакатлар билан 62,8% ни ташкил этди.

Ўзбекистон учун пахта экспортнинг асосий бўғини бўлиб қолмоқда, унинг хорижий мамлакатларга экспортдаги салмоғи 72,4% МДХ мамлакатларига эса, 27,6% ни ташкил этади. Бироқ қисқа фурсатда мамлакатнинг нефть маҳсулотлари экспортёри бўлиб қолиши пахта, олтин ва табиий газ экспортида мавжуд нисбий устунлигини кенгайтириши мумкин. Маълумки, инвестиция товарларига бўлган талаб аҳолининг жамғаришга мойиллигига боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик машҳур мультипликатор билан тавсифланади.

МДХ нинг баъзи мамлакатларида, кредит муносабатлари ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда, масалан, Белорусда улар 8,1 марта, Қозоғистонда 1,8 марта, Молдовада 1,9 марта ўсди. Бироқ узоқ муддатли инвестиция жараёни учун вазиятни етарли даражада қулай деб бўлмайди, чунки асосий ҳисса қисқа муддатли кредитлашга тўғри келди, у Арменияда 99,9%, Белорусда 89,6%, Қозоғистонда 96,6%, Молдовада 95,3% ни ташкил қилди.

Ўзбекистон, Россия ва бошқа МДХ мамлакатлари миллий иқтисодиётини таҳлил қилиш бу мамлакатларда юз бераётган иқтисодий жараёнларнинг қарама-қаршилиги ва мураккаблиги-

ни кўрсатади. У яна қандайдир умумлаштирувчи кўрсаткич ёрдамида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш даражсини баҳолаш, у ёки бу ижобий ва салбий қонуниятларнинг сабабларини ёритиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Иқтисодий фаолиятнинг турли томонларини мажмуали таҳлил қилиш, унинг таркиби ва ташкил этилиш шаклларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Шундай қилиб, маълум макроиқтисодий кўрсаткичлар (ЯММ, СММ, ЯИМ, МД, ШД, ИД) бир қаторда миллий иқтисодиёт ҳолатининг қуйидаги кўрсаткичлари динамикасини ҳам таҳлил қилиш керак бўлади: ЯММ таркиби, аҳоли бандлик даражаси, нархлар ва даромадларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги алоқадорлик, давлат бюджети тақчиллиги даражаси, бутун мамлакат бўйича экспорт ва импорт нисбати ва таркиби, аҳолининг жамғаришга мойиллиги, узоқ муддатли кредит қўйилмалари ҳажми, миллий валюта курсининг динамикаси, маҳсулотлар истеъмол даражаси.

Миллий иқтисодиётнинг юқори ривожланиш даражасига эришиш (ёки эришмаслик) сабабларининг намоён бўлиши ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш учун «миллий ромб» детерминантлари шакллантирадиган шароитлар ўрганилади.

Таянч иборалар:

1. **Мамлакатнинг мутлоқ устунлиги** – А.Смит назариясига кўра, бир мамлакат бошқасига қараганда товарларни кўпроқ самарали ишлаб чиқариши мумкин.
2. **Табий устунлик** – мамлакат иқлим шароити ёки баъзи табий ресурсларга эгаллиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришда бундай устунликка эришади.
3. **Эришилган устунлик** – ишлаб чиқариш технологияси билан, яъни турли-туман, мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш лаёқати билан белгиланадиган устунликдир.
4. **Нисбий устунлик** – Д.Рикардо назариясига кўра, савдодан ютуқ бўлиши муқаррар, чунки у ёки бу мамлакат кўп миқдорда турли-туман товарларни ишлаб чиқаришга лаёқатли, бироқ у фақат муайян товарларни ишлаб чиқаришдагина нисбий устунликка эга бўлади, деган қоидага асосланади.

5. **Ишлаб чиқариш омилларининг нисбати назарияси** – унга кўра, меҳнат салмоғининг ер ва капитал салмоғига нисбатан фарқи мамлакат бўйича ишлаб чиқариш омиллари қийматидаги фарқларни кўрсатади, яъни агар меҳнат ресурслари ер ва капиталга нисбатан ортиқча бўлса, у ҳолда меҳнат харажатлари паст, капитал харажатлари ва ер қиймати юқори бўлади.
6. **Рақобатдаги устунлик** – М.Портер фикрича, бундай устунлик ресурслардан фойдаланишнинг унумдорлигини акс эттириб, у миллий иқтисодиёт миқёсида йиллик миллий дармадни йил давомида барча фойдаланилган ресурслар қийматига нисбати асосида аниқланади.
7. **Миллий ромб детерминантлари** – М.Портернинг фикрига қараганда, булар рақобатдаги устунликнинг шарт-шароитлари бўлиб, бутун бир тизимни ташкил қилади (ишлаб чиқариш омиллари параметрлари, мазкур мамлакат фирмалари стратегияси, уларнинг таркиби ва рақобат кураши, мавжуд қариндош ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг тавсифи).
8. **Ишчи кучининг бандлик даражаси** – мамлакат иқтисодиёти тармоқларида бандлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати орқали аниқланади.
9. **Аҳолининг турмуш даражаси** – нархлар ўсиш суръатларининг даромадлар ўсиш суръатларига нисбати кўрсаткичидир.
10. **Давлат бюджети тақчиллиги** – бу давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ошиб кетишидир.

Назорат саволлари:

1. Миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини баҳолашнинг кўпроқ умумлаштирувчи мезони нима?
2. Миллий иқтисодиётнинг рақобатдаги устунлиги муаммосига XVIII асрдан ҳозирги кунгача бўлган қарашлар динамикасини баён қилинг.
3. Умумжаҳон банки мамлакат бойлигини баҳолайдиган асосий кўрсаткичларни келтиринг.
4. Миллий ромб детерминантлари нималардан иборат?
5. Джинни коэффициентининг иқтисодий мазмуни нима?

6. Миллий иқтисодиёт ҳолатини таҳлил қилиш учун қандай макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

VII БОБ. ИЖТИМОЙ МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТИЗИМИ

7.1. Меҳнат тақсимотининг мазмуни ва шакллари

Ижтимоий меҳнат тақсимоти жамиятда маълум кишилар гуруҳларининг бажараётган турли ижтимоий вазифаларига кўра табақалашувини ва шу билан боғлиқ равишда миллий иқтисодиёт турли соҳаларининг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқалар) ажралиб чиқишини ўзида мужассамлаштирадики, булар ҳам ўз навбатида – тармоқ, тармоқ соҳаси, ишлаб чиқариш турлари ва шунга ўхшаш турларга бўлинади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг уч шакли мавжуд:

- Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ўртасидаги меҳнат тақсимоти умумий меҳнат тақсимоти деб аталади;
- миллий иқтисодиёт алоҳида соҳа ва тармоқларидаги меҳнат тақсимоти хусусий меҳнат тақсимоти деб аталади;
- алоҳида корхона ичидаги меҳнат тақсимоти якка меҳнат тақсимоти деб аталади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг бу барча шакллари ўзаро алоқадорликда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Ўз асарларида меҳнат тақсимотининг юзага келиш сабабларини ўрганиб, А.Смит меҳнат тақсимоти ким томонидандир умумий фаровонликнинг олдиндан кўрилган ва англаган жасорати натижаси эмас: меҳнат тақсимоти инсон табиатининг бундай фойдали мақсадга эга бўлмаган маълум мойиллигининг, айнан эса айирбошлаш, савдо, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро таъсирига мойилликнинг оқибатини ўзида мужассамлаштиради. Маданий жамиятда инсон кўплаб кишиларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлигига тўхтовсиз эҳтиёж сезади. Ўз меҳнати маҳсулини ўзаро айирбошлаш, бошқача айтганда, бозор, унинг кўламлари у ёки бу иқтисодий шерикнинг ўзини батамом қандайдир машғулот билан шуғулланишга ундайди.

Аста-секин меҳнат тақсимоти ўрнатиб борилар экан, ҳар бир киши эҳтиёжларининг кичик бир қисмигина ўз меҳнат маҳсулотлари билан қондирилиши мумкин бўлади, холос. Уларнинг анча катта қисмини иқтисодий шерик – гўёки алоҳида шахс, оддий ва копмлекс бирлик айирбошлаш ҳисобига қондирилиши мумкин. Жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, ижтимоий меҳнат тақсимотининг шакли ҳам шунчалик такомиллашган бўлади.

Меҳнат тақсимоти жараёнининг ташкилий иқтисодий мазмуни шундан иборатки, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида турли иқтисодий бирликларнинг алоҳидалашуви (ажралиб чиқиши, пайдо бўлиши) юз беради. Бундай алоҳидалашувдан асосий мақсад товарлар ва хизматлар потенциал харидорлари эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ва сифатини ўстириш, демакки, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ҳисобланади.

Бундай алоҳида бўлиш натижасида оддий ва мажуали ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнига хизмат қилувчи) бирликларини ўзида мужассамлаштирувчи иқтисодий шериклар пайдо бўлади. Бу бирликлар турли кўламларга эга бўлиши ҳамда ўз таркибига ўзаро таъсирланувчи майда бўлимларни киритиши мумкин. Шу сингари бўлимлар турли хоссаларга эга бўлиб, уларга ишлаб чиқариш (истеъмол) кўлами; ишлаб чиқариш (истеъмол) объектларининг функционал тугалланганлиги; бу бўлимларнинг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш (алмашув) умумий тизимидаги роли киради. Бу барча хоссалар у ёки бу ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатувчи) бирликлари ишлаб чиқариш касб-корлигининг шаклланиши асосида ётган тамойилларга тўғридан-тўғри боғлиқликдадир.

У ёки бу иқтисодий шерикнинг касб-корлигига меҳнат тақсимоти жараёнида намоён бўладиган мазмунни тавсифловчи асосий параметрлар йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Агар у ёки бу белгиланган мазмуннинг ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнидаги ресурслар маълум турларининг мавжудлиги ва сарфланиши билан боғлиқлигига эътибор берилса, иқтисодий шерикнинг касб-корлиги маълум маънода ижтимоий эҳтиёжлар маълум турларини самарали, ўз вақтида ва сифатли қондиришга мўлжалланган ташкил қилинган ресурслар

мажмуасининг хусусиятини акс эттиради, деган хулосага келиш мумкин. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг шаклларига боғлиқ равишда бу ресурсларнинг таркиби ва миқдори анча фарқ қилади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида пайдо бўладиган иқтисодий шериклар, яъни миллий иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалари, ресурслардан фойдаланиш хилма-хиллиги ва катта кўламлари билан фарқланади.

Хусусий меҳнат тақсимоти жараёнида (машинасозлик, радио саноати, тўқимачилик, саноати) пайдо бўлаётган иқтисодий шериклар, яъни миллий иқтисодиёт тармоқлари ресурслардан фойдаланишнинг хилма-хиллиги ва кўламларига эга.

Якка меҳнат тақсимоти (маҳсулот ишлаб чиқарадиган бозорда уни айирбошлаш жараёнини амалга оширувчи фирмалардаги алоҳида ишчи ўринлари) жараёнида пайдо бўладиган иқтисодий шериклар ресурслардан фойдаланишнинг юқорироқ аниқлиги ва нисбатан кичик кўламларига эга бўладилар.

Якка иқтисодий шериклар ёки фирмалар ҳисобланган оддий бирликлар хусусий меҳнат тақсимотида пайдо бўлади. Бироқ кўплаб кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқариш ва айирбошлаш умумий жараёнидан якка меҳнат тақсимоти натижасида алоҳидалашуви ҳам мумкин.

Шундай қилиб, исталган мамлакат миллий иқтисодиёти ижтимоий меҳнат тақсимотининг турли шакллари таъсирида ёки аниқроғи, ижтимоий меҳнат тақсимоти турли шакллари натижасида юзага келаётган ва ривожланаётган турли даражадаги иқтисодий шерикларнинг ўзаро боғланган мажмуини ўзида мужассамлаштиради. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиш даражаси бозор кўлами билан чекланган. Чунки ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондириш самарадорлигининг ўсишига олиб келади, бозорни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бўйича ички ва ташқи (халқаро) фаолият соҳалари ҳисобига кенгайтиришга ҳаракат қилиш зарур.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, турли даражадаги у ёки бу иқтисодий шерикларнинг касб-корлиги ижтимоий меҳнат тақсимотининг шаклларига боғлиқ турли тамойиллар асосида шаклланади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги иқтисодий шериклар иқтисодий фаолият умумий жараёнидан асосан, уларнинг қўллаётган хом

ашё, материаллар, ишлаб чиқариш восита ва усуллари, кадрлар касбкорлиги хусусиятларининг бирикувидаги иқтисодий вазифаси тамойили бўйича алоҳидалашади. Масалан, саноат бошқа иқтисодий бирликларнинг истеъмол буюмлари ва воситаларига бўлган эҳтиёж ва талабларини қондириш учун табиий ресурсларни ё жалб қилади (қазиб олувчи саноат), ёки қайта ишлайди (қайта ишловчи саноат). Қишлоқ хўжалигининг роли бошқа иқтисодий шерикларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатнинг бошланғич маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Транспортнинг иқтисодий роли мос келувчи иқтисодий шерикларга оралиқ ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш ҳамда йўловчилар ташиш ва шунга ўхшаш ишларни бажаришдан иборат.

Хусусий меҳнат тақсимооти натижасида пайдо бўлаётган иқтисодий шериклар миллий иқтисодиётнинг ҳосилавий бўлимларини ўзида мужассамлаштиради. Масалан, машинасозлик саноати (радиотехника, электроника ва ҳоказо) кимё саноати, енгил саноат асосида ётган жисмоний тамойиллар билан фарқ қилувчи бўлимларга бўлинади. Бу бўлимлар саноат тармоқлари деган ном олди. Қишлоқ хўжалиги, транспорт ва миллий иқтисоднинг бошқа соҳалари ҳам шунга ўхшаш тармоқларга ажратилади.

Янги тармоқларнинг ажралиб чиқиши ёки барча даражадаги эски тармоқлар амал қилиши тугатилиши ишлаб чиқаришнинг тармоқ табақалашуви, деб аталади. Бу жараённинг динамикаси миллий иқтисодиёт тармоқларининг даврий янгиланиб туркумланишида ўз ифодасини топади. СССРда бунга ўхшаш туркумланиш 70 йил давомид (1990 йил) 7 мартда янгиланди. АҚШда Цензлар Бюроси 1939 йилдан 1967 йилгача бўлган даврда тармоқлар туркумланишини 6 марта янгиллади.

Хусусий меҳнат тақсимооти саонат тармоқларидаги сингари комплекс бирликлардагина эмас, балки оила хўжаликлари ва фирмаларда ўз аксини топган оддий бирликларнинг ҳам ташкил топишига олиб келади.

Агар комплекс бирликларнинг ажралиб чиқиши асосан, маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни тамойили бўйича, янги товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари манфаатларида юз берса, оддий бирликларнинг шаклланиши товарлар ва хизматлар харидорларининг потенциал эҳтиёжларини максимал қондириш

вазифаси билан бир қаторда, ўз олдига бу вазифани максимал даражада самарали, яъни бу товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш вазифасини қўймаслиги мумкин эмас.

7.2. Ихтисослашув ва унинг асосий шакллари

Тармоқ табақалашуви билан бир қаторда хусусий меҳнат тасимоти бошқача намоён бўлиши ҳам мумкин. У ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, деб номланади. Бунинг натижасида алоҳида олинган фирманинггина эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи товарлар ва уларнинг қисмлари, деталлари, ярим-фабрикатларнинг ўхшаш етазиб берилиши билан ўзаро боғланган бутун бир фирмалар мажмуасининг иқтисодий ресурсларидан ҳам фойдаланиш унумдорлиги ўсади.

Ихтисослашув уч асосий шаклда намоён бўлади:

Тайёр маҳсулот бўйича;

Буюмларнинг қисм ва деталлари бўйича;

Технологик жараён бўғинлари бўйича.

Бу тайёр товарлар, масалан, станок чиқарадиган фирмалар очилиши мумкин эканлигини билдиради. Бироқ шу билан бир вақтда шу фирмаларга, корхоналарга станокларнинг алоҳида деталлари, агрегатлари, электродвигателлари, яримфабрикатларини ва шунга ўхшашларни етказиб берадиган фирмалар ёки корхоналар ҳам фаолият кўрсатадилар. Алоҳида қисмлар, яримфабрикатлар ва деталлар етказиб берадиган бундай корхоналар, фирмаларнинг мавжудлиги бутун бир тармоқда (кластер) иқтисодий шериклар томонидан кўчириб олинаётган синтетик самаранинг, яъни бу шериклар ўзаро таъсири билан белгиланадиган самаранинг вужудга келишига ёрдам беради. Бундай ўзаро таъсирлашувчи иқтисодий шерикларнинг йиғиндиси шундай тизимни ўзида мужассамлаштирадики, бу тизимнинг барча маълум қонуниятлари унда намоён бўлади: бир бутунлик, интегративлик, иеархиклик амалга оширилувчанлик, эквивианаллик ва бошқалар.

Шундай қилиб, миллий иқтисодиёт иқтисодий шерикларнинг ўзаро чирмашиб кетган мажмуасини ўз таркибида бирлаштирган ягона халқ хўжалиги комплексини акс эттирадики, бу шериклар иқтисодий меҳнат тақсимотининг турли шакллари таъси-

рида пайдо бўлади. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси, яъни миллий иқтисодиётнинг рақобатдаги устунлиги даражаси бундай ўзаро чирмашиб кетишликнинг қанчалик (интеграция) чуқурлигига боғлиқ бўлади. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳақида гапирганда, давлатнинг иқтисодий фаолиятни бошқаришдаги ролини яна қайд этишга тўғри келади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, «буюк ўн йиллик» даврида иқтисодиётни бошқариш ҳудудий тизимига ўтиш ҳудудлар иқтисодиёти бошқаруви халқ хўжалиги кенгашларининг тузилишига олиб келди, бу кенгаш умуммашинасозлик буюмларининг туман ички ихтисослашувининг ривожланишига туртки бўлди. Шу билан бир қаторда, бошланғич ихтисослашган ишлаб чиқариш (БИИ)лар вужудга келди, улар у ёки бу туманнинг крепеж, пластмасса буюмлари, радиоэлектрон буюмлар учун нашр ҳақи каби буюмларга эҳтиёжларини қондиради. Қўйиш, гальван қоплаш, тамғалаш ва шу сингари алоҳида технологик жараёнларни бажариши бўйича бошланғич ихтисослашган ишлаб чиқаришлар пайдо бўлди.

7.3. Ихтисослашувнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари

Турли иқтисодий шериклар ўртасидаги меҳнат тақсимоти даражасини аниқлаш учун бу жараённинг миқдор ва сифат ўлчовларини таҳлил қилиш зарур.

Меҳнат тақсимоти турли даражадаги (миллий иқтисодиёт тармоқлари, саноат соҳа ва тармоқлари, корхоналар, фирмалар, оила хўжаликлари) иқтисодий шерикларнинг пайдо бўлишига олиб келади, ҳар бир даражага нисбатан бу жараённинг ҳолатини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар зарур бўлади.

Миллий иқтисодиёт миқёсидаги ижтимоий меҳнат тақсимоти энг аввало мамлакат иқтисодиёти доирасидаги йирик тармоқларнинг, ижтимоий ишлаб чиқариш ўзига хос турларининг алоҳидалашуви билан тавсифланади. Бунга ўхшаш тармоқларнинг алоҳидалашуви жараёни ўн йиллик билан ҳисобланадиган катта давомийлик билан фарқ қилади. Фан-техника тараққиёти кучайиши билан бу жараённинг суръатлари ҳам ўсади. Бироқ тарих у ёки бу томонга хос бўлган жараёнларнинг давомийлиги ва тафовутлари тўғрисида гувоҳлик беради. Бундан умумий

меҳнат тақсимоти жараёнини таҳлил қилиш етарли даражада мураккаблиги ва қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати билан боришлиги ҳақида хулоса келиб чиқади. Бу муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- миллий иқтисодий тармоқлари белгиларининг ажралиб чиқиши;
- унинг вужудга келиш вақти ҳолатининг ўхшаш баҳосини топиш;
- турли иқтисодий тартиб шароитида тармоқнинг шаклланиши ва ривожланиши устидан статистик кузатиш тамойилларини белгилаш;
- халқаро меҳнат тақсимоти миқёсидаги рақобат устунлигига эга бўлган миллий иқтисодий тармоқларининг шаклланиши жараёни устидан бошқариш(тартибга солиш)га бўлган усуллар ва услубий ёндошувларни ишлаб чиқиш.

Миллий иқтисодий фаолият у ёки бу бўлимини миллий иқтисодий тармоқларига киритиш мумкин бўлган киритиш белгиси нима (белгилар мажмуаси)?

Умумий кўринишда тармоқ, деганда фан, ишлаб чиқаришнинг алоҳида фаолият соҳаси тушунилади. Бу тушунча изоҳга муҳтож эмас. Бироқ иқтисодчи-таҳлилчи учун эса у шуғулланаётган тушунчаларнинг миқдор ва сифат жиҳати аниқланиши муҳим ҳисобланади.

Иқтисодий фанда тармоқ деганда, одатда умумий ишлаб чиқариш бошқа бўлимларидан ажралиб турадиган, маълум фаолият билан шуғулланувчи корхоналар, фирмалар ёки, оддий ёки комплекс бирликлар мажмуаси тушунилади. Турли китобларда «тармоқ» тушунчасидан миқёси, иқтисодий фаолиятдаги ролининг хусусиятлари бўйича мутлақо турлича бўлган бундай мажмулар учун маънода қўлланилганлигини учратиш мумкин. Масалан, шундай таъриф келтириш мумкинки, унга кўра тармоқ деганда: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари; ундирувчи саноат; қурилиш; қайта ишловчи соаноат; транспорт, алоқа ва коммунал хўжалиги; улгуржи ва чакана савдо; молия ва сугурта; кўчмас мулк; бошқа хизматлар тушунилади. Яна тармоқлар «олов шамчироғи», «резина сақич», «нейлон толаси» ва шунга ўхшаш номланиши ҳам мумкин.

Бундан шу келиб чиқадики, биринчи ҳолда гап мамлакат миллий иқтисодий тармоқлари тўғрисида, иккинчи ҳолда эса -

аниқ товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш тўғрисида бормоқда. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам «тармоқ» тушунчасининг кенглиги мутлақо турлича ва фаолият кўлами бўйича, ишлаб чиқариш технологияси, қўлланилаётган хом ашё, ишчиларнинг касб корлиги, бозор фаолият усуллари ва стратегияси ҳамда бошқа параметрлари бўйича таққосланмасдир. Демак, турли даражадаги тармоқларни ажратиш заруриятининг оқибатида шуни нарса келиб чиқадики, иқтисодий фаолият умумийлиги, белгиларни аниқлаштириш тамойили уларни ажратишнинг асосида ётади. Тармоқ табақалашувининг қуйидаги даражаларини ажратамиз (7.3.1-жадвал).

Корхоналарнинг қандай мажмуаларини, тўғрироғи, миллий иқтисодиётнинг қандай бўлимларини ишлаб чиқариш соҳаси сифатида, саноат тармоғи ва бошқа туркум гуруҳлар сифатида ажратиш зарур бўлади?

Кўпчилик иқтисодчилар тармоқ тушунчасини маҳсулот истеъмол этилаётган хом ашё ва материалларнинг асосий турлари, технологик усуллар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кадрларнинг ихтисослашуви кабилар иқтисодий мазмунининг умумийлигига эга бўлган корхоналар мажмуаси сифатида таърифлайдилар.

7.3.1-жадвал

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ табақалашуви даражаси

Тармоқ табақалашуви даражаси	Тармоқ бўлимлари	Тармоққа ажратишнинг фарқловчи белгилари
Олий	Миллий иқтисодиёт соҳаси	Ижтимоий меҳнат тақсимоотидаги роли; фаолият маҳсулотларининг иқтисодий мазмуни
Ўрта	Миллий иқтисодиёт тармоғи	Фаолият маҳсулотларининг иқтисодий мазмуни; иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тамойилларининг умумийлиги
Қуйи	Фаолият турининг тармоғи	Фаолият маҳсулининг функционал мазмуни; фаолият турлари аниқ хусусиятларининг умумийлиги

Миллий иқтисодиётда санаб ўтилган белгиларнинг у ёки бу даражадаги умумийлигига эга бўлган кўп сонли корхоналар мажмуаси мавжуд. Шу билан бирга уларнинг ҳаммаси ҳам тар-

моқ бўлимларига киритилмайди. Агар тармоқ табақалашуви вақт ўтиши билан юз берадиган тўхтовсиз жараён сифатида ўрганилса, ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини бир сифат ҳолатидан бошқасига диалектик равишда ўтишини ифодаловчи критик ҳолатларни кузатиш мумкин. Тармоқ табақалашуви сакраш характерида юз беради. Бўлимларнинг иқтисодий алоҳидалашуви у ёки бу кўринишдаги иқтисодий фаолиятни тавсифловчи майда миқдор белгиларининг доимий суръатда жамланиши ва алоҳида ҳолатларда янги сифат билан масалан, ишлаб чиқариш тамоғида намоён бўлиши юз беради.

Ўзига хос босқичлар мавжуд бўлиб, уларга кўра иқтисодий фаолият тармоқ табақалашуви жараёнида жойлашади.

Тармоқ табақалашуви босқичлари хусусий меҳнат тақсимо-ти босқичлари билан тавсифланади, уларда иқтисодий алоҳидалашув ва ижтимоий ишлаб чиқариш умумий жараёнидан у ёки бу бўлимларнинг ажралиб чиқиши юз беради. Бу бўлимлар фаолият маҳсулотларининг мазмуни иқтисодий фаолият мазкур турини (ишлаб чиқариш, савдо, турли хилдаги хизматлар) амалга ошириш усуллари ва қўлланилаётган хом ашёнинг умумийлигидан иборат бўлади. Бу бўлимлар ҳар бир босқичда маълум бир ривожланиш даражасига эришади: қамраб олиш ва ишлаб чиқариш умумийлигининг кенглиги, иқтисодий фаолиятнинг концентрациялашув даражаси, ихтисослашув кўламлари; ички ишлаб чиқариш ва фан-техника алоқалари ҳажми ва барқарорлиги (мазкур мажмуа учун) ва шу сингарилардир. Бу параметрларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ равишда олий ва қуйи босқичлар ажратилади. Қуйи босқичларда бирламчи, нисбатан кам ривожланган тармоқларнинг иқтисодий алоҳидалашуви учун шароитлар яратилади, уларга фаолият турлари тармоқларини киритиш мумкин (7.3.1-жадвал). Юқорироқ босқичларда иқтисодий алоҳидалашув ва ривожланган ташкилий қисмларнинг, масалан, миллий иқтисодиёт соҳа ва тармоқларининг ажралиб чиқишига шароит яратилади.

Қуйи босқичлардан юқорироқ босқичларга ўтилган сари параметрлардан ҳар бири маълум ўзгариш қонуниятини намоёйиш этади. Фаолият турлари тармоғи маҳсулотнинг эгалланиш ва ишлаб чиқарилиш умумийлиги миллий иқтисодиёт тармоғи маҳсулотининг умумийлигига қараганда анча юқори. Бундай «оддий» қонуниятлар билан бир қаторда мураккаблари ҳам ку-

затилади. Масалан, иқтисодий фаолият тури ички ишлаб чиқариш техник алоқаларининг кам ҳажми ва барқарорлиги билан тавсифланади. У иқтисодий фаолиятнинг бошқа қатъий белгиланган, чекланган товар турларидан фарқ қилувчи ташкилий бузилган бирламчи бўғинларида ифодаланган. Миллий иқтисодиётнинг бир-биридан бундай фарқланувчи бўлимлари ўртасида унча катта бўлмаган кучсиз, одатда тасодифий ва беқарор алоқалар мавжуд бўлади, чунки бундай бўлимларнинг ҳар бирида бошқалари билан кесишмайдиган ўзларининг манфаатлари мавжуд.

Миллий иқтисодиёт тармоғи иқтисодий фаолият жиҳатлари бўйича муҳим ва барқарор кўчирилган алоқалар билан тавсифланади. Миллий иқтисодиёт бир тармоғига кирувчи фирмалар, корхоналар ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилади. М.Портер Германияда ҳарф терувчи машинкаларни ишлаб чиқариш тармоқларида бундай алоқаларни ўрнатишни мисол келтиради.

Шу билан бирга тармоқ табақалашувининг юқори босқичига, миллий иқтисодиёт ҳар бир босқичига хос бўлган алоқаларга ўтиши билан ривожланганроқ ташкилий тизимлар, яъни миллий иқтисодиёт тармоғи билан белгиланадиган алоқалар қўшилади. Ўзаро боғланган тармоқларнинг ўзига хос «кластер»лари вужудга келади (масалан, Италияда йирик кластерлар маиший товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, модадаги кийимлар ва пойафзал ишлаб чиқаришни бирлаштирган). Йирик мамлакатларда кластерлар сони кўп бўлади. Масалан, Германияда қуйидаги тармоқларда кластерлар ажратилади: кимё ишлаб чиқариши, металлургия, транспорт ва алоқа. Бу ҳолатларнинг ҳар бирида мамлакат тугалланган маҳсулот ҳамда, бу маҳсулотни тайёрлаш учун ускуналар ишлаб чиқаришда ихтисослашган ресурслар ва кўпинча қариндош ишлаб чиқаришларда муваффақият қозонган.

Миллий иқтисодиёт янги ишлаб чиқариш бўлимини ўз вақтида ўрганиш унинг ривожланишини статистик кузатишни ташкил қилиш ва бўлимнинг миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш учун зарур. Иқтисодиёти марказдан бошқариладиган мамлакатларда янги тармоқ бўлимларининг иқтисодий алоҳидалашуви ҳолатини аниқлаш бу бўлимни бошқариш органини тузиш зарурати

билан боғлиқ. Миллий иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқ бўлинмаларини ажратиш мумкин, улар бўйича статистик кузатиш ташкил этилади (Ўзбекистон, АҚШ).

7.3.2-жадвал

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби

Ўзбекистон	АҚШ
Саноат	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
Қурилиш	Ундирувчи саноат
Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш
Савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тақсимот	Қайта ишловчи саноат
Ахборот-ҳисоблаш хизмати	Транспорт, алоқа ва коммунал хўжалиги
Халқ таълими	Улгуржи ва чакана савдо
Маданият ва санъат	Молия, суғурта ва кўчмас мулк
Фан	Бошқа хизматлар
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	
Уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш	
Кредитлаш ва давлат суғуртаси	
Бошқарув органлари	

Янада кичикроқ тармоқларга ажратиш иқтисодий фаолият турларини аниқ хусусиятлари нуқтаи назаридан ўхшаш, масалан, ёқилғи саноатини нефтни қайта ишлаш, нефт қазиб олиш, газ, кўмир саноати каби тармоқларга ажратиш имконини беради.

Бу ерда тармоқнинг вужудга келиш ҳолатини, яъни унинг ўзи статистик кузатиш объекти сифатида амал қила бошлашини шу сингари баҳолаш муаммоси пайдо бўлади.

Умумий меҳнат тақсимои маҳсуллари, яъни миллий иқтисодиёт тармоқлари ҳақида нима дейиш мумкин. Тарихнинг гувоҳлик беришича, миллий иқтисодиёт тармоқ таркиби узоқ давр давомида (масалан, собиқ СССРда статистика 70 йил давомида миллий иқтисодиётнинг 12-13 тармоғини ажратган) етарли даражада юқори барқарорликка эга бўлган.

Миллий иқтисодиёт тармоқлари соҳаларини хусусан, саноат бўлинмаларини қуйидагича ажратиш мумкин:

7.3.3-жадвал

Саноатнинг тармоқчалари

Электроэнергетика	Қурилиш материаллари саноати
Ёқилғи саноати	Енгил саноат
Қора ва рангли металлургия	Озиқ-овқат саноати
Кимё ва нефт кимё	
Машинасозлик	

Янги тармоқларнинг пайдо бўлиши фан-техника тараққиёти жараёни ва иқтисодий шерикларнинг ўсиб боровчи талаби таъсирида истеъмол жараёнида, ёки ишлаб чиқариш соҳасида янги вазифаларнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Туркумлашда янги тармоқларнинг ажратилиши, илгари бу вазифалар миллий иқтисодиётда бажарилмаган, деган маънони билдирмайди. Барча гап бу фаолият турларининг муҳим даражада ўсиб бораётган кўламларидадир, бунинг оқибатида бу фаолиятни бошқаришга (тартибга солишга) эҳтиёж туғилади. Марказдан бошқариладиган иқтисодиёт шароитида бундай бошқариш мос келувчи ташкилий-бошқарув таркиби (вазирлик маҳкамалари)ни тузишда кўринади. Рақобатли тартиб шароитида бундай фаолият турларини тартибга солиш ё бюджет ажратмалари, ёки пул-кредит, солиқ, божхона ва мазкур фаолият турига таъсир кўрсатишнинг бошқа шакллари билан боғлиқ. Статистик ҳисоботда хусусий меҳнат тақсимооти маҳсулларини ажратиш умумий меҳнат тақсимоотига нисбатан кўрсатиладиган омиллар сингари бошқа омиллар билан ҳам белгиланган. Буларга мамлакатда иқтисодий шерикларнинг у ёки бу турдаги товар ва хизматларга ривожланиб бораётган эҳтиёжлари ва уларни қондириш учун талаб қилинадиган турли-туман куриниш ва хажимдаги у ёки бу ресурслар ўртасидаги мувозанатни сақлаш заруратини киритишга тўғри келади.

Марказдан бошқариладиган иқтисодиёт шароитида бундай тартибга солиш ҳалқ хўжалиги ва тармоқ давлат режалари асосида амалга оширилади. Рақобатли тартиб иқтисодиёти асосида мос келувчи тартибга солиш тамойиллари ётади.

Шундай қилиб, тармоқ катта кўламларга эришиши орқали мустақил статистик ҳисобот ва бошқарувни (тартибга солиш) амалга ошириш учун ривожланиб борар экан, унинг шаклланиш жараёни тугалланган, деб ҳисоблаш мумкин. Иқтисодий фаолият турлари соҳа ва тармоқларининг шаклланиш жараёни етарли даражада мураккаб. У қатор ўзига хос босқичлардан ўтади:

- I- мавжуд тармоқ негизда иқтисодий фаолият янги турларининг вужудга келиши;
- II- бу фаолият кўламларининг аста-секинлик билан ўсиши ва унинг миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасига таъсирининг кучайиши;
- III- янги тармоқларнинг вужудга келиши.

Тармоқ табақалашувининг интенсивлиги давлат статистикасида (миллий иқтисодиёт тармоқлари туркумланишида қайд этилган) ҳисобга олинган турли даражадаги тармоқ бўлинмалари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари билан баҳоланади.

Тармоқ табақалашувининг чуқурлашуви қуйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланиши мумкин:

- миллий иқтисодиётнинг табақалашувида тармоқ бўлинмалари сони билан;
- у ёки бу тармоқ бўлинмаларининг мамлакат ЯММ ёки ЯИМидаги салмоғи билан;
- юқори даражадаги тармоқ бўлинмаларига кирувчи паст даражадаги тармоқ бўлинмалари сони билан.

7.4. Фаолият турларининг туркумланиш босқичлари. Ихтисослашув оқилона даражасини танлаш

Иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви натижасида иқтисодий шериклар пайдо бўлади, уларнинг касб-корлиги бу фаолиятнинг тўлиқ аниқланган йўналишлари билан чекланган. Аниқлаштириш натижасида фаолият йўналиши агар улар бир иқтисодий шерик томонидан амалга оширилса, кўп ёки кам даражада ўхшаш бўлади. Шу сабабли, иқтисодий шерикни ихтисослаштириш энг аввало, фаолият турларининг умумийлик даражасида ифодаланади. Бир вақтда бажариладиган фаолият турларининг умумийлиги иқтисодий шерик томонидан қўлланилаётган турли кўринишдаги ресурсларнинг ўхшашлик хусусияти билан тавсифланади. Фаолият турлари қўлланилаётган ресурслар бўйича қанчалик яқин бўлса, иқтисодий шерикнинг ихтисослашув даражаси шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви биринчи навбатда, иқтисодий шериклар – товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларга нисбатан бу фаолият самарадорлигини ўсти-

риш мақсадида амалга оширилади. Шу сабабли ихтисослашув даражаси у ёки бу фаолият турининг самарадорлигини ўстириш шарт-шароитларининг қулайлиги даражасини баҳолаши керак. Чунки иқтисодий фаолият самарадорлиги ишлаб чиқариш кўламига боғлиқ. Шундай қилиб, иқтисодий фаолият ихтисослашув даражасини аниқлашнинг муҳим тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодий фаолият даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш тамойиллари;
- иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини аниқлаш тамойиллари;
- иқтисодий фаолият даражаси ва самаралигини ўлчаш тамойиллари.

Иқтисодий фаолият даражасини баҳолаш олдиндан туркумланишга асосланади, бу жараёнда фаолият турлари мажмуаси фойдаланилаётган ресурслар параметрининг турли даражадаги ўхшашлиги ва иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнининг ўзини қуриш тамойиллари билан ажралиб чиқади.

Жинс – мазмунан ўхшашликка эга бўлган (биринчи ва олий тартибдаги неъматлар), фаолият турлари жараёнида қўлланилаётган ресурслар турларининг ўхшашлиги; фаолият мазкур турларини амалга ошириш жараёнини ташкил қилиш тамойиллари ўхшаш бўлган иқтисодий фаолият турлари мажмуаси.

Синф – мазкур жинсга кирувчи, бироқ фаолият маҳсуллари функционал мазмунининг ўхшашлигига эга бўлган; қўлланилаётган ресурслар кўпчилигининг параметрлари ўхшаш бўлган; фаолият турлари натижаларига эришиш жараёнини қуриш чизмаси ўхшаш бўлган иқтисодий фаолият турлари мажмуасидир.

Кўриниш – мазкур синфга кирувчи, бироқ фаолият маҳсуллари истеъмол қийматига эга бўлган; бу фаолият турлари натижаларига эришиш жараёнининг аниқ унсурлари ўхшаш бўлган иқтисодий фаолият турлари мажмуасидир.

Турли-туманлик – мазкур кўринишга кирувчи, бироқ фаолият маҳсуллари фойдалилиги аниқ кўрсаткичлари ўхшашлиги билан; фойдаланаётган ресурсларнинг миқдорий нисбати ва таркибининг ўхшашлиги билан; фаолият натижаларига эришиш жараёнида қўлланиладиган асосий билим ва кўникмалар ўхшашлилиги билан ажралиб турувчи иқтисодий фаолият турлари мажмуаси.

Тур – барча параметрлар бўйича бир хил натижаларга олиб келувчи аниқ иқтисодий фаолият.

Иқтисодий фаолият ҳар бир турига нисбатан туркумлашнинг келтирилган таърифни аниқлаштирадиган ва тўлдирадиган аниқроқ белгилари ўрнатилиши керак.

Иқтисодий фаолият умумийлик даражасини миқдорий баҳолаш у ёки бу даражадаги туркумлаш мажмуалари сони (жинслар, синфлар, кўринишлар, турли-туманлик); у ёки бу иқтисодий шерик томонидан унинг ғоясига кўра бажарилаётган; мажмуаларнинг иқтисодий шерик фаолияти умумий ҳажмидаги устун салмоғи каби кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Жинслар, синфлар, кўринишлар ва бошқа бўлинмалар иқтисодий шерик (уй хўжалиги, фирма, тармоқлар) ғоясига қанчалик кўпроқ мос келса, фаолиятнинг умумийлик даражаси шунчалик кам бўлади ва демак, юқори даража ва самарадорлик учун шарт-шароит камроқ қулай бўлади.

Самарали фаолият кўламларига эга бўлган иқтисодиётни аниқлаш энг аввало, иқтисодий фаолият самарадорлиги мезонини танлашга боғлиқ. Ҳар қандай фирманинг бош мақсади узок вақт давомида унинг рақобатдаги устунлигига эришиш ва тутиб туриш, яъни фирма эга бўлган ресурслардан кўпроқ унумли фойдаланиш ҳисобланади. Демак, бошқа рақобатчи фирмаларга нисбатан ресурслардан унумли фойдаланишга эришиш шартига жавоб берадиган фаолиятни самарали фаолият, деб тан олиш мумкин.

Иқтисодий фаолият ихтисослашув даражасини бу фаолиятнинг самарадорлиги у ёки бу даражасига эришиш шарт-шароити сифатида ўрганиб, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодий фаолият натижаларига эришиш жараёни умумийлигининг юқори даражасини унинг оқилона кўламлари билан қўшиш фирма ресурсларидан фойдаланиш унумдорлигининг юқори даражаси учун қулай шароит яратади. Бу миқдорий алоқадорлик иқтисодий шерикнинг ихтисослашуви даражаси кўрсаткичида ифодаланиши мумкин.

$$Y_i^{cp} \propto \alpha_i Q / Q_{opt i}$$

бу ерда α_i – иқтисодий шерик фаолияти умумий объектида i -нчи умумийлик даражасидаги иқтисодий фаолият турларининг устун мажмуаси салмоғи.

Q – бир йил давомидаги иқтисодий фаолият умумий ҳажми;
 Q_{opti} – i -нчи турдаги иқтисодий фаолият оқилона (оптимал) ҳажми.

Бундан шу келиб чиқадики, мазкур умумийлик босқичи учун иқтисодий фаолият ҳажми қанчалик оптималга яқин ва бу фаолиятнинг умумийлик даражаси қанчалик юқори бўлса, иқтисодий шерикнинг ихтисослашув даражаси шунчалик юқори бўлади.

Шундай бўлишига қармай, иқтисодий шерик фаолият кўрсатадиган ташқи муҳитнинг беқарорлиги билан белгиланадиган бозорнинг ўзгарувчан конъюнктураси шароитида иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашув даражаси бу шерикнинг мос келувчи эгилувчанлигини ва демак, бозорда барқарор ҳолатни ҳам таъминлай олмайди.

Иқтисодий шерик (оддий ёки комплекс бирлик) касбкорлигининг эгилувчанлигини аниқлаш. Эгилувчанликни иқтисодий фаолият объектлари тез алмашинуви тизимининг лаёқати, деб аташ мумкин. Агар бу товар ишлаб чиқариш бўлса, у ҳолда товар ассортиментини тез ўзгартира оладиган ишлаб чиқариш эгилувчан ишлаб чиқариш бўлиши керак. Бироқ эгилувчанлик тушунчасини ёритишга бундай ёндашув тўлиқ эмас. У асосий нарсани – таъсир этиш тезлиги ва бу таъсирга харажатларнинг ўсиши ўртасидаги нисбат нуқтаи назаридан тизим мақсадларининг ўзгаришига тез таъсир этиш қанчалик самарали эканлигини ҳисобга олмайди. Иқтисодий шерик касб-корлигининг эгилувчанлигига энг аввало, иқтисодий тушунча сифатида қараш керак.

Соф техник нуқтаи назардан қараганда эгилувчанлик «енгил», яъни тизим ҳолатини ўзгартиришга алоҳида куч сарфламасликни кўзда тутди. Шу сабабли нима қилиб бўлса ҳам, яъни харажатларнинг исталган даражаси билан иқтисодий фаолият объектларининг тез ўзгаришига эришиш имкониятини «эгилувчанлик», деб тан олиш керак эмас. Бундай имконият самарали амалга ошадиган тизим эгилувчан ҳисобланади. Бу ерда эгилувчанлик иқтисодий тушунча сифатида тизимнинг самарали мослашувчанлик лаёқатини ифодалаши керак. Бу эгилувчанлик даражасини иқтисодий мезонга қаратилиши кераклигини билдиради.

Ҳар қандай тизимнинг амал қилиш шароити тизимнинг юқорироқ даражадаги хоссаларига боғлиқ бўлиб, унинг таркибий қисми ташқи муҳит ҳисобланади. Бу хоссалар иқтисодий тизим самарали (оқилона) эгилувчанлигини кўзда тутди. Агар бозор эҳтиёжлари вақтда барқарор бўлса ва бу эҳтиёжларни қондирадиган тизимда ўзининг стратегик салоҳиятини ўзгартириш хоҳиши бўлмаса, тизим эгилувчанлигининг унча юқори бўлмаган даражаси мақсадга мувофиқ бўлади. У ўз фаолиятини амалга оширишнинг тор доирада ихтисослашган, «қаттиқ» восита ва усуллари қўллаши мумкин. Бироқ ташқи шароитларнинг ўзгариши билан тизимнинг қатъийлиги бозордаги тез ўзгаришчи истеъмолчиларнинг қаршилигига дуч келиши мумкин. У ҳолда тизим бу ўзгаришчан эҳтиёжларни самарали қондириш имконини берадиган кўпроқ мослашувчан воситалар билан таъминланиши керак.

Иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви унумдорликни ўстириш воситаси сифатида иқтисодий шерик касбкорлигига самарали эгилувчанлик беришдан, яъни бу шерикни мослашувчанлик ва унумдорликни самарали қўша оладиган воситалар билан таъминлашдан иборатдир.

Бу ҳолда иқтисодий шерик мақсадни ўзгартириш зарурати, яъни ташқи эгилувчанлик харажатларни унчалик ошириб юбормаслик, яъни унинг ички эгилувчанлиги орқали таъминланади.

Шу сабабли иқтисодий шерик ғоясини танлашда ва унинг касб-корлигини шакллантиришда ихтисослашув оқилона даражасини танлаш қонидасига риоя қилиш керак. Бу қонидани қуйидагича ифодалаш мумкин:

Иқтисодий шерик фаолиятининг ихтисослашув даражасини унинг касб-корлиги ва ташқи эгилувчанлигини мувофиқлаштиришни ҳисобга олган ҳолда танлаш зарур. Яъни у ёки бу иқтисодий шерик иқтисодий фаолиятининг ҳажми ва умумийлик даражаси мазкур шерикнинг у хизмат қилаётган бозордаги конъюнктура ўзгаришлари таъсирида пайдо бўладиган мақсадларининг ўзгариши суръатлари бу шерик томонидан истеъмол қилинадиган ресурслар ҳажми ва турларига харажатлари суръатларидан юқори бўлиши учун қулай шароитлар яратиши керак».

Бу қоида шуни билдирадики, агар иқтисодий фаолият мақсадларини ўзгартириш учун иқтисодий шерик томонидан

қўлланиладиган ресурслар (техник, технологик, кадрлар, ахборот)нинг катта ўзгаришлари талаб қилинмаса, у ҳолда иқтисодий шерик касб-корлигининг ички эгилувчанлиги унинг ташқи эгилувчанлигига ўхшаш бўлади. Яъни бу шерик томонидан қўлланиладиган ресурслар фаолият мақсадларидан келиб чиқиб, ўзгаришга мойилдир. Ва аксинча, агар мақсадларнинг ўзгариши қўлланилаётган ресурслар параметрларининг катта ўзгаришларини келтириб чиқарса, ички эгилувчанлик иқтисодий шерикнинг бозордаги барқарор ҳолатини тасвирлай оладиган ташқи эгилувчанлик талабларига жавоб бермайди.

Таянч иборалар:

1. **Ижтимоий меҳнат тақсимооти** - жамиятда маълум кишилар гуруҳларининг бажараётган турли ижтимоий вазифаларига кўра табақалашувини ва шу билан боғлиқ равишда миллий иқтисодиёт турли соҳаларининг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқалар) ажралиб чиқишини ўзида муҷассамлаштирадигани, булар ҳам ўз навбатида, майдароқ бўлимларга – тармоқ, тармоқча, ишлаб чиқариш турлари ва шу каби турларга бўлинади.
2. **Иқтисодий шерикнинг касб-корлиги** - маълум маънода ижтимоий эҳтиёжлар маълум турларини самарали, ўз вақтида ва сифатли қондиришга мўлжалланган мажмуасининг хусусиятини акс эттиради.
3. **Миллий иқтисодиёт соҳалари** – ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида пайдо бўладиган иқтисодий шериклар, яъни миллий иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалари ресурслардан фойдаланиш хилма-хиллиги ва катта кўламлари билан фарқланади.
4. **Иқтисодий фаолиятнинг тармоқ табақалашуви** – бу янги тармоқларнинг ажралиб чиқиши ёки барча даражадаги эски тармоқлар амал қилишининг тугатилишидан иборат.
5. **Иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви** – хусусий меҳнат тақсимоотининг намоён бўлиш шакли бўлиб, бунда алоҳида тармоқлар маълум меҳнат жараёнига мослаштирилади. Бунинг натижасида алоҳида олинган фирманинггина эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи товарлар ва уларнинг қисмлари, деталлари, яримфабрикатларнинг ўхшаш етказиб берилиши билан ўзаро боғланган бутун бир

фирмалар мажмуасининг ҳам иқтисодий ресурслардан фойдаланиш унумдорлиги ўсади.

6. **Миллий иқтисодиётнинг тармоқ табақалашуви даражаси** – олий, ўрта, қуйи даражалардан иборат бўлиб, уларнинг асосида иқтисодий фаолият умумийлиги белгиларини аниқлаштириш тамойили ётади.
7. **Иқтисодий фаолият турларини туркумлаш босқичлари** – хусусий меҳнат тақсимоти босқичлари билан тавсифланиб, уларда иқтисодий алоҳидалашув ва ижтимоий ишлаб чиқариш умумий жараёнидан у ёки бу бўлимларнинг ажралиб чиқиши юз беради.
8. **Иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашув даражаси** – бу фаолиятнинг у ёки бу даражадаги самарадорлигини таъминлаш шarti бўлиб, у оқилона кўламли иқтисодий фаолият натижаларига эришиш жараёнининг юқори даражаси билан қўшилиб кетади.

Назорат саволлари:

1. Умумий, хусусий ва якка меҳнат тақсимоти ўртасида қандай фарқ бор?
2. «Иқтисодий шерикнинг касб-корлиги» тушунчаси негизда қандай мазмун ётади?
3. Мустақил корхона якка меҳнат тақсимоти асосида ташкил қилиниши мумкинми?
4. Турли даражадаги иқтисодий шерикнинг касб-корлигини шакллантириш тамойиллари қандай фарқланади?
5. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ табақалашуви суръатлари қандай маълумотлар асосида ёритилади?
6. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг қандай шакллари мавжуд?
7. У ёки бу даражадаги «тармоқ» тушунчасининг таърифини беринг.
8. Иқтисодий фаолият турлари соҳа ва тармоқларининг шаклланиш жараёни қайси босқичлардан ўтади?
9. Тармоқ табақалашуви жараёнининг интенсивлиги ва чуқурлигини миқдор ва сифат жиҳатдан қандай баҳолаш мумкин?
10. Иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашув даражасини аниқлаш тамойилларини кўрсатинг.

11. Иқтисодий фаолият ихтисослашувининг оқилона даражасини танлаш қоидасини қандай тасаввур қиласиз?

VIII БОБ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ КОНЦЕНТРАЦИЯСИ

8.1. Иқтисодий фаолият концентрацияси тушунчаси

Ижтимоий меҳнат тақсимоли турли ҳажмдаги иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи иқтисодий субъектларнинг вужудга келишига олиб келади. Ижтимоий меҳнат тақсимоли даражасини, хусусан, иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви даражасини бу фаолият ҳақиқатдаги ҳажмларини самарали ҳажмлари билан таққослаш орқали баҳолаш мумкин. Бу ерда жавоб берилиши зарур бўладиган 2 та савол туғилади:

- 1) У ёки бу иқтисодий субъектнинг фаолиятини қандай ўлчаш мумкин?
- 2) Иқтисодий фаолият қандай ҳажмини самарали, деб ҳисоблаш мумкин?

Дастлаб иқтисодий фаолият концентрацияси билан боғлиқ бўлган умумий тушунчаларни аниқлаймиз.

Иқтисодий фаолият биринчи тартибдаги (истеъмол буюмлари) ва олий тартибдаги неъматлар (ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари) билан иш кўради. Бу неъмат турлари ўзаро бир-бирини белгилайди. Бошқача айтганда, биринчи тартибдаги неъматларга талаб пайдо бўлганда, олий тоифадаги неъматларнинг маълум миқдори ва турига эҳтиёж пайдо бўлади. Аксинча, олий тоифадаги неъматларнинг етарли миқдор ва турда мавжуд бўлмаслиги биринчи тартибдаги неъматларга бўлган талабнинг пайдо бўлишини узоқ муддат тўхтатиб қуйиши мумкин.

Иқтисодий субъект у ёки бу корхонани ташкил қилиш орқали олий тоифадаги неъматларнинг шундай миқдори ва хилига эга бўлиши керакки, бу неъматлар унга ўзи ёки бошқа иқтисодий субъектга биринчи тартибдаги неъматларни талаб қилинган миқдор ва турда ишлаб чиқариш, сотиш ва ўзлаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, иқтисодий фаолият бир қанча ҳажмларининг у ёки бу корхона (ёки корхоналар гуруҳи) доирасида концентра-

циялашуви иқтисодий фаолият ресурслари ва маҳсулотлари маълум ҳажмларининг жамланишини кўзда тутди. Демак, капитал концентрацияси (олий тоифадаги неъматлар концентрацияси) ва ишлаб чиқариш концентрацияси (биринчи тартибдаги неъматлар концентрацияси) ёки бошқачароқ, корхона кўлами ва корхона ишлаб чиқариш кўлами тушунчаларини фарқлаш керак.

Корхона ҳажми пулда ифодаланганда – бу корхона доирасида концентрациялашган ресурслар қиймати, корхона ишлаб чиқариш кўлами, иқтисодий фаолият маҳсулотлари ҳажмидир. Корхона ҳажмини маълум вақт ҳолатига, корхона ишлаб чиқариши ҳажмини маълум давр учун (ой, квартал ва ҳ.к.) аниқланади.

Капитал концентрацияси бир корхона доирасидагина эмас, балки бир неча корхоналар доирасида бир ёки бир неча иштирокчилар кўлида акциялар нозорат пакетини жамлаш йўли билан ва бошқа шаклларда: концернлар, консорциумлар, трестлар, синдикатлар ва ҳ.к. лар кўринишида ҳам амалга ошириш мумкин.

Капитал концентрацияси бозорни монополлаштириш ёки олигополлаштириш, потенциал мижозларни тармоққа киришдан тутиб туриш учун «кириш тўсиқларини» яратиш мақсадини кўзлайди. Бу тармоқларда сотувчилар мустаҳкам ўрнашиб олган бўлиб, юқори фойда оладилар. Капиталларнинг шунга ўхшаш концентрациясига антимонопол қонунчилик таъсир кўрсатади. Шундай бўлишига қарамай, концентрациянинг шундай мақсадлари борки, буларга қонунчилик томонидан йўл берилган (йирик илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун капиталларни бирлаштириш мақсадида бир неча фирмаларни кўпайтириш).

Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви асосан, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришдан кенг фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш кўлами самараси (ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишида ифодаланадиган мусбат самара)ни кўлга киритиш мақсадида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш концентрацияси шакллари агрегат ва технологик бўлиши мумкин. **Агрегат** концентрация ишчи машина ва агрегатлар (станоклар, пресслар, турбиналар, генераторлар) ягона қувватининг ўсишида намоён бўлади. Концентрациянинг агрегат шакли ишлаб чиқариш биноси ва хизмат

қилувчи ишчилардан яхши фойдаланиш имконини беради. Концентрациянинг технологик шакли корхона бўлимларининг сони чекланган шароитда дастлабки ишлаб чиқариш маҳсулотини жамлаш асосида ишчи машина ва агрегатлар сони ҳамда қувватининг бир вақтда ўсишида намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш концентрацияси маълум чегарага эга бўлиб, унинг бузилиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг тушиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шу билан боғлиқ равишда ишлаб чиқариш бирликларининг турларини кўриб чиқамиз, улар доирасида ишлаб чиқариш концентрациялашади.

Бозор иқтисодиёти учун хос бўлган ишлаб чиқариш бирлиги корхона ҳисобланади, у ўзига хос «микрокосм» дир. Шунга қарамай, ҳеч қандай иқтисодиёт бир турда бўлиши мумкин эмас ва иқтисодий фаолликнинг баъзи ҳудудлари корхона фаолият майдонидан ташқарида қолади: корхонанинг барча белгиларига эга бўлмаган хўжаликлар ҳам мавжуд бўлади. Умумий кўринишда корхона ўзига хос ишлаб чиқариш бирлигини ўзида мужассамлаштириб, ягона мулк асосида қуйидаги белгиларга эга бўлади:

- ягона мулкнинг мавжудлиги фирма раҳбарларига ишлаб чиқариш билан боғлиқ таваккалчилик хатарини ўз зиммасига олиш имконини беради ва табақалашган ҳолда ишлаб чиқариш ва техник бирликдан таркиб топган корхонанинг бирлашганлигини таъминлайди;
- корхона ишлаб чиқариш омиллари нархларининг комбинацияси орқали ишлаб чиқариш омилларини комбинациялайди. Техник комбинация нархда ифодаланган маҳсулот бозорга чиқиши мумкин бўлгандагина мазмунга эга бўлади;
- корхонада ишлаб чиқариш омилларини таъминлайдиган иштирокчилар ва тадбиркорлар ўртасида фарқ бор: меҳнат ёлланма ишчилар томонидан, капитал қарз берувчилар томонидан таклиф этилади, корхона меҳнат бозори ва капитал бозорларидан олинadиган омилларни комбинациялаш марказидир, холос. У ишлаб чиқариш омиллари бозорлари ва маҳсулотлар бозорлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди;
- корхона бозорда ўзи ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларни сотиш учун ишлайди, у ҳақи тўланадиган

эҳтиёжларни, харид қуввати билан таъминланган талабни қондириш мақсадига эга;

- корхона фойдани ёки соф пул даромадини максималлаштиришга интилади, фойда бу сотиш нархи ва меъёрий фойда чиқариб ташлангандан кейинги таннарх ўртасидаги фарқ бўлиб, уни тадбиркорнинг фаолияти учун берилган мукофот, деб айтиш мумкинки, бунингсиз у ўз вазифаларини бажара олмайди.

Турли мамлакатларда корхоналарнинг ҳар хил турлари мавжуд. Бу мамлакатлар қонунчилиги корхоналарнинг аниқ ташкилий ҳуқуқий шакллари кўзда тутади. Бироқ ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг барча турларини корхона мулкига эгалик қилиш ва ўзлаштириш хусусиятларини ҳамда даромадларни тақсимлаш шакллари ифодаловчи тоифаларнинг баъзи чекланган миқдорига киритиш мумкин.

Бундай тоифаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- якка хусусий корхоналар, бунда капиталга эгалик қилиш, тасарруф этиш ҳамда даромадларни тақсимлаш тадбиркорлик фаолияти таваккалчилик хатарини зиммасига олган бир тадбиркорнинг қўлида жамланади.
- Пайчилик хусусий корхонаси, бунда тадбиркорлар гуруҳи корхона эгаси ҳисобланиб, улар тасарруф этиш ва тақсимлаш вазифаларини (жамиятнинг турли шакллари) турли шаклларда амалга оширадilar.
- Капиталини ационерларни жалб қилиш йўли билан шакллантирадиган турли кўринишдаги акционерлик компаниялари, бу капитални тасарруф этиш ва даромадларни тақсимлашда у ёки бу даражада иштирок этадилар.
- Аралаш корхоналар, уларнинг капитали давлатимиз ва тадбиркорларимизнинг хорижий давлатлар ёки хорижий инвесторлар билан улушбай иштироқи асосида шаклланади. Тасарруф этиш ва тақсимлаш вазифалари тегишли шартнома (Низом) ва махсус қонунчилик билан тартибга солинади.
- Трансмиллий компаниялар, улар капиталини давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий иттифоқларининг идоралари томонидан бериладиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар бўйича шакллантиради, тасарруф этиш ва тақсимлаш вазифаларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республика қонунчилигига мувофиқ устав капитали таъсисчилари (иштирокчилари) нинг улуши (қўйилмалари) бўйича тақсимланган тижорат ташкилотлари хўжалик ўртоқчилик жамиятлари, деб тан олинади. Таъсисчилар қўйилмалари ҳисобига ташкил этилган ҳамда хўжалик ўртоқчилик жамиятлари томонидан уларнинг фаолияти жараёнида ишлаб чиқарилган ва ўзлаштирилган мулк мулкчилик ҳуқуқи бўйича уларга тегишлидир. Хўжалик ўртоқчилиги тўлиқ ўртоқчилик ва ишончга асосланган ўртоқчилик (коммандит ўртоқчилиги) шаклида тузилиши мумкин. Хўжалик ўртоқчилиги АЖ, МЧЖ ёки қўшимча маъсулиятли жамият кўринишида тузилиши мумкин.

Тўлиқ ўртоқчилик, деганда иштирокчилар ўртасида тузилган шартномага кўра, ўртоқлик номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ва уларга тегишли мулк бўйича унинг мажбуриятларига жавобгарликни зиммасига оладиган ўртоқлик тушунилади. Тўлиқ ўртоқлик барча иштирокчилар томонидан имзоланадиган таъсисчилик шартномаси асосида тузилади ва амал қилади. Тўлиқ ўртоқликнинг фойдаси ва зарари унинг иштирокчилари ўртасида устав капиталидаги улушига қараб тақсимланади.

Тўлиқ ўртоқчилик иштирокчилари ўртоқчилик мажбуриятлари бўйича ўз мулкига биргаликда субсидиялашган жавобгарликка эга бўлади. Субсидиялашган жавобгарлик деганда ўртоқчиликка нисбатан қиз корхоналар мажбуриятлари бўйича жавобгарлик ёки гуруҳ жавобгарлиги тушунилади.

Ишончга асосланган ўртоқчилик (коммандит ўртоқчилиги). Бунда иштирокчилар билан бир қаторда ўртоқчилик номидан тадбиркорлик фаолияти олиб бораётган ва ўртоқчилик мажбуриятларига ўз мулки билан жавоб берадиган бир ёки бир нечта иштирокчи-таъсисчилар (коммандитлар) мавжуд бўлади, улар ўртоқчилик фаолияти билан боғлиқ зарарлар хатарига қўшган улуши суммаси доирасида жавоб беради ва ўртоқлик томонидан тадбиркорлик фаолияти олиб боришда иштирок этмайди. Ишончга асосланган ўртоқлик таъсисчиси ўртоқлик фойдасидан унинг устав капиталидаги улушига ҳисобланган қисмини таъсисчилик шартномасида кўзда тутилган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) жамиятнинг бир ёки бир неча шахслари томонидан таъсис этилган бўлиб, унинг

устав капитали таъсисчилик ҳужжатларида белгиланадиган ҳажмдаги салмоқда тақсимланган бўлади. Бундай жамият иштирокчилари унинг мажбуриятларига жавоб бермайди ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар хатарига уларнинг ўтказган -қўйилмаларининг қиймати доирасида жавоб беради. Жамият иштирокчилари устав капиталидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини мазкур жамият бир ёки бир неча иштирокчиларига сотиб юбориш ёки бошқа тарзда кечиб юбориш ҳуқуқига эга.

Қўшимча маъсулиятли жамият (ҚМЖ)- иштирокчилари ўзларининг мажбуриятлари бўйича таъсисчилик шартномасида белгиланган ўз қўйилмалари қийматидан ҳамма учун бир хил бўлган ҳажмдаги мулки билан биргаликдаги субсидиялашган жавобарликка эга бўлади.

Иштирокчилардан бири синганда, унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги қолган иштирокчилар ўртасида уларнинг қўйилмаларига қараб тақсимланади.

Акционерлик жамияти (АЖ)- унинг устав капитали акциялар маълум сонига тақсимланган бўлади, АЖ иштирокчилари (акционерлар) унинг мажбуриятларига жавоб бермайди ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар хатари учун ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жавоб берадилар.

Очиқ ёки ёпиқ акционерлик жамияти. Иштирокчилари ўзларига тегишли акциялардан бошқа акционерлар розилигисиз бегоналашуви мумкин бўлган АЖ очик АЖ дейилади. Бундай жамият улар томонидан чиқарилаётган акцияларга очик обуна бўлиш ҳамда қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган шароитда уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Акциялари фақат таъсисчилари ёки бошқа олдиндан ёпиқ шахслар доираси ўртасида тақсимланадиган АЖ ёпиқ АЖ дейилади. Бундай жамият улар томонидан чиқарилаётган акцияларга очик обуна ни ўтказиш ёки уларни чекланмаган кишилар доираси учун бошқа тарзда таклиф қилиш ҳуқуқига эга эмас. Ёпиқ жамият акционерлари бу жамиятнинг бошқа акционерлари томонидан сотилаётган акцияларга имтиёзли эга бўлишга ҳақлидирлар.

Давлат ва муниципал унитар корхона. Хусусий мулкчиликка бириктириб қўйилган ва унга бўлган мулкчилик ҳуқуқи бўлинмайдиган тижорат корхонаси унитар корхона ҳисобланади. Унитар корхона мол- мулки бўлинмас ва қўйилмалари (улуши, пай

бўйича, шу жумладан, ишчилар ўртасида) тақсимланиши мумкин эмас. Фақат давлат ва муниципал корхона унитар шаклда тузилиши мумкин. Давлат ёки муниципал унитар корхонаси мулки мос равишда давлат ёки муниципал мулкчиликка киради ва хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқуқига эга бўлган корхонага тегишлидир. Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча мулки билан жавоб беради. У ўз мулкининг эгаси мажбуриятларига жавобгар эмас. Давлат мулки эгаси ортиқча, қўлланилмайдиган ёки белгиланганидек қўлланилмайдиган мулкка эгалик қилиш ва уларни ўз билганича тасарруф этишга ҳақли. Давлат корхонаси ўзига бириктирилган мулкка фақат мулк эгасининг розилиги билангина бегоналашиш ёки бошқа усул билан тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Тезкор бошқариш ҳуқуқига асосланган корхона давлат корхонаси дейилади.

Нотижорат корхоналари истеъмол кооперативлари кўринишида бўлиши мумкин бўлиб, улар мулккий пай бадалларини бирлаштириш йўли билан ўз фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларнинг моддий ёки бошқа эҳтиёжларини қондириш учун ташкил этилади. Жамоат ёки диний ташкилотлар ҳамда жамғарма ёки муассасалар ҳам шу тарзда тузилиши мумкин. Жамғармалар хайрия, маданий, таълим ва бошқа ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланади. Нотижорат тавсифига эга бўлган ва мулкдор томонидан молиялаштириладиган муассасалар бошқарувчилик, ижтимоий-маданий ва бошқа вазифаларни амалга ошириш учун тузилади. Ва ниҳоят, ассоциациялар ва уюшмалар нотижорат ташкилотларини бирлаштириш шакли ҳисобланади, уларнинг вазифаси асосан, унинг таркибига кирувчи аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

8.2. Иқтисодий фаолият концентрацияси даражаси кўрсаткичлари. Ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали кўлами

Капиталнинг концентрация даражаси Хиршман – Херфиндалнинг концентрация коэффиценти индекси(ННІ) ва бозор концентрацияси индекси ҳамда Лернер индекси билан баҳоланиши мумкин.

ЎКонцентрация коэффиценти тўртта йирик фирмалар савдосининг (баъзида саккизта) тармоқ савдоси умумий ҳажмидаги (масалан, АҚШ автомобил саноатида 4 та йирик фирмалар ҳиссасига бутун сотувнинг 90%, тамаки ишлаб чиқаришда 85% тўғри келади)⁹ салмоғи (%) ни кўрсатади.

1982 йилда В. Шеферд барча Америка бозорларини 4 гуруҳга ажратди:

1. Соф монополия. Концентрация коэффиценти 100% га тенг.
2. Ҳукмронлик қилувчи фирмалар. Концентрация коэффиценти 90% гача.
3. Чекланган олигополия. Концентрация коэффиценти 60% дан юқори.
4. Самарали рақобат. Концентрация коэффиценти 40% дан кам.

ННІ индекси ҳар бир фирманинг бозордаги фоиз салмоғини квадратга кўтариш ва олинган натижаларни қўшиш йўли билан ҳисобланади:

$$ННІ = p_1^2 + p_2^2 + \dots + p_n^2$$

Бу ерда, p_k -- k – нчи фирманинг фоизда ифодаланган салмоғи, $k=1, n$.

Капитал концентрацияси ўсиши билан ННІ индекси ўсади ва аксинча. Монополия учун ННІ нинг энг кўп миқдори 10000 (100^2).

ННІ индекси фирмаларнинг оқиб ўтишини тўхтатиш учун қўлланилади, бундай оқиб ўтиш натижасида бозор монополлашади. Оқиб ўтгандан кейин ННІ белгиси.

1000 дан кам	1000дан - 1800гача	1800 дан юқори
Кам концентрациялашган бозор. Ҳеч қандай оқиб ўтиш кузатилмайди.	Ўртача концентрациялашган бозор. Фақат шундай оқиб ўтиш юз берадики, бунинг натижасида ННІ ўсими камида 100 пунктни ташкил этади.	Юқори концентрациялашган бозор. Фақат шундай оқиб ўтиш юз берадики, унинг натижасида ННІ ўсими камида 50 пунктни ташкил этади.

А. Лернер индекси монопол ҳукмронлик даражасини ўлчаш учун қўлланилади. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

⁹ Градов А. Национальная экономика. Курс лекций. СПб: «Специальная литература», 1997. 155-б.


$L = \frac{P - MC}{P}$, бунда P – маҳсулот (маҳсулот бирлиги) нархи.

MC – маҳсулот қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ чекланган харажатлар.

P ва MC ўртасидаги тафовут қанчалик катта бўлса, монопол ҳукмронлик даражаси шунчалик юқори бўлади. L – миқдор 0 ва 1 оралиғида жойлашади. Такомиллашган рақобат шароитида, $P \approx MC$ бўлганда, Лернер индекси 0 га тенг бўлади.

8.2.1-график

Ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали кўлами



Ишлаб чиқариш концентрацияси даражаси кўрсаткичлари ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали (концентрация қуйи чегараси) ва оптимал (концентрация юқори чегараси) кўламларида бўлиши мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажми ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали кўлами (ЭКСК) ҳисобланадики, бунда илғор технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдан самарали фойдаланиш ҳисобига эришиладиган узоқ муддатли ўртача харажатлар (Ҳўу) нинг бир мунча барқарорлашуви (энг паст даражада) таъминланади. Бунда ишлаб чиқариш ҳажмининг кейинги ўсиши бу даражанинг ишлаб чиқариш кўламидан камайиб борувчи қайтим намоён бўлиши ҳолатига қадар ўсишига олиб келмайди.

Турли соҳаларда ЭКСК миқдори турлича. Ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмини оптимал, деб ҳисоблаш мумкинки, бунда чекланган даромад (MR) нинг чекланган харажатларга (MC) тенглигига эришилади. Бу ҳолда фирма фойдаси максималлашади. Ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажми кўп омилларга шу жумладан, бозор модели (такомиллашган ёки такомиллашмаган рақобат), маҳсулотга бўлган талаб эластиклиги ўзгарувчан ха-

ражатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ўзгариш суръатлари ва ҳ.к. ларга боғлиқ бўлади, шу сабабли у ёки бу аниқ шароитларда амал қилаётган ҳар бир алоҳида фирма учун маҳсулот ҳар бир тури бўйича бу ҳажм турлича бўлади. Амал қилиш шароитларидан ҳеч бўлмаганда биттасининг ўзгариши билан ишлаб чиқариш оптимал ҳажми ўзгаради. Шунини таъкидлаш керакки, янги, юқори унумли ускуналар ва илғор технологик жараёнларни вужудга келтириш билан борадиган фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали кўламининг ҳам, оптимал кўламининг ҳам ўсишига олиб келади. Ишлаб чиқариш ташкилий - техник даражасининг, яъни ишлаб чиқариш узлуксизлиги даражасининг ўсиши билан бу ҳажмлар ўсади.

Бироқ дивизион ва композицион тавсифдаги хатолардан қочиш керак: биринчиларининг мазмуни ишлаб чиқариш бирликларининг мустақил, ташкилий ва ҳуқуқий алоҳидалашган бўлимларга ҳаддан ташқари табақалашувидан иборат. Иқтисодий фаолиятнинг бундай ҳаддан ташқари табақалашуви уни бошқаришни анча қийинлаштиради. Иккинчиларининг мазмуни ишлаб чиқариш бирлигини йириклаштириш, унга мажмуа, универсал тавсиф беришдан иборат. Бу иқтисодий фаолият самдорлигини унинг хилма-хиллигини кучайтириши ҳисобига пасайишига олиб келади.

Собиқ СССР да бирлашмалар тузиш муаммосини композицион тавсифдаги хатолар нуқтаи назаридан: ўрганиб, шунга эътибор қаратишга тўғри келадикки, кўп ҳолларда бирлашмалар уларга кирган корхоналарнинг барқарор кооперациялашган алоқалари ягона мажмуасига айланмади. Улар корхоналарнинг ишлаб чиқариш-техник муносабатларида моҳият жиҳатдан мустақил конгломератлар бўлиб қолишда давом этдилар. Бирлашмалар тузишга тармоқ ёндашуви бундай бирлашмалар тузиш имкониятини яратадиган сабаб бўлади. Энг кўп тарқалган усул уларни бир вазирликка бўйсунадиган, бироқ бир туман, шаҳар, вилоятда жойлашган корхоналардан шакллантириш бўлди. Чунки кўпинча мазкур ҳудуддаги бир вазирликка қарайдиган корхоналар кўп бўлмаса, у ҳолда уларнинг ҳаммаси (самарали мажмуани яратиш имкониятидан қатъий назар) бир «бирлашма» га бирлашадилар.

Бу даврда бирлашмалар ташкил қилиш асосан, марказий режалаштириш идоралари ишини ишлаб чиқариш хилма-хиллиги даражасини пасайтириш ҳисобига енгиллаштиришга қаратилган ҳужжат бўлган (қонундан келиб чиқадиган хилма-хиллик зарурати).

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, давлатнинг миллий иқтисодиётни тартибга солишдаги роли жуда катта. Давлат қарз самарасига эга бўлмайди, чунки иқтисодий фаолият стратегик мақсадлари иқтисодий ривожланишнинг объектив иқтисодий қонунларидан келиб чиқмай, балки, у ёки бу ҳоқимият таркиблари ва гуруҳлари сиёсий интилишларининг ифодаси ҳисобланади холос, бу вазифаларни ечиш кўп ҳолларда иқтисодий ҳодисалар мазмунини тубдан ўзгартирмаган ҳолда қарорларни бажариш ҳақидаги қўл остидагиларнинг расмий ҳисоботидан келиб чиқади.

Таянч иборалар:

1. **Ишлаб чиқариш концентрацияси** – биринчи тартибдаги неъматлар маълум ҳажмининг жамланиши бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш кўламини билдиради.
2. **Капитал концентрацияси** – олий тоифадаги неъматларнинг жамланиши бўлиб, корхона кўламини англатади.
3. **Корхона ҳажми** – бу корхона доирасида концентрацияланган ресурслар қиймати (корхона активлари), корхона ишлаб чиқариш кўлами, иқтисодий фаолият маҳсулотлари ҳажмидир.
4. **Агрегат концентрацияси** – ишчи машина ва агрегатлар (станоклар, пресслар, турбиналар, генераторлар) ягона қувватининг ўсишида намоён бўлади.
5. **Ишлаб чиқариш технологик концентрация** – корхона бўлимларининг сони чекланган шароитда дастлабки ишлаб чиқариш маҳсулотини жамлаш асосида ишчи машина ва агрегатлар сони ҳамда қувватининг бир вақтда ўсишида намоён бўлади.
6. **Корхона** – бозор иқтисодиёти учун хос бўлган ишлаб чиқариш бирлигидир.

7. **Концентрация коэффиценти** – тўртта йирик фирмалар савдосининг (баъзида саккизта) тармоқ савдоси умумий ҳажмидаги салмоғини кўрсатади.
8. **Ишлаб чиқаришнинг оптимал кўлами** – ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмини оптимал, деб ҳисоблаш мумкинки, бунда чекланган даромад (**МР**)нинг чекланган харажатларга (**МС**) тенглигига эришилади.
9. **Ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали ҳажми** – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали кўлами ҳисобланадики, бунда илғор технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдан самарали фойдаланиш ҳисобига эришиладиган узоқ муддатли ўртача харажатларнинг бир мунча барқарорлашуви (энг паст даражада) таъминланади.
10. **Дивизион тавсифдаги хатолар** – ишлаб чиқариш бирликларининг мустақил, ташкилий ва ҳуқуқий алоҳидалашган бўлимларга ҳаддан ташқари табақалашувидан иборат.
11. **Композицион тавсифдаги хатолар** – ишлаб чиқариш бирлигини йириклаштириш, унга мажмуавий универсал тавсиф беришдан иборат.

Назорат саволлари:

1. Ишлаб чиқариш концентрацияси, деганда нимани тушуна-сиз, унинг капитал концентрациясидан нима фарқи бор?
2. Корхона кўлами ва корхонанинг ишлаб чиқариш кўлами ўртасидаги тафовут нимадан иборат? Бу кўрсаткичлар қандай бирликларда ўлчанади?
3. Ишлаб чиқариш концентрациясининг мақсади нима? Ишлаб чиқариш концентрациясининг қайси шакли кўпроқ самарали?
4. Корхона, деб аталадиган ишлаб чиқариш бирлигининг асосий белгиларини санаб беринг.
5. Давлат корхоналарининг асосий шакллари қайсилар? Корхоналарнинг Республика қонунчилигида кўзда тутилган ташкилий- ҳуқуқий шаклларини келтиринг.

IX БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИ

9.1. Иқтисодий фаолият таркиби тушунчаси

Умумий кўринишда таркиб бир сонли ва табиатан турлича элементар қисмлардан таркиб топган ташкилий бирликларни тизимга солиш усулини билдиради.

Иқтисодий бирлик таркиби - бу бирликни муайян шароит ва муайян ҳолатда тавсифлайдиган нисбат ва муносабатлар мажмуасини ифодалайди:

- нисбатлар, яъни ўрганилаётган иқтисодий бирликни ташкил этувчи унсурлар белгиси ва нисбий миқдори;
- муносабат, яъни бир томондан бирликни ташкил этувчи унсурлар ўртасида ва бошқа томондан, бу бирлик ва бошқа иқтисодий бирликлар ўртасида ўрнатилаётган муносабатлар.

Француз иқтисодчиси Жан Ломм таркибни қуйидагича таърифлайди: «Муайян ижтимоий-иқтисодий мажмуа таркиби – бу муносабатлар ҳолати (ички ва ташқи, сифат ва миқдор) бўлиб, улар ўрганилаётган мажмуани икки томонлама қараш воситасида аниқлайди: 1) вақт-давр-муддатда (уларнинг ўзлари ўзгаришларнинг такрорланмаслиги ва танаффуслилиги билан белгиланади), 2) макон-маконлар- жойларда (уларнинг ўзлари мувофиқлик мавжудлиги билан белгиланади).»

Иқтисодий таҳлил қилинаётган таркиблар икки турга бўлинади:

1. ўз мазмуни жиҳатдан оддий ва мажмуавий иқтисодий бирликлар фаолиятини тавсифланган.
2. «четки» таркиблар, улар иқтисодий фаолият атроф-муҳитини ташкил этади.

Биринчи тур доирасида қуйидаги таркиблар ўрганилади:

- оила хўжалиги: ишлаб чиқарувчи кучларни хўжалиқда тақсимлаш, оила даромади таркиби ва ҳ.к.
- фирмалар: техник ёки унумли капитал таркиби (асосий ва айланма), ишчи кучи таркиби (малакали ишчилар, усталар, ИТР), пул капитали таркиби (акциялар, облигациялар), ишлаб чиқаришнинг фирма корхоналари ўртасида тақсимланиши, ишлаб чиқаришнинг маҳаллий, миллий ва халқаро сотиш бозорларига йўналтирилганлиги.
- мажмуавий бирликлар: гуруҳ, соҳа, фаолият тармоғи, мамлакат, трансмиллий бирлашма.

Мамлакат иқтисодий таркибини қуйидаги параметрлар бўйича ўрганиш мумкин:

- иқтисодий фаолият тавсифи: саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, молия ва ҳ.к. Иқтисодий бирлик кўлами: майда, ўрта, йирик бирликлар;
- Иқтисодий тизим: капиталистик соҳалар, нокапиталистик, умумлаштирилган, давлат.
- Иқтисодий ташкилот тури (иқтисодий тартиб): марказдан бошқариладиган, рақобатли, аралаш, ҳукмрон иқтисодий гуруҳлар.
- Фаол аҳолининг тақсимланиши: бандлик даражаси, ишсизликнинг турлари бўйича таркиби ва ҳ.к;
- Миллий даромаднинг аҳоли гуруҳлари ҳар бирининг иқтисодий вазифасига қараб аниқланадиган тоифалари ўртасида ёки ижтимоий гуруҳлар ўртасида (ишловчилар, нафақахўрлар, талабалар ва бошқалар) тақсимланиши;
- Иқтисодий фаолиятнинг ички ёки халқаро бозорга йўналтирилганлиги.

Таркибий ўзгаришларнинг объективлигидан келиб чиқиб, Р. Барр унга хос икки тушунчани фарқлаш кераклигини таъкидлайди:

1. Жами иқтисодиёт таркиби.
2. Амалий модел таркибини.

Биринчиси иқтисодий таҳлилнинг танланган мезонига, иккинчиси – кузатилаётган ва амалий модел қурилаётган давр узунлигига боғлиқ.

Иккинчи турдаги таркиб доирасида қуйидагилар таҳлил қилинади:

- Демографик таркиблар: ёш пирамидаси, фаол ва нофаол аҳоли ўртасидаги нисбат.
- Ижтимоий таркиблар: хилма-хил ёки унификациялашган жамият, атомистик ёки молекуляр жамият, мутаносиб ёки номутаносиб жамият ва ҳ.к.
- Институционал таркиблар: сиёсий ваколатларнинг тақсимланиши, ҳокимиятлар ўртасидаги муносабатлар.
- Ментал таркиблар: бир жамиятга мансуб барча индивидларнинг фикрлаши, концепциялари, эътиқодлари.

Биринчи ва иккинчи турдаги таркиблар ўртасида маълум муносабатлар ўрнатилиб, улар иқтисодий ўсиш ва тараққиёт

учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ўзаро биргаликда бўлиш (ёки бўлмаслик) муаммосини вужудга келтиради.

Иқтисодий таҳлилнинг санаб ўтилган мезонларига бу таҳлил мақсадидан келиб чиқиб бошқа мезонларни ҳам қўшимча қилиш мумкин: муддатлар, бу ҳодисаларнинг ўзгариши уларнинг ўзгаришига боғлиқ бўладиган ўзгарувчан вариацияларга қараганда узоқроқ давом этади. Бундай кўп томонламалик таркиблар барқарорлигини таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Шу билан боғлиқ ўзгаришларнинг икки турини кўрсатиш мумкин:

- секинлик билан, бирин-кетин ўзгариш: масалан, фермерчиликнинг қишлоқ хўжалигига секинлик билан тарқалиши.
- кескин ўзгаришлар, мутациялар, кетма-кетликнинг бузилиши, булар ўзларининг вужудга келиши бўйича тарихий таъназулларни келтириб чиқарди.

Иқтисодий таркиб таҳлилининг санаб ўтилган мезонларидан ташқари иқтисодий фаолиятнинг вақт жиҳатларини таҳлил қилиш зарур. Баъзи иқтисодий ҳодисалар бошқаларига қараганда секинлик билан ўзгаради. Уларнинг вариацияларини бири-биридан ажратувчи иқтисодий муҳитнинг турли хилдалиги иқтисодий ҳодисалар вариация тезлиги қандай бўлишидан қатъий назар, сақланиб қолади: улар секин ўзгарса ёки тўсатдан ёмонлашса у ёки бу муносабатлар ҳар доим мавжуд бўлади.

Иқтисодий фаолиятнинг таркибий таҳлили тизимининг умумий амал қилишини тушуниш, миллий иқтисодиёт бир хил бўлмаган ҳудудларини ёритиш имконини беради. Таҳлил таркиби асосида иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилади. Самарали иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишнинг бош тамойили мавжуд таркибларга мослашиш зарурати ҳисобланади. Таркибий ислохотлардан кутилаётган ўзгариш бу таркибнинг хусусий иши бўлишига эришиш зарур.

9.2. Оддий иқтисодий бирликлар иқтисодий таркибини таҳлил қилиш тамойиллари. Фирманинг стратегик салоҳияти таркиби (ФСС)

Иқтисодий таркиблар ўз мазмунига кўра оддий ва мажмуавий иқтисодий бирликларнинг фаолиятини тавсифлайди. Оддий иқтисодий бирликнинг таркибий таҳлилинини хусусан, алоҳида

фирмада икки ўзаро боғлиқ йўналишда ўтказиш мақсадга мувофиқ: фирманинг стратегик салоҳияти таркибини (ФСС) ва унга боғлиқ равишда фирма харажатлари таркибини ўрганиш.

Фирма стратегик салоҳиятини таркибий таҳлил қилиш жараёнида фирманинг рақобатдаги устунлигига эришиш шарт-шароитлари ёритилиши керак. Бунинг учун фирма томонидан қўлланиладиган ресурслар турли кўринишларининг таркибини таҳлил қилиш керак. Бунда таҳлил ресурсларнинг турлари бўйича ҳамда стратегик ресурслар матрицаси қўлланган стратегик салоҳиятни ташкил этувчилар бўйича олиб борилади. Улар қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

- ФСС нинг ҳар бир таркибидан фойдаланиш учун зарур бўлган барча ресурслар қийматида ресурслар ҳар бир турининг салмоғи. Бу ҳолда матрица ҳар бир қатори бўйича барча ресурслар жами қиймати 100% қилиб олинади.
- Ҳар бир ресурс турининг уларнинг жами қийматидаги салмоғи, масалан, фирма барча ресурслари қийматининг салмоғи. Бу ҳолда матрица барча устунлари бўйича натижалар суммаси 100%, деб олинади.
- ФСС мазкур таркибидан фойдаланиш учун қўлланилаётган у ёки бу ресурсларнинг фирманинг бу турдаги ресурсларнинг жами қийматидаги салмоғи. Масалан, фирманинг мамлакатдаги ва унинг чегарасидаги макроиқтисодий вазиятни таҳлил қилиш лаёқатидан фойдаланиш учун қўлланиладиган техник ресурсларнинг фирма техник ресурслари умумий қийматидаги салмоғи. Бу ресурсга мос келувчи матрица устуни бўйича жами 100% қилиб олинади.
- ФСС нинг у ёки бу таркибини мос келувчи матрица қатори бўйича жами реализация қилиш учун фойдаланиладиган барча ресурслар қийматининг фирма барча ресурслари умумий қийматидаги (матрица барча устунлари бўйича жами сумма) салмоғи.

ФСС ни таркибий таҳлил қилишга ўрганилаётган ёндашувдаги энг қийини у ёки бу ресурс қийматини баҳолаш муаммоси ҳисобланади. Ресурсларнинг техник, жой, ҳатто кадрлар каби турлари учун бу муаммо бошқача ҳал қилинади. Бироқ фирма бошқарув тизимининг ташкилий таркиби ресурси сифатидаги ресурсларнинг қийматини баҳолаш қийин. Бу муаммони ечиш мах-

сус изланишларни талаб қилади, уларнинг натижасида фирма фаолияти унумдорлигининг унинг бошқарув тизими амал қилиши билан боғлиқ харажатларига боғлиқлигини ёритиш зарур, яъни фирмани бошқаришнинг ўзига хос баҳосини аниқлаш зарур.

ФСС таркибини таҳлил қилишга бошқача ёндашув. ФСС нинг у ёки бу таркиби фирма томонидан бозор эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ харажатларнинг мос келувчи даражаси ва таркиби учун маълум шарт-шароитлар яратади. Бу харажатларни туркумлаш 9.2.1-жадвалда келтирилган.

Харажатларни таркибий таҳлил қилиш жараёнида ҳар бир банднинг харажатлар умумий миқдоридоги барча операциялар суммаси бўйича ҳамда ҳар бир бўлим бўйича товар етказиб берувчилар билан боғлиқ операциялар бўйича, фирма ички харажатлари операциялари бўйича, товарнинг пировард истеъмолчисига ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича салмоғини аниқлаш зарур.

9.2.1-жадвал

Маҳсулотнинг тўла қиймати¹⁰

Товар етказиб берувчилар билан операциялар	Фирма ички харажатлари бўйича операциялар						Товарнинг пировард истеъмолчига ҳаракати билан боғлиқ операциялар
Бутловчи материаллардан (шу жумладан, ташқи иқтисодий алоқалардан) фойдаланиш	Маҳсулот ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ операциялар	Маркетинг ва сотиш	Истеъмолчиларга (шу жумладан ташқи алоқаларга) хизмат кўрсатиш	Қўллаб-қувватлаш хизматлари	Умумий маъмурий операциялар	Фойда	
Хомашё ва материаллар, бутловчилар ва эҳтиёт қисмлар (шу жумладан, импорт қилинган)	Ишлаб чиқариш жараёни ва ускуналар ишини таъминлаш	Савдони ташкил этиш фаолияти	Савдо ва офис хизмати	Ишчи кучини тўплаш ва ўқитиш	Молиявий бухгалтерия хизмати	ва	Улгуржи дистрибьюторлар ва дилерлар тармоғи, чакана савдо фаолиятлари

¹⁰ Градов А. Национальная экономика. Курс лекций, СПб: Специальная литература, 1997, 170-171б.

Энергия билан таъминлаш	Ахборот ва маълумотларни қайта ишлаш	Реклама	Ахборотларни қайта ишлаш	Ишсизлик нафақаси ва бошқа нафақалар	Ҳуқуқий хизмат	Товарни пировард истеъмолчига етказиб беришга қаратилган дистрибьюторлар, улгуржи ва чакана савдогарлар томонидан ишлаб чиқариш қиймати устига барча қўшимча ва харажатлар.
Ташқи транспорт хизматлари	Йиғиш ва тамғалаш	Маркетинг тадқиқотлари	Саводан кейинги хизмат	Ташқи алоқалар	Public relation	
Товар етказиб бериувчиларнинг ташқи иқтисодий харажатлари	Ишчи кучига харажатлари	Техник адабиёт	Хизматга раҳбарлик ва ўқитиш	Компьютер хизмати	Умумфирма бошқаруви	
Омборлаштириш	Эксплуатация хизмати	Саёҳат ва ваколатхона	Эҳтиёт қисмлар	P and D	Кредитлар бўйича фоизлар	
Қабул ва техник экспертиза	R and D	Нашрлар	Истеъмолчига хизмат кўрсатиш бўйича транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа харажатлар	Алоқаларни тартибга солиш	Солиқлар	
Ресурс етказиб бериувчилар билан боғлиқ трансакцион харажатлар	Сифат назорати	Дилерлик ва дистрибьюторлик харажатлари	Ташқи истеъмолчилар учун	Хавфсизлик	Харажатларни охириги тартибга солиш	
	Ёрдамчи материаллар	Товарлар харидорлари билан боғлиқ трансакцион харажатлар	Бошқарув ва ривожланиш	Умумий характердаги етказиб бериш ва жиҳозлаш		
	Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ҳ.к.			Касаба уюшмалари ва жамоат ташкилотлари		

Шунга ўхшаш таҳлил харажатларнинг юқорироқ концентрацияси ҳудудларини ёритиш, бу ҳудудларнинг ФСС таркиблари билан алоқа ўрнатиш, фирма ресурсларини бу таркиблар ўртасида оптимал тақсимлаш бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

9.3.Таркибий таҳлил

Мажмуавий иқтисодий бирликларни таркибий таҳлил қилиш жуда ҳам кўп миқдордаги статистик маълумотларни жалб қилиш ҳамда оддий иқтисодий бирликларни таҳлил қилиш учун қўлланилгандагига қараганда кўпроқ агрегатлашган кўрсаткичларни қўллашни талаб қилади. Бундай таҳлилнинг мақсади кенг қўламдир. Мамлакат миллий иқтисодиёти каби мажмуавий бирликларни унинг алоҳида соҳаси ва тармоғини, ишлаб чиқариш турини (иқтисодий фаолият тури) таркибий таҳлил қилиш натижасида мамлакат чегарасида фаолият кўрсатувчи ўн минглаб фирмалар, концернлар ҳамда алоҳида оила хўжаликлари ва кооперативларни ёки бу фирмалар, концернлар ва бошқа иқтисодий субъектлар таркибига кирувчи оддий бирликларни ташкил этиш ва рақобатдаги устунлигини таъминлаш учун шароитлар қанчалик қулайлигини аниқлаш зарур. Бундай таҳлил натижалари фирма томонидан ўз ғоясини кенг қўламда танлашни кўзда тутаяди.

Таркибий таҳлилнинг бошқа жиҳати мулк шаклларини тадқиқ этиш ҳисобланади. Бундай таҳлил жараёнида давлат, аралаш, хусусий ҳамда миллий ва хорижий мулк ўртасида нисбат ўрнатилади.

Шунга ўхшаш таркибларни тадқиқ этиш натижасида у ёки бу мамлакатда рақобат муҳитининг ривожланиш истиқболлари тўғрисида ҳамда халқаро бозорларда фирмалар, тармоқлар ва бутун миллий иқтисодиётнинг рақобатда устунликка эришиш истиқболлари тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

МДХ мамлакатлари статистик маълумотлари асосида мулк шакллари таркибий таҳлилининг жиҳатлари.

Бу мамлакатлар иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнида мулкчилик муносабатларида энг аввало, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан катта ўзгаришлар юз берди. Мисалан, 1998 йилда Қозоғистонда 29,2 мингдан ортиқ корхоналар хусусийлаштирилди. Уларнинг 45% - савдо, умумий овқатланиш

маиший хизмат корхоналаридир. Ўртача ва йирик давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг кенг тарқалган усули акционерлик жамиятлари ташкил этиш ҳисобланади. 1994 йилнинг январ – ноябр ойларида Россияда 9,3 мингта шундай жамиятлар тузилган, уларнинг 40%и саноат соҳасига, 17%и - қурилишга, 11%и - транспорт ва алоқага тўғри келади. Ўзбекистонда 1992 йилдан 1998 йилгача бўлган даврда 75,5 мингта корхона ташкил этилди.

Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида узоқ хориж мамлакатлардаги шериклар билан биргаликда 20 мингдан ортиқ қўшма корхоналар рўйхатга олинган. Алоҳида давлатларда қўшма корхоналар экспортнинг мамлакат экспорти умумий ҳажмидаги салмоғи 1% дан 20% гача, импорти эса 4% дан 25% гачани ташкил этди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари сонининг ўсиши кузатилди. Бу давр давомида хўжаликлар сони 24 минггача ўсди, бу хўжаликларга бириктирилган ер умумий майдони 445,9 мингга ўсди.

Озарбайжон, Россия, Молдава, Украинада ва Тожикистонда савдо ва умумий овқатланишдаги давлат объектларини хусусийлаштириш, янги тижорат таркибларини ривожлантириш натижасида нодавлат сектори истеъмол товарлари бозорида ҳукмрон роль ўйнамоқда Ўзбекистонда бу соҳада нодавлат сектори мавжуд жами рўйхатга олинган савдо тармоғининг 63-69% ни ташкил этди.

Россия ва баъзи МДҲ мамлакатлари миллий иқтисодиётлари амал қилишининг асосий кўрсаткичлари динамикасини таркибий таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мулк шакллари ўзгариши савдо ва умумий овқатланишда кўпроқ интенсивлик билан борди, бу ерда барча корхоналарнинг деярли 50%и хусусийлаштирилган. 2001 йилда Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига кўра 1449 та корхона ва объект хусусийлаштирилган бўлса, уларнинг 3,8 %и шу соҳага тегишлидир. Бу эса мазкур соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш учун шароит яратади. Шу билан бирга бу соҳада хусусийлаштирилган корхоналарнинг асосий қисми савдо-воситачи ташкилотларини ўзида мужассамлаштирар экан, бундай хусусийлаштириш товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш

- соҳасидаги рақобатда устунликка эришишига олиб келади, деб ҳисобламаслик керак.
2. Транспорт ва алоқадаги хусусийлаштириш кам интенсивлик билан олиб борилди, бу эса бу тармоқларнинг монополлашуви учун шароит яратди.
 3. Акционерлаштириш саноатда фаоллик билан олиб борилди. АЖ ларини тузиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг анча ўсишига олиб келди, саноатнинг ялпи миллий маҳсулот умумий ҳажмидаги салмоғи ва унда банд бўлган ишчилар сони бу ҳақда гувоҳлик беради. 2001 йилда корхона ва объектларнинг 30 %и акционерлаштириш орқали хусусийлаштирилган, улар негизда 240 та очиқ турдаги АЖлари ташкил этилди.
 4. Қишлоқ хўжалиги соҳасида мулк шаклларида сезиларли ўзгаришлар рўй бермади. Фермер хўжаликларининг катта салмоғи, бу соҳадаги хусусийлаштиришнинг юқорироқ суръатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига шароит яратилганлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Бироқ бу соҳанинг фаолияти иўғрисида репрезентатив хулосалар чиқариш учун мамлакат турли вилоятларининг хусусиятларини ҳисобга олиб чуқурроқ таҳлил қилиш зарур. 1999-2001 йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. 2001 йилда хусусийлаштирилган объектлар таркибида «Ўзқишлоқхўжаликкимё» (11,8%), Қишлоқсувхўжваз (8,7%), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (8,1 %) ва бошқалар катта салмоққа эга бўлди.
 5. Қўшма корхоналар кенг ривожланди, бироқ уларнинг экспорт ва импортдаги салмоғи кам, бу ҳам Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг рақобатдаги устунлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш муаммосини ечишда қўшимча муаммоларни яратди. 2002 йил 1 январь ҳолатига республикада 3301 хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар рўйхатга олинди, улардан 1958 таси ҳаракатдаги ҳуқуқий шахслардир. Бундан ташқари, 2001 йил бошидан 174 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини тўхтатди. 1958 та фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг 1048 таси саноатга тегишли бўлиб, уларнинг 21,8% истеъмол товарлари чиқариш билан шуғулланади, 519 таси

савдо ва умумий овқатланишда фаолият кўрсатади. Қўшма корхоналарнинг экспорт ҳажми 416,9 млн. АҚШ долларарида баҳоланиб, республика умумий экспортининг 12,8 % ини ташкил этади. Импорти эса 937,2 млн. долл. бўлиб, жами импортнинг 29,9 % ини ташкил этади.

6. Хорижий ва мамлакатимиз инвесторларининг саноат асосий тармоқлари (ёқилғи – энергетика мажмуаси бундан мустасно) даги инвестиция имкониятлари яқин келажакда мамлакатимиз саноати ва қишлоқ хўжалиги товарлари рақобатбардошлигини ўстириш ва бу соҳаларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатда устунлигини таъминлаш имконини беради.

Умумлаштириб шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларига эришиш учун зарурий шароитлар яратилди.

Таркибий таҳлилнинг асосий тамойиллари:

1. Комплекслиги, яъни иқтисодий фаолият турли томонларини оддий ҳамда мажмуавий таркибий бўлимлар ва бутун миллий иқтисодиёт доирасида бир вақтда ўзаро боғланган ҳолда ўрганилиши.
2. Таққосланувчанлиги, яъни кўлами бўйича бир хил бўлган миллий иқтисодиёт таркибий бўлимлари ва улар амал қилишининг бир хил вақт оралиқлари учун ҳисобланган таркибий кўрсаткичларини ўрганиш.
3. Ўзгарувчанлиги, яъни алоҳида бўлимлар ва бутун миллий иқтисодиёт доирасидаги иқтисодий фаолиятнинг маълум давр учун ривожланиш қонуниятларини, динамикасини очиб бериш мақсадида барча таркибий кўрсаткичларни ўрганиш.

Таянч иборалар:

1. **Иқтисодий бирлик таркиби** - бу бирликни муайян шароит ва муайян ҳолатда тавсифлайдиган нисбат ва муносабатлар мажмуаси ифодалайди.
2. **Иқтисодий таркиблар** - ўз мазмунига кўра оддий ва мажмуавий иқтисодий бирликларнинг фаолиятини тавсифлайди.
3. **«Четки» таркиблар** - улар иқтисодий фаолият атроф-муҳитини ташкил этади.

4. **Таркибий таҳлилнинг комплекслиги** - иқтисодий фаолият турли томонларини оддий ва мажмуавий таркибий бўлимлар ва бутун миллий иқтисодиёт доирасида бир вақтда ўзаро боғланган ҳолда ўрганилишидир.
5. **Таркибий таҳлил унсурларининг таққосланувчанлиги** - кўлами бўйича бир хил бўлган миллий иқтисодиёт таркибий бўлимлари ва улар амал қилишининг бир хил вақт оралиқлари учун ҳисобланган таркибий кўрсаткичларини ўрганиш.
6. **Таркибий таҳлилнинг динамик ўзгарувчанлиги** - алоҳида бўлимлар ва бутун миллий иқтисодиёт доирасидаги иқтисодий фаолиятнинг маълум давр учун ривожланиш қонуниятларини, динамикасини очиб бериш мақсадида барча таркибий кўрсаткичларни ўрганиш.

Назорат саволлари:

1. Иқтисодий таркибни таҳлил қилишнинг мазмуни нимадан иборат? Бу таҳлилнинг объекти нима?
2. «Четки» гуруҳ таркибларини таҳлил қилишнинг объекти нима ҳисобланади?
3. Таркибий таҳлил тамойилларининг мазмунини ёритинг.

Х БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

10.1. Ҳудудий-географик жараёнларни тавсифловчи асосий тушунчалар

Жойлаштириш жараёни – объектлар ва ҳодисаларни ҳудудлар бўйича ўз ҳолича ёки мақсадли тақсимлаш жараёнидир.

Кишиларни жойлаштириш жараёнига нисбатан аҳолини жойлаштириш жараёни тушунчаси қўлланилади.

Худудий ривожланиш – объектларни бир географик нуқтадан бошқасига жойлаштириш жараёни. У минтақаларга хос таркибий ва функционал ўзгаришлар билан боради.

Худудий таркиб – маълум худудий унсурларнинг таркиби ва нисбати.

Табақалашув – бунда худудий таркибнинг мураккаблиги кучаяди, унинг табақалашуви чуқурлашади. Бунга тескари жараён – йириклашувдир.

Концентрациялашув – бунда қандайдир худуд доирасида ҳодисанинг зичлиги ўрганилаётган худуднинг бошқа жойидаги зичликдан тезроқ ошиб боради. Бунга тескари жараён – деконцентрациялашувдир.

Тортилиш – концентрация жараёни билан узвий алоқадор бўлиб, объектларнинг концентрация четидан ядросига томон жойлаштирилиши билан келиб чиқади. Тескари жараён – тарқалишдир.

Агломерациялашув – концентрациялашув ёки тортилиш жараёни бўлиб, концентрация ядросининг (унинг мумкин бўлган мураккаблиги билан) худудий кенгайиши билан боради ва агломерацияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Агломерация – аҳоли турар жойларининг, айниқса, кўп ҳолларда иқтисодий фаолият ва муҳандислар билан таъминланган шаҳарларнинг жамланиши. Яқин шаҳарларнинг кам ҳолларда ёппасига шаҳарлашган худудларга кенгайишига олиб келади.

Ареал – худуднинг қандайдир хўжалик белгиси ёки бир неча белгилари бўйича ажралиб чиққан қисми бўлиб, аҳоли зич худудларда кузатилмайди.

Худуд - ер юзасининг қуруқлик қисми.

Район – худуд бўлиб, уни қоплаган унсурлари бўйича ва ягоналиги, ўзаро боғланганлиги, ташкил этувчи унсурларининг бир бутунлигига эгаллиги билан бошқа худудлардан фарқланади. Бир-бутунлик мазкур худуд ривожланишининг объектив натижасидир.

Худудий меҳнат тақсимооти – маълум худудларнинг алоҳида тармоққа ихтисослашуви. Алоҳида районларнинг битта маҳсулот, баъзида маҳсулот бир турини ва ҳатто маҳсулотнинг маълум бир қисмини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви жараёнидир. Районлар ўртасида табиий шароитлардаги фарқ худудий меҳнат тақсимооти сабабларидан биридир.

Худудий меҳнат тақсимоти – ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, иқтисодий районларнинг шаклланиши ва районлараро кооперациянинг кучайиши, ихтисослашган маҳсулот ва хизматларни айирбошлашнинг объектив такрорланмас жараёнидир. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг маконда намоён бўлиши турли ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий, табиий, миллий-тарихий хусусиятлари ва уларнинг географик ўрни билан белгиланади. Ҳудудий меҳнат тақсимоти даражаси мазкур мамлакатдаги умумий меҳнат тақсимоти даражаси кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳудудий меҳнат тақсимоти тушунчаси маконнинг иқтисодий ўзлаштирилганлик даражаси ва мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

10.2. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш. Иқтисодиётда бу тушунча тўрт хил маънода ишлатилади: ҳудудлар бўйича иқтисодий географик объектларни тақсимлашнинг аниқ аҳволи сифатида, ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этиш шакли сифатида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг маълум давр мобайнида силжишини англатувчи жараён сифатида, ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналишларидан бири сифатида. Қуйидаги тушунчалар умумийроқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш – бу ўзгарувчан ҳолат бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудлар бўйича алоҳида районларнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларига кўра тақсимланишини тавсифлайди ва мазкур ижтимоий-иқтисодий тизимга хос бўлган ҳудудий меҳнат тақсимоти хусусиятлари билан белгиланади. Бу тушунча ишлаб чиқаришни ва аҳолини жойлаштиришга бўлинади, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ўз навбатида, кўпгина таркибий қисмларга эга: саноат ишлаб чиқаришини, қишлоқ хўжалиги, ноишлаб чиқариш соҳаси ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ҳ.к.

Алоҳида ишлаб чиқаришларни район ичкарасида ихтисослаштириш. Алоҳида объектни жойлаштириш нуқтаси ёки туманини аниқлаш учун маҳаллийлаштириш (локация) тушунчаси қўлланилади, у объектни жойлаштириш жойини, унинг манзи-

лини кўрсатади. Объектнинг уни ўраб турган объектлар билан алоқаси кўрсатмалари билан кенгайтирилган тавсифи географик ҳолат билан номланади, у эса жойлаштиришнинг ёки ҳудудий ривожланишнинг омилларидан бири ҳисобланади. Объектни маълум географик манзилда маълум мақсадда маълум далиллар билан асосланган ҳолда жойлаштиришни маҳаллийлаштириш, деб аталади.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш омиллари. Жойлаштиришнинг у ёки бу нуқтаси (тумани) га хос бўлган ресурслар мажмуасидан фойдаланишда жойлаштиришнинг мазкур объекти ва ҳудуди ўртасидаги охир-оқибатда объектни маҳаллийлаштиришнинг танланган мезонлари ва қўйилган мақсадлари нуқтаи назаридан оптимал (оқилона) бўлган муносабатлари намоён бўлади.

Жойлаштириш омиллари сони етарли даражада катта. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам маҳаллийлаштиришни танлашда ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Жойлаштириш объектнинг маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари объектни маҳаллийлаштиришда белгиловчи ҳисобланиб, унинг критик маҳаллий кўрсаткичига, яъни жойлаштириш объектнинг мазкур ресурс турига миқдорий жиҳатдан аниқ нисбати ёки объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига киради, бу кўрсаткичлар эса маҳаллийлаштиришни танлашда ҳисобга олинади.

Мазкур объектни маҳаллийлаштириш мазкур ҳудуднинг миқдорий аниқланган ресурсига боғлиқ бўлади, буни маҳаллий тавсиф деб аталади. Танқидий маҳаллий тавсифлар (объектни мазкур ҳудудда жойлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган) мазкур ҳудуднинг жойлаштириш сиғимини белгилайди. Агар маҳаллий тавсифларнинг барчаси ёки катта қисми танқидий бўлиб қолса, у ҳолда бу жойлаштириш сиғими тўлиқ бузилганлигини билдиради, уни тиклаш ёки кенгайтириш учун жойлаштириш аниқ объекти билан боғлиқ бўлмаган қўшимча харажатлар керак бўлади, дастлабки капитал қўйилмалар зарур бўлади. Бу қўйилмалар ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун сарфланади. Инфратузилма, деганда моддий неъматлар ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлмаган, аммо ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи (ишлаб чиқариш инфратузилмаси) ҳамда аҳолининг ҳар кунлик турмушини таъминлаш учун (ижтимоий инфратузилма) зарур бўлма-

ган, ҳаракатдаги бинолар, иншоотлар, тармоқлар ва тизимлар мажмуаси тушунилади. Инфратузилмани ҳудудий ривожланишнинг алоҳида омилига ажратиш зарурати шу билан изоҳланадики, бошқа шароитлар тенг бўлганда, унинг аниқ бир ҳудуддаги ривожланиши юқори даражаси бу ҳудудга миграциянинг ҳамда янги объектларни жойлаштиришнинг устунлигини кўзда тутди. Ижтимоий инфратузилма, бундан ташқари, турмуш даражасининг муҳим шarti ва кўрсаткичидир. Бу омил - ягона мажмуадир, унинг унсурларидан ҳар бири (транспорт, алоқа, энергия таъминоти, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.) алоҳида олганда инфратузилма ҳисобланмайди, фақат бу унсурлар биргаликда бўлгандагина мазкур тушунчани изоҳлайди.

Ишлаб чиқариш мажмуаси – маълум вазифаларни бажариш орқали бирлашган ва ўзаро барқарор ишлаб чиқариш алоқалари билан шундай тарзда боғланган кохоналар (ва муассасалар) нинг қўшилиши бўлиб, бунда қандайдир таркибий қисмларнинг бирикмасидан ажралиб чиқиши ва қандайдир алоқаларнинг бузилиши бутун мажмуа самарадорлигини пасайтиради, бу вазифанинг бажарилишини чеклайди ёки йўл қўймайди; мажмуанинг иқтисодий мазмуни шундаки, унинг самарадорлиги ажралган ҳолда амал қилувчи, ташкил этувчи таркибий қисмларнинг жами самарадорлигидан юқори бўлади, бу қувватларни ишга тушириш, барқарор алоқаларнинг мавжудлиги ва барча мажмуаларни бошқаришнинг юқори даражаси натижасидир. Бунда синергик самарага эришилади.

Ишлаб чиқариш – ҳудудий мажмуаси корхоналар (ва муассасалар) нинг ҳудудий қўшилиши бўлиб, бунинг учун унинг таркибий қисмларининг ҳудудий яқинлиги – иқтисодий самарадорликни ўстиришнинг қўшимча омилидир. Бунга қуйидагилар ҳисобига эришилади: а) ўзаро алоқалар катта барқарорлиги ва ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги, б) транспорт харажатларини қисқартириш, в) маҳаллий ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ишлатиш учун қулай шароитлар яратиш, г) тармоқ ички (тармоқларо) тартибга солишини иқтисодий фаолиятни ҳудудий тартибга солиш билан қўшиб олиб бориш учун оқилона шароитлар яратиш.

Ҳудудий – ишлаб чиқариш мажмуаси – ҳудуддан, ишлаб чиқариш инфратузилмасидан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ишлаб чиқариш ҳудудий мажмуала-

рининг қўшилишидир. Бу мажмуалар синфи иқтисодий районнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Аҳолини жойлаштириш ҳудудий тизимини шакллантириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш маълум қонуниятларга бўйсунди, уларнинг намоён бўлиши саноатни мамлакат ҳудуди бўйича жойлаштириш мисолида ўрганилади.

Саноатни жойлаштириш бир томондан, ишлаб чиқариш концентрацияси, ихтисослашуви ва кооперациялашувининг ривожланиш даражаси ва шаклига боғлиқ бўлади. Бошқа томондан, ишлаб чиқарувчи кучларни иқтисодий ва саноатлашган туманлардаги ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуаларида жойлаштириш ишлаб чиқариш концентрацияси, ихтисослашуви ва кооперациялашув даражаси ва шаклига эга бўлган тавсифи билан тескари алоқадорликда бўлади.

Саноатни жойлаштиришнинг муҳим умумий тамойилларига қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кетадиган харажатларни тежаш мақсадида саноатнинг хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурси манбаларига ва маҳсулотни истеъмол қиладиган туманларга яқинлаштириш.
2. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатларини, аҳолини жойлаштиришни яхшилаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашни ҳисобга олиб, табиий ресурслар ва миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш фондларидан оқилона фойдаланиш.
3. Ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмда концентрациялашуви ва ихтисослашувини чуқурлаштириш ва мамлакат минтақаларини ҳар томонлама иқтисодий ривожлантириш.
4. Мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига халқаро меҳнат тақсимооти асосида иқтисодий интеграциялашувини кучайтириш.
5. Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилиш.

У ёки бу иқтисодий районда саноатни жойлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилишда саноат корхоналарини ёқилғи, энергия, сув, асосий материаллар, яримфабрикатлар билан таъминлашнинг аниқ шароитларини, малакали ишчи кучи мавжудлигини, қурилиш ташкилотла-

ри қувватларини ва қурилиш саноати негизини ҳисобга олишга тўғри келади. Бундан ташқари, иқтисодий районларнинг ихтисослашувини ҳам ҳисобга олиш керак.

Саноатнинг йирик шаҳарларда ҳаддан ташқари концентрациялашуvidан қочишга тўғри келади. Бундай шаҳарларда фаолият кўрсатаётган корхоналар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан интенсив фойдаланиш ҳамда ишчилар сонини, ишлаб чиқариш майдони ва завод ҳудудини кўпайтирмаган ҳолда ўсиб бораётган ва қурилиш экологик эҳтиёжларни янада тўлароқ қондиришни ҳисобга олиб ривожлантирилиши керак.

Меҳнат ресурслари етишмаётган районларда юқори даражада механизациялашган, автоматлаштирилган ва меҳнат сиғимли бўлмаган ишлаб чиқаришлар устун даражада ривожлантирилиши керак. Бундай ишлаб чиқаришлар ишчилар сони кам бўлган маҳсулот чиқаришга лаёқатлидир. Ишчи кучи ортиқчалиги кузатилаётган районларда меҳнат сиғимли бўлган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Саноат корхоналари ва мажмуаларини жойлаштиришни оптималлаштириш транспорт харажатларини, маҳсулот ва унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқаришни ҳисобга оладиган корхоналар, ташкилотлар тузиш билан ҳамда айирбошлаш (савдо) жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ялпи харажатларнинг минимуми мезони бўйича амалга оширилади. Бунда таъминот манбаларини глобал жойлаштириш стратегиясидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганишга тўғри келади.

Саноат объектларини жойлаштириш бўйича оптимал қарор иқтисодий-математик моделлаштириш асосида ишлаб чиқилиши мумкин, унинг усуллари махсус ўрганиши керак.

10.3. Миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби

Миллий иқтисодиётни ҳудудий жиҳатдан таркибий таҳлил қилиш турли йўналишлар бўйича амалга оширилиши мумкин. Бундай таҳлилнинг асосий вазифаси ҳудудлар ривожланишининг нотекислиги даражасини ривожланишнинг потенциал, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишлари учун шароитлардаги фарқларни, турли ҳудудлардаги аҳоли турмуш даражасини, аҳолининг меҳнатда бандлик даражаси ва ҳ.к. ларни аниқлаш ҳисобланади.

Таркибий таҳлил ўрганилаётган объектнинг ҳолати ҳақидаги ахборотларни статистик қайта ишлаш асосида бажарилади. Ўрганилаётган объект сифатида иқтисодий фаолиятнинг асосий шароитлари ва натижаларини тавсифлайдиган қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Капитал қўйилмалар таркиби ва асосий фондларни киритиш.
2. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги капитал қўйилмалар таркиби.
3. Турар жой қурилишлари ҳажми.
4. Ишсизлик даражаси.
5. Меҳнат бозоридаги босим коэффициенти.
6. Пул даромадларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши.
7. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари динамикаси.
8. 19 хил муҳим озиқ-овқат маҳсулотларидан танлаб олинган маҳсулотлар қийматининг даромаддаги салмоғи.
9. Иқтисодий туманлар бўйича инфляция индекслари.
10. Иқтисодий туманлар бўйича аҳоли пул даромадларининг тўловга қобил талаби.

Ҳар бир кўрсаткич бўйича у ёки бу кўрсаткичнинг истиқболдаги ривожланиш ва турмуш даражаси шароитларига таъсири йўналишларидан келиб чиқиб, асосий устуворликлари белгиланади. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш истиқболига ижобий таъсир кўрсатадиган кўрсаткичлар устувор ҳисобланади. Танланган устуворликлар бўйича ҳар бир кўрсаткичга кўра ҳудудларнинг ўрни аниқланади. Ҳудудларнинг жами рейтинги унинг барча кўрсаткичлар бўйича эгаллаган ўрнини белгилайди. Юқори рейтинг жами ўринларнинг энг кам миқдорини олган ҳудудга берилади.

Келажакда иқтисодий салоҳиятнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги ривожланиш шароитларини аниқлаш таҳлилнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шу сабабли ҳудудий тафовутларни таҳлил қилиш капитал қўйилмалар нисбатини ва асосий ишлаб чиқариш фондларини киритишни, капитал қўйилмалар (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаси) таркибини ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини (уй-жой) қуришни ўрганишдан бошланади.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш, тиббиёт, маориф, маданият соҳалари барча ҳудудларда қўшимча маблағларни талаб қилади, чунки мамлакатда узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун маблағ сарфлаш ҳукмронлик қилди. Шу сабабли кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга бевосита йўналтирилган ноишлаб чиқариш соҳасига қўйилмалар ўсиб бораётган туманларга устунлик берилади. 1997-2001 йилда Ўзбекистонда ноишлаб чиқариш соҳаларида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди, республика бўйича 53745 ўринли касб-ҳунар коллежлари, 6343,5 минг кв.м.уй-жой, 24,5 минг ўринли умумтаълим мактаблари, 13105 сменага мўлжалланган поликлиникалар, 1787,2 км сув узатиш тармоғи, 3042,6 км газ тармоғи ҳаракатга киритилди.

2001 йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг даволаш-профилактик ва молиявий-ҳўжалик фаолияти соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурини босқичма-босқич бажаришга қаратилган. Даволаш-профилактика муассасалари тармоғини қайта қуриш ишлари давом эттирилмоқда. 2001 йил давомида 200 дан ортиқ муассаса ўз вазифасини ўзгартирди, 134 та даволаш пунктлари қайта касбга йўналтирилди. Фойдаланиш самарасиз бўлган 170 та фельдшер- акушерлик пунктлари, 24 қишлоқ врачлик амбулаториялари ёпилди. Соғлиқни сақлаш нодавлат секторида 1400 дан ортиқ хусусий муассасалар (2000 й.да 1385 та бўлган), шу жумладан, 95 та касалхона, 1083 та поликлиника муассасалари фаолият кўрсатди. 2001 й.да 5055 амбулатория-поликлиника муассасалари аҳолига тиббий хизмат кўрсатган бўлса, улардан 1771 таси қишлоқ ва 38 таси шаҳар врачлик пунктларидир.

Таянч иборалар:

1. **Жойлаштириш жараёни** – объектларни ҳудудлар бўйича стихияли ёки мақсадли тақсимлаш жараёнидир.
2. **Ҳудудий меҳнат тақсимоти** – маълум ҳудудларнинг тармоққа ихтисослашиши, алоҳида районларнинг бир турдаги маҳсулот, баъзида маҳсулот бир навини ва ҳатто маҳсулотнинг маълум бир қисмини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви жараёнидир.

3. **Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш** – бу ўзгарувчан ҳолат бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудлар бўйича алоҳида районларнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларига кўра тақсимланишини аниқлатади ва мазкур ижтимоий-иқтисодий тизимга хос бўлган ҳудудий меҳнат тақсимооти хусусиятлари билан белгиланади.
4. **Ишлаб чиқариш мажмуаси** – маълум вазифаларни бажариш орқали бирлашган ва ўзаро барқарор ишлаб чиқариш алоқалари билан шундай тарзда боғланган корхоналар (ва муассасалар) ning қўшилиши бўлиб, бунда қандайдир таркибий қисмларнинг бирикмасидан ажралиб чиқиши ва қандайдир алоқаларнинг бузилиши бутун мажмуа самарадорлигини пасайтиради, бу вазифанинг бажарилишини чеклайди ёки йўл қўймайди; мажмуанинг иқтисодий мазмуни шундаки, унинг самарадорлиги ажралган ҳолда амал қилувчи, ташкил этувчи таркибий қисмларнинг жами самарадорлигидан юқори бўлади, бу қувватларни ишга тушириш, барқарор алоқаларнинг мавжудлиги ва барча мажмуаларни бошқаришнинг юқори даражаси натижасидир.
5. **Ҳудудий мажмуалар** - ҳудуд шаклланишнинг тасодифий омили бўлишни тўхтатганда, биргаликдаги ҳудудда таркибий қисмларни жойлаштириш натижасида қўшимча сифатлар пайдо бўлганда, бундай мажмуа ҳудуд бўлади.
6. **Ишлаб чиқариш** – ҳудудий мажмуаси корхоналар (ва муассасалар) ning ҳудудий қўшилиши бўлиб, бунинг учун унинг таркибий қисмларининг ҳудудий яқинлиги иқтисодий самарадорликни ўстиришнинг қўшимча омили бўлиб хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Халқаро меҳнат тақсимооти шарт- шароитларини келтиринг.
2. Мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг асосий тамойиллари қайсилар?
3. Ҳудудий – ишлаб чиқариш мажмуасининг ишлаб чиқариш – ҳудудий мажмуадан қандай фарқи бор?
4. Ишсизлик даражаси ва инфляция суръатлари ўртасида қандай фарқ бор?

5. Худудларни иқтисодий ривожлантириш истиқболини баҳолаш учун худуднинг иқтисодий аҳволи рейтингини аниқлашда қандай мезондан фойдаланилади?

XI БОБ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

11.1. Мамлакат иқтисодиётини марказдан туриб бошқариш

Марказлашган иқтисодиёт қуйидаги белгилар билан тасвифланади. Бу биринчидан, буйруқбозлик иқтисодиёти бўлиб, барча иқтисодий хатти-ҳаракатлар рақамларда кўрсатилган буйруқларга бўйсунди, уларнинг манзили, деганда иқтисодий субъектлар қарор қабул қилишининг ягона маркази бўлган давлат кўрсатилади. Давлат режаси ҳукмронлик қилади ва у сўзсиз бажарилиши керак. Давлат аралашуви – тўғридан тўғридир. Унинг тасдиқланиши императив, барча иқтисодий субъектлар учун мажбурийдир. Бунда давлатнинг буйруқлари қандайдир расмий ҳужжатда, масалан, давлат режасида тизимга келтирилганми - йўқми, бунинг аҳамияти йўқ.

Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт вазифаларини белгилайди;
- вазифаларни бажариш воситаларини аниқлайди;
- вазифаларни бажариш муддатларини белгилайди.

Неъматларни тақсимлаш марказий ҳокимият томонидан тартибга солинади. Иккинчидан, марказдан бошқариладиган иқтисодиёт – бу техник ишлаб чиқариш бирликлар иқтисодиётидир. Корхона максимал фойда олиш учун эҳтиёжларни қондиришнинг усуллари ва йўналишлари ҳақида қарорлар қабул қилмайди. Фойда давлат томонидан режалаштирилади, шу сабабли нархларда самарадорликнинг режадаги даражаси белгиланади. Бозорда сотиш учун мўлажалланган нархлар комбинацияси давлат буйруқлари ва баъзи техник ишлаб чиқариш коэффициентларига кўра, миқдор комбинацияларига ўрин беради. Давлат ҳар бир бирлик учун ишлаб чиқариш ҳажмини белгилайди ва унга давлат моддий-техника таъминоти тизими

орқали бу ҳажмларни олиш учун зарур бўлган омиллар маълум миқдорини тақдим этади.

Техник мутахассис режалаштиришни амалга оширувчи барча таянч нуқталарида бош фигура бўлиб қолади.

Ишлаб чиқариш бирликлари ўртасида таркибий алоқадорлик ўрнатилган, уларнинг ҳаммаси йирик машинанинг қисмлари ҳисобланиб, унинг ишлаши давлат томонидан тартибга солинади.

Учинчидан, марказдан бошқариладиган иқтисодиёт – бу техник ва объектив ҳисоб – китоблар иқтисодиётидир. Бу пулдаги бозор нархлари ва ҳисоб-китоблар ўрнига соф шартли маъмурий баҳолашлар амалга оширилишида намоён бўлади: марказий ҳокимиятларнинг режалари ва буйруқлари жисмоний миқдорлар ҳисобига асосланиб, улар умумий ҳисоб қийматларида ифодаланади. Иқтисодий харажатлар тушунчаси аста-секин ўзининг аҳамиятини йўқотади.

Буларнинг ҳаммасидан иқтисодий фаолият нисбатлари ҳамда талаб ва таклиф миқдорлари ўртасида миқдорий ва статистик мувозанат ташкил топади. Бундай шароитда режалаштириш санъати вақт бўйича тор жойни тез англаб олишдан иборат.

Ҳисоблашнинг тўғри усулларисиз иқтисодиёт алоҳида тармоқ ва йўналишларининг бир-бирлари билан келишишлари қийинлиги туфайли мувозанатни бузиш хавфи келиб чиқади: нотўғри ҳисоблаш иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаларида тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Марказлашган режалаштиришда у ёки бу маҳсулот потенциал истеъмолчиларининг эҳтиёжларини аниқлаш доимо алоҳида қийинчилик туғдиради. У ёки бу ишлаб чиқариш омилларига сарфланган харажатларнинг меъёрий коэффициентларига асосланган глобал ҳисоблар кўпинча номутаносибликларни вужудга келтиради. Марказдан бошқариладиган иқтисодиёт – бу одатда, тақчиллик иқтисодиётидир.

Собиқ СССР да давлат режалаштириш тажрибаси доимий номутаносибликларнинг вужудга келишидан гувоҳлик беради. Уларни тугатиш режалаштириш идораларининг бутун мамлакат ҳамда миллий иқтисодиёт алоҳида тармоқлари миқёсидаги асосий вазифаси бўлган. Бундай қоида барча хўжаликлар учун вертикалига: вазирлик (идоралар) дан тортиб, корхона ва унинг

алоҳида бўлимларигача меъёр бўлиб қолади. Режалаштириш идораларида энг кучли ҳисоблаш техникасини қўллаш якка ҳолда ҳамда бутун ишлаб чиқаришга мўлжалланган у ёки бу товарлар ва хизматлар тақчиллигининг олдини ола олмади ёки умуман тугата олмади.

Шу билан бирга, иқтисодиётни марказдан бошқариш экстремал ҳолатлар даврида самарали ҳисобланади. Собиқ СССР тажрибаси шуни кўрсатадики, Иккинчи жаҳон уруши даврида глобал мақсад - ҳарбий ҳаракатлар моддий-техник базасини яратишга эришиш учун барча кучларни бирлаштиришда жуда ҳам самарали бўлган. Уруш охирида Совет давлати ўз армиясини оғир техника билан (танклар, авиация, артиллерия ва б.) таъминлашда гитлерчилар коалициясидан анча устунликка эриша олган.

Марказдан бошқариладиган иқтисодиёт учун алоҳида корхоналар ва уй хўжалиқларининг режалари мустақил ишлаб чиқилмаслиги ҳамда нархлар ёрдамида ўзаро боғланмаслиги хосдир. Марказий идораларнинг режалари нимани, қаерда ва қандай ишлаб чиқариш кераклигини ҳамда ижтимоий маҳсулотнинг тақсимланиши қандай амалга оширилишини белгилайди. Марказдан тартибга солишни амалга ошириш мақсадида марказий идоралар тўсиқлар қуйиш ва олиб ташлаш, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарларини бериш, меҳнат мажбуриятлари меъёрларини ўрнатади.

Шунга ўхшаш тажрибалар мамлакатлар икки гуруҳида ўтказилади. Саноати кучсиз ривожланган аграр мамлакатларда саноатлаштиришни амалга ошириш учун марказдан бошқариш иқтисодий сиёсати усулларига ўтадилар. Бу масалан, Россия ёки Хитойда юз берган. Бошқа тажрибалар узоқ вақт давомида саноатлаштирилган ва саноатлаштириш бозор иқтисодий тартиби шакли доирасида амалга оширилган мамлакатларда қўлланилган. Масалан, Германия ёки Англияда.

Марказдан бошқариладиган иқтисодиётнинг икки тури мавжуд: бири ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликка ва иккинчиси жамоа мулкчилигига асосланган. Биринчи ҳолда гап Нацистлар Германияси ҳақида, иккинчи ҳолда Россия ҳақида бормоқда.

У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам марказдан режалаштириш тўрт босқичда амалга оширилади:

I- Режа – статистик маълумотларни тўплаш ва натурал балансларни ишлаб чиқиш.

II- Эҳтиёжлар, ресурсларни режалаштириш ҳамда эҳтиёжлар ва ресурсларни баланслаштириш (мувозанатлаш).

III- Ҳар бир корхонага йўналтирилган ишлаб чиқариш кўрсатмаларини чоп этиш.

IV- Режанинг бажарилиши устидан назорат. Бу жараён кўп сонли ўзаро боғланган бўғинларни, бошқарув бўғинлари турли даражаларидаги келишувларни ўз ичига олган.

Марказдан бошқариладиган иқтисодийнинг асосий хусусиятлари:

Биринчидан, марказлашган бошқарув меъёрлаштириш, стандартлаштириш ва мослаштиришнинг амал қилишини кўзда тутди. Чунки яқка тартибдаги турли-туман эҳтиёжларни ягона режалаштириш марказида ҳисобга олиш амалда мумкин эмас.

Иккинчидан, марказдан режалаштириш ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари концентрациялашувига ва корхоналар кўламининг ўсишига олиб келади. Бу кам сонли йирик корхоналарнинг фаолиятини ягона марказдан режалаштиришнинг осонлиги билан изоҳланади. Масалан, 60-йилларда СССР да йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш компанияси ўтказилган.

Учинчидан, марказлашган бошқарув шароитида бошқарувчи тизимлар (вазирлик, идоралар)нинг ўзларида гуруҳий тартибсизлик қонунияти юзага келади. Бу вазирлик ва идораларнинг тармоқ бўлимларида ресурсларга эга бўлиш учун курашда намоён бўлади.

Тўртинчидан, бошқарувнинг барча бўғинларидаги раҳбар қатламларда муҳандисларга устуворлик берилди. Бу иқтисодчиларнинг бошқарув соҳасидан узилиб қолишига олиб келади. Масалан, СССР саноат корхоналари раҳбар тижорат иқтисодий лавозимларининг фақат 30% ини иқтисодий маълумотга эга бўлган шахслар эгаллаган.

Бешинчидан, иқтисодийни марказлашган бошқарув мувозанатни, талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлай олмаган, бу барча халқ истеъмоли товарлари ва ишлаб чиқариш тавсифидаги товарлар катта қисмининг амалда доимий тақчиллиги мавжуд бўлишини ўзида мужассамлаштирди.

Олтинчидан, доимий мутаносибликларнинг мавжудлиги корхоналарни зарурий ресурслар учун доимо буюртмалар беришга мажбур қилган, бу эса ортиқча хом ашё ва материал захираларининг вужудга келишига, капиталнинг тўхтаб қолишига олиб келган, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтирган.

Еттинчидан, марказдан бошқариладиган иқтисодиётда истеъмолчилар ишлаб чиқаришни тартибга солиш жараёнидан амалда узилиб қолдилар. Улар нархлар орқали ишлаб чиқарувчи кучларни ўзига тортмадилар. Марказий маъмурият аҳолини товарлар билан «ажратади».

Саккизинчидан, марказдан бошқариладиган иқтисодиётда истеъмол товарлари билан таъминлашга исрофгарчилик муносабати шароитида капитал қўйилмаларни амалга оширишга мойиллик кучли ифодаланган. Марказий идоралар эҳтиёжлар миқдорини рационлаштириш асосида белгилайди, бу эса таъминотнинг энг кам даражасига олиб келади.

Тўққизинчидан, капитал қўйилмаларни амалга оширишга мойиллик кишилар тўлиқ бандлигини таъминлашнинг мутлақо ишончли воситаси ҳисобланади.

Ўртача йўл иқтисодий сиёсати. Ўртача йўл сиёсати тўлиқ бандликни таъминлаш сиёсатида, иқтисодий жараёнларни қисман марказдан бошқариш сиёсатида, қатлам тартиби каби сиёсатларда намоён бўлади.

Тўлиқ бандликни таъминлаш сиёсати инвестиция фаолиятини амалга ошириш орқали кишиларни иш билан таъминлашни кўзда тутди. Бунинг учун давлат бюджети тақчиллиги, паст фоиз ставкалари, кредит экспансияси ва ҳ.к. лар сиёсати амалга оширилади. Буларнинг ҳаммаси бандлик даражасини ўстириши керак. Бироқ тўлиқ бандлик иқтисодий сиёсатининг бош мақсади аҳолини етарли миқдордаги ва турли – туман кўринишдаги истеъмол товарлари билан таъминлашга ҳар доим ҳам ёрдам беравермайди.

Бандликни таъминлаш сиёсати ўзининг кредит экспансияси билан тартибга солишнинг нархи механизмини ё нархларни ушлаб туриш, ёки уларни ўсишга мажбурлаш орқали бузади, бу эса нархларнинг ишлаб чиқариш воситалари тўғри нисбатларини ўрнатиш лаёқатини шу тарзда ёки бошқача йўқотади. Шу билан боғлиқ ҳолда аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш қийинлашади. Ҳозирги замон жамиятида кўп ҳолларда

йўллар қуриш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва бошқа жамоат ишлари ҳажмининг кенгайиши натижасида агар улар умумий иқтисодий жараёнга киритилмаган, яъни ресурсларни тақсимлашнинг тегишли нисбатлари сақланмаган бўлса, аҳолини кундалик эҳтиёж товарлари: озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ресурсларнинг етишмаслигига олиб келиши мумкин.

Демак, тўлиқ бандлик сиёсати бошқа бозорлардаги номутаносибликларга олиб келиши мумкин.

Қисман марказлашган бошқарув сиёсати миллий иқтисодиётнинг кўмир, пўлат қуйиш, электр энергияси каби тармоқларини марказлашган тартибда бошқаришни кўзда тутди. Бошқа тармоқлар бозор механизмлари асосида тартибга солинади. Бу ҳолда марказий режалар ва истеъмолчилар режалари тузилади, номутаносибликлар юзага келади, улар фақат марказлашган бошқарув ҳукмронлиги орқалигина бартараф этилиши мумкин.

Қатламлар тартиби сиёсати иқтисодий жараёнларни (амалга оширишни) ўзини-ўзи бошқариш идоралари ёки касбий қатламлар томонидан тартибга солиш имкониятидан келиб чиқади. Германия, Италия каби мамлакатлар ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, ўз-ўзини бошқаришнинг бундай идоралари монополистик хусусиятга эга бўлган муштаҳкам иттифоқларга айландилар, ҳукмрон гуруҳлар пайдо бўлиб, улар манфаатдор иттифоқчиларнинг хусусий манфаатларини рўёбга чиқарадилар. Ўз-ўзини бошқариш идоралари қанчалик кўп бўлса, уларга қарши ўлароқ гуруҳий тартибсизлик вазияти шунчалик осон шаклланади. Иқтисодий сиёсатнинг санаб ўтилган кўринишлари у ёки бу сиёсий тизимларга (тартибларга) юкланади.

11.2. Рақобатли тартиб шароитларида иқтисодиётни тартибга

солиш. Рақобатли иқтисодий тартибнинг шаклланиши ва амал қилиш тамойиллари

80-йиллар ислохотлари натижаларининг кўрсатишича, иқтисодиёт устидан давлат назоратини бирмунча кучсизлантириш ва давлат корхоналарининг мустақиллиги чегараларини кен-

гайтиришга уринишлар иқтисодий фаолият номутаносиблигига ва миллий иқтисодиётда таназзул ҳодисаларининг кучайишига олиб келди.

Миллий иқтисодиётга муваффақиятли ривожланиши учун янгидан туртки бера оладиган бошқа иқтисодий тартибни танлаш муаммоси вужудга келди. Юқорида кўрсатилганидек, жаҳон тажрибасида иқтисодий тартибнинг уч асосий кўринишлари келтирилади.

Бу тартибларнинг баъзи хусусиятларини уларни исталган мамлакатда қўллашнинг мумкин бўлган оқибатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётни марказлашган бошқариш иқтисодий сиёсати муҳим камчиликларга эга бўлиб, улар иқтисодий ҳокимият концентрациясида, унинг сиёсий ҳокимият билан қўшилиб кетишида, истеъмол товарлари билан таъминлашнинг ишончсизлиги ва етарлимаслиги, ижтимоий қарамликнинг ўсишида, ҳуқуқий давлат ва эркинликнинг амал қилишига таҳдидда намоён бўлади.

Иқтисодиётни гуруҳий тартибга солиш иқтисодий сиёсати беқарор мувозанат ҳолатига олиб келади ва номувозанатлилик тенденциясига эга бўлади. Ҳокимият гуруҳларининг мавжуд бўлиши ва бир-бирига қарама-қарши туриши иқтисодий тартиб муаммоларини мустаҳкам ва узоқ муддатли ҳал қилишни таъминлай олмайди. Икки томонлама монополия, қисман монополия ёки олигополия бозор шаклларининг номувозанати давлатнинг иқтисодиётга аралашувини амалга ошириш тенденциясини вужудга келтиради.

Тўлиқ рақобат иқтисодий сиёсати шундай доираларни ташкил этадики, уларда бир индивиднинг эркин фаолияти бошқасининг эркинлик соҳаси билан чекланади, бунинг натижасида кишиларнинг эркинлик соҳалари мувозанат ҳолатини келтириб чиқаради. Тўлиқ рақобат шароитида сотувчилар ва харидорлар рақобат ҳолатида бўладилар, уни бошқариб, ўзларининг хўжалик режаларини тузадилар.

Рақобат тартиби тамойилларининг қонунлаштирувчи ва тартибга солувчи икки тушунчаси ажратилади. Биринчи ҳолда рақобат тартибини ўрнатиш ҳақида сўз борса, иккинчи ҳолда уни амал қилиш ҳолатида ушлаб туриш ҳақида боради. Бу тамойиллар бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Рақобатли тартибни қонунлаштириш тамойиллари.

В. Ойкен қуйидаги тамойилларни таклиф қилади, уларни амалга ошириш рақобатли тартибни ўрнатиш имконини беради:

1. Асосий тамойил. Унинг моҳияти амал қила оладиган тўлиқ рақобат нарх механизмини яратишдан иборат. Айнан шундай механизм ҳар қандай сиёсий-иқтисодий тадбирларнинг муҳим мезони бўлиб қолади. Рақобат сиёсатини оммавий ўтказиш мумкин эмас, у валютали назорат, кредит экспансияси ва ҳ.к. тадбирлар ёрдамида нархлар механизмининг амал қилишини дақиқали қийинчиликлар босими остида чеклайди ёки бутунлай тўхтатади. Солиқ сиёсати ҳам концентрация ва монополияларни тузиш жараёнини рақобатлантормаслиги керак.
2. Валюта (пул) сиёсатининг қиёфаси. Бу тамойил шуни билдирадики, рақобатли тартибни амалга оширишга йўналтирилган барча кучлар пул қийматининг маълум барқарорлигини таъминлагунга қадар қатъий бўлади. Шу сабабли, валюта сиёсати рақобатли тартиб учун асосий аҳамиятга эга. Тўлиқ рақобатли иқтисодий тартибда сиёсий- валюта барқарорлаштирувчиси яратилиши керак. Бундай барқарорлаштирувчиларнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Бу кредит сиёсатини марказлашган тартибга солиш, пулни яратиш лаёқатига эга бўлмаган банкларни қайта ташкил этиш, «товар – захиралар - валюта» тизими бўлиб, унинг мазмуни банклар томонидан кредит бериш эмас, балки пул билан таъминлашни маълум товарлар мажмуасининг олди-сотдиси билан боғлашдан иборат.
3. Очиқ бозорлар. Рақобатли тартибда талаб ёки таклиф «ёпилиши» керак. Импортга чекловлар, ташқи савдони чекловчи божлар ёки ташқи савдо монополияси у ёки бу мамлакат сотувчиларини хорижий рақобатчилардан ажратиб қўяди, яъни маҳаллий ёпиқ таклифни рўёбга чиқаради. Капитал қўйилмаларни амалга оширишга, янги компанияларни таъсис этишга қўйилган тўсиқлар ҳам шундай таъсир кўрсатади. Аҳоли миграцияси ҳамда касб танлаш эркинлигини чеклаш, савдога, ҳунардманчилик ишлаб чиқаришига ва саноатга талабни назорат қиладиган лицензия тизимини жорий этиш ва миқдорий чекловларни ўрнатиш ҳам бозорни ёпиш ва рақобатни кучайтириш усу-

лига киради. Бунда нафақат давлат тадбирлари тўғрисида, балки турли ҳокимият гуруҳлари ва монопол корхоналар ҳақида гап бормоқда. Талаб ва таклифни ёпиш бозорнинг барча номонопол шаклларини тугатишга ёрдам беради. Талаб ва таклифнинг ёпиқлиги бозорлар ўртасидаги алоқани бузади ва тўлиқ рақобат бутун тизими тўла-тўқис амал қила олмайди.

4. Хусусий мулкчилик. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик рақобатли тартибнинг дастлабки шарт-шароити ҳисобланади. Бироқ рақобатли тартиб ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик иқтисодий ва ижтимоий кескинликларга олиб келмаслигининг шарт-шароити ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик рақобат томонидан назоратга муҳтождир. Бу ерда барча сиёсий-иқтисодий тадбирларнинг ўзаро чирмашиб кетиши жуда муҳим. Агар қўлланилиши рақобат тартибининг бажарилишига таъсир кўрсатадиган қолган тамойиллар сақланиб қолса, у ҳолда ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик уларни эркин тасарруф этиш муҳим ижтимоий вазифани бажаришини билдиради. Агар бошқа тамойиллар ҳисобга олинмаса, монополия вужудга келса ва демак, рақобат томонидан назорат мавжуд бўлмаса, у ҳолда хусусий мулкни тасарруф этиш ваколати чекланади.
5. Шартномалар тузиш эркинлиги. Бу тамойил ҳам хусусий мулкчилик тамойили сингари зиддиятлидир. Шартнома тузиш эркинлиги зарурдир. Уй хўжаликлари ва фирмалар хўжалик режаларидан келиб чиқадиган эркин якка шартномаларсиз ҳар кунлик иқтисодий жараённи тўлиқ рақобат орқали тартибга солиш мумкин бўлмай қолади. Бироқ шартнома тузиш эркинлиги рақобатли тартибни қонунийлатиришнинг мақсади бўлиб хизмат қилиши учун белгилалиши керак бўлган чегаралар мавжуд. Бу чегаралар шартномалар тузиш эркинлиги шартнома тузиш учун берилишини билдиради, улар шартнома тузиш эркинлигини чеклайди ёки тугатади. Бу эркинликдан монополия ёки олигополиялар ташкил қилиш учун фойдаланиш керак эмас. Шартномалар тузиш эркинлиги тўлиқ рақобат шароитидагина берилиши керак. Шартнома тузиш эркинлиги

- тамойили ҳукмрон иқтисодий тартибларни ташкил этиш ёки иқтисодий ҳокимиятни амалга ошириш ва ундан ёмон ниятда фойдаланишдан ҳимоя қилиш йўли билан рақобатли тартибни бузиш вазифасига эга бўлмаслиги керак.
6. Маъсулият. Рақобатли тартиб учун корхона ва уй хўжаликлари режалари ва хатти-ҳаракатларига маъсул бўлган шахс ҳуқуқий жавобгарликка эга бўлади, деган тамойил амал қилиши керак. Самарадорликка фақат хўжалик фаолиятининг эквивалент натижалари йўли орқали борилади, бунда қониқарсиз натижалар йўқотишлар ва охиروқибатда синишни ишлаб чиқариш учун маъсул шахслардан ажралиб чиқиш кўринишидаги тўловни ўзида мужассамлаштириши ҳақида бир вақтда қайғуришга тўғри келади. Маъсулият рақобат шароитидаги иқтисодий тартиб учунгина эмас, балки умуман, ижтимоий тартиб учун ҳам шарт-шароит ҳисобланади, бунда эркинлик ва ўз-ўзи олдидаги маъсулият ҳисси ҳукмронлик қилади. Маъсулиятни ҳар қандай чеклаш марказдан бошқариладиган иқтисодиёт йўналишида ривожланиш тенденциясини вужудга келтиради.
 7. Иқтисодий сиёсатнинг ўзгармаслиги. Иқтисодий сиёсатнинг барқарорлиги тадбиркорларни фақат жуда юқори самарадорлиги туфайли қўйилган капиталнинг қайтимини тез олиш имконини берадиган инвестициялар қилишга мажбур қилади. Бу режалаштириладиган ва амалга ошириладиган капитал қўйилмаларнинг кескин қисқаришига олиб келади. Рақобатли тартиб ўзи билан капитал қўйилмаларни узоқ муддатга тўғри боғлай олади. Агар иқтисодий сиёсат етарли даражада ўзгармасликка эга бўлмаса, у ҳолда рақобатли тартиб тўла қўламда амал қила олмайди. Савдо шартномалари, пул бирликлари ва ҳ.к. ларни узоқ истиқболга белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай қилинмас экан, инвестициялашга етарли даражада мойиллик бўлмайди. Ўзгармаслик-рақобатли тартиб иқтисодий сиёсатининг асосий талабидир. Иқтисодий сиёсат қанчалик ўзгармас бўлиб қолса, концентрация шунчалик кам рағбатлантирилади.
 8. Қонунийлаштирувчи тамойилларнинг ягоналиги. Барча қонунийлаштирувчи тамойиллар битта умумий сиёсий-

иқтисодий қарорга хизмат қилади ва амалиётда умумий қарор чиқариш воситаси ҳисобланади. Тамойилларнинг бирлиги шунчалик муҳимки, алоҳида қўлланганда уларнинг баъзилари мутлақо ўз мақсадига эришмайди. Масалан, агар давлат ўзининг шартнома ҳуқуқидан, маъсулиятни чеклаш, ўз савдо сиёсатидан, капитал қуйилмаларни амалга оширишга чекловлар, товар белгиларидан ҳимоялаш ҳуқуқидан, патент ҳуқуқи ва ҳ.к. лардан фойдаланиб рақобатни кейинга сурса, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни ўрнатишни талаб қилиш жуда муаммолидир. Бироқ хусусий мулкчилик қолган тамойилларни қўллаш билан бирга муҳим ижобий мазмунга эга.

Рақобатли тартибни тартибга солиш тамойиллари.

Қонунийлаштирувчи тамойилларга қатъий риоя қилиш аниқ рақобатли тартиблар тизимга бегона бўлган маълум шаклларни ўзида ифодалашига тўсқинлик қила олмайди. Тўлиқ рақобат амалга оширилган ҳолда ҳам, унда кучсиз томонлар ва тузатишга муҳтож камчиликлар мавжуд бўлади.

Шу сабабли, маълум тартибга солувчи тамойилларга эҳтиёж вужудга келади. Уларни қўллаш рақобатли тартибнинг функционал лаёқатини сақлаш учун зарурдир.

1. Рақобатли тартибда монополия муаммоси.

Иқтисодий ҳокимият рақобатли тартиб шароитида уни қўллаб-қувватлаш учун зарурлиги туфайлигина амал қилиши керак. Манфаатдор шахсларнинг хавфли таъсири тугатилиши учун ҳар доим мустақил идора мавжуд бўлиши керак, у ўз фаолиятини қонун низомлари орқалигина бошқаради. Унинг таркибига монополиялар фаолияти устидан назорат масалалари киради. Қисман ва икки томонлама монополиялар таклиф монополияси ва талаб монополияси сингари унинг назоратига тушиб қоладилар.

Монополиялар ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг мақсади иқтисодий ҳокимият эгасини тўлиқ рақобат амал қилгандаги ҳаракат тарзига ундайди. Монополистларнинг хатти-ҳаракатлари рақобатга монанд бўлиши керак.

Рақобатли тартиб шароитида монополиялар фаолияти устидан назорат кучли профилактик таъсир кўрсатиш учун ҳал қилувчи роль ўйнаши керак.

2. Даромадлар соҳасидаги сиёсат.

Рақобатли тартибга хос бўлган тақсимлаш механизми тузатишларга муҳтож. Харид қувватини тақсимлашда катта фарқлар вужудга келади, бу ишлаб чиқаришнинг катта бўлмаган эҳтиёжларни қондиришга нисбатан йўналтирилганлигини белгилайди, бу вақтда бошқа даромад олувчиларнинг эҳтиёжлари қондирилмай қолади.

Даромадларни тақсимлашга қисман тузатишлар киритиш учун солиқ сиёсатидан фойдаланиш мумкин. Прогрессив солиқлар тизимининг мазмуни айнан шундадир. Рақобатли тартиб шароитида даромад солиғи прогрессияси инвестициялашга мойилликни пасайтирмаслиги керак. Прогрессиянинг юқори чегараси капитал қўйилмаларга хавф туғдирмаслиги керак, қуйи чегараси – ижтимоий адолатга риоя қилиш тамойилидан келиб чиқиши керак.

3. Иқтисодий ҳисоб-китоб.

Кўпгина алоҳида олинган корхона ва уй хўжаликларининг рақобатли нархлар тизими орқали ўзаро келишилган иқтисодий ҳисоб-китоблари бутун иқтисодиёт миқёсида оқилона иқтисодий ҳисобни таъминлаши керак. Бу рақобатли тартибнинг асосий ғоясидир.

Тизим жуда аниқ ишлайди, бироқ у тескари таъсирни ҳисобга олмайди. Бу тескари таъсир алоҳида олинган корхона маъмурияти режалаштиришининг ўз соҳасида сезилмаган ҳолатда яқка хўжаликларнинг режалари ва уларни амалга ошириш умумхўжалик кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Экстерналиялар, деб номланган самара ёки ташқи таъсирлар вужудга келади. Бу хатти-ҳаракатлар оқибати бўлиб улар уларни амалга оширувчи кишилар эътиборини қозонмайди ва шунинг учун уларнинг ҳал қилинишига таъсир қилмайди.

Рақобатли тартиб доирасида аниқ белгиланган шароитларда корхоналарни режалаштириш эркинлигини чеклаш керак. Корхоналар ва уй хўжаликларининг иқтисодий ҳисоб-китоблари ташқи таъсирларнинг вужудга келиши билан боғлиқ харажатларни ҳам ўз ичига олиши керак.

4. Таклиф аномалияси.

Таклиф аномалияси асосан, меҳнат бозорида нарх тушганда ёки иш ҳақи пасайганда, ишчи кучи таклифи ўсиши намоён бўлади. Рақобатли тартиб шароитида бу сиёсий-иқтисодий ва

сиёсий-ижтимоий муаммо юқорида баён этилган қонунийлаштирувчи ва тартибга солувчи тамойиллар нтижасида анча бартараф этилади. Ишчиларнинг жойлашуви ва ҳамма жойда яшаши ҳамда касбий ҳаракатчанлик эркинлиги шароитида уларнинг бошқа бандлик соҳаларига ўтиши енгиллашади. Аномал таклиф бу ҳолда иш ҳақи энг кам миқдорини белгилаш орқали тартибга солиниши мумкин.

11.3. Рақобатли тартиб тамойилларининг ўзаро алоқадорлиги

Қонунийлаштирувчи ва тартибга солувчи барча тамойиллар бир бутунликни ташкил қилади. Бу тамойилларга кўра, иқтисодий сиёсат аста-секинлик билан ўтказилганда рақобатли тартиб вужудга келади ва амал қила бошлайди. Ҳар бир алоҳида олинган тамойил рақобатли тартибни ўрнатиш умумий режаси доирасидагина мазмунга эга бўлади. Алоҳида олинган тамойиллар бир-бирини тўлдиради, яъни бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади.

Рақобатли тартиб тамойиллари фақат қонунчилик ўзаро таъсири, суд амалиёти ва маъмурий идоралар фаолияти шароитидагина бажарилиши мумкин. Барча уч ҳокимият ўзаро узвий бириккан ҳолда, келишиб амал қилади. Агар бундай ўзаро таъсир бўлмаса, ҳеч қандай иқтисодий тартиб амал қила олмайди. Масалан, Америка антитрест қонунчилиги шунчаки қонунчиликнинг хатолиги туфайли эмас, балки қўшимча иқтисодий сиёсат тўлиқ мавжуд эмаслиги, савдо ва патент сиёсати, ўртоқлик, компания ва бирлашмага тегишли ҳуқуқий қоидалар мажмуаси ва ҳ.к. лар монополиялар кескин камаядиган шароитларни яратиши сабабли, муваффиқиятсизликка учради. Бундай иқтисодий сиёсат табиийки, рақобат муҳитининг яратилишига олиб келмайди, ҳукуматнинг олигополия бирлашмаларига нисбатан протекционистик сиёсати эса хорижий ишлаб чиқарувчи билан рақобатни бузади, бу оқибат – натижада импорт, унинг кетидан миллий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, рақобатли тартибни ташкил этиш ва амал қилиши асосий тамойили бузилади – нарх механизми амал қилишни тўхтатади, нархлар чекланганлиги (у

ёки бу ресурс турларининг чекланланганлигини)ни бошқа акс эттирмайди.

Конъюнктура сиёсати. Иқтисодий сиёсат узоқ муддатли ишсизликни бартараф этмаса, ишчилар хавфсизлигини таъминламаса, узоқ вақт давомида барқарор бўла олмайди. Давлат иқтисодий хавфсизликни кафолатлаши зарур бўлган ғоя асосий негиз бўлиб қолди.

Бироқ тарих тажрибаси кўрсатишича, АҚШ, Германия, Англияда, ўтказилган давлат аралашуви 20-30 йилларда ҳалокатли инқирозлар билан тугалланди.

Иқтисодий пасайишлар одатда инвестиция фаолиятининг сусайиши билан боғлиқдир. Шу билан бир вақтда умумий иқтисодий жараён доирасидаги номутаносибликлар ҳам намоён бўлади. Инвестициялашга етарли бўлмаган мойиллик юқорида кўрсатилганидек, иқтисодий сиёсатнинг беқарорлиги ҳамда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари нархлари ўртасидаги нарх нисбатининг бузилиши билан боғлиқ.

Рақобатли тартиб бу камчиликлардан холи: иқтисодий сиёсат узоқ вақт ўзгармас бўлиб қолади, нарх механизми турли товарлар нархлари нисбатидаги тебранишларга йўл қўймайди, иқтисодий тартибда пул сиёсатининг автоматик ишловчи барқарорлаштирувчиси ўрнатилади ва ҳ.к. Бу тартиб доирасида конъюнктурани тугатиш учун қандайдир қўшимча тадбирларга зарурат йўқ.

Ижтимоий сиёсат. Тартиблар сиёсатининг барча тадбирлари ишлаб чиқариш аппаратининг ишга лаёқатига уларнинг таъсири ҳақидаги масаладан келиб чиқади. Демак, иқтисодий самарадорлик юқори кўрсаткичига эга бўлган иқтисодий тартибга устунлик берилиши керак. Агар у ёки бу тартиб доирасида барча кишилар бир хил оч қолса, у ҳолда бу на адолатли тақсимлаш, на хавфсизлик, на қандайдир ижтимоий масаланинг бошқа намоён бўлиш шакллари муаммоларининг ечилиши ҳисобланмайди. Ижтимоий адолатга шундай ҳолда эришиш мумкинки, бунда даромадларнинг шаклланиши жараёни рақобат, таваккалчилик ва маъсулиятнинг қатъий қоидаларига, яъни рақобатли тартиб тамойилларининг бажарилишига бўйсундирилган бўлиши керак.

Тартиб ўрнатувчи кучлар. Иқтисодий тартибнинг бажарилиши ўз-ўзича юз бермайди. Шу сабабли иқтисодий тартиб ўр-

натиш ва унинг амал қилишини қўллаб-қувватлашга лаёқатли бўлган кучларни аниқлаш зарур. Бундай кучлар ҳукмрон иқтисодий таркиблар (гуруҳлар) ва давлат бўлиши мумкин. Юқорида қайд этилганидек, ҳукмрон иқтисодий таркиблар ёки сиёсий-иқтисодий куч-қудрат доиралари фақат ўзининг хусусий мақсадларига эришишдангина объектив равишда манфаатдор бўлиши мумкин. Шу сабабли улар рақобатли тартибни ўрната олишликлари билан ҳисоблашишга тўғри келмайди. Бироқ бу гуруҳлар давлат сиёсатига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ердан ўзи мустақил тартиб ўрнатувчи куч бўла оладиган мустақил давлат вужудга келиши учун қандай тамойиллар иқтисодий сиёсатда қўлланиши кераклиги ҳақида савол туғилади?

Бундай тамойиллар назаримизда қуйидагилардан иборат:

1. Давлат сиёсати ҳукмрон гуруҳлар мавқеини маълум даражага тушириш ёки уларнинг вазифаларини чеклаш учун қаратилиши керак. Ҳукмрон иқтисодий гуруҳларни ҳар қандай мустаҳкамлаш давлат обрўсининг тушишини кучайтиради. (Кейнс бунга тескари нуқтаи назарда бўлган. У 1926 йилда шундай деб ёзган: «Ташкил қилувчи ва назорат қилувчи бирлик идеал миқдори индивид ва ҳозирги замон давлати ўртасида бўлади, деб ҳисобламайман. Шу сабабли ўйлайманки, давлат доирасидаги ярим мустақил бирлашмаларнинг тан олиниши ва ривожланиши йўналишида тараққиёт бўлиши мумкин.»)¹¹. Давлат ҳукмрон гуруҳларга боғлиқ нотўғри доирани ўзига жалб қилинишига йўл қўймаслиги керак (В. Ойкен ёзади: «Биринчи бор устунликни тақдим этган киши шуни билиши керакки, у ҳокимиятни кенгайтиради ва иккинчи устунликка (имтиёзга) эришиладиган асосни яратди ҳамда иккинчи устунлик учинчисини қўлга киритиш учун асос бўлади.»).
2. Давлатнинг сиёсий-иқтисодий фаолияти иқтисодий жараёни тартибга солишга эмас иқтисодий тартиб шаклини яратишга қаратилиши керак. Давлат фаолиятининг чегаралари капиталлар муаммоси ҳақида, биржалар ва биржа битимлари, ипотекалар ва ҳ.к. лар ҳақида қонунлар чиқариш йўли билан аниқланади. Бироқ капитал оқимларини бевосита тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилмаслиги керак.

¹¹ Градов А. Национальная экономика. Курс лекций. СПб: Специальная литература, 1997. 237-с.

Тартиб ўрнатувчи кучлар сифатидаги давлатнинг амал қилишини таъминлашга қаратилган сиёсатнинг ҳар икки таъмоили иқтисодий тартиб ўрнатиш учун етарли даражада кучга эга бўлган таъмоилларга тўла мос келади.

Ҳукмрон иқтисодий гуруҳларнинг кучсизланиши ёки пасайиши иқтисодий тартибни рақобатли нархлар ёрдамида етарли даражада тартибга солишни мумкин қилиб қўяди. Иқтисодий фаолиятнинг хўжалик юритиш шаклларига таъсир доиралари билан чекланиши нафақат давлатнинг лаёқатларига мос келади, балки етарли иқтисодий тартибнинг вужудга келиши учун зарур шарт-шароит ҳисобланади.

Давлат ва иқтисодий тартиб таъмоиллари уйғунлашган, яъни бир-бирига ёрдам берадиган таъмоил ҳисобланади.

Бундан келиб чиқадики: гарчи ҳозирги замон давлати тартиб ўрнатувчи етарли куч ҳисобланмасда, у шундай бўла олади. Маълум, муайян, аниқ белгиланган иқтисодий сиёсатнинг мавжудлиги бунинг шарт-шароитларидан бири ҳисобланади.

Давлат ва иқтисодий тартибларнинг чирмашиб кетиши бу икки тартибларни бир вақтда ўрнатишга мажбур қилади. Ҳар икки тартиб ўрнатилиши зарур бўлган умумий тартибнинг бир қисми ҳисобланади, холос. Рақобатли тартибсиз фаолият кўрсата оладиган давлат вужудга келиши мумкин эмас, давлатсиз рақобатли тартибнинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳар икки тартибни ўрната олувчи ягона куч иқтисодий фан ҳисобланиб, унинг вазифаси иқтисодиётда пайдо бўладиган аниқ вазиятларни тадқиқ этиш ва бу тартибларни шакллантириш имконини берувчи асосли тартибларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Янги ғояларни аста-секин тарқатиш, уларни кишилар онгига сингдириш жамиятда маълум дунёқарашнинг шаклланишига олиб келадики, у ҳукмрон давлат таркибларини ўзига тортади, уларни юқорида санаб ўтилган иқтисодий тартибни ўрнатиш ва тартибга солиш таъмоилларига риоя қилиш кераклигини англаш билан қуроллантиради. Бу иқтисодий тартибнинг исталган шаклига ва унга мос келувчи давлат тартибига тегишлидир.

Иқтисодий тартиб муаммосини ўрганишдан умумий хулоса шуки, иқтисодий сиёсатнинг барча меъёрлари умумий иқтисодий тартибни ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этилади. Ҳар бир ҳужжат маълум бир умумий тартибни тузиш ва сақлашга қаратилган сиёсат доирасида амалга оширилиши мумкин. Уму-

мий қарор қабул қилишда бу шаклларнинг чекланган сонидан тартибнинг ҳукмрон шаклларини танлашга тўғри келади. Бироқ умумий қарор қабул қилиниши билан унинг асосида майда қисмларни ҳисобга олишгача аста-секин ҳаракат қилишга тўғри келади.

Рақобатли тартибни шакллантириш ва тартибга солишнинг мазкур тамойиллари ХХ асрнинг 40-йилларига тегишлидир. Бундан кейинги ўтган 50 йил шуни кўрсатадики, рақобатли тартиб ёки тўлиқ рақобатдан жаҳон иқтисодий тизимида шу тариқа тўлиқ ҳажмда фойдаланилмаган. Турли мамлакатларда айнан иқтисодий фаолият жараёнининг ўзини тартибга солиш соҳасидаги давлатнинг роли у ёки бу шаклда анча кучайди. Бу асосан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг миллий иқтисодиёт фаолиятига таъсири ва шу билан боғлиқ миллий иқтисодиёт фаолиятини халқаро меҳнат тақсимоти талабларига нисбатан мувофиқлаштириш зарурати таъсири билан келиб чиқди. Трансмиллий компанияларнинг кенг тарқалиши улар фаолиятининг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янада аниқроқ тартибга солинишига олиб келди.

Таянч иборалар:

1. **Марказлашган режалаштириш** – бу нимани, қаерда ва қандай ишлаб чиқарилиши кераклигини ҳамда ижтимоий маҳсулотнинг тақсимланиши қандай амалга оширилишини марказий идоралар томонидан олдиндан белгиланишидир.
2. **Таъминотнинг энг кам даражаси** – марказий идоралар томонидан эҳтиёжлар миқдорининг рационаллаштирилишидир.
3. **Тўлиқ бандликни таъминлаш сиёсати** - инвестиция фаолиятини амалга ошириш орқали кишиларни иш билан таъминлашни кўзда тутди.
4. **Қатламлар тартиби сиёсати** – бу иқтисодий жараёнларни ўзини-ўзи бошқариш идоралари ёки касбий қатламлар томонидан тартибга солиш имкониятидан келиб чиқиб, уларнинг монополистик хусусиятига эга бўлган мустаҳкам иттифоқларга айланиши ҳамда ҳукмрон гуруҳлар пайдо бўлиб, уларнинг иттифоқчилар манфаатларини рўйбага чиқаришга қаратилган фаолиятидир.

5. **Рақобатли тартибни қонунийлаштириш тамойиллари** – рақобат тартибини ўрнатишга хизмат қиладиган тамойиллар бўлиб, улар асосий валюта сиёсати қиёфаси, очиқ бозорлар, хусусий мулкчилик, шартнома тузиш эркинлиги, маъсулият, иқтисодий сиёсатнинг ўзгармаслиги, қонунийлаштирувчи тамойилларнинг ягоналигидан иборатдир.
6. **Рақобатли тартибни тартибга солиш тамойиллари** – бу рақобат тартибини амал қилиш ҳолатида ушлаб турадиган тамойиллар бўлиб, улар рақобатли тартибда монополия муаммоси, даромадлар соҳасидаги сиёсат, иқтисодий ҳисоб-китоб, таклиф аномалияси кабилардан иборатдир.

Назорат саволлари:

1. Марказдан туриб бошқариладиган иқтисодиётда давлатнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Нима учун марказдан туриб бошқариладиган иқтисодиётда корхона техник ишлаб чиқариш бирлиги сифатида чиқади?
3. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишда марказлашган бошқарувнинг қандай босқичлари бор?
4. Марказдан бошқариладиган иқтисодиёт қандай хусусиятларга эга?
5. Рақобатли тартибни қонунийлаштириш асосий тамойили тавсифини келтиринг.
6. Рақобатли тартибни ўрнатишда валюта сиёсатининг валюта барқарорлаштирувчилик моҳияти нимадан иборат?
7. Бозорни «ёпиш», талаб ва таклифни ёпиш усуллари қандай?
8. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик қандай ҳолларда муҳим ижтимоий вазифани бажаради?
9. Шартнома тузиш эркинлиги тамойилининг зиддияти нимада?
10. Рақобатли тартиб шароитида иқтисодий фаолият натижалари учун жавобгарлик нималарда кўринади?
11. Иқтисодий сиёсатнинг ўзгармаслиги нимани англатади ва нимада намоён бўлади?
12. Қандай ҳолларда қонунийлаштирувчи тамойиллар рақобатли тартибни ўрната олади?

13. Рақобатли тартиб шароитида монополиялар муаммосининг мазмуни қандай?
14. Даромадлар соҳасидаги сиёсат қандай йўналишларда ривожланиши керак?
15. Давлат ўз мустақиллигини сақлаш учун риоя қилиши керак бўлган иқтисодий сиёсат тамойилларини келтиринг.

XII БОБ. ЎТИШ ДАВРИ ИҚТИСОДИЁТИ МУАММОЛАРИ

12.1. Иқтисодий тартиблар алмашилиши шароитида ўтиш жараёни тушунчаси

Бир иқтисодий тартибнинг бошқасига ўтиши жараёни иқтисодий фаолиятда муҳим ўзгаришлар билан боради. Нафақат мулкчилик шакллари нисбати, институционал таркиб, давлатнинг иқтисодий фаолиятга таъсир этиш усуллари, балки ишлаб чиқариш ва бандлик таркиби ҳамда кишилар руҳияти (энг асосийси) ҳам ўзгаради. Бу ўзгаришлар марказлашган бошқарувдан бозор механизмига ва аксинча, бозор механизмларидан марказлашган режалаштириш ва миллий иқтисодиётни бошқариш тамойилига асосланган механизмга ўтишда юз беради. Бу ўзгаришлар юз берадиган давр муддати етарли даражада катта, турли мамлакатлар учун у турлича, бир неча йилдан бир неча ўн йилликларгача ўзгариб туради. Ҳаммаси иқтисодиётнинг дастлабки ҳолатига мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузилишига, амалдаги тартибнинг унга алмашинадиган тартибдан фарқларининг муҳимлигига боғлиқ бўлади.

Шунга боғлиқ ҳолда Германиянинг миллий иқтисодиётида XX асрдаги ўтиш жараёнларининг ўзига хослигини таҳлил қилиш қизиқиш ўйфотиши мумкин.

Биринчи ўтиш жараёни 1933 – 1938 й.й. даврига тўғри келади, бунда Германияда бошқарувнинг демократик шакллари ва бозор иқтисодиётидан тоталитар фашистик тартибга, иқтисодиётни марказлашган бошқарувга, уни ҳарбийлаштиришга (милитаризациялашга) ўтиш амалга оширилган. Бутун беш йил давомида қонунчилик асослари, иқтисодиётни бошқаришнинг янги инфратузилмаси яратилди, давлат идораларининг ваколати ўзгартирилди, уларнинг иқтисодий ҳаётга аралашуви кучайтирил-

ди. Қатъий маъмурий – буйруқбозлик тизими ўрнатилди, унинг асосида ҳарбийлашган (милитаризациялашган) иқтисодиёт юқори суръатларда ривожланди. 1932 – 1938 йй. даврида ҳарбий харажатлар 25 марта ўсиб, салмоғи 26% дан 76% гача кўтарилди. Яшаш майдонини кенгайтириш учун урушга кучли тайёргарлик кўрилди, авторитария тенденцияси кучайди.

Иккинчи жаҳон урушидаги оғир жангларни бошдан кечирган Германия мамлакатининг иқтисодий салоҳияти амалда 50%га қисқарди, чуқур сиёсий, маънавий – руҳий ва иқтисодий таназзулга юз тутди.

1948 йилда Германия (ГФР) миллий иқтисодиёти иккинчи ўтиш даврига – иқтисодиётни марказлашган бошқарув тизимига эга бўлган тоталитар сиёсий тартибдан демократик тизимга ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврига кирди. Бу ўтиш даври 1957 й. гача давом этди ва иқтисодиётни нафақат таркибий қайта қуриш, балки ГФР ни иқтисодий ривожланиш даражаси ва суръатлари бўйича ҳамда мамлакат алоҳисининг турмуш даражаси жиҳатдан Ғарбий Европанинг илғор мамлакатлари қаторига олиб чиқиш имконини берди.

Л. Эрхард раҳбарлигида ўтказилган ўтиш даври ислоҳотлари эркин хусусий ташаббускорлик ва рақобатни давлатнинг хўжалик ҳаётидаги фаол роли билан бирга ривожлантириб боришга қаратилди. Улар пул ислоҳоти, эркин нархлар ва тадбиркорликка суяндилар. Иқтисодий фаолиятни чекловчи тадбирларга асосланган тартибга солувчи барча маъёрий ҳужжатлар олиб ташланди. Харидор «Бозор қироли» бўлиб қолди. Ўтиш жараёнининг биринчи даври ҳаммаси бўлиб икки йилни ўз ичига олди. 1950 – 1951 йилларданоқ бандлик даражасида кескин бурилиш юз берди. 1952 йилда нархлар ўсиши тўхтади. 1954 йилда ишлаб чиқариш даражаси 1936 йилги даражадан икки марта ошиб кетди.

ГФР даги ислоҳотларнинг боришини ўрганишда фашистлар Германияси иқтисодий тартиби иқтисодий фаолиятда давлатнинг роли анча кучайганлигига қарамай, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий ва аралаш мулкчиликка асослаганлигини кўзда тутиш керак. Масалан, 1936 йилнинг мартда Империя статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, Германияда 1085 та ижтимоий корхоналари ҳисобланган. Улардан 61 таси империя мулки, 57 таси ер мулки, 25 таси – шаҳарлар мулки,

291 таси жамоа ва жамоалар иттифоқи мулки, 142 таси – империя ва жамоаларга биргаликда эгалик қилишга тақдим этилган. Бу корхоналарнинг 30% и акционерлик жамиятлари, 64,4%и - маъсулияти чекланган жамият, 4,2%и - хусусий ҳуқуққа эга бўлган бошқа жамиятлар ва 1,4%и - оммавий ҳуқуқ жамиятларини ташкил этган.

Ўтиш жараёни одатда уч асосий босқичларни ўз ичига олади: барқарорлаштириш босқичи ёки танқидий босқични, унинг мақсади олдинги иқтисодий тартибнинг амал қилиш оқибатларини тугатиш ҳисобланиб, бу табиийки, миллий иқтисодиётда таназзул ҳолатлари вужудга келиши билан боғлиқ; янги иқтисодий тартибнинг вужудга келиш босқичи, унинг мақсади янги тартиб ўрнатилиши учун дастлабки қонунчилик шароитларини яратиш ҳисобланади. Бу босқичда олдинги тартиб шароитидаги иқтисодий фаолиятга хизмат қилувчи инфратузилма ўзгаради; таркибий қайта қуриш босқичи, унинг мақсади миллий иқтисодиётнинг тармоқ, ҳудудий, ижтимоий таркибларини янги стратегик ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий мақсадларга жавоб берадиган ҳолатга олиб борадиган давлатнинг миллий иқтисодиётга тузатувчилик (тартибга солувчи) таъсиридан иборат.

Шундай қилиб, ўтиш жараёни, деганда иқтисодий фаолият морфологиясини ўзгартириш жараёнини, иқтисодий, давлат ва ижтимоий тартиблар ўзгариши билан белгиланадиган давлат стратегик ижтимоий – сиёсий мақсадларининг тубдан ўзгаришига мослаштириш жараёнини тушуниш керак.

12.2. МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатлари миллий иқтисодиётларига XX аср охирларида хос ўтиш жараёни муаммолари

XX аср охирларидаги ўтиш жараёнининг баъзи муаммоларини унинг босқичлари бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Танқидий босқич. Бу босқичда давлат бюджети тақчиллигини тугатиш муаммоси асосий ҳисобланиб, у масалан, 1989 йилда Польшада ЯММ нинг 10%и дан ортиқроғини ташкил қилди. Польшанинг ташқи қарзлари 40 млрд. доллардан ошиб кетди, ойлик инфляция 30% дан юқори бўлди, дўконларда давлат нархидаги товарлар йўқолди. Собиқ СССР да 1991 йилдаги вазият

ундан ҳам жиддий эди. Бюджет тақчиллиги ЯММ нинг 16% ини, ташқи қарзлар – 60 млрд. долларни, инфляция ойига – 302% ни ташкил этди, дўкон пештахталарида товарлар қолмади. Дехқонлар давлатга дон сотишни тўхтатдилар, йирик шаҳарларда очарчилик хавф сола бошлади, кундалик муҳим озиқ - овқат маҳсулотларига рационлаштириш киритилди. Молиявий барқарорлаштириш, бюджет тақчиллигини қисқартириш, нархларни эркинлаштириш, инфляция билан курашиш зарурати шундан келиб чиқди.

Умуман шуни қайд этиш керакки, бюджет тақчиллигини тугатиш ва молиявий барқарорликка эришиш муаммоси миллий иқтисодиёт учун, ўтиш даври танқидий босқичида эмас, балки маълум иқтисодий тартиб амал қилиш даврида бўлган мамлакатлар ташқи ва ички сиёсатлари учун ҳам бир хил бўлмаган оқибатлар билан боғлиқ бўлди. Ўтиш жараёни бу оқибатларни чуқурлаштирди, холос.

Бозорнинг вужудга келиш босқичи. Бу босқичда бозор муносабатларининг уч асосий негизи ҳисобланган тамойилларини: иқтисодий эркинлик, иқтисодий шартнома муносабатлари ва хусусий мулкчиликни рўёбга чиқариш зарур.

- Иқтисодий эркинлик иқтисодий фаолиятни амалга ошириш йўналишлари, восита ва усулларини танлаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятини билдиради.
- Иқтисодий шартнома муносабатлари иқтисодий субъектларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кучга эга бўлган тенг ҳуқуқли битим тузиш имкониятини кўзда тутди.
- Хусусий мулкчилик ҳуқуқи инсоннинг мулкка ўз шахсий мулкидай қараш ёки иқтисодий таркибдаги эгалик қилиш, бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга эканлигини билдиради.

Бозорнинг вужудга келиш жараёни иккита босқичга ажратилади: оддий ва мураккаб. Оддийси иқтисодий эркинлик ва рақобат ўрнатиш учун қулай шароитларни яратишдан иборат. Мураккаб қонун ва хусусий мулкчиликка асосланган янги тизимни яратишдан иборат. Бозорнинг вужудга келиши тегишли инфратузилмани: валюта, фонд ва товар биржаларини, ривожланган молиявий ташкилотлар тизимини шакллантиришни кўзда тутди. Бозорнинг вужудга келиши даврида бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш энг муҳими ҳисобланади.

Бу биринчи навбатда, тижорат ҳуқуқини ишлаб чиқиш бўлиб, у шартномалардан фойдаланиш ва бажарилишини таъминлашни, банк фаолиятини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда синиш тўғрисидаги қонунни киритишни ўз ичига оладиган молия тизими ислохотларини ўтказишни тартибга солади; компаниялар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш бўлиб, у хусусий корхоналар тузиш тартибини тартибга солади; ипотека кредити тўғрисидаги қонунни киритишдир. Судни сиёсий аралашувдан ҳимоялашни таъминлайдиган суд ишлаб чиқариши ислохоти зарур.

Хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун янги қонунчиликнинг муҳим унсури бўлиб, у бу жараённинг маъмурий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатларини акс эттириши керак. Хусусийлаштириш соҳасида жаҳонда бой тажриба тўпланган. XX асрнинг 80- йилларида хусусийлаштиришга киришган биринчи мамлакат Буюк Британия бўлиб, у 50 талар атрофидаги йирик миллий компанияларни хусусий шахсларга сотиш мақсадини қўйган эди. Баъзи мамлакатларда (Чили, Мексика) юзлаб давлат корхоналари хусусий шахсларга сотилди.

Хусусийлаштиришнинг давлат белгилайдиган рақобат муҳитини яратиш ёки корхоналарни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига давлат бюджетини тўлдириш орқали стратегик истиқболда ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш мақсади унинг муаммоси ҳисобланади. Бироқ молия ресурслари ва потенциал инвесторларнинг ички ва ташқи бозорлардаги ҳаракатчанлиги ҳисобига миллий иқтисодиёт корхоналарида рақобатда устунлигини тез вужудга келтириш учун шароит яратиш хусусийлаштиришнинг асосий мақсади бўлиши керак.

Бозорни вужудга келтириш ва миллий иқтисодиётни таркибий тузатиш даврида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бутун кучлари бу асосий мақсадга эришишга қаратилиши керак.

Таркибий тузатиш босқичи. Иқтисодиётни марказлашган бошқариш тарихий тажрибаси гувоҳлик беришича, бундай бошқарув кўп ҳолларда ҳарбийлашмоқда. Бу шуни билдирадики, ЯММ нинг катта қисми ҳарбий саноат мажмуаси (ҲСМ) маҳсулотини ўзида мужассамлаштиради. Биринчи тартибдаги неъматлар ишлаб чиқарадиган саноат эса одатда, кучсиз ривожланган ва аҳолининг бу неъматларга бўлган эҳтиёжларини

қондирмайди. Шу сабабли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш мамлакат миллий иқтисодиёти барча тармоқларида катта таркибий қайта қуришлар билан борди. Бу ҲСМ нинг аста – секин қисқариб, енгил, озиқ - овқат ва бошқа тармоқларнинг устун даражада ривожланишини билдиради, бу тармоқлар мамлакат фуқароларининг турли – туман ҳаётини муҳим товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди. Бунда табиийки, ишлаб чиқаришнинг технологик асоси, демак барча тоифадаги кадрларнинг малакаси ва ихтисослиги ўзгариши керак. Бундан миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ишсизлик каби хавфли ижтимоий ҳодисани ўзида муҳассамлаштириши мумкин. Олий ва ўрта махсус таълим, ишчи кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими таркибини, фаолият кўрсатаётган корхоналар муҳандис – техник ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини, бозор муносабатлари шароитларида ишлашга лаёқатли муҳандис ва иқтисодчилар тайёрлашни ўзгартириш зарурати пайдо бўлади.

Бу босқичда ҳукумат фаолиятидаги муҳим йўналиш миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш салбий оқибатларига дуч келаётган аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳисобланади. Таркибий қайта қуриш босқичида ҳал этиладиган вазифаларнинг мураккаблиги уни фалажли терапия шаклида, яъни жуда қисқа муддатларда амалга ошириш имконини бермайди. Шу билан бирга бу босқичнинг узоққа чўзилиши мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ўстиришнинг асоси ҳисобланган иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишга олиб келмайди.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, Чехия, Эстония, Польша, Словения каби мамлакатларда ўтказилган жадал ислохотлар пасайиш суръатларининг қисқаришига, кейин эса 2-3 йил давомида ЯММ нинг ўсишига олиб келди. Масалан, агар 1992 йилда Чехия ишлаб чиқаришининг пасайиши 6,6% ни, 1995 йилда – 0,3% ни ташкил этган бўлса, у ҳолда 1998 йилдаги ўсиш 4,8% га баҳоланди. Шу билан бир вақтда аста-секинлик билан ислохотлар ўтказилаётган Украинада бу даврда ишлаб чиқариш йилига 2% дан кўпроққа ўсди.

Шунга қарамай, бу муаммога қотиб қолган ҳолда қарамаслик керак. Хитой тажрибаси бунинг исботидир. Секинлик билан бирин–кетин ўтказилган ислохотлар жуда катта натижаларга

олиб келди. Хитой иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича ҳозир жаҳонда биринчи ўринда туради. У миллий иқтисодиёт таркибининг ўзига хослиги билан изоҳланади, унда қишлоқ хўжалиги устун салмоққа (бандлар сони бўйича 71%) эга. Дэн Сяопин ислохотлари ердан жамоа бўлиб фойдаланишни тугатди, деҳқонларга хусусий корхона очишга рухсат берди, ўн миллионлаб деҳқонларни озод қилди. Бу эса Хитой миллий иқтисодиётининг гуркираб ривожланиши учун шароит яратди. Ҳаммаси бўлиб уч йил давомида 1979 йилдан – 1982 йилгача 600 млн. дан ортиқ деҳқонлар ва уларнинг оилаларини бирлаштирган коммуналар тугатилди ва якка ер участкалари узоқ муддатли ижарага бериш воситасида ҳақиқатда хусусийлаштирилди.

Давлатнинг бу даврдаги тартибга солиш вазифаларини иқтисодий тартибнинг мураккаб ва ривожланган шароитларда бажарадиган вазифаларидан фарқловчи жиҳатлари қуйидагиларда ифодаланади:

- Биринчидан, ўтиш даврида олдинги ва янги иқтисодий тартиб унсурлари узоқ вақт биргаликда мавжуд бўлади. Шу сабабли давлат томонидан тартибга солиш вазифалари янги иқтисодий тартибни қабул қилишга тайёрлик даражаси билан фарқланувчи миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича табақалашган бўлиши керак.

- Иккинчидан, жаҳон тарихий тажрибаси кўрсатишича янги иқтисодий тартибга ўтиш жараёнида эришилган иқтисодий салоҳиятни йўқотиш ёки анча кучсизлантириш хавфи юзага келади. Шу сабабли давлат томонидан тартибга солиш тизими ўтиш даврида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини йўқотиш ёки кучсизланиш имкониятларини бартараф этишга қаратилган тадбирларни кўзда тутаяди.

- Учинчидан, янги иқтисодий тартибга ўтиш жараёни деярли ҳар доим мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг пасайиши (айниқса, унинг биринчи босқичида) ва шу билан боғлиқ ижтимоий кескинликнинг кучайиши билан боради. Шу сабабли давлат томонидан тартибга солиш тизими ўтиш даврида мамлакатнинг ижтимоий хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиши керак. Давлатнинг тартибга солиш тадбирлари иқтисодий ва ижтимоий соҳага барқарорлаштирувчи таъсирлар билан бирга олиб борилиши керак.

Айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсадини белгилаш мумкин. Улар глобал, агрегатлашган ва деталлашган мақсадларга бўлинади. Давлат томонидан тартибга солишнинг глобал мақсади мамлакатни иқтисодий куч-қудрат билан таъминлаш ҳисобланади. Бу давлат томонидан тартибга солиш тизими мамлакатнинг жаҳон бозорида ҳукмрон иқтисодиёт сифатидаги барқарор ўрнини таъминлайдиган шароитларни яратишини ҳамда аҳолисининг юқори турмуш даражасини таъминлашини билдиради.

Давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари у ёки бу даврда вужудга келган халқаро бозор конъюнктураси, ташқи ва ички тартибдаги сиёсий вазият ва бошқа омилларга боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. Бироқ давлат томонидан тартибга солиш асосида ҳал қилинадиган вазифалар мажмуи узоқ вақт давомида нисбатан барқарор бўлиб қолади. Бу вазифалар йириклаштирилган ҳолда қуйидаги тарзда бўлиши мумкин:

1. Бутун иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини таъминлайдиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва назорат қилиниши керак. Бу Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, ЎзР Президенти миллий иқтисодиёт барча тармоқларининг меъёрида амал қилишини таъминлайдиган тегишли қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қабул қилиши кераклигини билдиради.
2. Давлат тартибга солиш фаолиятини самарали, яъни энг кам харажатлар билан қоғозбозлик аппаратининг иқтисодий субъектлар иқтисодий фаолиятига энг кам аралашуви билан таъминлашга ҳаракат қилиши керак. Бунда давлатнинг икки кўринишдаги аралашуви ҳақида гап бормоқда: бевосита бошқариш, бунинг учун катта мансабдорлар аппаратига эга бўлган «қимматлашган» давлат зарур ёки «ўйин қоидаси» ни яратиш ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш, бунинг учун «қиммат бўлмаган давлат» га эга бўлиш етарли.
3. Давлат томонидан тартибга солиш тизимида фаолиятга таъсир кўрсатишнинг рағбатлантирувчи, рўйхатга олувчи (лицензияли) усулларини чекловчи ва фискал таъсир чоралари билан қўшиб олиб бориш керак.

4. Давлат томонидан тартибга солиш эркин рақобатнинг ривожланиши учун, алоҳида гуруҳларда, корпорация, монопол бирлашмалар ва бошқа ҳукмрон иқтисодий гуруҳларда иқтисодий ҳокимиятнинг вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида антимонопол фаолиятни кучайтириш учун шароит яратиши керак.
5. Давлат томонидан тартибга солиш тизими товар – пул ва бюджет мувозанати ҳисобига миллий иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлаши керак. Бу давлат томонидан тартибга солиш тизимининг энг мураккаб унсуридир. Бир томондан, антиинфляцион сиёсат, нархлар ва даромадлар ўсишини ушлаб туриш зарур. Бошқа томондан, жамиятдаги ижтимоий кескинликни бартараф этиш керак.
6. Давлат томонидан тартибга солиш тизими иқтисодий фаолиятнинг фақат айни дақиқадаги муаммоларини ечишга қаратилмаслиги керак. Иқтисодий фаолиятнинг илғор йўналишларини рағбатлантириш муҳим йўналиш бўлиши керак. Бу энг аввало, олий ва ўрта таълимни қўллаб - қувватлаш, негиз ва амалий фанлар, турли кўринишдаги субсидиялар, протекционизм ва халқаро бозорда рақобатдаги устунликнинг бошқа тадбирлари туфайли ўзлаштиришга лаёқатли бўлган тармоқларни қўллаб - қувватлаш, демакдир. Бу вазифани ечишнинг қийинлиги миллий корхоналар рақобатбардошлигини ривожлантириш имконини берувчи протекционизм ва фритредерликнинг оқилона нисбатларини топишдадир.
7. Давлат томонидан тартибга солиш тизими миллий иқтисодиётни самарасиз, ночор корхоналардан ўз вақтида «тозалаш» ни таъминлаши керак. Бунинг учун ночор корхоналарнинг синиш тартиби ишлаб чиқилиши ва бу тартиб сўзсиз бажарилиши керак.
8. Давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналиши аҳолининг юқори даражадаги бандлигини таъминлаш, ишсизликни «табиий» даражада тутиб туриш, меҳнат бозорининг меъёрида амал қилишини таъминлаш ҳисобланади.
9. Давлат томонидан тартибга солиш тизими аҳоли ночор қатламларини, тадбиркорларни ижтимоий ҳимоялаш,

соғлиқни сақлаш, тиббий хизматни ривожлантириш, аҳоли барча қатламларининг жисмоний ва маънавий соғлиғини таъминлаш учун шароит яратиши керак.

10. Давлат томонидан тартибга солиш табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунчиликни ички бузувчилари ҳамда табиатни ифлослантириш ташқи манбалари томонидан етказиладиган зарарни қоплаш билан боғлиқ тегишли хатти – ҳаракатлар ҳисобига атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиши керак.

Миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг барча йўналишлари мажмуи мамлакат иқтисодий хавфсизлигини, ташқи ва ички муҳитда юзага келадиган турли форс – мажор ҳолатларидан унинг мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Шунга қарамай, бу давлат томонидан тартибга солиш тизими ўз қобиғига ўралган, четдан узилган тавсифга эга бўлиши керак, дегани эмас. У миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига оғриқсиз кириб бориши (интеграциялашуви) га ёрдам бериши керак.

Давлат томонидан тартибга солиш тизимини шакллантиришда иқтисодий субъектларни рағбатлантириш, лицензиялаш, чеклаш ёки фискал тавсифга эга бўлган у ёки бу таъсирга мумкин бўлган жавобини олдиндан билиш зарур. Шу билан боғлиқ ҳолда исталган даражадаги иқтисодий субъектнинг мақсадлари мажмуини ўрганиш қизиқиш уйғотади, бу мақсадлар «иқтисодий субъектнинг давлат томонидан тартибга солиш тизими чақирғига жавоб» ини ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий субъектнинг давлат асосий фаолиятига жавоби тўрт йўналишда: солиқ сиёсатида жавоби, кредит – пул сиёсатида жавоби, божхона сиёсатида ва антимонопол сиёсатида жавоби йўналишларида ўрганилади. Табиийки, таклиф этилаётган «жавоблар» мажмуи унча тўлиқ эмас. Бироқ ҳатто бундай «йириклаштирилган» жавоблар ҳам иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга фойдали ахборот бериши мумкин. Моҳият жиҳатдан бу мақсадлар таркибида ўзи учун «фойдасиз» хатти – ҳаракатларни кучсизлантириш ва тартибга солувчи таъсирларнинг ўзи учун «фойдали» оқибатларини кучайтиришга интилувчи иқтисодий субъектнинг хатти – ҳаракатлари берилган.

Давлатнинг тартибга солувчи таъсирларига иқтисодий субъектларнинг мумкин бўлган жавоб таъсири истиқболини белгилаш у ёки бу меъёрий ҳужжатни (қонун, фармон, қарор, кўрсатма ва ҳ.к.) қабул қилувчи идоранинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак. Бунда нафақат мамлакат резидентларининг, балки норезидентлар (алоҳида ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) нинг ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган турли иқтисодий, сиёсий ва бошқа гуруҳларнинг ҳам мумкин бўлган жавобини ҳисобга олиш керак бўлади.

12.3. Марказий Осиё иқтисодиётдаги таркибий силжишлар таҳлили

Ўтган асрнинг 90-йилларида МДХ, хусусан Марказий Осиё худуди барча мамлакатлари чуқур таркибий ўзгаришлар – ички ва ташқи, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар даврини бошдан кечирди. Уларнинг иқтисодий салоҳияти дастлаб кескин қисқарди, сўнгра бир неча йиллар давом этган узлуксиз пасайишдан кейин эса иккинчи ўн йилликда ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Ўтиш давридаги иқтисодий инқироз Марказий Осиё мамлакатларида турли муддатларда давом этди: Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда 5 йил, Туркменистонда 6 йил ва Тожикистонда 8 йил. Инқирознинг нечоғли чуқурлиги билан ҳам алоҳида республикалар бўйича тубдан фарқ қилди: Тожикистонда ЯИМ ҳажми йилига деярли 3 марта қисқарган бўлса, бу вақтда Ўзбекистонда ЯИМ нинг максимал пасайиши 17-18% дан ошмади. Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонда ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиши инқироз олди даражаси юқори кўрсаткичининг тахминан 40-50% ини ташкил этди холос.

Сўнги 3-5 йил давомида юз бераётган иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам барча Марказий Осиё республикаларида йиллар ва мамлакатлар бўйича бир хилда эмас. Расмий маълумотларга қараганда, энг яхши ҳолат Ўзбекистонда кузатилмоқда. Республикада барқарорлаштириш даври тугалланди ва ЯИМ 1991 йил даражасининг 99% ига эришилди.

Инқироз ва барқарорлаштириш даври йилларида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарибгина қолмай, балки Марказий Осиё иқтисодий ва ижтимоий таркибларида ҳам турли йўналишлардаги силжишлар юз берди.

Маълумки, барча собиқ СССР республикаларида, шу жумладан, Марказий Осиёда таълим ва соғлиқни сақлаш каби ижтимоий хизмат соҳалари тез ривожлантирилган, бироқ савдо, маиший ва шахсий хизмат кўрсатиш соҳалари етарли ривожланмаган эди. Бозор муносабатларига ўтиш билан кўпчилик Марказий Осиё мамлакатларида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида бандлар салмоғи пасайди, аммо савдо ва у билан боғлиқ фаолият турларида мутлоқ ва нисбатан кескин ўсди.

Хизмат соҳасидаги бандлик динамикасини бир томонлама баҳолаш қийин. Улгуржи ва чакана савдонинг кенгайиши ва тақчилликнинг бартараф қилиниши иқтисодиётдаги ижобий силжишлар ҳақида гувоҳлик беради. Бироқ ўн минглаб собиқ муҳандислар, олимлар, мутахассислар, малакали ишчи ва хизматчиларнинг савдога мажбурий равишда ўтиб кетиши малакали меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш мезонларига тўғри келмайди. Шу билан бир қаторда, таълим, соғлиқни сақлаш ва фан соҳасидаги бандликнинг қисқариши бу республикалардаги зиддиятли ижтимоий-иқтисодий силжишлардан далолат беради.

Қозоғистонда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар кўрсаткичи 1999 йилда (барча бандларнинг 59,8% и) Венгрияга (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМи 9,3 минг долл.) ёки Польшага (6,9 минг долл.) ҳамда Россияга қараганда юқори бўлди. Жорий статистика маълумотларига қараганда савдо соҳасидаги бандлар сони 2,4 марта ўсган, бу вақтда таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтисоий хизмат соҳаларида эса пасайган.

Қирғистонда хизмат соҳасида бандлар салмоғи ўсмадигина эмас, балки аксинча, қисқарди. (38% дан 35% гача) ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ и Қирғизистондагидан (2,1 минг долл.) кам бўлган Покистон (1,4 минг долл.) даражасига (34,7%) тушиб қолди.

Шу билан бир вақтда 1991-1999 йилларда савдодаги бандлар сонининг 65% га ўсиши кузатилди, бу бозор иқтисодиёти шароитида бу тармоққа бўлган объектив эҳтиёждан келиб чиқиб, прогрессив аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ва айниқса, Туркманистон иқтисодиётидаги, ижтимоий муносабатлар ва сиёсий соҳадаги таркибий ўзгаришларнинг нисбатан секин суръатлари билан ажралиб туради. Шу сабабли Туркманистонда хизмат соҳасидаги бандлик кўрсаткичи амалда ўзгармади: таълим, соғлиқни сақлаш ва фан соҳасидаги бандлик миқдори пасайди ва савдо ва у билан боғлиқ фаолият турларида ўсди. Ўзбекистонда ҳам ана шундай ҳолат кузатилмоқда. Бу ерда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги бандлик аввалги даражада қолди. Савдо ва у билан боғлиқ фаолият турларида бандлар салмоғи анча катта бўлди, бошқарув соҳасидаги бандлар салмоғи эса биров ўсди. Ниҳоят хизмат соҳасидаги бандлик динамикаси қишлоқ хўжалигидаги бандлик ўзгаришларининг аксидир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда савдодаги бандликнинг ўсиши (58% га) кузатилибгина қолмай, балки таълим (8% га) ва соғлиқни сақлаш (10% га) соҳасида банд бўлган шахслар сони ҳам ўсаётганлигини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, республикада кўпроқ мувозанатлашган (оқилна даражага етмаган бўлсада) соҳалараро бандлик таркиби хизмат соҳасининг ўзидаги ички таркиб сингари тенглашмоқда.

1991 йил Марказий Осиё қишлоқ хўжалиги учун муваффақиятсиз бўлди ва деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 1990 йилга нисбатан Қозоғистон ва Қирғизистонда 10% га, Тожикистон ва Туркманистонда 4% га кам бўлди. Бу мамлакатлар қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг пасайиши анча катта бўлди (12.3.2-жадвал).

Шу вақтда жорий статистика маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги 1999 й.да ҳатто бирмунча ўсди.

1991-1999 йй.да барча Марказий Осиё мамлакатларида (Туркманистондан ташқари) саноатда бандлар сони қисқарди. Аммо бу жараён турли республикаларда турлича юз берди. Жорий статистика маълумотларига қараганда, саноатдаги бандлик Тожикистон ва Қирғизистонда юқори, Ўзбекистонда паст суръатларда камайди.

12.3.2-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида 1999 йилда бандлик, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги индекслари¹² (1991 қ 100,%)

Мамлакатлар	Қишлоқ хўжалиги			Саноат		
Қозоғистон	71	70	99	58	50	85
Қирғизистон	149	98	66	51	48	94
Тожикистон	127	65	51	51	38	75
Ўзбекистон	93	99	106	93	115	124

Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда иқтисодиётнинг аграрлашуви юз берди. Бу айниқса, Қирғизистон ва Тожикистонда қишлоқ хўжалигида бандлар салмоғининг ўсишида ифодаланди. 1991 йилда Қирғизистон қишлоқ хўжалигида 36% атрофида, 1999 йилда эса – 52,5% банд аҳоли тўғри келди. Тожикистонда эса ушбу кўрсаткич мос равишда 45 ва 65% ни ташкил этди. Туркманистонда бу кўрсаткичнинг ўсиши унчалик катта бўлмади, 42% дан 48% гача кўтарилди.

Бозор иқтисодиётида, шу жумладан, Осиё, Африка ва Латин Америкаси ривожланаётган мамлакатларида қишлоқ хўжалигидаги бандлик салмоғи мамлакат умумий иқтисодий ривожланиши даражасига тесқари мутаносибдир. Агар бу Қонунни Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан қабул қиладиган бўлсак, бу мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш даражаси бўйича 40 йил орқанда қолаётган бўлишади. Аммо бундай деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Биринчидан, мазкур мамлакатлар ишлаб чиқаришнинг энг қуйи пасайиш нуқтасини босиб ўтди ва иқтисодий салоҳиятини бозор асосида тиклаш йўлидан бормоқдалар. Иккинчидан, жиддий йўқотишларга қарамай, улар таянч таркибларни халқ хўжалигининг ривожланган инфратузилмасига нис-

¹² Жадвал маълумотлари «Мировая экономика и международные экономические отношения» журнали, 2002 й, №7, 85-бетдан олинди.

батан сақлаб қолишга эришдилар, учинчидан, ўтган ўн йилликлар давомида тўпланган уларнинг инсон салоҳияти анча кучсизланган бўлсада, аммо қулай шароитларда барқарор иқтисодий ўсишга ёрдам бериши мумкин.

Қозоғистон ва Ўзбекистонда жорий статистика маълумотларига кўра қишлоқ хўжалигидаги бандлар салмоғи аксинча, қисқарди – 24% дан 22% гача ва 42% дан 36% гача.

Бандлик ва саноат маҳсулоти ҳажми динамикаси ҳақидаги маълумотлар кўрсатишича, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳамда Туркманистонда саноатдаги меҳнат унумдорлиги пасайди, Қозоғистонда аввалги даражада қолган бўлса, Ўзбекистонда бирмунча ўсди.

Ўтиш даврининг юқорида кўриб ўтган баъзи муқаррар муаммолари бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан бартараф этилади. МДҲ мамлакатларининг 2001 й. даги ривожланиш натижалари қулай иқтисодий конъюнктурадан гувоҳлик беради. Бироқ барқарор иқтисодий ўсиш ҳақида гапиришга ҳали эрта. Иқтисодиётнинг узоқ муддатли, барқарор юксалишига биринчи навбатда, ишлаб чиқариш салоҳиятини тубдан янгилаш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ўстириш ва Ҳамдўстлик доирасидаги иқтисодий интеграцияни интенсифлаштириш асосида эришиш мумкин.

Таянч иборалар:

1. **Ўтиш жараёни** – бир иқтисодий тартибнинг бошқасига алмашилиши жараёни бўлиб, у иқтисодий фаолиятда, мулкчилик шаклларининг нисбати, институционал таркиб, давлатнинг иқтисодий фаолиятга таъсир этиш усуллари, ишлаб чиқариш ва бандлик таркиби ҳамда кишилар руҳиятидаги ўзгаришлар билан боради.
2. **Ўтиш жараёни босқичлари** – булар барқарорлаштириш ёки танқидий босқич, вужудга келиш таркибий қайта қуриш босқичларидан иборатдир.
3. **Иқтисодий тартиб инфратузилмаси** – валюта, фонд ва товар биржалари, ривожланган молиявий ташкилотлар тизимидир.
4. **Ўтиш жараёнининг танқидий босқичи** – олдинги иқтисодий тартибнинг амал қилиш оқибатларини тугатиш босқичи ҳисо-

- бланиб, бу миллий иқтисодиётда инқирозли ҳолатларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир.
5. **Янги иқтисодий тартибнинг вужудга келиш босқичи** – янги тартиб ўрнатилиши учун дастлабки қонунчилик шароитларини яратиш босқичидир.
 6. **Таркибий қайта қуриш босқичи** – миллий иқтисодиётнинг тармоқ, ҳудудий, ижтимоий таркибларини янги стратегик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мақсадларга жавоб берадиган ҳолатга олиб борадиган давлатнинг миллий иқтисодиётга тартибга солувчи таъсир кўрсатиш босқичидир.
 7. **Иқтисодий эркинлик** – иқтисодий фаолиятни амалга ошириш йўналишлари, восита ва усулларини танлаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятидир.
 8. **Иқтисодий шартнома муносабатлари** – иқтисодий субъектларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кучга эга бўлган тенг ҳуқуқли битим тузиш имкониятидир.
 9. **Хусусий мулкчилик ҳуқуқи** – инсоннинг мулкка ўз шахсий мулкидай қараш ёки иқтисодий тартибда эгаллик қилиш, бошқариш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эгаллигини билдиради.
 10. **Давлат мулкани хусусийлаштириш** – молия ресурслари ва потенциал инвесторларнинг ички ва ташқи бозорлардаги ҳаракатчанлиги ҳисобига миллий иқтисодиёт корхоналарида рақобат устунлигини тез вужудга келтириш учун шароит яратишдир.
 11. **Жадаллашган ислоҳотлар** – бунда иқтисодий ислоҳотлар фалажли терапия шаклида, яъни жуда қисқа муддатларда амалга оширилади.
 12. **Секинлик билан ўтказиладиган ислоҳотлар** – бу бир иқтисодий ҳолатдан иккинчисига аста-секинлик билан зарур шарт-шароитлар яратилгач, босқичма-босқич амалга ошириладиган ислоҳотлардир.

Назорат саволлари:

1. «Ўтиш жараёни» тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Ўтиш жараёнининг қандай босқичлари бор?
3. Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ўтиш жараёнининг биринчи босқичи қандай хусусиятларга эга?

4. МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари миллий иқтисодиётидаги ўтиш жараёни танқидий босқичи муаммолари нималардан иборат?
5. МДХ мамлакатлари миллий иқтисодиётида бозорнинг вужудга келиш босқичидаги ўтиш жараёни муаммолари қайсилар?
6. Ўзбекистон ҳукумати дастурида кўзда тутилган хусусийлаштириш йўлларини кўрсатинг.
7. Давлат мулкни хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад нима?
8. Ўтиш жараёнининг турли босқичларида «жадал» ва «секинлик билан борадиган» ислохотлар нисбати қандай бўлиши керак?
9. Ўтиш даврида иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қандай хусусиятларга эга?

XIII БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

13.1. Мамлакатнинг халқаро иқтисодий мавқеига таъсир кўрсатувчи омиллар

Ҳар қандай миллат дунё халқларининг таркибий қисми ҳисобланади. Автаркияга, яъни алоҳида мамлакатларда намоён бўладиган хўжаликка интилиш ҳамда, бошқа кўпгина мамлакатларнинг ўзида нисбатан мажмуавий иқтисодиётни яратишга ундовчи хоҳиши қанчалик мавжуд бўлмасин, барча мамлакатлар ўртасида товарлар, хизматлар ва капитал айирбошлаш юз бермоқда. Меҳнат тақсимооти алоҳида иқтисодиётлардагина ўз ўрнига эга эмас. Объектив амал қилувчи халқаро меҳнат тақсимооти ҳар қандай миллий иқтисодиётда мазкур мамлакатнинг халқаро иқтисодий фаолиятда эга бўладиган халқаро иқтисодий мавқеига боғлиқ бўлган миллий ва айниқса, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳаётий муҳим муаммосини вужудга келтиради.

Миллатнинг халқаро иқтисодий мавқеига миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, халқ хўжалиги таркиби, уни ташкил этиш ва иқтисодий куч-қудрат омиллари таъсир кўрсатади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар ўзига хослиги билан бу омиллар ўзаро алоқадорлигининг баъзи масалаларини кўрсатиш керак, холос.

Ривожланиш даражаси. Халқаро айирбошлашда миллатларнинг мавқеи бу миллатларнинг товар ва хизматлар соҳасидаги талаб ва таклифини белгиловчи ишлаб чиқариш ва миллий даромад ҳажмига боғлиқ равишда фарқланади. Бу мавқега яна у ёки бу мамлакат эга бўлган миллий капитал ҳажми ҳам таъсир кўрсатади. Мамлакатнинг халқаро кредитор ёки қарздор сифатидаги аҳволи айнан шунга боғлиқ бўлади.

БМТ томонидан ўтказилган тадқиқотлар товарлар, хизматлар, капиталлар халқаро алмашинуви мазмунига ривожланиш даражаси қандай таъсир қилишини кўрсатади. Бу тадқиқотлардан олинган хулосалар қуйидаги тарзда қисқача тавсифланиши мумкин:

1. Ривожланган ва саноатлашган (индустриал) мамлакатлар жаҳон экспорти ва импортида етакчи ўринларни эгаллайди.
2. Ривожланган мамлакатлар асосан, хом ашё материаллари ва озиқ - овқат маҳсулотлари импорт қилган бир вақтда, кам тараққий этган мамлакатлар асосан тайёр маҳсулотлар импортери ва озиқ - овқат товарлари ва хом ашё экспортери ҳисобланадилар.
3. Фрахтдан, суғурта, туризм ва бошқа шунга ўхшаш хизматлардан олинган барча фойдалар амалда ривожланган мамлакатларга тўғри келади.
4. Ривожланган мамлакатлар капиталлар донори ҳисобланадилар ва шу тариқа ўзларининг инвестицияларидан даромад топадилар. Шу билан бир вақтда кам тараққий этган мамлакатлар капитал киритувчилар ва йиллик ишлатилган қарзлардан фоизлар ва дивидендлар тўловчи қарздорлар сифатида чиқадилар.

Халқ хўжалиги таркиби. Ривожланиш даражаси қандайдиган қатъий назар, миллий иқтисодиётлар турли таркибга эга бўладилар.

Бирлари қандайдир товарлар гуруҳини ишлаб чиқаришга маълум даражада ихтисослашсалар, бошқалари - тайёрланаётган маҳсулот кенг кўламига эга бўладилар. Товарлар, хизматлар ва капиталлар экспорти ва импорти таркиби ва ҳажми иқтисодиёт таркибига боғлиқ бўлади.

Миллий иқтисодиёт характерининг халқаро савдога таъсирини иқтисодий таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

1. Миллатнинг халқаро савдога боғлиқлик коэффициенти. У мамлакат ичкарисида истеъмол қилинадиган барча товарлар ва хизматларнинг чет элдан келадиган товарлар ва хизматлар ҳажмига нисбати орқали аниқланади.
2. Импорт ва экспортга мойиллик. Бу импортнинг (экспорт) миллий даромадга нисбати орқали аниқланади.
3. Импорт ва экспортнинг нархлар ва даромадга нисбатан эгилувчанлиги, бу нарх ва даромад нисбий тебранишларига боғлиқ импорт ва экспорт нисбий тебранишларини аниқлайди.

Миллий иқтисодиётга амал қилишнинг ташкилий асослари.

Миллатнинг халқаро айирбошлашдаги иштироки ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ташкилий таркиби билан, яъни мазкур мамлакатда қабул қилинган иқтисодий тартиб билан боғлиқ турли шаклларда амалга оширилади.

Иқтисодий тартибнинг икки асосий жиҳатини ажратиб кўрсатамиз: йирик иқтисодий гуруҳлар фаолиятининг ва давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашуви.

Биринчи жиҳат (иқтисодий гуруҳлар фаолияти) нуқтаи назаридан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Йирик миллий фирмалар ўз қудрати, кўлами, давлат қўллаб-қувватлаши туфайли баъзи маҳсулотлар халқаро савдоси ҳажми ва нархларига белгиловчи таъсир кўрсатади. Улар рақобатлашувчи бошқа мамлакат фирмаларини мослашиш ёки бўйсунуш стратегиясига ўтишга мажбур қилади.
- Йирик миллий корхоналар бошқа томондан, кенг саноатлашган ҳудудлараро империялар ташкил этишга ҳаракат қиладилар, бундай империялар халқаро бозор қонунуларига бўйсунмай қўядилар.

Бу йирик иқтисодий бирлашмалар куч тўплайдилар ва ўз қудратини ошириш мақсадида миллий давлатлар обрўйига таяниб, миллатлар гуллаб-яшнашига шароит яратадилар.

Иккинчи жиҳат (давлатнинг иқтисодий фаолиятга аралашуви) нуқтаи назаридан қуйидаги қоидаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Давлатнинг савдо сиёсати экспорт ва импорт божлари, мукофотлар ва субвенциялар белгилашда ёки миқдорий чеклаш дастакларидан фойдаланишда ифодаланади.

б) Давлатнинг валюта сиёсати ё Марказий Банк аралашуви механизми орқали валюта бозоридаги вазиятга таъсир кўрсатишдан ёки валютали назорат механизмини киритиш йўли билан валюта операцияларини тартибга солишдан иборат.

в) Давлатнинг молиявий сиёсати халқаро капиталлар ва узоқ муддатли инвестициялар ҳаракатига ё уларни маълум вазифаларга йўналтириш йўли билан ёки ҳукуматлараро келишувлар асосида тўғридан-тўғри қарзлар бериш йўли билан таъсир кўрсатишни ўз мақсади қилиб қўяди.

Иқтисодий куч-қудрат. Халқаро иқтисодий муносабатлар-бу турлича куч-қудратга эга бўлган иқтисодиётлар ўртасидаги ҳукмрон ва ҳукмронлик остидаги иқтисодиётлар ўртасидаги муносабатлардир. Шу билан боғлиқ икки ҳолатни кўриб чиқамиз:

а) Миллий иқтисодиётнинг ҳукмронлик даражаси.

б) Ҳукмрон иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсир йўллари ва шакллари.

Миллий иқтисодиётнинг ҳукмронлик даражаси қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- Давлат кўламлари билан. Улар давлатнинг товарлар, хизматлар ва капиталлари билан жаҳон талаб ва таклифидаги иштироки кўламини белгилайди.
- Мазкур давлат иқтисодиётида кўп ёки кам стратегик ҳарактердаги тармоқларнинг мавжудлиги билан; хом ашё ёки асосий саноат товарларини ишлаб чиқариш, турли қўшимча товарларни келтириш ва ҳ.к.
- Давлатнинг халқаро савдодаги шартномавий мавқеининг кучи билан.

Ҳукмронлик йўллари ва шакллари қуйидагича тавсифга эга бўлиши мумкин:

- Ҳукмрон иқтисодиёт ўз ўзгаришлари билан бошқа мамлакатлардаги ўзгаришлардан илгарилаб кетади.
- Ҳукмрон иқтисодиёт ўз талаб ва таклифи воситасида халқаро савдога таъсир кўрсатади.
- Ҳукмрон иқтисодиёт божхона божларини белгилаш, валюта паритети, узоқ муддатли инвестициялар ҳажмини бел-

гилаш йўли билан жаҳон савдосини ташкил қилиш шароитларини аниқлашда иштирок этади.

- Ҳукмрон иқтисодиёт ўзи учун фойдали бўлган янги бозорларни ташкил қилишга кўмаклашиш орқали халқаро иқтисодиёт янги таркибларини яратиши мумкин.

Шундай қилиб, халқаро иқтисодий муносабатлар турли ривожланиш даражасига, турлича ихтисослашувга, ҳукмронлик қилаётган ёки ҳукмронлик қилинаётган кўринишдаги турли ташкилий шаклларга эга бўлган мамлакатлар ўртасидагина ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Бунда барча санаб ўтилган омиллар мамлакат ичкарисидаги ва ташқарисидаги сабаблар таъсирида доимий ҳаракатда бўлишини ҳисобга олиш зарур. Юқорида келтирилган таҳлилдан кўриниб турибдики, халқаро иқтисодий муносабатларда ҳам миллий иқтисодиёт доирасида бўлгани каби иқтисодий механизмларнинг маълум синфлари амал қилади ва ўзаро чирмашиб кетади. Миллий иқтисодиёт ва ташқи дунё ўртасидаги мувозанат, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мувозанат, капиталнинг даромадга ва даромаднинг капиталга айланиши, мультипликацион механизмлар ва ҳоказо.

Мамлакатнинг халқаро иқтисодий мавқеини баҳолаш мумкин бўлган миқдорий таҳлил мамлакат тўлов балансини ўрганиш асосида амалга оширилади. Миллий иқтисодиёт ўсиши билан боғлиқ бўлган тўлов баланси эволюциясини кўриб чиқамиз.

Тўлов балансларининг эволюция даври қуйидаги босқичларни кўрсатади:

- Ёш қарздор – мамлакатлар босқичи. Бу босқичда мамлакатлар ускуналарни қўлга киритиш мақсадида юқори фоизли қарзлар олишга ҳаракат қиладилар. Унинг савдо баланси тақчил (айниқса, машина ва ускуналар импорти устунлик қилади). Хизматлар ва даромадлар (қарз капитали учун фоиз тўловлари) баланси ҳам тақчил. Хорижий капитал тушумлари жорий тўловлар баланси тақчиллигини қоплаш имконини беради.
- «Ўсмир» қарздор – мамлакатлар босқичи. Мамлакат ижобий савдо балансига эга бўла бошлайди (озик-овқат ва хом ашё экспорти, саноат товарлари импорти). Даромадлар баланси маълум тақчилликни (фоизлар ва дивидендлар бўйича тўловлар) сақлашда давом этади. Янги қарзлар кўпинча илгари олинган кредитлар бўйича қарзларни қоплашга кетади.

- «Кекса» қарздор – мамлакатлар босқичи. Жорий тўловлар баланси актив бўлади. Ортиқчаси илгари олинган қарзларни тугатиш учун ишлатилади.
- Ёш кредитор – мамлакатлар босқичи. Унинг савдо ва хизматлар баланси ижобий ҳисобланади. Бутун жорий тўловлар баланси актив қолдиққа эга. Капиталлар ҳаракати баланси пассив, шу сабабли жорий тўловлар баланси ижобий қолдиғи аввалги ва янги инвестицияларни молиялаштириш учун ишлатилади.
- «Ўсмир» кредитор – мамлакатлар босқичи. Унинг савдо баланси ва хизматлар баланси тақчил бўлади. Шу билан бир вақтда даромадлар баланси ва бутун жорий тўловлар баланси қолдиғи актив. Капиталлар ҳаракати баланси тақчиллигича қолади. Хорижий инвестициялар даромадлар савдо баланси пассивлигини қоплаш ва чет элдаги янги қўйилмаларни амалга ошириш имконини беради.
- «Кекса» кредитор – мамлакатлар босқичи. Мамлакат қарздор кекса – мамлакатлардан уларга берилган қарзларни қоплаш тўловларини олиб, ўз хорижий инвестицияларини амалга оширадилар. У иқтисодий кексаяётган организм бўлиб қолади ва янги ўсиш даври олди ҳолатига келади.

Келтирилган давр тўхтовсиз давом этувчи жараён сифатида ўрганилиши мумкин эмас. Танаффуслар ҳам, доғли ҳаракатлар ҳам ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Тарихдан кўриш мумкинки, тўлов баланслари ўзгаришларида урушлар ҳам катта роль ўйнаган. Масалан, 1939-1945 йиллардаги уруш натижасида Англия қарздор мамлакат бўлиб қолди, Британия ҳукмдорлари ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатлари ёш-кредитор мамлакатлар босқичига ўтдилар.

Баланслар иқтисодий эволюциясини икки омил таъсири билан тушунтириш мумкин: техник ривожланиш даражаси ва ривожланиш суръатлари.

Тўлов балансларининг тизимли таҳлили миллий иқтисодиёт ва ташқи дунё мувозанат механизмларининг амал қилишини кузатиш ва мамлакатнинг барқарор халқаро иқтисодий мавқеини таъминловчи иқтисодий сиёсат мос келувчи йўналишларини ишлаб чиқиш имконини беради.

13.2. Иқтисодий тартиб ва миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви

Жаҳон иқтисодий тизими ўзаро боғланган, ўхшаш ёки фарқланувчи иқтисодий тартибларга эга бўлган миллий иқтисодиётларни ўзида мужассамлаштиради. Шу билан боғлиқ равишда жаҳон иқтисодий тизими ва алоҳида мамлакатлар миллий иқтисодиёти ўзаро муносабатларининг мазкур мамлакатда ўрнатилган иқтисодий тартиб ҳамда жамиятни ташкил қилиш сиёсий шакли билан белгиланадиган муаммо вужудга келади.

Шу ўринда бу муаммонинг асосий жиҳатини ажратиб кўрсатишга тўғри келади: жаҳон тизими у ёки бу мамлакат миллий иқтисодиётига нисбатан «кўпроқ қулайлик тартиби» ни ўрнатадими ёки аксинча, уни инкор қилишга интиладими, бу мамлакатнинг ёпиқ иқтисодий ва сиёсий гуруҳларга киришига йўл қўймайдими ёки қийинлаштирадими? Бу иқтисодий кучқудратга эга бўлган, ўз шартини қўя оладиган мамлакатлар ва гуруҳлар ҳукмронлик қилаётган шароитда янада долзарбдир, улар қўядиган шартларга кўра у ёки бу мамлакат жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувнинг ўзи учун қўлланиладиган шаклига қарши чиқиши мумкин.

Бу тизимга қўшилган мамлакат ё ҳукмронлик ҳолатида, ёки ҳукмронлик остидаги ҳолатда бўлиши мумкин. Зарур иқтисодий қудратга эга бўлмаган ҳукмронлик остидаги мамлакатлар учун интеграциянинг оқибатлари кўпроқ хавфлидир. У ҳукмронлик қилаётган иқтисодиёт яратаётган у ёки бу таркиблар томонидан қўйиладиган талабларни бажаришга мажбур бўлади.

Шу муносабат билан муваффақиятли стратегик ривожланиш учун шароит яратишда тактик жиҳатдан ўзи учун ҳар доим ҳам фойдали бўлмаган интеграция шартларини мажбуран бажарган Европа собиқ социалистик мамлакатлари ва МДҲ мамлакатларининг аҳволини кўрсатиш мумкин. Бу мамлакатлар иқтисодиётларининг тарихан ривожланиш узоқ даври давомида уларга ҳукмронлик қилаётган иқтисодий гуруҳлар таъсирига қарши ҳаракатнинг етарли тажрибасини тўплаш имконини бермади. Натижада жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг ҳар доим ҳам самарали бўлмаган интеграция сиёсати амалга оширилмоқда, жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда.

МДХ мамлакатларидаги ислохотларнинг боришида жаҳон тараққиётига қўшилиш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш жараёнининг етарли даражада интенсификацияси сабабларини ўрганиб, бу мамлакатлар йўл қўяётган иккита асосий хато-ни кўрсатиш мумкин.

Улардан биринчиси шундан иборатки, бу мамлакатлар томонидан жаҳон бозорлари мавҳум деб қаралади. Ва бунинг оқибатида тўғридан-тўғри, улардан биронтаси билан бирлашмаган ҳолда жаҳон бозорига киришга уруниб кўрмади.

Ислохотлар тараққий топганлигини баҳолашда йўл қўйилган иккинчи хато жаҳон ҳамжамиятига тўғридан-тўғри кириш имкониятидан келиб чиқиб, интеграция истиқболлари у ёки бу мамлакатда устун бўлган ижтимоий-иқтисодий уклад билан белгиланишини ҳисобга олмасликдир.

У ёки бу мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашиш имкониятлари ижтимоий-иқтисодий укладга ёки бошқача айтганда, иқтисодий тартибга боғлиқ эмас.

ЕИ га қўшилиш истиқболлари қатор собиқ СЭВ мамлакатлари учун биринчи навбатда бу мамлакатларнинг ижтимоий-технологик даражаси ва хом ашё имкониятлари билан белгиланади.

Гап ҳокимият тепасида ким туришида либералларми, социалистларми ёки консерваторларми ёки мамлакатнинг техник ривожланиш даражаси қандайлигида ҳам эмас. Бунда унумли иқтисодий фаолият учун шакллланган шароит у ёки бу интеграция гуруҳига киришга ўзига хос «рухсат» ҳисобланади.

1990 йилда машҳур «Фридом Хаус» ташкилоти Нью-Йоркда 1988-1990 йилларда 61 та мамлакатда ўтказилган сўровларнинг натижаларини чоп этди. Бў сўровда мамлакатлар уч тоифага ажратилади: «озод», «қисман озод», «озод бўлмаган». Бу гуруҳлар иккита асосий омилларга: сиёсий ҳуқуққа (бу ҳуқуқлар кишиларга сиёсий жараёнда эркин иштирок этиш имкониятини беради) ҳамда фуқаролик ҳуқуқига асосланадилар. Шунини таъкидлаш жоизки, бу омиллар давлат, ижтимоий ва иқтисодий тартибларнинг ўзаро алоқасини акс эттиради.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, Испания ҳам, Буюк Британия ҳам «озод» мамлакатлар тоифасига киритилди. Дунё аҳолисининг 60% дан кўпроғи деярли бир хил либерал демократияга, сиёсий ҳуқуқ ва фуқаролар эркинлиги муҳофазасининг

расман ўрнатилган кафолатлари ҳамда ўз-ўзини тартибга солиш ҳуқуқий механизмларига эга бўлган "озод" ва «қисман озод» мамлакатларда яшайди. Европа Иттифоқига кирувчи барча мамлакатлар «озод» мамлакатлар тоифасига киради. Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларнинг ривожланиш даражасига тегишли бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам бу ерда бир хил эмас. Шу билан боғлиқ ҳолда бу мамлакатларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш даражасини таҳлил қилиш қизиқарлидир. Маълумотлар кўрсатишича, биринчидан, ижтимоий ҳимоя муаммосининг ечими сиёсий тизим билан, яъни радикал бошқарув партияси даражаси билан амалда боғлиқ эмас, ва иккинчидан, трансферт тўловлари мутлоқ ҳажми нуқтаи назардан мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва бу харажатлар таркиби жиҳатидан эса боғлиқ бўлмайди. Масалан, Испанияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ижтимоий таъминот қиймати Германия кўрсаткичининг (консерватив бошқарув партиясига эга бўлган) 44% ини, Люксембургнинг (унда конституцион монархия ўрнатилган)-43,8% ини, Нидерландия Қироллигининг – 46,3% ини, Франциянинг (бу ерда ўша вақтда ҳокимият тепасида социалистлар турган) – 47,9% ини ташкил қилди.

Барча ЕИ мамлакатларида ижтимоий харажатлар таркиби тахминан бир хил. Ҳамма жойда биринчи ўринда пенсия таъминоти туради (барча маблағларнинг 30-35% и), иккинчи ўринда тиббий хизмат харажатлари жойлашган. Германияда – 30%, Францияда – 26%, Буюк Британияда – 20%.

13.2.1-жадвал

ЕИ мамлакатларида аҳоли жон бошига йиллик ҳисобланган ижтимоий таъминот (1993-1994 йилги маълумотлар бўйича)¹³

Мамлакат	Аҳоли жон бошига ижтимоий таъминот қиймати, долл.	Максимал даражага нисбатан %ларда
Дания	11840	100
Люксембург	10360	87,8
Германия	10290	86,9
Нидерландия	9800	82,8
Франция	9470	80,0

¹³ Фёдорова Т. Социальная защита населения в странах ЕС.-СПб:ЧП №29(534),1996.

Бельгия	8260	69,8
Италия	7640	67,3
Буюк Британия	6790	64,6
Испания	4640	36,3
Ирландия	4130	34,9
Греция	2530	21,4
Португалия	2130	18,0

Бунда табиийки, ҳукмрон иқтисодий гуруҳнинг мазкур гуруҳга киришга даъвогар мамлакатлар ресурсларидан бу гуруҳ иқтисодий фаолият самарадорлигини ўстириш ва демак, унинг рақобатбардошлигини ўстириш учун фойдаланишдаги манфаатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодий тизимига ва ҳукмрон интеграция гуруҳига қўшилиш иқтисодий тартиблар ва ҳукмрон иқтисодиёт ресурсларидан фойдаланишда манфаатдор бўлган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви муаммосининг бошқа томони – бу мамлакат ҳукмрон элитасининг интеграция ғояси билан қуролланиш хоҳиши (ёки имконияти) ҳисобланади. Шу билан боғлиқ қарама-қарши йўналишдаги сиёсат – ўз қобиғига ўралган сиёсатнинг асосий қоидаларини кўриб чиқишга тўғри келади.

13.2.2-жадвал

ЕИ мамлакатларида ижтимоий таъминотни молиялаштириш таркиби¹⁴

Мамлакатлар	Ёлланма меҳнат кишиларининг бадаллари %	Иш берувчилар бадаллари, %	Давлат иштироки, %
Нидерландия	47,8	23,6	28,6
Германия	31,6	42,5	25,9
Франция	29,0	53,0	18,0
Бельгия	27,6	46,8	25,6
Греция	26,2	52,8	21,0
Португалия	24,5	45,8	29,7

¹⁴ Фёдорова Т. Социальная защита населения в странах ЕС. СПб: ЧП№29 (534), 1996

Люксембург	24,1	34,3	41,6
Буюк Британия	19,4	33,7	46,9
Испания	18,1	66,1	26,6
Италия	16,2	53,0	30,0
Ирландия	15,2	24,4	60,4
Дания	5,3	7,8	86,9

Тарих тажрибаси кўрсатишича, у ёки бу мамлакат ҳар доим ҳам интеграцияга интилавермайди. Бундай сиёсат тўлиқ ёки кўп ҳолларда импортдан воз кечиш ва ўз-ўзини таъминлашга ўтишда ифодаланади. Шундай қилиб, автаркия таълимоти мамлакатнинг бошқа барча давлатлардан иқтисодий мустақиллиги учун келиб чиқади.

Автаркия сиёсатининг мақсади протекционизмнинг мақсадидан анча фарқ қилади, чунки протекционизм халқаро савдонинг фойдалилигини инкор қилмайди ҳамда барча зарур маҳсулот ва ресурслар билан тўла таъминлаш вазифасини қўймайди.

Ўз қобиғига ўралиш сиёсатини олиб бораётган давлатнинг бошқаришдан кўзлаган мақсадидан келиб чиқиб, автаркиянинг икки тури фарқланади:

1. Ўзига туташ автаркия: у урушга тайёрланиш ва уруш билан боғлиқ қатор тадбирлар кўриш билан тавсифланади;
 - импорт катта қисмидан воз кечиш ва валюта операцияларини назорат қилиш.
 - ўринбосар товарлар ва синтетик буюмлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш сиёсати (Германияда Иккинчи жаҳон урушига тайёрланиш ва уруш даврида кенг қўлланилган ўринбосар маҳсулотлардан катта миқдорда ишлаб чиқарилган);
 - мамлакат барча ишлаб чиқарувчи кучларидан тўлиқ фойдаланиш.
2. Экспансионизм автаркияси: автаркия мамлакатининг янги ҳудудларни босиб олиш (қўшиб олиш)йўли билан эга бўлган ўз ресурсларини кенгайтиришга интилади.

Автаркия сиёсати миллий иқтисодиёт амал қилиш самардорлигини пасайтиради, у туфайли мамлакат халқаро савдони ривожлантириш натижасида қўлга киритган мутлоқ ва нисбий устунлигидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмайди. Бироқ, маълум шароитларда мамлакат у ёки бу автаркия сиёсати натижасида ўзининг ресурслари ёки босиб олинган ресурсларга

эга бўлиш орқали шундай маҳсулот турларини ўзида ишлаб чиқаришни (кам самарали бўлса ҳам) ривожлантириш ҳисобига бундай сиёсат аҳолининг меҳнатда бандлигини ўстиришга ёрдам бера олади. Бундай ресурслар мавжуд бўлмаган ҳолатда автаркия сиёсати муқаррар равишда ўз аҳолиси эҳтиёжларини соддалаштиришга ёки уларни тўла қондирмасликка олиб келади. Бу кишилар турмуш даражасининг пасайишига, рационлаштириш механизмининг киритилишига олиб келади.

Шу билан бирга, импортга ҳаддан ташқари қарамлик мамлакат иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатишини ҳам кўзда тутиш керак. Шу сабабли, мамлакатнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви сиёсати мамлакатнинг иқтисодий ва демакки, миллий хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан ҳам узвий боғлиқдир.

Таянч иборалар:

1. **Иқтисодий куч-қудрат** - у миллий иқтисодиётнинг ҳукмронлик даражасини ҳамда ҳукмрон иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсир йўллари ва шаклларини ифодалайди.
2. **Ҳукмронлик даражаси** - давлатнинг товарлар, хизматлар ва капиталлар билан жаҳон талаб ва таклифидаги иштироки кўламини, мазкур давлат иқтисодиётида кўп ёки кам стратегик характердаги тармоқларнинг мавжудлигини, давлатнинг халқаро савдода шартномавий мавқеининг кучини кўрсатади.
3. **Ҳукмронлик йўллари ва шакллари** - ҳукмрон иқтисодиёт ўз ўзгаришлари билан бошқа мамлакатлардаги ўзгаришлардан илгарилаб кетади; ўз талаб ва таклифи воситасида халқаро савдога таъсир кўрсатади; божхона божларини белгилаш, валюта паритети, узоқ муддатли инвестициялар ҳажмини белгилаш йўли билан жаҳон савдосини ташкил қилиш шароитларини аниқлашда иштирок этади; ўзи учун фойдали бўлган янги бозорларни ташкил қилишга кўмаклашиш, ўзи учун ихтиёрий бўлган ташкил қилиш шундай шаклларининг бошқа мамлакатларда намоён бўлишига ёрдам бериш орқали халқаро иқтисодиёт янги таркибларини яратиши мумкин.
4. **Ўзига туташ автаркия** - бу урушга тайёрланиш ва урушнинг ўзи билан боғлиқ қатор тадбирлар кўриш орқали тавсифланади.

5. **Экспансионизм автаркияси** – бу автаркия мамлакатининг ихтиёрида мавжуд бўлган айирбошлаш ва етишмаётган ресурсларнинг ўсишини таъминлай оладиган янги ҳудудларни босиб олиш йўли билан ўз ресурсларини кенгайтиришга интилишидир.

Назорат саволлари:

1. Миллатнинг халқаро иқтисодий мавқеига таъсир кўрсатувчи омилларни сананг.
2. Мамлакатнинг ривожланиш даражаси товарлар, хизматлар, капитал халқаро айирбошлаш мазмунига қандай таъсир кўрсатади?
3. Миллий иқтисодиётнинг халқаро савдога таъсири характерини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин?
4. Агар мамлакат ичкарасида истеъмол этиладиган товарлар ва хизматлар умумий ҳажми 300 трл. сўмни, импорт бўйича тушадиган товарлар ва хизматлар ҳажми эса 30 трл. сўмни ташкил этса, миллатнинг халқаро савдога боғлиқлик коэффицентини аниқланг.
5. Мамлакатнинг экспорт ва импортга мойиллиги қандай аниқланади?
6. «Импорт ва экспортнинг нархлар ва даромадларга нисбатан эластиклиги» кўрсаткичи қандай саволга жавоб бўлади?
7. Миллатнинг халқаро айирбошлашдаги иштирокига йирик иқтисодий гуруҳлар фаолиятининг таъсирини баён қилинг.
8. Давлат мамлакатнинг халқаро айирбошлашдаги иштирокига қандай аралашади?
9. Иқтисодий куч-қудрат нима ва у қандай тавсифланади?
10. Мамлакатнинг «Ёш қарздор - мамлакатлар» босқичидаги аҳволи ва фаолиятини баён қилиб беринг.
11. «Ўсмир қарздор – мамлакатлар»;
12. «Кекса қарздор - мамлакатлар»;
13. «Ёш кредитор - мамлакатлар»;
14. «Ўсмир кредитор - мамлакатлар»;
15. «Кекса кредитор - мамлакатлар» босқичларидаги аҳволи ва фаолиятини баён қилинг.

16. Мамлакат жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашишга уринганда қандай ҳолда «кўпроқ қулайликлар тартиби» га эриша олади?
17. Мамлакат миллий иқтисодиётининг жаҳон тараққиётига қўшилишини белгилловчи омил қайси?
18. Мамлакатнинг жаҳон иқтисодий ҳамкорлигидан узилиши сиёсатининг мазмуни нима?
19. Автаркиянинг қандай шакллари мамлакатлар томонидан қўлланилади ва қандай шароитларда?

XIV БОБ. МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ

14.1. Иқтисодий хавфсизлик тушунчаси

Иқтисодий хавфсизлик – бу жаҳон иқтисодий тизимида ёки мамлакат ичкарисида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ёки экологик характердаги форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлишига қарамай, мамлакатнинг моддий неъматларга бўлган ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи миллий иқтисодиётни мавжудлигидир.

Иқтисодий хавфли ҳолатлар давлатлараро муносабатларнинг кескинлашуви, ҳарбий низоларнинг вужудга келиши, ички сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, ижтимоий кескинликнинг кучайиши, мамлакатдаги демографик вазиятнинг кескин ўзгариши, у ёки бу ҳукмрон иқтисодий иттифоқларнинг камситувчилик таъсирининг кучайиши ҳамда мамлакат ичкариси ва ташқарисида товарлар, хизматлар ҳамда капиталлар бозорида рақобат курашининг кучайиши, ҳаётий муҳим ресурслар захираларининг тугаб қолиши, мамлакатда ва хорижда стихияли офат ва экологик фалокатларнинг юзага келиши ва ҳ.к. лар натижасида вужудга келиши мумкин.

Мамлакатнинг ҳукмрон иқтисодиёт (ёки ҳукмрон мамлакатлар иқтисодий гуруҳлари) га боғлиқлик даражаси хавф солаётган миллий суверенитетнинг йўқолиши, иқтисодий кучқудратнинг анча сусайиши, миллат турмуш даражасининг кескин пасайиши ёки мамлакатнинг глобал стратегик мақсадларига узилишлар билан эришиши меъёрдан ошмаганда иқтисодий хавфсизликка эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси

хавфсизлик Кенгаши томонидан миллий иқтисодиёт ҳолатини мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан тавсифловчи кўрсаткичлар расман эътироф этилган. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига боғлиқлик даражасининг миқдорий чегарасини баҳолаш бир вақтда амал қилувчи, таъсир ноаниқлигининг юқори даражасига эга бўлган зиддиятли омиллар сонининг кўплиги туфайли жуда қийин. Мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш учун бу чегаранинг табақалашган миқдорини бериш ундан ҳам қийиндир. Масалан, агар озиқ-овқат импортининг мамлакатда истеъмол қилинадиган маҳсулотлар умумий ҳажмидаги салмоғи бу маҳсулотлар қиймати бўйича 40% ёки 70% дан ошса, миллий мустақилликка хавф туғилиши муқаррар, деган фикрга келмаслик керак. Бу ҳолда қайси маҳсулотлар ҳақида гап бораётганлигини билиш зарур. Миллий иқтисодиётнинг халқаро савдога боғлиқлик даражаси тўғрисидаги баъзи тасаввурлар бир мунча аниқроқ кўрсаткичларни бериши мумкин. Масалан, «импортга ўртача мойиллик» кўрсаткичи ўрнига «импортга маржинал (чекланган) мойиллик» кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин, у миллий даромаднинг ўсиши натижасида импортнинг ўсишини кўрсатади.

$$S_{\text{имп } K} = \frac{\Delta M}{\Delta R}$$

Бу ерда ΔM - миллий даромаднинг агрегатлашган пул бирлиги миқдорида ўсиши шароитида импортнинг қўшимча ўсиши, ΔR -миллий даромаднинг бир агрегатлашган пул бирлиги миқдорида қўшимча ўсиши.

Бу кўрсаткич импорт ҳажмининг миллий даромад ҳажмида тебраниш имкониятини ифодалайди. Тахминан тенг иқтисодий қувватга эга бўлган саноати ривожланган мамлакатлар импортга амалда бир хил чекланган мойилликни намоён қиладилар. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиш ва табақалашув даражаси (масалан, АҚШ) қанчалик юқори бўлса, импортга чекланган мойиллик шунчалик кам бўлади. Бу мазкур мамлакатларнинг ўзини-ўзи зарур хусусий ресурслар билан, шу жумладан, кўпроқ қимматли машина ва ускуналар билан таъминлаш имконияти орқали изоҳланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашё ишлаб чиқарувчи мамлакатларда эса бошқача манзара кузатилади. Бу мамлакатлар қимматбаҳо ускуна ва машиналарни импорт қилишга мажбур. Шу сабабли мамлакат нисбатан арзон (машина ва ускуналарга таққосланган) маҳсулотлар кичик миқдорини ишлаб чиқаришга қанчалик кўп ихтисослашса, қўшимча миллий даромад ҳар бир бирлигига импорт маҳсулотлар учун қўшимча харажат қилишларига тўғри келади.

Бироқ миллий иқтисодиётни халқаро савдога боғлиқлик даражаси ҳақидаги саволга унинг иқтисодий хавфсизлиги нуқтаи назаридан жавоб бериш учун мазкур таҳлилни тўла тан олиш мумкин эмас. Товар ва хизматларнинг номлари бўйича гуруҳларига кўра импорти ва экспорти таркибини уларнинг мамлакат миллий хавфсизлиги учун стратегик аҳамияти нуқтаи назаридан ҳисобга олиш зарур. Демак, ҳар бир мамлакат учун халқаро савдонинг потенциал объекти ҳисобланган товарлар гуруҳининг “стратегик аҳамияти” нинг ўзига хос тушунчаси аниқланиши керак. Бунда миллий хусусиятлар, мамлакат аҳолисининг менталитети, мамлакатнинг хусусий ресурслари ҳажми ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосининг бошқа томони миллий иқтисодиётнинг, мамлакатнинг моддий неъматларга бўлган ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириш лаёқатига ички омиллар таъсирини баҳолаш ҳисобланади.

Ички тартибдаги муҳим омиллардан бири жамиятдаги ижтимоий кескинликнинг вужудга келиши ҳисобланади, у мамлакат иқтисодий ривожланиши стратегик мақсадларининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Мамлакатдаги ижтимоий кескинликни бартараф этиш учун турли даражадаги бюджетлар (федерал, маҳаллий) дан устун даражада молиялаштириладиган турли ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу дастурларни молиялаштиришнинг асосий манбаи ижтимоий суғурта эҳтиёжларига йўналтириладиган иш ҳақиға солиқ ҳисобланади. Солиқнинг айнан шу тури жамиятнинг “ижтимоий хавфсизлиги” ни таъминлайди. Ҳозирги пайтда солиқ тушумларидан олинадиган даромадлар умумий ҳажмида бу солиқнинг салмоғи ўсмоқда. Масалан, АҚШда ижтимоий суғуртага солиқ тушумлари Федерал Ҳукумат умумий даромадларининг 23,3% ини ташкил этади, бу

капиталга солинган солиқдан (22,5%) олинган даромаддан ошиб кетади.

Турли мамлакатларда солиқлар таркиби турлича, бироқ Бельгия, Франция, Германия, Италия ва Нидерландия каби мамлакатларда бу солиқ ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий хавфсизликни таъминлаш харажатлари Буюк Британия, Канада, АҚШ дагига қараганда анча юқори. Франция, Италия, Греция каби мамлакатларда бу солиқлар ЯММ ва фойда солиғига қараганда анча катта салмоқни ташкил этади.

Баён қилинганлардан шу келиб чиқадики, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун солиққа тортишнинг мамлакат стратегик мақсадларига эришишда миллий манфаатлар уйғунлашувига ёрдам берадиган таркибини таъминлаш зарур.

Ниҳоят, мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг экологик жиҳатига ҳам эътибор қаратиш зарур. Бу иқтисодий хавфсизлик мамлакат эга бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ҳамда маълум бир давлатлар ва миллий иқтисодий субъектлар томонидан “экологик экспансия” натижасида ҳам бузилиши мумкинлигини кўрсатади.

Ресурслардан самарали фойдаланмасликка қарши чора ҳақида шуни айтиш мумкинки, у иқтисодий субъектларни ресурсларни тежашга рағбатлантирувчи кафолатлар ва жазолашларни бирга қўшиб олиб бориш йўли билан миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари доирасида амалга оширилиши мумкин.

“Экологик экспансия” муаммоси нисбатан қийинроқ ҳал қилинади. Бу муаммонинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатамиз: ички ва ташқи.

Ички “экологик экспансия” иқтисодий субъектлар – мамлакат резидентлари ва норезидентлари томонидан иқтисодий фаолият экологик қоидаларининг бузилишида намоён бўлади, бу ЯММ нинг катта йўқотишларига, демак эса турмуш даражасининг ҳам пасайишига олиб келади. Бунга қарши ҳаракат мамлакат ичкарасидаги ҳокимият таркибларининг табиатни муҳофаза қилувчи қонунни бузувчиларга иқтисодий ва ҳуқуқий жазоларни кўзда тутувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар доирасида амалга оширилади.

Ташқи “экологик экспансия” мамлакат худудига ифлослан-тирувчи моддаларни бошқа мамлакатлардан трансчегаравий кўринишда ўтказилишида намоён бўлади. Зарарли ва хавфли моддаларни трансчегаравий ўтказиш муаммосини мамлакат доирасида ечиш мумкин эмас. Шу сабабли мамлакатнинг БМТ даражасидаги халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларидаги интенсив фаолияти хусусан, атроф - муҳитни муҳофаза қилиш бўйича БМТ дастуридаги (ЮНЕП) иштироки зарур. Мос келувчи халқаро битимларнинг қабул қилиниши ва уларнинг барча иштирокчи – мамлакатлар томонидан бажарилиши экологик фалокатларни бартараф қилиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш билан боғлиқ харажатларда ёрдам беради.

Шундай қилиб, мамлакат иқтисодий хавфсизлигига хавф туғдирувчи, форс – мажор ҳолатларни юзага келтирувчи сабаблар бир нечадир. Бироқ бу сабабларни асос бўлувчи сабаблар, деб ҳисоблаш мумкин. Давлатнинг иқтисодий куч-қудрати унинг жаҳон иқтисодий тизимидаги мавқеининг асоси ҳисобланади.

Мамлакат миқёсидаги иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш усуллари ва рақобатбардошлик таҳлили нима учун мамлакатлар рақобатида бирлари ғолиб чиқсалар, бошқалари ютқазадилар ва аниқроқ қилиб айтганда, нима учун бир мамлакат ҳукмронлик ҳолатида бўлади ва шу сабабли ҳукмронлик остидаги мамлакатларда уларнинг иқтисодий хавфсизлигига хавф туғдириб, иқтисодий интервенцияни амалга оширади, нима учун ҳукмронлик остидаги мамлакатлар ўзларининг жаҳон иқтисодий тизимидаги мавқеини йўқотиб, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини жиддий кечинмаларга йўл қўйиб, кенг кўламдаги импортга интилишга мажбур бўладилар, деган саволга жавоб беради.

Биз шундай хулоса қилишимиз мумкинки, давлатнинг миллий иқтисодиёт етакчи тармоқларининг стратегик узоқ даврда “миллий ромб” барча детерминантлари таъсири билан белгиланадиган иқтисодий фаолият йўналишларини доимий ривожлантириш ҳисобига ташқи бозорларда қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитларни яратиш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолияти мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Давлатнинг айнан шундай фаолияти иқтисодий экспансияга қарши ҳаракатга ҳамда миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқти-

содий тизимидаги ва мамлакат ичкарасидаги форс-мажор ҳолатларидан мустақиллик даражасини кучайтиришга ёрдам беради.

14.2. Миллий иқтисодиётнинг рақобатдаги устунлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун давлат томонидан қўлланилиши мумкин бўлган баъзи чоратадбирларни “миллий ромб” детерминантлари бўйича гуруҳлаб ўрганамиз.

А. Ишлаб чиқариш омиллари параметрлари.

Маълумки, ишлаб чиқариш омиллари умумий ва махсус омилларга бўлинади. Давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун биринчи навбатда миллий иқтисодиёт барча тармоқлари учун умумий ишлаб чиқариш омилларининг ривожланишини тартибга солувчи таъсирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак. Махсус омиллар турли даражадаги иқтисодий субъектларнинг ўз кучлари билан самарали ривожланади.

Ишлаб чиқариш умумий омилларининг ривожланишида давлатнинг асосий ҳаракатлари қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Жамиятнинг моддий неъматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларининг самарали ва сифатли қондирилишини таъминлайдиган миллий иқтисодиёт тармоқларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари унсурлари мажмуасининг юқори техник даражасини қўллаб-қувватлаш;
- 2) Такрор ишлаб чиқариладиган моддий ресурслар ҳажмининг ва фойдаланиш даражасининг доимий кенгайиши ва такрор ишлаб чиқарилмайдиган моддий ресурсларни жамғариш, стратегик ресурслар давлат заҳирасини яратиш ҳамда ресурс - субститутлар янги турларини излаш ва яратиш;
- 3) Миллий иқтисодиётни ривожлантриш стратегик мақсадларининг ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлай оладиган кадрлар салоҳиятини доимий кучайтириш;

- 4) Миллий иқтисодиётни самарали амал қилишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш инфратузилмасини (фан, транспорт, алоқа, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар) такомиллаштириш ва ижтимоий инфратузилмани (таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик) кенгайтириш;
- 5) Иқтисодий куч-қудратга эришиш стратегик мақсадларига кўра иқтисодий фаолият барча томонларини инвестициялаш учун молиявий ресурсларни доимий кенгайтириш.

Б. Фирма стратегияси, уларнинг таркиби ва рақобатчилиги қуйидагилар билан асосланади:

- 1) Рақобатли иқтисодий тартиб ҳукмрон гуруҳлари томонидан биринчи тартибдаги моддий неъматларнинг ишлаб чиқарилишини таъминловчи миллий иқтисодиёт тармоқларида қонунийлаштирувчи ва тартибга солувчи тамойилларга кўра чоралар кўриш;
- 2) Антимонопол фаолият ва кучли иқтисодий таркиблар ва гуруҳларнинг ҳукмронлик қилишига ва фирром рақобатга йўл қўймасликка қаратилган фаолиятни қонунийлаштириш;
- 3) Миллий иқтисодиётнинг биринчи тартибдаги моддий неъматларни ҳамда юқори тартибдаги (мудофаа тармоқларининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда) неъматлар ишлаб чиқариш тармоқларида корхоналарни устун даражада хусусийлаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- 4) Ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тамойилларини миллий иқтисодиёт корхона ва тармоқлари даражасидаги иқтисодий стратегияни менежмент томонидан ўзлаштиришга қаратилган таълим дастурларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- 5) Синишга учраган корхоналарни соғломлаштиришни ва бозорни ночор тадбиркорлардан тозалаш жараёнларини қонунийлаштириш;
- 6) Жаҳон бозорида рақобатдаги устунликка эга бўлган, товар ва хизматлар бўйича экспорт салоҳиятини муҳим даражада кенгайтирувчи миллий иқтисодиёт корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

В. Талаб параметрлари:

- 1) Миллий иқтисодиёт корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ҳамда импорт қилинаёт-

ган товар ва хизматлар сифатига истеъмолчиларнинг талабчанлигини ўстиришга кўмаклашадиган уларнинг ҳуқуқларини қонуний ҳимоялашни таъминлаш;

- 2) Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва уларга бу соҳада қонуний ташаббус ҳуқуқини бериш;
- 3) Чет эл ва миллий ишлаб чиқариш товарлари ва хизматларига мувозанатлашган талабни шакллантиришга ёрдам берадиган нарх сиёсатини бу товарларга бўлган талаб ва тақлиф эластиклиги нисбатини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш;
- 4) Фуқароларнинг харид қобилиятини ўстиришга ва бунинг оқибатида уларнинг товарлар ва хизматлар сифатига талабчанлигини ўстиришга кўмаклашадиган даромадлар даражасини давлат томонидан тартибга солиш.

Г. Турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар.

- 1) Иқтисодий фаолият стратегик муҳим тармоқларининг амал қилиши учун зарур бўлган асосий ресурс турлари бевосита ва билвосита импортига миллий иқтисодиёт ўзаро боғланган тармоқларининг потенциал боғлиқлигини барта раф қилиш мақсадида комплекс ривожлантириш давлат сиёсатини амалга ошириш;
- 2) Миллий иқтисодиётнинг импорт ўрнини босадиган тармоқларига нисбатан ички ва ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигидан паст бўлмаган доирада давлат томонидан протекционистик сиёсат олиб бориш;
- 3) Давлат томонидан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, экологик характердаги глобал стратегик мақсадларга самарали эришиш ҳамда товарлар ва хизматлар экспорти билан боғлиқ транспорт харажатларини пасайтириш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ўстиришга шароит яратишга қаратилган мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ҳудудий жойлаштиришни тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш.

Юқорида келтирилган гуруҳларда саналган тадбирларни комплекс ҳолда миллий иқтисодиётнинг рақобатдаги устунлигини таъминлаш давлат дастури асосида амалга ошириш керак. Бу тадбирлар аниқ параметрлар бўйича ҳам, уларни амалга ошириш вақти бўйича ҳам мувофиқлаштирилиши керак. Бу ҳол-

да миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимида рақобатбардошлигини ўстириш ва шу асосда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг синергетик самарасига эришиш мумкин.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлилигини қўллаб-қувватлаш давлат стратегияси потенциал рақобатга чидамли тармоқларни излаш ва “кўтариш” га қаратилган бўлиши керак. Бунга ўхшаш тармоқларни излаш рақобатдаги афзаллик детерминантларини уч даража бўйича: мамлакат - тармоқ - фирма бўйича тадқиқ этиш асосида амалга оширилади. Потенциал рақобатга чидамли тармоқларни “кўтариш” сиёсати босқичма-босқич амалга оширилади, пастки бўғинлардаги тармоқларнинг рақобатдаги устунлиги қўшимча ресурсларни яратади, бу ресурслар юқори бўғинлардаги тармоқларнинг рақобатдаги устунлиги даражасини ўстириш учун фойдаланилади, бундан кейин бу цикл яна такрорланади.

14.3. Миллий иқтисодиётни импорт интервенциясидан ҳимоялаш таъминлари

Миллий иқтисодиётни импорт интервенциясидан ҳимоялашнинг асосий воситалари бўлиб, ҳозирги пайтда ташқи савдода божхона тарифларини ва миқдорий чеклашларни белгилаш ҳисобланади.

Божхона тарифларини белгилаш.

Божхона тарифларини белгилашнинг қуйидаги усуллари фарқланади:

- божхона божлари,
- махсус божхона тартиблари,
- яримбожхона характеридаги божлар.

А. Божхона божлари давлат томонидан товарларни чегарадан олиб ўтиш пайтида протекционистик ёки фискал мақсадларда улардан ундириладиган солиқларни ўзида му-

жассамлаштиради. Белгиланган божхона божлари мажмуини божхона тарифлари ташкил этади.

Божхона тарифи тариф автоном (мухтор) лиги тамойили асосида ёки шартнома бўйича ўрнатилиши мумкин. Тариф автономлиги тамойилига кўра мамлакат мустақил равишда тарифни белгилайди ва ўз ташаббуси билан уни ўзгартириши мумкин. Шартнома тарифи халқаро келишувлар натижаси, савдо шартномаси ёки икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги савдо келишуви предмети ҳисобланади ҳамда шартнома тузаётган томонлардан бири томонидан ихтиёрий тарзда, шартнома ёки битим амал қилиш муддати тугамагунча ўзгартирилиши мумкин эмас. Божхона тарифи одатда, фақат парламент томонидан белгиланиши ва ўзгартирилиши мумкин, бироқ мамлакат ҳукуматига ҳам тегишли ҳуқуқ берилади.

Б. Махсус божхона тартиблари алоҳида ҳолатларда ўрнатилади:

- мамлакат ҳудудига киритилаётган товарларга солинадиган транзит божлари тартиби;
- вақтинчалик омборлаштириш тартиби, агар товарлар кейин реэкспорт қилинса, уларнинг мамлакатга божсиз киритилиши кўзда тутилади;
- миллий саноат томонидан қайта ишланиши ва маълум вақт ичида реэкспорт қилиниши зарур бўлган товарларни вақтинчалик божсиз киритиш;
- божларни қайтариш тартиби, у хом ашё товарларини киритишда олинadиган бож бу хом ашёдан фойдаланиб, тайёрланган маҳсулотни чиқаришда қайтаришдан иборат.

В. Яримбожхона тавсифига эга бўлган божлар. Мавжуд божхона божларига қўшимча фавқулодда ҳолатлардаги йиғимларни ўзида мужассамлаштиради. Уларни уч асосий тоифага киритиш мумкин:

- Фискал компенсацион солиқлар: улар мамлакат ичкари-сида шунга ўхшаш импорт қилинаётган товарларга солинади (масалан, ҚҚС).
- Юқори солиқлар – камситилган мавқега эга бўлган мамлакатлар товарларига белгиланади.
- Антидемпинг божлар экспортда ёки валюта мукофоти шароитида (девальвация натижасида) қўллаб-

қувватлаш билан фойдаланиладиган хорижий товарларга белгиланади.

Божхона божларини ундириш оқибатлари нархлар миқдори ва даромадлар таъсири кўринишида намоён бўлади.

Ташқи савдода миқдорий чеклашлар икки кўринишда: тақиқлаш ва контингентлаш кўринишида намоён бўлади.

Тақиқлаш – маълум товарларни киритишда санитар ёки руҳий тушунтириш орқали амалга оширилади.

Контингентлаш шундан иборатки, маълум давр давомида товарни ҳукуматлар томонидан белгиланадиган муайян миқдордан юқори миқдорда киритиш тақиқланади.

Контингентлаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Тарифли контингентлаш: импорт маълум миқдорига имтиёзли божхона божи ўрнатилади. Белгиланган даражадан ортиқ киритилган товарлардан эса қўшимча бож ундирилади.
- Бир томонлама контингентлаш: маълум давр давомида импортнинг энг кўп ҳажми белгиланади.
- Лицензия бериш йўли билан контингентлаш. У импортни бутун давр давомида бир текис тақсимлаш ва барча импортёрлар билан тенг нисбатда бўлиш имконини беради.
- Икки томонлама контингентлаш: импортнинг маълум ҳажми белгиланади, лицензияни тақсимлаш эса хорижий давлатга унинг учун белгиланган контингент доирасида топширилади.
- Аралаш контингентлаш. Давлат импорт хом ашё нисбатини белгилайди, бу миллий буюмларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Контингентлаш имтиёз бераётган хорижий мамлакатлар фойдасига савдо оқимларини йўналтиради, у икки томонлама алоқаларнинг кучайишига ёрдам беради.

14.4. Хорижий давлатлар томонидан иқтисодий экспансияга қарши қаратилган тадбирлар

Иқтисодий экспансияни бартараф этиш бўйича давлатнинг асосий ҳаракатлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- 1) Иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимида мамлакат норезидентлари томонидан уни иқтисодий куч-қудратининг асосини ташкил этувчи стратегик муҳим объектларни харид қилишни (акциялар назорат пакетига эга бўлиш) тугатишга қаратилган тадбирларни киритиш;
- 2) Иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимида стратегик муҳим хом ашё, материаллар ва бирламчи энергия берувчилар экспортини контингентлашга қаратилган тадбирларни киритиш;
- 3) Мамлакатни олтин валюта заҳираси билан тўлдириш ва уни сарфлаш ҳамда унинг ташқи қарзи даражаси устидан қаттиқ давлат назорати ўрнатиш;
- 4) Иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимида хорижий шериклар билан улар томонидан рақобатбардошлилик даражасини пасайтиришга ёки уни потенциал рақобатчи сифатида халқаро бозордан чиқаришга қаратилган уринишларнинг олдини олувчи битимлар тузиш жараёни устидан назоратни кучайтиришга қаратилган тадбирларни киритиш;
- 5) Миллий иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоқларида мамлакатнинг иқтисодий ва фан – техника салоҳияти тўғрисида конфеденциал ахборот муҳофазаси тартибининг қаттиқлашуви ҳамда патент-лицензия фаолияти самарадорлигининг ўсиши;
- 6) Капиталлар оқиб чиқиб кетиши ва “ақл оқими” га барҳам беришга қаратилган иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Табиийки, юқорида келтирилган мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш тадбирлари тўла-тўқисликка даъво қила олмайди. Миллий иқтисодиёт ва жаҳон иқтисодий тизимида вужудга келаётган аниқ вазиятлардан келиб чиқиб, бу вазиятларга мос иқтисодий экспансия, импорт интервенциясига қарши миллий иқтисодиётнинг рақобатга чидамлилигини ўстириш ҳамда жаҳон иқтисодий тизими ва миллий иқтисодиётда юзага келаётган форс-мажор ҳолатларидан компенсациялаш тадбирлари амалга оширилиши керак.

Таянч иборалар:

1. **Иқтисодий хавфсизлик** – бу жаҳон иқтисодий тизимида ёки мамлакат ичкарисида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ёки экологик характердаги форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлишига қарамай, мамлакатнинг моддий неъматларга бўлган ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи миллий иқтисодиёт ҳолатидир.
2. **Импортга маржинал мойиллик** – миллий даромаднинг ўсиши натижасида импортнинг ўсишини кўрсатадиган иқтисодий кўрсаткич.
3. **Товарлар гуруҳининг стратегик аҳамияти тушунчаси** – бу миллий хусусиятлар, мамлакат аҳолисининг менталитети, мамлакат ресурслари ҳажми ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинган товарлар гуруҳидир.
4. **Ижтимоий хавфсизлик** - мамлакатдаги ижтимоий кескинликни бартараф этиш учун турли даражадаги бюджетлардан (федерал, маҳаллий) устун даражада молиялаштириладиган ижтимоий дастурлар бўлиб, молиялаштиришнинг асосий манбаи иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобланади.
5. **Экологик экспансия** – мамлакат эга бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ҳамда маълум бир давлатлар томонидан атроф- муҳитнинг бузилиши ҳолатидир.
6. **Импорт интервенцияси** – бу хорижий мамлакатларнинг арзон ва сифатли товарлари билан миллий бозорни эгаллашга уриниши ҳамда миллий иқтисодиётнинг хориж товар ва хизматларига қарам бўлиб қолиши муайян ҳолатидир.
7. **Божхона тарифи** – давлат томонидан товарларни чегарадан олиб ўтиш пайтида протекционистик ёки фискал мақсадларда белгиланган божхона божларидир.
8. **Божхона божлари** – давлат томонидан товарларни чегарадан олиб ўтиш пайтида протекционистик ёки фискал мақсадларда улардан ундириладиган солиқлардир.
9. **Яримбожхона тавсифига эга бўлган божлар** – мавжуд божхона божларига қўшимча фавқулодда ҳолатлардаги йиғимларни ўзида мужассамлаштиради.
10. **Контингентлаш** – маълум давр давомида товарни ҳукуматлар томонидан белгиланадиган муайян миқдордан юқори миқдорда киритишнинг тақиқланишидир.

Назорат саволлари:

1. «Иқтисодий хавфсизлик» деганда нимани тушунасиз?
2. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига боғлиқлик даражаси чегарасини аниқлашнинг қандай таъмоиллари мавжуд?
3. Миллий иқтисодиётнинг импортга маржинал мойиллиги деганда нимани тушунасиз? Бу кўрсаткич саноати ривожланган ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва минерал хомашё ишлаб чиқарувчи мамлакатлар учун қандай фарқланади?
4. «Ижтимоий хавфсизлик» тушунчаси нимани ифодалайди ва унга эришиш қандай молиялаштирилади?
5. Мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг экологик жиҳати нимадан иборат?
6. Ишлаб чиқариш умумий омилларига нисбатан давлат фаолиятининг устуворликлари қайсилар?
7. Потенциал харидорлар талабининг юқори параметрларини таъминлаш учун давлат қандай тадбирлар кўриши керак?
8. Миллий иқтисодиётнинг турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқларини комплекс ривожлантиришни таъминлаш учун давлат аралашуви қайси йўналишларда бориши керак?
9. Миллий иқтисодиётни импорт интервенциясидан ҳимоялашнинг асосий воситаси нималардан иборат?
10. Божхона тарифлари ва махсус божхона тартиблари бири-биридан қандай фарқланади?
11. Яримбожхона тавсифидаги божлар қандай шароитларда қўлланилади?
12. Ташқи савдода миқдорий чекловларнинг қандай шакллари бор?
13. Контингентлаш шакллари ва унинг халқаро савдо жараёнларига таъсири қандай баҳоланади?
14. Хорижий давлатларнинг иқтисодий экспансиясига қарши қаратилган тадбирлар қайсилар?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил 5-январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. “Ўзбекистон овози” газетаси, 1994 йил 22 январь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида” ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 1997 йил 7 октябрь.
4. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. Т.: «Адолат»,1992.
5. «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2 июль 1992 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.: «Адолат»,1992.
6. «Ўзбекистон пул тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 7 май 1993 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.: «Адолат»,1993.
7. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 15 февраль 1991 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.: «Адолат»,1993.
8. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 3 сентябрь 1993й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.: «Адолат»,1993.
9. «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 7 май 1993й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.: «Адолат»,1993.
10. Вазирлар Маҳкамасининг жисмонийи шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги 154-сонли қарори. Фидокор, 2002 й. 6-май.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги Қонуни». Халқ сўзи, 2003 й. 7-февраль.
12. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш. Валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори. Халқ сўзи, 2000 й.30 июнь.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. Халқ сўзи, 2003 й. 5 февраль.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони. Халқ сўзи, 2003 й. 5 февраль.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, Халқ сўзи, 2003 й. 28 январ.
16. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида» ги Қонуни, Халқ сўзи, 2003 й. 23 январь.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т.: “Ўзбекистон 1993.
19. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи. Т, “Ўзбекистон”,1994.-72 б.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
21. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон»,1997.
23. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.Т.: «Ўзбекистон», 1999.
24. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
25. Каримов И.А. Миллий мафкура давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи

- (Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишланган илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ), 2000 й. 6 апрель, «Халқ сўзи» газетаси, 2000 й. 7 апрель.
26. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. «Фидокор», 2000 й 8 июнь.
 27. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. «Халқ сўзи», 2001 й. 15 февраль.
 28. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 й. 17 феврал.
 29. Австрийская школа в политической экономии: Менгер, Е.Бем-Баверк, Ф.Визер: Пер.с нем. – М.: Экономика, 1992.
 30. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география: Понятийно-терминологический словарь. – М.: Мўсль, 1983.
 31. Александр Второй: Воспоминания. Дневники. – СПб: Пушкинский фонд, 1995.
 32. Аткинсон Э.Б, Стиглиц Дж.Э.Лекции по экономической теории государственного сектора: Учебник: Пер с англ. Под.ред.Л.Л.Любимова. – М.: Аспект Пресс, 1995
 33. Барр Р. Политическая экономия в 2-х томах: пер.с фр. – М.: Международные отношения, 1994.
 34. Блауг М. Экономическая мўсль в ретроспективе: Пер.с англ. 4-е изд. – М.: Прогресс, 1993.
 35. Бушуев С.В. История государства Российского: Историко-библиогр. очерки. Кн.вторая. XVII – XVIII вв./ РГБ. – М.: «Кн. палата», 1994.
 36. Бузгалин А.В. Переходная экономика. - М.: «Таурус», 1995.
 37. Градов А.П. Отраслевая дифференциация и специализация производства в машиностроении. – Л.: Машиностроение, 1976.
 38. Градов А.П. Самофинансирование, самоокупаемость, хозрасчет: С чего начать? – Л.: Лениздат, 1988.
 39. Градов А.П. Национальная экономика. СПб: Специальная литература. 1997.
 40. Экономическая стратегия фирмў. Учебное пособие/Под ред. Градова А.П. – СПб.: Специальная Литература, 1995.

41. Донченко В.К. Экономическая интеграция. Ч.1. Социально-экономическѳе аспекты экологической интеграции России в мировое сообщество. – СПб.: НИЦЭБ РАН, 1995.
42. Дэниельс Дж.Д., Радеба Ли Х. Международнѳй бизнес: внешняя среда и деловѳе отношения: Пер.с англ. 6-е изд. – Дело ЛТД, 1994.
43. История социалистической экономики. Хозяйственнѳе реформѳ 1920 - 1990гг. Учебное пособие/ А.Н.Макарова и др. – М.: Закон и право, ЮНИТИИ, 1995.
44. История социалистической экономики СССР в 7-и тт. – М.: Наука, 1976.
45. Ишмухаммедов А.Э., Асқарова М. Ўзбекистон миллий иқтисодиѳти. Т., 2003.
46. Ишмухаммедов А.Э., Суннатов М Жаҳон хўжалигига интеграция. Т., 2003.
47. Ишмухаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик. Т., 2003.
48. Карлик Е.М., Градов А.П. Экономическая эффективность концентрации и специализации производства в машиностроении: Основѳ теории и методики. – 2-е изд. перераб. и доп. – Л.: Машиностроение, 1983.
49. Костомаров Н.И. Русская история в жизнеописаниях ее главнейших деятелей. Книга III. – М.: АО Книга и бизнес, 1992.
50. Кротов М.И., Бляхман С. Структурнѳе реформѳ и интеграция в СНГ/ Вестник межпарламентской ассамблеи, №3 (10), 1995.
51. Экономические механизмы /А.Кульман: Пер.с фр. – М.: АО Прогресс, 1993.
52. Курс экономической теории. Учебное пособие/ Обх.ред.М.Н.Чепурин, Е.А. Киселева. – Киров, МГИМО МИД РФ, 1994.
53. История социалистической экономики. Хозяйственнѳе реформѳ 1920 - 1990гг. Учебное пособие/ А.Н.Макарова и др. – М.: Закон и право, ЮНИТИИ, 1995.
54. Маршалл А. Принципѳ экономической науки, в 3-х тт.: Пер.с англ. – М.: Прогресс, 1995.
55. Ойкен В. Основнѳе принципѳ экономической политики: Пер.с нем./ Обх.ред.О.Лациса. – М.: Прогресс, 1995.
56. Портер М. Международная конкуренция: Пер. англ./ Под ред. В.Д.Хетинина. – М.: Международнѳе отшошения., 1993
57. Рахимова М. Хўдуд ва маҳаллий хўжалик иқтисодиѳти. Т., 2003.

58. Сакс Дж. Рыночная экономика и Россия: Пер. с англ./ ВВСМРМ. – М.: Экономика, 1994.
59. Струве П.Б. Критические заметки к вопросу об экономическом развитии России. –СПб, 1894.
60. Системный анализ в экономике и организации производства: Учебник/ С.Валуев, В.Волкова, А.Градов и др. – Л.: Политехника, 1991.
61. Совершенствование хозяйственного механизма. Сборник документов. – М.: Правда, 1982.
62. Соловьев С.М. Чтения и рассказы по истории России. – М.: Правда, 1989.
63. Туган-Барановский М.И. Русская фабрика. Т., 1. – М. Л.: Гос.соц.экон.изд., 1934.
64. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалези Р. Экономика: Пер.с англ. – М.: Дело ЛТД, 1993.
65. Экономическая стратегия фирм. Учебное пособие/Под ред. Градова А.П. – СПб.: Специальная Литература, 1995.
66. Экономические механизмы/ А.Кульман: Пер.с фр. – М.: АО Прогресс, 1993.
67. Долан Э.Дж., Линдсей Д. Рынок: микроэкономическая модель / Пер. с англ. – СПб., 1992.
68. Власть и реформа. От самодержавной к советской России. –СПб.: РАН. Ин-т российской истории, Санкт-Петербургский филиал, 1996.
69. Экономическая история зарубежных стран. Курс лекций /Н.И.Полетаева, В.И.Голубович, Л.Ф.Пашкевич и др.; под обх.ред. В.И.Голубовича. – М.Н.: НКФ «Экоперспектива», 1996.
70. Узбекистон Мустақиллик йилларида. Т. Узбекистон, 1996. 107 б.
71. Тўхлиев Н. Узбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т. «Узбекистон миллий энциклопедияси» 1998.
72. Социально –экономическое положение России.1996 год. Гос.ком. РФ по статистике. – М.:№12.
73. Социально –экономическое положение Республики Узбекистан за 1998. 1999, 2000, 2001 год
74. Деятельность Всемирного банка в Средней Азии и Азербайджане. Отчет Всемирного банка. М.: 1996 г.
75. Доклад Азиатского Банка развития. – Манила, 1998 г.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва ўсиш суръатлари¹⁵ (жорий нархларда, млрд. сўм)

	2001 йил	2000 й.га нисбатан % ҳисоби- да
Иқтисодий индикаторлар.		
Ялпи ички маҳсулот	4868,4	104,5
Саноат маҳсулоти ҳажми	2884,5	108,1
Саноат маҳсулоти нарх индекси	X	142,2
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	1329,1	110,9
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	2086,8	104,5
шу жумладан:		
Дехқончилик	1097,6	107,0
Чорвачилик	989,2	101,9
Асосий капиталга инвестициялар	1194,2	103,7
Қурилиш ишлари	544,4	103,3
Юк ташиш, млн.т.	770,7	95,8
Юк айланиши, млрд.т – км.	55,9	102,3
Йўловчиларни ташиш, млн.киши	3438,1	96,6
Йўловчилар айланиши, млрд.пасс. – км.	31,6	102,6
Чакана товар айланмаси	2697,0	109,5
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	471,2	114,4
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари	6401,8	103,1
шу жумладан:		
Экспорт	3264,9	100
Импорт	3136,9	106,4

¹⁵ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2001 год. Ст. 5.

**Ўзбекистонда 2001 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби¹⁶
(умумий ҳажмга нисбатан, фоизларда)**

	Ялпи ички маҳсулот	Саноат маҳсулоти ҳажми	Қурилиш ишлари	Чакана товар айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш
Ўзбекистон Республикаси	24,4	14,1	36,8	45,8	39,9
Қорақалпоғистон Республикаси	21,1	22,0	30,6	28,2	37,3
Вилоятлар:					
Андижон	24,1	5,4	44,7	41,4	74,2
Бухоро	24,1	9,2	33,7	36,7	61,7
Жиззах	27,4	32,7	70,6	36,0	62,4
Қашқадарё	19,1	11,8	30,1	35,1	54,4
Навоий	14,5	3,6	30,8	37,8	47,9
Наманган	22,8	13,6	48,2	38,6	62,2
Самарқанд	29,8	26,4	69,2	52,0	53,7
Сурхондарё	29,8	27,0	60,2	32,0	69,2
Сирдарё	29,3	28,0	63,8	49,5	29,0
Тошкент	24,6	13,0	34,4	43,4	36,1
Фарғона	23,8	5,7	43,2	50,1	51,3
Хоразм	25,7	21,1	35,5	46,1	50,6
Тошкент ш.	45,1	33,7	23,5	57,0	33,1

¹⁶ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2001 год. Ст.100.

Ўзбекистон меҳнатга лаёқатли аҳолисининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши¹⁷

	1990	1991	1992	1993	1994	1996	1997	1998	2000
Жами бандлар	100	100	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:									
Саноат	15,1	14,3	13,9	14,2	13,1	12,4	12,8	12,7	12,7
қишлоқ хўжалиги	39,3	41,9	43,5	43,7	44,4	45,7	40,5	40,3	36,2
қурилиш	8,9	8,2	7,2	7,2	6,4	6,1	6,3	6,3	7,2
Транспорт ва алоқа	3,2	3,0	2,8	2,7	2,7	3,9	4,1	4,1	4,2
Савдо ва умумий овқатланиш	5,8	5,6	5,5	5,6	6,9	7,0	8,2	8,2	8,3
Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа фаолият турлари	1,8	1,8	2,1	1,6	2,0	1,3	2,7	2,8	5,5
Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари	25,9	25,2	25,0	25,0	24,5	23,6	25,4	25,6	25,9

¹⁷ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида шисобланди. Ўзбекистан в цифрах.1996. Краткий статсборник, ст.16. Ўзбекистоннинг иқтисодий йнналишлари, чораклик нашр.,1998, 3-чорак, Т.,. 58-бет. Социально - экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 г.

Айрим МДХ мамлакатларида 2001 йилда банд аҳолининг тармоқ таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида)¹⁸

Мамлакатлар	Арманистон	Белорус	Қирғизистон	Россия	Тожикистон	Украина	Ўзбекистон
Жами	100	100	100	100	100	100	100
шу жумладан:							
саноат	19,8	29,0	16,2	26,6	10,2	27,1	13,0
қишлоқ хўжалиги	2,0	16,9	7,5	10,0	43,6	17,7	37,4
қурилиш	3,3	6,6	4,0	6,8	2,6	4,5	8
Транспорт ва алоқа	7,3	7,4	7,1	8,2	4,0	8,0	4,8
Савдо ва умумий овқатланиш	1,0	7,9	2,2	8,8	1,6	5,0	9,0
Кўчмас мулк билан операциялар ўтказиш, бозорни таъминлаш бўйича умумий тижорат фаолияти	...	0,1	0,3	1,0	0,0	0,2	
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия							
Ижтимоий таъминот	16,6	8,0	16,2	8,4	8,5	10,0	6,9
Таълим	29,8	12,0	29,7	11,2	20,2	12,1	11,5
Санъат ва маданият	4,8	1,9	2,5	2,1	1,4	1,9	6,1
Фан	2,7	1,1	1,0	2,3	0,6	1,4	0,6
Кредит, молия, суғурта	0,9	1,5	1,3	1,4	0,8	1,2	
Бошқарув идоралари	6,8	2,3	8,2	5,3	3,2	4,7	1,6
Бошқа фаолият турлари	5,0	5,3	3,8	7,9	3,3	6,2	1,1

¹⁸ Ю.Иванов, Б.Рябушкин. Итоги развития экономики стран членов СНГ в 2001 году, ст.129

**МДҲ алоҳида мамлакатлари бўйича саноат ва қишлоқ
хўжалиги маҳсулотлари индекслари, асосий капиталга ин-
вестициялар
(доимий нархларда)¹⁹**

Мамла- катлар	Саноат маҳсулоти		Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти		Асосий капиталга инвестициялар	
	2001 й.да 2000 й. га нисбатан % ҳисо- бида	2000й.да 1999 й.га нисбатан % ҳисо- бида	2001 й.да 2000 й.га нисбатан % ҳисо- бида	2000 й.да 1999 й.га нисбатан % ҳисо- бида	2000 й.га нисбатан 2001й.да % ҳисо- бида	1999 й.га нисбатан 2000й.да % ҳисо- бида
Озарбайжон	105,1	106,9	111	112	117	103
Арманистон	103,8	106,4	112	98	114	127
Белорусия	105,4	107,8	102	109	94	102
Грузия	98,9	110,8	106	85	114	66
Қозоғистон	113,5	115,5	117	96	121	149
Қирғизистон	105,4	106,0	107	103	84	137
Молдавия	114,2	107,7	104	97	98	85
Россия	104,9	111,9	107	108	109	117
Тожикистон	114,8	109,9	111	113		
Украина	114,2	112,4	110	110	117	114
Ўзбекистон	108,1		104,5		103,7	

¹⁹ Ю.Иванов. Б.Рябушкина. Итоги развития экономики стран-членов СНГ в 2001г. ст.126.

2001 й.да асосий даромад турларининг ва товарлар ва хизматлар нархлари ўсиш суръатларининг нисбати²⁰

Мамлакатлар	2000 йилга нисбатан 2001 йилда				Нархлар ва даромадлар ўсишининг нисбати		
	Истеъмол нархлари	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари	1 ишчига тўғри келадиган ўр.ойлик иш ҳақи	Ўртача ойлик пенсия	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадларининг нисбати	Ўртача ойлик иш ҳақининг нисбати	Ўртача ойлик пенсия нисбати
Озарбайжон	102	110	127	172	0,93	0,80	0,59
Арманистон	103		111	100		0,93	1,03
Белоруссия	161	204	210	207	0,80	0,77	0,78
Грузия	105			100			1,05
Қозоғистон	108	119	118	114	0,91	0,92	0,95
Қирғизистон	107	111	118	100	0,97	0,91	1,07
Молдавия	110		127	112		0,87	0,98
Россия	119	125	142	107	0,95	0,83	1,11
Тожикистон	137	136	152	100	1,03	0,90	1,37
Ўзбекистон		-		143			
Украина	112	<u>127</u>	135	129	0,89	0,83	0,87

²⁰ Социально экономическое положение Республики Узбекистан за 2001 год. Ст 20.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси²¹
(млн. АҚШ доллари)

	2000 й.	2001 й.	2000 й.га нисбатан % ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	6212,1	6401,8	103,1
Экспорт	3264,7	3264,9	100,0
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатларига	1172,2	1117,0	95,3
Узоқ хорижий мамлакатларга	2092,5	2147,9	102,6
Импорт	2947,4	3136,9	106,4
шу жумладан:			
МДҲ мамлакатларидан	1125,6	1168,1	103,8
Узоқ хорижий мамлакатлардан	1821,8	1968,8	108,1

²¹ Социально экономическое положение Республики Узбекистан за 2001 год. Ст 21.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (2001 йил ҳолатига)

	Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд сўм.	Экспорт		Импорт, млн. АҚШ долл.
		млн. АҚШ доллари	Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % ҳисобида	
УздЭУ авто КО	124,3	74,3	24,6	221,5
Кабул –Узбек	33,2	73,3	89,6	31,0
Зарафшон - Ньюмонт	50,9	120,6	101,3	53,8
УзБАТ	27,3	6,6	10,1	16,5
DAEWOO TEXTIL COMPANY	22,3	27,5	50,5	12,5
Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД	21,5	6,2	9,8	23,3
РОЗ ТРЕЙДИНГ ЛТД	2,0	0,2	2,6	7,3
Косонсой – Текмен	3,8	1,5	13,5	0,6
Силк – Род	1,3	2,8	95,3	0,9
Самкочавто	5,1	1,9	12,6	6,2
Сингапур – Самарканд	4,2	3,0	28,7	5,2

Мундарижа

Сўз боши	3
1 Боб. Иқтисодий фаолият ва ресурслар чекланганлиги муаммоси	5
1.1. Ресурслар чекланганлиги муаммоси ва эҳтиёжлар	5
1.2. Иқтисодий фаолият ва унинг мазмуни	10
1.3. Миллий иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан алоқаси	11
1.4. Миллий иқтисодиёт иқтисодий таҳлилининг мақсади ва асосий йўналишлари	12
2 Боб. Иқтисодий фаолият ва миллий иқтисодиёт тарихи	15
2.1. Жаҳон иқтисодий тараққиётининг асосий босқичлари. Жак Пирен назарияси	15
2.2. Миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар	21
2.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва иқтисодий ривожланишига хос хусусиятлар	24
3 Боб. Мамлакат миқёсидаги иқтисодий фаолият	45
3.1. Миллий иқтисодиётнинг мазмуни	45
3.2. Миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланишини таъминловчи омиллар	48
3.3. Иқтисодий механизмлар ва уларнинг ўзаро таъсири .	49
4 Боб. Миллий иқтисодий фаолият иштирокчилари	53
4.1. Иқтисодий субъект ва миллий иқтисодий фаолият иштирокчиси тушунчаси	53

.....		
4.2. Гуруҳ ва давлат миллий иқтисодий фаолият иштирокчиси	сифатида	56
.....		
4.3. Иқтисодий субъектларнинг режа ва қарорлари. Микро- ва макросубъектлар, микро ва макроқарорлар		58
.....		
5 Боб. Миллий иқтисодий фаолиятнинг ташкил этиш шакллари		63
.....		
5.1. Иқтисодий фаолиятнинг тузилиши ва шакллари		63
.....		
5.2. Хўжалик юретишнинг асосий шакллари. Давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги роли		66
.....		
6 Боб. Мамлакат миқёсидаги иқтисодий фаолиятни таҳлил этиш усуллари		75
.....		
6.1. Миллий иқтисодиёт ривожланиши даражасини баҳолаш мезонлари		75
.....		
6.2. Миллий иқтисодиёт ривожланиши даражасини баҳолаш учун қўлланиладиган макроиқтисодий кўрсаткичлар. Инфляция. Аҳолининг меҳнатда бандлик даражаси. Бюджет тақчиллиги		81
.....		
7 Боб. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва иқтисодий фаолият иштирокчилари тизими		87
.....		
7.1. Меҳнат тақсимотининг мазмуни ва шакллари		87
.....		
7.2. Ихтисослашув ва унинг асосий шакллари		91
.....		
7.3. Ихтисослашувнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ..		92
.....		
7.4. Фаолият турларининг туркумланиш босқичлари. Ихтисослашув оқилона даражасини танлаш		98
.....		
8 Боб. Иқтисодий фаолият концентрацияси		104

.....	
8.1. Иқтисодий фаолият концентрацияси тушунчаси	104
.....	
8.2. Иқтисодий фаолият концентрацияси даражаси кўрсаткичлари. Ишлаб чиқаришнинг энг кам самарали кўлами	110
.....	
.....	
9 Боб. Миллий иқтисодиёт таркиби	115
9.1. Иқтисодий фаолият таркиби тушунчаси	115
.....	
9.2. Оддий иқтисодий бирликлар иқтисодий таркибини таҳлил қилиш тамойиллари. Фирманинг стратегик салоҳияти таркиби	118
.....	
9.3. Таркибий таҳлил	121
10 Боб. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари. Миллий иқтисодиётнинг ҳудудий жиҳатлари	125
10.1. Ҳудудий-географик жараёнларни тавсифловчи асосий тушунчалар	125
.....	
10.2. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш тамойиллари	126
.....	
10.3. Миллий иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби	130
.....	
11 Боб. Мамлакат иқтисодиётини бошқариш тамойиллари	133
11.1. Мамлакат иқтисодиётини марказдан туриб бошқариш	133
.....	
11.2. Рақобатли тартиб шароитларида иқтисодиётни тартибга солиш	138
.....	
11.3. Рақобатли тартиб тамойилларининг ўзаро алақадорлиги	144
.....	
12 Боб. Ўтиш даври иқтисодиёти муаммолари	149

.....	
12.1. Иқтисодий тартиблар алмашилиши шароитида ўтиш жараёни тушунчаси	149
.....	
12.2. МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатлари миллий иқтисодиётларида XX аср охиридаги ўтиш жараёни муаммолари	151
.....	
12.3. Марказий Осиё: иқтисодиётдаги таркибий силжишлар	158
.....	
.....	
13 Боб. Миллий иқтисодиёт фаолияти ва халқаро иқтисодий муносабатлар	165
13.1. Мамлакатнинг халқаро иқтисодий мавқеига таъсир кўрсатувчи омиллари	165
.....	
13.2. Иқтисодий тартиб ва миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви	170
.....	
14 Боб. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги	176
.....	
14.1. Иқтисодий хавфсизлик тушунчаси	176
.....	
14.2. Миллий иқтисодиётнинг рақобатдаги устунлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари	181
.....	
14.3. Миллий иқтисодиётни импорт интервенциясидан ҳимоялаш тамойиллари	184
14.4. Хорижий давлатлар томонидан иқтисодий экспанцияга қарши қаратилган тадбирлар	186
.....	
Фойдаланилган адабиётлар	189
.....	
Иловалар	194

Áîñèøãà ðóðñàò ýðèèèè 25.04.2003. Χάæìè 12,75 áîñìà òàáîκ.
Áè+èìè 60ð84 1/16. Àãããè 150 íóñðà. Áóρðòìà 36.
Ì.Óèóγáãè ììèãããè Ýçáãèèñòíí ìèèèèé Óíèããðñèðãðè
Иқтисодиёт факультети кичик áîñìàðííáñèèà +íí ýðèèèè.